37.005
П-29

Ж.Э.УСАРОВ, Л.Г.БАБАХОДЖАЕВА,
Г.Н.ШАРИПОВА, Н.Ж.ЭШНАЕВ

# ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИК



37:005
П-29

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**Ж.Э.УСАРОВ, Л.Г.БАБАХОДЖАЕВА,
Г.Н.ШАРИПОВА, Н.Ж.ЭШНАЕВ**

- 12181 -

# ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИК

*Ўқув қўлланма*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ
«MALIK PRINT CO»
2021

УДК 37:005.336.2(075.8)
КБК 74я73
П 29

**Педагогик компетентлик** [Матн]: ўқув қўлланма / Ж.Э.Усаров [ва бошқ.]. -Тошкент: «MALIK PRINT CO», 2021. - 244 б.

*П.ф.д., проф. У.М.Маҳкамов умумий таҳрири остида*

**Тақризчилар:**
**З.К.Исмоилова** – Тошкент ирригация ва мелиорация институти профессори п.ф.д;
**С.Б.Қораев** – Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси п.ф.д (PhD).

Ушбу қўлланмада Педагогика ва психология таълими йўналиши талабалари учун ривожлантирувчи таълимнинг умумий методик тамойиллари, ўзини ўзи ривожлантириш тушунчаси мазмун ва моҳияти, педагогик таълим кластери асосида талабаларда «Шахсий позицияни шакллантириш» компетенциясини ўзига хос хусусиятлари, компетенциявий ёндашувга асосланган таълимнинг ўқув материаллари мазмуни, анъанавий ва масофавий таълимни замонавий ўқитиш методлари ва технологиялари, ижтимоий-маданий муҳит, таълим кластери шароитида талабаларнинг ўз-ўзини ривожлантириш жараёнининг методик жиҳатлари, ўз-ўзини англаш ва бошқариш, шахснинг ўзини ўзи ривожлантириш модели ва замонавий ёндашувлар, компетенцияни шакллантиришда мустақил таълимнинг аҳамияти, компетенциянинг шаклланганлик даражасини аниқлаш усуллари, бу жараёнда интерфаол усуллардан фойдаланиш ҳамда мазкур жараён самарадорлигини баҳолаш кабилар ҳақида сўз юритилади.

Мазкур қўлланма Педагогика ва психология таълими йўналиши магистрлари ўқув дастури асосида тайёрланган бўлиб, узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида фаолият кўрсатаётган педагоглар, илмий тадқиқотчилар ҳамда бакалавр йўналишида таҳсил олувчи талабалар фойдаланиши учун мўлжалланган.

Ўқув қўлланма. Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Илмий Кенгашининг 2020 йил 18 декабрдаги № 6-сонли баённомасига биноан нашрга тавсия қилинган.

ISBN 978-9943-7652-5-2

## МУНДАРИЖА

КИРИШ ......................................................... 5

I БОБ. ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИК. ТАЛАБАЛАРДА ЎЗИНИ ЎЗИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1-§. Педагогик компетентлик. Педагогик таълимнинг инновацион кластери ҳақида тушунча .......... 12
1.2-§. Масофавий таълимнинг вужудга келиш объектив сабаблари ва зарурати .......... 23
1.3-§. Ривожлантирувчи таълимнинг умумий методик тамойиллари .......... 27
1.4-§. Илмий-педагогик манбаларда “ўзини ўзи ривожлантириш” ва ўзини “ўзи ривожлантириш компетенцияси” тушунчаларининг мазмун ва моҳияти талқини .......... 34
1.5-§. Талабаларнинг ўзини ўзи шахсий-касбий ривожлантиришида таълим кластери субъектларини ижтимоий-маданий ва таълимий муҳити .......... 43
1.6-§. Педагогик таълим кластери шароитида талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари .......... 53

II БОБ. ТАЛАБАЛАРДА ЎЗИНИ ЎЗИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ ПЕДАГОГИК ТАЪМИНОТИ ВА ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

2.1-§. Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим .......... 61
2.2-§. Талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантиришда ўқув материали ва мазмуни, ўқитиш методлари хамда технологиялари .......... 65
2.3-§. Талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантиришда таълим муассасаси ижтимоий-маданий муҳитининг ўрни .......... 73
2.4-§. Таълим кластери шароитида талабаларнинг ўз-ўзини ривожлантириш жараёнининг методик жиҳатлари .......... 87
2.5-§. Ўз-ўзини англаш ва бошқариш .......... 98

2.6-§. Талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш комптенциясини шакллантиришда ўқув-билиш фаолияти – асосий тушунчалар ....110
**III БОБ. ЎЗИНИ ЎЗИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АМАЛИЙ АСОСЛАРИ ....121**
3.1-§. Шахснинг ўзини ўзи ривожлантириш модели ва замонавий ёндашувлар ....121
3.2-§. Педагогик таълим кластери асосида талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантиришда мустақил таълимнинг аҳамияти ....131
3.3-§. Талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясининг шаклланганлик даражасини аниқлаш усуллари ....145
3.4-§. Талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш комптенциясини шакллантиришда интерфаол усуллардан фойдаланиш ....155
3.5-§.Талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш комптенциясини шакллантириш жараёни самарадорлигини баҳолаш ....167
3.6-§. Масофавий таълимни ташкил этишда интерфаол методларидан фойдаланиш технологияси ....188

Тест саволлари ....214
Изоҳли луғат....223
Фойдаланган адабиётлар рўйхати:....240



# КИРИШ

Бугунги кунда таълим тизимида амалга оширилаётган жиддийислоҳотлар мазкур тизимни тубдан такомиллаштириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли йўналишларини аниқлаш, айниқса, педагог кадрларнинг касбий малакалари ва билим савиясини узлуксиз юксалтиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар тўғрисидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам долзарб масалалар қаторида илм-фан ва таълим, таълим ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт муносабатларига алоҳида урғу берилганлиги бежиз эмас. Модомики, таълим тизимининг марказида инсон капитали, уни тўғри тақсимлаш, ундан самарали фойдаланиш ва мақсадли йўналтириш турар экан, бунда барча таълим турлари тизимини жамиятнинг барча манфаатдор томонлари, таълим жараёнининг барча субъектлари билан яхлитликда бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш ҳамда таълимнинг тўлиқ узлуксизлигига эришиш олдимизда турган муҳим вазифалардандир.

Кейинги йилларда юз бераётган туб ўзгаришлар жамият ҳаётининг барча соҳаларига янгича инновацион ёндашувлар, мавжуд қарашлар, тушунчалар ва муносабатларни тараққиёт кўзгуси ва самарадорлик мезонлари билан қайта кўздан кечиришни тақозо этмоқда. Истиқлол йилларида таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилганини таъкидлаган ҳолда, айтишимиз жоизки, мақсадлар ва уларга эришиш усул ва воситаларини аниқ белгилай олмаслик, меҳнат бозори талабларини чуқур ўрганмаслик, ундаги талаб ва таклифнинг номувофиқлиги кабилар оқибатида бир мунча муаммолар вужудга келди.

Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Прези-

дентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” ҳамда 2017 йил 20 апрелда “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарорларида белгиланган вазифалар қаторида ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш энг муҳим вазифалар этиб белгиланди.

Бу ўз навбатида олий таълим муассасаларидан ўқитиладиган барча фанлардан ўқув машғулотларини ташкил этиш ва улар асосида талабаларнинг интелектуал қобилиятларини ривожлантиришда замонавий талабларга, педагогик ва ахборот технологияларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини тақозо этади. Мазкур технологияларнинг асосий моҳияти талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш асосида компетентликка йўналтирилган бўлиб, шу асосда ўқув машғулотларини ташкил этиш ва бошқаришда уларнинг ҳаётий тажрибаси, эхтиёжи, қизиқиши ҳамда имкониятларига таянилади.

Ушбу долзарб вазифаларни амалга ошириш орқали малакали мутахассисларни тайёрлашда олий таълим муассасаларида янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Бу вазифаларни амалга оширишда хориж тажрибаларидан самарали фойдаланиш ва улар асосида ўқув машғулотларини ташкил этиш лозим. Чунки, ўқув машғулоти педагогик ижодкорликнинг асосий майдони бўлиб, уни ташкил қилиш ва бошқаришга тўғри, янгича муносабат керак, бу жараёнда педагоглар олдида муҳим бир масала туради, у ҳам бўлса талабаларни билим олишга ҳамда уларни педагоглар билан ҳамкорликда ишлашга, касб билимлари ва кўникмаларини узлуксиз чуқурлаштириш орқали ўқув машғулотлари сифатига эътибор беришга яъни, педагогик коппетентлигини ривожлантиришга жалб қилади.

Таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш-



га қаратилган бу ва бошқа ҳужжатларнинг барчасида соҳага инновацияларни киритиш, хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ижодий ёндашувларни қўллаб-қувватлаш, таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириш билан боғлиқ умумий жиҳатлар мавжуд.

Таълим тизимида мавжуд камчиликларни ўрганиш ва уларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, педагогик таълим йўналишларини мувофиқлаштириш, истиқболни режалаштириш, таълим босқичлари ўртасидаги алоқа ва интеграциянинг сустлиги, таълим субъектлари фаолиятидаги тарқоқлик ҳудудда педагог кадрларга бўлган эҳтиёжнинг қондирилмаслиги ва таълим сифатининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда таълим муассасаларида **педагогик таълим инновацион кластерини яратиш** билан боғлиқ янги тизимни ўзининг устувор стратегик йўналиши сифатида белгилаб олиш ва шу тизим асосида муайян ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Ушбу тизим енгил саноат, қишлоқ хўжалигининг қатор тармоқлари ҳамда иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқларида самарали ҳисобланган кластер усулини таълим жараёнига татбиқ этишни назарда тутади. Дарҳақиқат, ишлаб чиқариш тармоқларида хомашёни етиштириш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотга айлантириш ҳамда уни реализация қилиш кетма-кетлиги занжири мавжуд бўлиб, ушбу кетма-кетлик педагогик таълим тизимида ҳам инсон капитали кўринишида мавжуд. Бу эса ишлаб чиқаришда самарали бўлган кластер моделини таълим тизимига жорий этиш назарий жиҳатдан мумкин эканлигини кўрсатади.

Педагогик таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда фан ва таълим бўғинлари ўртасидаги алоқадорликни таъминлаш узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш тизимига ўтказиш заруратини тақозо этмоқда. Педагогик таълим инновацион кластери узлуксиз таълим тизимидаги барча таълим турлари, илмий тадқиқот институтлари ва марказлари, амалиёт базалари, илмий ва илмий-методик тузилмаларнинг бир бутунлиги бўлиб, уларнинг биргаликдаги вазифалар тақсимланган фаолияти пе-

дагогик таълим тизимини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш имконини беради. Бинобарин, кластернинг асосий мақсади ўз таркибига кирувчи таълимий-илмий-инновацион салоҳиятни нафақат юқори фуқаролик ва касбий лаёқатлилик даражаси билан, балки рақобатбардошлиги, янгиликларни қабул қила олиш қобилияти, янги таълим дастур ва технологияларини лойиҳалаш ҳамда амалга ошира олиш қобилиятига эга замонавий таълим мутахассисларини тайёрлаш учун бирлаштиришдир.

Педагогик таълим ривожланишининг кластер тизими таълим бериш, янги авлод ўқув адабиётларини яратиш, педагог кадрлар илмий салоҳиятини ошириш, таълим ва тарбия узвийлиги билан боғлиқ умумий йўналишларда фаолият олиб боради. Айни пайтда бу умумий йўналишлар таълимни бошқариш ва ташкиллаштириш, таълим турлари ва йўналишлари ўртасида узвийлик ва интеграцияни таъминлаш, ўқитиш шакллари, методлари, воситалари ва технологияларидан фойдаланиш каби йўналишларда хусусийлашади.

**Қуйидагилар кластер тизимининг субъектлари сифатида иштирок этади:** талабалар, магистрантлар ва докторантлар педагогик амалиёт ўтайдиган, таълимий, илмий тадқиқотчилик, инновацион ва лойиҳалаштириш фаолиятини олиб борадиган ўқув ва тажриба экспериментал база вазифасини ўтайдиган барча таълим турлари; таълимнинг турли даражаларидаги янгиланишларга мувофиқ равишда педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасалари; ҳамкорликдаги илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган ва уни белгилайдиган илмий ва илмий-методик тузилмалар, марказлар, илмий тадқиқот институтлари; педагогик ҳамжамиятлар, ташаббускор жамоалар, жамоат бирлашмалари, давлат ва нодавлат ташкилотлар, хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказлар.

Кластер тизими ҳар бири алоҳида фаолият олиб борадиган субъектларни умумий мақсад атрофида бирлаштиради ва айни пайтда ҳар бир субъект умумий мақсаддан келиб чиққан ҳолда хусусий манфаатдорлик асосида иш юритади. Кластер тизими субъектлари бир-бирини қўллаб-қувватлайди ва назорат қилади, ҳар бири алоҳида кластернинг маънавий ва интеллектуал май-



донини яратади, ижтимоий таъсири ҳамда аҳамиятини кенгайтиради. Педагогик таълим инновацион кластери алоқадорлик, узвийлик, изчиллик, ворисийлик, замонавийлик, йўналтирилганлик, манфаатдорлик тамойилларига асосланади.

Педагогик таълим кластери фаолиятининг асосий мақсад ва вазифалари қуйидаги 1-жадвалда берилган:

*1-жадвал*

**Педагогик таълим кластери фаолиятининг асосий мақсад ва вазифалари**

| № | Мақсади | Вазифалари |
|---|---|---|
| 1 | Педагогика соҳасида самарали ворисийликни таъминлаш ва энг яхши талабаларни педагог касбига тарғиб қилиш. | Таълим муассасалари учун замонавий билим ва малакага эга педагог кадрларни тайёрлаш. |
| 2 | Педагогларнинг касбий тайёргарлигини амалиётга яқинлашган ҳолда ва манфаатдор субъектлар билан самарали алоқасини интенсив таъминлаган ҳолда олиб бориш. | Таълим сифатини оширишда инновацион педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш. |
| 3 | Бўлажак таълим мутахассисларини инновацион тажрибага эга бўлган амалиётлар базасида тайёрлаш муҳитини яратиш. | Педагогика соҳасида илмий фаолиятни изчил йўлга қўйиш. |
| 4 | Ёш мутахассисларнинг касбий кўникмаларини эгаллаш даврини қисқартириш. | Таълимнинг асосий (дарслик) ва ёрдамчи (луғатлар, қомуслар, электрон манбалар каби) воситалари мазмун-моҳиятиинг таълим босқичлари кесимидаги узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш. |
| 5 | Талабаларни бугунги жадал ривожланиш жараёнларида бевосита иштирок этишини таъминлаш. | Таълим муассасалари педагогларининг билим савиясидаги бўшлиқларни тўлдириш мақсадида махсус ўқув курслари ташкил қилиш. |
| 6 | Педагогик таълимда янги авлод ўқув, ўқув-методик, илмий адабиётлар, воситалар ва дидактик материаллар мажмуасини яратиш. | Таълим муассасаларида фанларни ўқитиш билан боғлиқ муаммоларни бартараф қилиш мақсадида вилоят илмий-амалий семинарлар ташкил қилиш. |

| | | |
|---|---|---|
| 7 | Педагогик таълим илмий, илмий-педагогик салоҳиятини ошириш. | Профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида илмий тадқиқот институтлари, илмий марказлар ва таянч олий таълим муассасалари билан илмий ҳамкорликни кучайтириш. |
| 8 | Педагогик таълимни ривожлантиришнинг долзарб масалалари атрофида интеллектуал ресурсларни интегра-циялаш. | Таълим муассасаларида илмий тадқиқот олиб бориш лаёқатига эга педагогларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш. |
| 9 | Таълим, фан ва педагогик амалиётнинг турли шакл ва турларини излаб топиш ва таълимга татбиқ этиш. | Педагогика соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш мақсадида етакчи хорижий ОТМларга стажировкаларни амалга ошириш. |
| 10 | Таълим ва тарбия узвийлигини таъминловчи механизмларни такомиллаштириш. | Таълим кластери шароитида тарбия узвийлигини таъминловчи методларни жорий этиш. |
| 11 | Педагог кадрларни тайёрлашда мактабгача, ўрта таълим ва ОТМ ҳамда бошқа талабгорлар билан ўзаро тезкор қайта боғланиш имкониятини яратиш. | Педагогик таълим бўғинлари ўртасидаги алоқадорлик, боғлиқлик ва ҳамкорлик заруриятини илмий асослаш |

Шундай қилиб, жамиятимизнинг бугунги ривожланиш босқичида педагогик таълим инновацион кластери таълимда ички ва тармоқлараро алоқадорликни таъминлайдиган, илмий-тадқиқот, илмий-методик муассасаларда тўпланган тажриба ва эришилган илмий ютуқларни таълим ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларига етиб боришини самарали амалга оширадиган яқин келажакдаги энг муҳим тизим сифатида тақдим этилмоқда.

Бунда таълим муассасалари ва жамият бошқа манфаатдор томонларининг ўзаро узвий ва узлуксиз алоқасини таъминлаш, таълим жараёнининг пировард маҳсули – ҳар томонлама етук педагог кадрларни етиштириш ва жамиятга наф келтириши учун илмий, ижодий, маънавий, иқтисодий имкониятлар яратиш мақсадга мувофиқдир. Чунки кадрлар билим савияси ва рақобатбардошлиги иқтисодий ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва жамиятнинг бошқа соҳалари тараққиёти ва рақобатбардошлиги-нинг асосидир. Бошлаган ҳар бир ишимиздаги сифат ва самара айнан шу масала билан чамбарчас боғлиқлиги-



ни ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва қолаверса ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатиб турибди.

Ушбу ва бошқа вазифаларни самарали амалга ошириш учун аввало, таълим муассасаларида барча фанлар бўйича ўқув жараёнини ташкил этишнинг илмий-назарий асослари бўлган ўқитиш тамойиллари ва қонуниятларини такомиллаштириш лозим. Бунинг учун республикамиз таълим соҳасидаги давлат сиёсатига оид асосий йўналишларни таҳлил қилиш лозим. Бу борада таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг муваффақияти узлуксиз таълим тизимининг барча турларида ўқув жараёнини ташкил этишда қўлланиладиган ўқитиш тамойиллари таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари ва узлуксиз таълим тизимининг фаолият кўрсатиш тамойилларига қанчалик мос келиши ва уларни амалиётга жорий этишга сафарбар этилганлигига боғлиқ.

# I БОБ. ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИК. ТАЛАБАЛАРДА ЎЗИНИ ЎЗИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

## 1.1-§. Педагогик компетентлик. Педагогик таълимнинг инновацион кластери ҳақида тушунча

Таълим соҳасидаги кенг ислоҳотларнинг амалга оширилиш зарурати шундаки, мустақил Республикамиз жаҳон хамжамиятида ўз ўрнини топиши, бозор иқтисодиётига ўтиши, илмий-техника ривожланишидан орқада қолмаслиги учун жаҳон андозаларига мос келадиган салоҳиятли кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Амалга оширилганислоҳатлар ва қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда баркамол шахс, малакали мутахассис ҳамда ўз касбининг эгаси бўлган компетент педагогларни тайёрлаш жараёнининг моҳияти тўла қонли очиб берилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йилдаги 187-сонли қарорида ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилгаи давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилган тегишли тартибда тасдиқланган.

Компетентликка бағишланган ишлар билан Хорижийда ҳам кўпгина олимлар тадқиқот ишлари олиб борилган. Буларга мисол қилиб, В.И.Байденко, А.Г. Бермус, А.А. Вербицкий, И.А.Зимняя, В.В.Краевский, Дж. Равен, А.И. Субетто, А.В. Хуторский каби олимларни санаб ўтиш мумкин. Улар ўтказган тадқиқотларда компетентлик тушунчасини турлича талқин қилинган. Бундай тадқиқотлар таълим сифатини оширишга бағишланган бўлиб “компетенция” ва “компетентлик” тушунчалари билан боғлангандир. Меҳнат бозоридаги талабнинг тез ўзгариши, иш берувчиларнинг фақатгина унинг билими, кўникмаси ва малакасига эътибор бериб қолмай балки унинг шахсий сифатларига эътибор қарата бошлаганлиги билан белгиланади. Шунга кўра XX аср охири ва XXI аср бошида дунё фани ва амалиётида компетенциявий ёндашув эътироф этилиб кенг



тарқала бошлади.

“Таянч компетенциялар” атамаси дастлаб 1992 йилда Европа Кенгашининг “Европада ўрта таълим” лойиҳасида пайдо бўлган. У даврда таянч компетенциялар таркибини ифодалаш ва уни шакллантириш жараёни муаммоси асосан касбий таълимда ўрганилган. Кейинчалик Россияда умумий ўрта таълимда компетенциявий ёндашувни амалга ошириш жарёнининг асосий йўналишлари очиб берилган.

**Компетентликнинг назарий усуллари**: компетенцияларни шакллантириш муаммоларига оид педагогик, психологик, фалсафий адабиётларни анализ қилиш; таълим жараёнини конструкциялашнинг мавжуд усул ва методларини компетенциявий ёндашув позициясидан туриб умумлаштириш; компетенцияларни шакллантириш жараёнининг самарадорлигини оширадиган педагогик шарт-шароитларни тизимлаштириш; компетенцияларни шакллантиришнинг замоновий педагогик тажрибаларини реал ўқув-тарбия жараёнида ўрганиш; компетенцияларни шакллантириш жараёнини моделлаштириш.

**Компетентликнинг амалий усуллари**: компетенцияларни шакллантириш бўйича тажрибалар олиб бориш; педагогик кузатув, анкета ўтказиш, ўқитувчилар, мактаб раҳбарияти ҳамда ота-оналар билан суҳбатлар ўтказиш; педагогик фаолиятни анализ қилиш, меъёрий хужжатларни, ўз-ўзини ва эксперт баҳолашни, маълумотларга статистик ишлов беришни ўрганиш; тажриба-синов натижаларини умумлаштириш.

Педагогик компетентлик предметларидан бири сифатида ҳозирги замон жамиятида билимларнинг жадал суръатлар билан ортиши ва уларни индивид томонидан ўзлаштиришнинг чекланган имкониятлари ўртасидаги зиддият таълимни бўлажак мутахассисларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантириш асосида таълимни янгилаш заруратини келтириш мумкин. Шахснинг ўзини ўзи ривожлантиришини муаммосини ўрган замонавий тадқиқочилар (В.И.Андреев, Л.Н.Куликова, Б.М.Мастеров, Г.И.Муҳамедов, Ж.Э.Усаров, Г.А.Цукерман, Ш.Ш.Шарипов кабилар) ўзини ўзи ривожлантириш ғоясини таълимни янгилашнинг методологик асосларидан бири сифатида қарайдилар.

Бундан келиб чиқадики, республикамизда таълимни янги-
лаш, миллий инновацион тизимларни шакллантириш энг усту-
вор вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Таълим соҳасида
миллий инновацион тизимнинг шаклланиши ва муваффақият-
ли фаолият юритиши соҳага кластер ёндашувини жорий этиш
билан узвий боғлиқ. Таълимда кластер ёндашуви кадрлар тай-
ёрлаш сифатини ошириш ва шу орқали жамиятнинг ривожлан-
тириш учун янги имкониятлар излаш ва унинг фаровонлигини
оширишни назарда тутади. Бундан кўринадики, таълим соҳа-
сида кластернинг ривожланиши ва кластер ёндашуви жуда ис-
тиқболли соҳалардан саналади.

Шунингдек, таълимнинг янгича ёндашуви ҳисобланадиган
аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг педаго-
гик компетентликни ривожлантириш муаммосини ҳар томон-
лама ўрганиш, педагогик компетентликни муваффақиятли ри-
вожлантириш жараёни боғлиқ бўлган масалаларни аниқлаш ва
тизимлаштириш, бу муаммони умумий касбий компетентликни
ривожлантиришнинг долзарб масалалари қаторига киритиш
ушбу илмий тадқиқот ишининг устувор вазифаларидан бири
эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Педагогик компетент-
ликни ривожлантириш муаммосини долзарб ва аҳамиятидан ке-
либ чиқиб, ҳозирги шароитда мавжуд ижтимоий эҳтиёж фонида
ҳамда иқтисодий шарт-шароитлар сабабли «Педагогик компе-
тентлик» ўқув курси даражаси ва мазмунини комплекс такомил-
лаштириш борасида изчил ишлари олиб борилиши зарур.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўқитувчилар тайёрлаш
жараёни ва ўқитиш методикасини такомиллаштириш, бўлажак
ўқитувчиларнинг касбий ва педагогик кўникмаларини ривож-
лантириш ҳамда маҳоратларини ошириш технологиялари бўйи-
ча салмоқли ишлар олиб борилмоқда ва анчагина педагогик
тажрибалар тўпланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, аралаш таълим шароитида ишлаш-
га тайёргарлик атамаси билан биргаликда, “педагогик компетен-
ция”, «педагогик компетентлик», «таълим кластери шароитида
педагогик компетентлик» каби қатор тушунчалар ҳал қилувчи
аҳамиятга эга. Гап шундаки, педагогик нуқтаи назардан қарал-
ганда, ушбу тушунчаларнинг барчаси бир-бирлари билан ўзаро



алоқадор ва боғлиқ бўлиб, улар бир-бирларини мазмунан тўл-
диради. «Компетентлик” касбий билимлар ҳамда шахсий си-
фатларнинг ижобий ва ижодий уйғунлашган даражасини, аниқ
фаолиятда уларнинг фаоллашиш даражасини акс эттиради.

«Педагогик компетентлик» тушунчаси педагогик маҳорат-
нинг асосини ташкил этади. Педагогик компетентлик деганда,
аниқ тарихий жараёнда қабул қилинган нормалар, стандартлар
ва талабларга мувофиқ равишда педагогик функцияларни ба-
жаришга тайёрликни ва қобилиятни белгилайдиган интегратив
касбий-шахсий хусусият тушунилади. Педагогик компетентлик
педагогика соҳасида профессионал сифатида иш олиб боради-
ган шахснинг педагогик фаолият ва муносабат усуллари, шакл-
лари тўғрисида эгалланган билимлари ҳамда бутун ҳаётий ва
педагогик тажрибаларидан таълим-тарбия жараёнида оқилона
фойдалана олишини назарда тутади. Касбий-педагогик компе-
тентликнинг бошланғич кўрсаткичи - бу шахсга ва инсонпар-
варликка йўналганликдир.

Касбий-педагогик компетентлик - педагогик воқеликни ти-
зимли идрок этиш ва унда тизимли равишда ҳаракат қилиш кў-
никмасини ўз ичига олади. Ушбу хусусият педагогик жараён-
лар мантиғини яхлит, тизимли кўриш имконини таъминлайди,
педагогик тизим ривожланишининг қонуниятлари ва тенденци-
яларини тушуниш мақсадга мувофиқ фаолиятни лойиҳалашти-
ришни осонлаштиради.

Психологик луғатда “педагогик комптентлик - таълим ва
тарбия масалаларини профессионал даражада, малакали ҳал
қилиш имконини берадиган билим, кўникма ва тажриба” тар-
зида таърифланади. Луғавий маъноси эса (немисча kompetenz,
французча competence, лотин competens сўлардан келиб чиққан
бўлиб, шахснинг ўзининг касбий вазифасига мослигини, қоби-
лиятлигини англатади) - педагогик фаолиятга тайёргарликнинг
назарий ва амалий ташкил этувчиларини юқори даражада эгал-
лаганлигини, ўқитувчи касбий маҳоратининг юқори эканлигини
билдиради. Шунингдек, педагогик компетентлик бошқа қатор
ташкил этувчиларни назарда тутади: педагогик фаолиятнинг
индивидуал услуби, унга ижодий ёндошиш ва педагогик реф-
лексиянинг ривожланганлиги сифатида изоҳланади.

Адабиёт ўқитиш методикасида педагогик комптентликка қуйидагича таъриф берилган: педагогик компетентлик - тизимли касбий билим ва кўникмаларга, педагогик фаолиятнинг мазмуний ва расмий аспектларида муайян тажрибасига эга бўлган ўқитувчининг интегратив сифатидир. Масалан, педагогик компетентликка эга ўқитувчи нафақат ўзи дарс берадиган ўқув фанини ва уни ўқитиш методикасини яхши билиши, балки таълимнинг ривожланиш тенденцияларидан хабардор бўлиши, замонавий ўқув ва ахборот технологияларидан фойдаланиши, таълим мақсадлари мазмуни, шакллари, методлари, воситалари ва жорий этиш шарт-шароитларини белгилайдиган асосий компетенцияларни эгаллаган бўлиши бўлиши керак.

Демак, педагогик компетентлик маҳорат амалга ошириладиган фаолиятнинг самарадорлиги даражасини билдиради. Ўқув тушунчаси фаолиятнинг жараёнли аспектларини – касбий фаолият стандартлари билиш ва унга амал қилган ҳолда ҳаракатларни муайян тартибда ва кетма-кетликда, ўзаро боғлиқликда амалага оширишни англатади. Профессионаллик, фаолият субъектининг идеал мақомини мақбул ижтимоий талабларга мувофиқ равишда белгилайди, мутахассисликни пухта эгаллаганликни ифодалайди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, компетенциявий ёндашувнинг асосини ташкил этган атамалар моҳиятини тушуниш борасида ҳалигача ягона қараш мавжуд эмас.

Компетентлик шахснинг интеграл хусусияти сифатида, таълим жараёнида белгиланган компетенциялар йиғиндиси ёрдамида шаклланади ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятида намоён бўладиган, касбий ва инсоний сифатлар сенергетикасидан иборат бўлади. Компетентлик – инсоннинг ижтимоий-касбий фаолиятидаги интеллектуал ва шахсий шартли тажрибасини, барча компетенцияларга эгалик даражасини, касбий фаолиятда компетенцияларни қўллашга тайёрлик босқичини билдиради.

**Педагогик таълим инновацион кластери шароити,** деганда таълим кластери босқичларида таълим-тарбия узлуксизлигини таъминлашга қаратилган ўзаро ҳамкорликни юзага келтирувчи мавжуд ҳамда яратилиши зарур бўлган педагогик шароитлар, имкониятлар бирлиги кўзда тутилади. Бу аввало таълим



бўғинларидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш методлари, воситаларини ҳамда амалга ошириш механизмларини белгилаб беради. Бу шароитда педагогнинг компетентлиги ўта муҳим аҳамият касб этади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг аралаш таълим муҳитига тайёргарлик жиҳатлари таълим моделини амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитлари самарасининг энг муҳим жиҳатларини намоён қилади. Педагогик фаолият таълим самарадорлигини оширишнинг педагогик шарт-шароитларни таҳлил қилиш нуқтаи назаридан бўлажак ўқитувчиларнинг аралаш таълимга тайёргарлик муҳитини шакллантириш муҳим шартлардан ҳисобланади.

Фалсафада "шароит" тушунчаси, давлат ва жамият, масъул маъмурий ташкилотлар, муайян ташкилот раҳбарлари ва унинг жамоаси томонидан яратиладиган ёки таълим олувчининг ўрганиш фаоллиги натижасида юзага келтириладиган таълимий жараёнларни, ўрганиш, ташкиллаштириш ва самарали педагогик усуллар, воситаларни қўллаш имкониятлари мажмуасини қамраб олади. Бунда педагогик жараённи ташкил этиш алоҳида эътибор бериш зарур бўлган устувор жиҳат ҳисобланади ва ўз таркибига таълим олувчилар, таълим жараён мақсади, шакллари, методлари, воситалари ҳамда натижаларини бирлаштиради.

Таълим шароитидаги педагогик компетентлик шартлари: педагогика назарияси ва психология асосларини билиши; педагогик маҳоратга эга бўлиши; замонавий технологияларини ўзлаштира олиши; ҳиссий барқарор бўлиши; тинглай билиши ҳамда касбий, ташкилотчилик, мулоқотга киришувчанлик, бошқарувчанлик, ижодий фаолиятни ташкил эта олиш ҳамда воқеликни тўғри баҳолай олиш сифатлари билан белгиланади. Шунингдек, тадқиқотчилик, мақсадни аниқ қўя олиш ва унга эришиш; вақтни тўғри тақсимлай билиш ҳамда ижодий фаолиятни ташкил этиш кўникмасига эга бўлиши ахлоқли, ўз фаолиятини танқидий баҳолай олиши зарур.

Шундай қилиб, педагогик шарт-шароитлар тушунчасининг мазмун- моҳияти педагогик йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуини шакллантириш, қўйилган мақсадларга эришиш, ўзаро ҳамкорлик ва уларнинг таркибига тасодифий сабабларнинг



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

кириб келишига тўсқинлик қилувчи қўшимча омилларни барта-раф этишдан иборат. Унинг шаклланиш ва ривожланиш омил-лари эса, аралаш таълимнинг хусусиятларини ҳисобга олиш лозим бўлган анъанавий, масофавий ва мустақил таълимни ўз ичига олади.




**3-расм. Педагогик жараённинг ташкилий элементлари**

Юқоридаги омилларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги педа-гогик шарт-шароитларни ажратиб кўрсатиш мумкин: аралаш таълим асосида интеграциялашган таълим муҳитини яратиш; аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик компетентлигини шакллантириш моделининг компонентала-рини ишлаб чиқиш; талабаларнинг қобилиятини шакллanti-ришда масофадан таъсир ўтказишдан иборат бўлиб, педагогик компетентликнинг таянч мезони шахсни ўзини ўзи ривожланти-риш компетенцияси ҳисобланади.

Педагогик таълимнинг инновацион кластери шароитида та-лабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакл-лантиришни педагогик муаммо сифатида ўрганишда, энг авва-ло, муаммонинг назарий аспектларини қараб ўтиш, “кластер”, “таълимда кластер” ёки “таълим кластери”, “компетенция”, “шахснинг ривожланиши” “ўзини ўзи ривожлантирниш”, ўзини ўзи ривожлантирниш компетенцияси” каби тушунчасининг маз-муни ва моҳиятини очиб бериш, ўзини ўзи касбий ривожлан-



тириш тузилмасини аниқлаш ва асослаш, олий таълим муас-сасаларида талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетен-циясини шакллантиришга педагогик таъсир кўрсатишнинг ўзга хос хусусиятлари ўақида тўхталиб ўтиш лозим.

**“Кластер” атамаси** инглизча “cluster” сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўзбекчага таржима қилинганда “тўплам”, “тўп”, “гуруҳ”, “йиғилган”, “гуруҳларга тўплаш”, “тўпламларда ўсиш” каби маъноларини англатади.

Кластер – бир-бирлар билан боғлиқ бўлган ва бирор уму-мий белгиларига кўра ажратиладиган объектларнинг гуруҳлар-га бирлашишидир. Дастлаб бу атама статистика ва компьютер соҳасида пайдо бўлган, кейинчалик иқтисодиёт ва социоло-гияда ҳам кенг қўлланила бошланди. Ҳозирги вақтда кластер тизими турли соҳаларда, жумладан, таълим соҳасида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Мазкур атама фан ва ишлаб чиқариш соҳалари хусусиятлари-дан келиб чиққан ҳолда, турлича таърифланиб, ҳар хил талқин этилса-да, лекин аммо уларни бирлаштириб турадиган умумий жиҳатлар мавжуд: ўзаро манфаатли ҳамкорлик; рақобатбардо-шлигини кучайтириш; иштирокчиларнинг тенг ҳуқуқлилиги; умумий мақсад; умумий мақсаддан хусусий манфаатдорлик; иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий аҳамиятга эгалик; субъектлар-нинг битта жуғрофий ҳудудда жойлаганлиги; субъектларнинг бир-бирини тўлдириши; ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий са-лоҳиятини ошириш ва бошқалар.

**Таълимда кластер** муайян соҳалардаги (кадрлар тайёр-лаш, (нанотехнология, робототехника, ресурсларни тежаш ва бошқалар) таълимий фаолият шаклларга кўра бирлашган таъ-лим, ишлаб чиқариш, илмий ва бошқа ташкилотларнинг очиқ тизимидир. Бу бирлик, мажмуа алоқани тармоқ орқали амалга оширади ва натижада тизимда таълим ресурслари сезиларли да-ражада ортади.

С.Н.Растворцев, Н.А.Череповскаянинг эътироф этишича, таъ-лим кластери – горизантал алоқалар устуворлигига асосланган таълим – технология – ишлаб чиқариш инноваацион занжири доирасида ўқитиш, ўзаро ўқитиш ва мустақил ўқиш тизимидир. Бунда таълим муассасалари ва корхона-иш берувчилар интегра-

циясига асосида корхоналар учун мутахассисларни кўпдаражада тайёрлашнинг яхлит тизими қурилади ва бу ўз навбатида кадлар тайёрлаш сифатини ошириш, муддатини қисқартириш, битирувчиларнинг корхоналарда ўрнини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришнинг жорий ва келгусидаги талабларини ҳисобга олган ҳолда корхоналарда ихтсослашган мутахассислар малакасини ошириш мослашувчан тизимини яратиш имкони туғилади.

Ҳозирги вақтда бизнинг республикамизда инновацион кластерларни яратиш муаммоси ўзининг шаклланиши босқичида турибди.

**Педагогик таълим кластери** – ўқитиш, ўзаро алоқада бўлган таълим – технология – ишлаб чиқаришнинг инновацион занжири доирасида бир-бирларини ўзаро ўқитиш тизими (кадрлар тайёрдаш сифатини оширишиш ва муддатини оптималлаштиришга имкон берувчи таълим муассасалари ва ва иш берувчи корхоналарнинг интеграцияси асосида педагогларни кўп босқичли тайёрлашнинг яхлит тизимини қуриш).

**Илмий-таълим кластери** – бу мактабдан то ишлаб чиаришга қадар узлуксиз таълимнинг яхлит тизими. Таълим кластери деганда очиқ дастурлар комплекси ёрдамида таълим муассасалари ва иш берувчиларнинг биргаликда кадрлар тайёрлаши тушинилади.

Қараб ўтилаётган “кластер” атамаси “инновацион” сифати билан биргаликда кластерлар ва кластер ёндашуви, энг аввало, инновацион таълим учун характерли экани ҳақидаги тезисни тасдиқлпайди, таълим кластерлари эса тнновацилн ўқитишни ташкил этиш шаклларидан бири ҳисобланади. Таълимни ташкил этишнинг кластер шакли зарур касбий компетенцияларни эгаллаган юқори малакали педагогларни тайёрлашга имкон беради.

Педагогик таълим кластери қуйидаги даражаларда амалга оширилиши мумкин: халқаро, давлат, минтақавий миқиёсларда; муайян таълим турида, алоҳида ўқув мазмунида. Узлуксиз педагогик таълимнинг ўқув-илмий инновацион кластери – педагогик таълимга инновацион ёндашувларни шакллантириш ва улардан педагогик кадрлар тайёрлаш жараёнида амалий фойдадланишни таъминловчи турли даражадаги таълим муассаса-



лари (олий ўқув юрти, коллеж, мактаб, мактабгача таълим муассасаси) нинг комплекс бирлигидир.

Таниқли педагогик олимлар Ғ.И.Муҳамедов, У.Н.Хўжамқуловларнинг эътироф этишларича, интеграциялашув жараёнининг замонавий усулларидан бири, шубҳасиз, кластер ёндашуви. Уни илмий-педагогик муаммо сифатида тадқиқ қилиб, самарадорлигини асослаш ва амалиётга жорий этиш механизмлари бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш миллий педагогикамизнинг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Кластер ёндашуви нафақат таълимнинг узлуксизлигини, балки таълим муассасалари ва таълим олувчиларнинг узлуксиз ривожланишини, тўғрироғи, уларнинг ўзини ўзи узлуксиз ривожлантиришини тақозо этади. Чунки ҳозирги замон жамиятда содир бўлаётган радикал ўзгаришлар, унинг жадал суръатлар билан ривожланиши бўлажак мутахассислардан нафақат юқори малакани, балки қатор шахсий сифатларни, фаоллик, индивидуаллик, хусуан, профессионализм, мулоқотмандлик, ижодкорлик, методик, технологик, ахборотларни мустақил излаш, топиш, сақлаш, таҳлил этиш ва синтезлаш, турли касбий вазиятдарда мустақил қарор қабул қилиш ва сифатларли талаб этмоқда.

**Таълимни ривожлантириш кластери** дейилганида таркибига бир неча таълим муассасаларини қамраб олган таълимни ривожлантиришга оид ташаббуслар ва лойиҳалар тушунилади. Таълимда кластерли ёндашувни жорий этишда бир неча алоҳида жиҳатларни кўрсатиб ўтиш лозим: биринчидан, умумий мақсадларнинг мавжудлиги; иккинчидан, субъектларнинг ҳамкорликдаги фаолиятининг ҳуқуқий асослари; учинчидан, субъектларни кластерга бирлаштирувчи ўртасида ўзаро таъсир механизмларининг ишлаб чиқилганлиги.

Кластернинг самарадорлиги учун унинг ичидаги ўзаро муносабат ва ўзаро таъсир катта аҳамиятга эга, бунинг учун кластер субъектлари бир-бирини етарлича қўллаб-қувватлаши зарур. Таълим муассасаларининг бир-бирларига яқинлиги, ички алоқалар, ҳамкор ўзаро муносабатлар ва умумий манфаатлар мавжудлиги мулоқот ва ахборот ўзатиш имконини яхшилайди. Кластер таркибига кирувчи субъектлар таълим соҳасидаги инновациялар, таълимнинг янги компонентлари ва воситалари, уларнинг таъ-

лим жараёнида тажриба-синовдан ўтказилганлигир ҳақида тез хабар топадилар, кластер ичидаги ўзаро алоқаларга таянган ҳолда таълим тизими ривожланишидаги янги тенденцияларни кузатиш имконига эга бўладилар.

Таълим кластерлари, шу жумладан, педагогик таълим кластери ҳам назарий жиҳатдан ишлаб чиқариш кластерларининг аналоги ҳисобланади. Уларни ташкил қилиш билан боғлиқ амалий жараёнлар ҳам ўхшаш бўлади.

Инновацион таълим кластерининг асосий маҳсулоти таълим хизматлари ҳисобланади. Кластер, биринчи навбатда, таълим хизматларини амалга оширишга эмас, балки ўзгарувчан бозор шароитида рақобатбардош таълим беришга қаратилган бўлиши керак. Рақобатбардош таълим бериш доимий равишда инновацияларни, замонавийликни ва талаб ҳамда таклиф мутаносиблигини талаб қилади. Шу жараёнда таълим хизматларига йўналтирилган фаолият ўсиш кўрсаткичларини намоён қилади.

**Кластер шундай тизимки,** унинг ташкил этувчилари интеграцияси ҳар бир субъектнинг янада самаралироқ ишлашини таъминлайди ва истисно бузилишларга олиб келмайди. Кластер қатор таълим, илмий ва ишлаб чиқариш субъектларининг муайян ассоциацияга механик бирлашиши эмас, балки уларнинг ўзаро яқиндан таъсири ва ўзаро боғлиқлиги натижасида юзага келади. Бундай ташкилот алоҳида компонентлар ва бутун кластернинг конвертация қилинишини таъминлайди.

Таълимга нисбатан ўзига хос янги ёндашув бўлган кластер нафақат ҳаёт давомида таълим олиш учун шарт-шароитларни таъминлабгина қолмай, балки таълимнинг узлуксизлигини таъминлайдиган таркибий қисмлар ўртасидаги мавжуд ва истиқболли алоқаларни қайта тиклашга имкон беради. Кластер мавжуд интеллектуал ресурсларни педагогик таълимни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари атрофида интеграциялаш, педагогик соҳада оқилона ворисийлик тамойилини йўлга қўйиш, манфаатдор шахсларнинг қониқиш даражаси ҳақида тезкор фикр-мулоҳазалар билан бўлажак педагогларни амалий йўналтирилган тайёрлаш билан боғлиқ муҳим масалалар атрофида фаолият олиб боради.



### [illegible] Масофавий таълимнинг вужудга келиш объектив сабаблари ва зарурати

[illegible] бераётган глобаллшув ахборотлаштириш жараё[illegible] барча соҳаларига, шу жумладан таълим, ишлаб [illegible] тизими ҳамда шахснинг ижтимоийлашуви замонавий [illegible] ахборот эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахас[illegible] тайёрлаш муаммосига дуч келган таълим тизимига [illegible] кўрсатди. Нафақат таълим мазмуни, балки ўқитишга [illegible], айрим фанларни ўқитишнинг умумий ва ўзига хос [illegible], хусусан, олийгоҳ талабаларининг таълим олишида [illegible] ва масофавий шаклларини жорий этишда дастурлаш [illegible] улардан фойдаланиш даражаси ҳам ўзгарган. Сўн[illegible] талабаларининг ахборот билан ишлаш компетентли[illegible] уларга асосланган таълим жараёни ва натижаларига [illegible] ёндашув таълим беришнинг мураккаблигини, [illegible] ва ноаниқлигини кўрсатди. Мазкур ёндашув [illegible], айниқса сўнгги йилларда кўплаб психологик ва пе[illegible] муаммо сифатида кўриб чиқиш асосида, таълимнинг [illegible] шаклида қўлаш долзарб муаммолардан бирига айланди.

[illegible] томонидан таълимни инсонпарварлашти[illegible] ва ахборотлаштириш даражаси [illegible] фойдаланиш ҳажмини кенгайтиради, бу соҳасида[illegible] талабни оширади, яъни инсоннинг сунъий [illegible] эҳтиёж устуворлик касб этади. Бўлажак [illegible] нафақат ахборот соҳасидаги билим, кўникма ва ма[illegible] эга бўлиши, балки ушбу билимларни намойиш эти[illegible] қарашлари ва ғояларининг тўғрилигини тасдиқлаши, [illegible] таълимнинг қандай шаклда амалга оширилиши [illegible] баҳолай олишлари талаб қилинади. Ижтимоий [illegible] ўзгарувчанлиги мутахассисларнинг масофавий ва [illegible] фаолият натижаларини тўғри акс эттириш қобилия[illegible] талаб қилади. Шундай қилиб, бўлажак педагогларни тай[illegible] иккинчи муҳим вазифаси таълим бериш жараёнига [illegible] (мобильность) дир. Кўриниб турибдики, [illegible] муаммоларнини ҳал этиш касбий тайёргарлик цикла[illegible] фанларни ўқитиш методикасини ўзгартириш

билан боғлиқ. Ахборотлаштиришнинг юқори даражаси ахборот ва ўқитиш технологияларини тақдим этишнинг замонавий усулларидан, масалан, масофадан ўқитишдан фойдаланишни белгилайди.

Мамлакатимиз таълим тизимида юз бераётган ислоҳотлар, кадрларнинг анъанавий ва масофавий таълим шаклларида бирдай самарали фаолият кўрсатишларига бўлган талаблар аралаш таълимдаги компетенцияларини ҳар бир ўқув предмети, жумладан, ахборот технологиялари фанини ўқитиш жараёнида шакллантириб бориш зарурати юзага келтиради. Ўзбекистон Республикаси таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида «узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, ўқитиш методикасини такомиллаштириш, фанини чуқур ўрганишга эътиборни қаратиш фаолиятни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш» каби вазифалар белгиланган. Бу эса фанни ўқитиш методикасини такомиллаштиришга йўналтирилган таълим мазмуни ва талабаларнинг ахборот билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришдаги зарурий компетенциялар таркибини аниқлаштириш, компетенциявий ёндашувлар асосида талабаларнинг аралаш таълим шаклга мослашувчанлик компетентлигини ривожлантириш модели ва методларини такомиллаштириш зарурати асослайди.

Шу маънода замонавий илм-фан дастурлари асосида ўқитиш келажакда фаолият тизимларини бошқариш соҳасида мутахассисларнинг мослашувчанлик фазилатлари (коммуникативлик, ахборот билан ишлаш, креативлик ва ҳ.к.лар)ни ривожлантириш муаммоси бўлажак педагогларнинг ўз устида ишлашларида муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, коронавирус (СОВИД-19) 2020 йил 12 мартда глобал пандемия, деб эълон қилинди ва инфекцияни чеклаш учун кўплаб жойларда ижтимоий масофа қабул қилинди. Айни пайтда бу ҳолат кескин таъсир кўрсатадиган вирус тарқалишининг олдини олиш учун мамлакат бўйлаб таълим муассасаларини ёпишга,дунё мамлакатларидаги миллионлаб болалар, ўспиринлар ва талабаларнинг таълим олишларини масофадан туриб амалга ошириш заруратининг юзага келишига сабаб бўлди. Турли мамлакатлардаги таълим жараёни онлайн ўқитиш тизи-



[illegible] Ушбу қарор инсонларнинг бевосита ўзаро му[illegible], вирус тарқалишининг олдини олишга ёрдам [illegible] ЮНЕСКО томонидан ҳам қўллаб-қувватланди.

[illegible] онлайн таълим ўқитишнинг янгича ёндашув [illegible] замонавий кўринишни олди. Бу эса, онлайн: [illegible] истаган жойда ва хоҳлаган вақтда ўқиш имко[illegible] автобусларда ёки маҳаллий траспорт воситала[illegible] вақтининг тежалиши; фанларни танлаш ва [illegible] мослашувчанлик каби бир қанча афзалликларга, усту[illegible] [1-5] бўлган таълим тизимининг бутун дунёда [illegible] олиб келди. Фанларни интернет орқали ўр[illegible] таълим мазмуни ва уни ўзлаштириш тамойил[illegible] такомиллашган, мобиллашганлиги билан ҳам [illegible]. Таълим муассасаларининг ёпилиши иқтисодий [illegible] ва кам таъминланган одамлар ўртасидаги фарқ[illegible], яъни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан [illegible] сабаб бўлган бўлсада, онлайн таълим[illegible] жорий этиш зарурияти, мутахассислар, [illegible], ўқитувчилар ва талабаларни янги ечимларни то[illegible]. Ресурсларнинг этишмаслиги, жумладан,таълим [illegible] берувчи технология ва интернет тизимининг, [illegible] қўллаб-қувватлаш учун таянч маълумотлар ва кў[illegible] етишмаслиги каби ижтимоий-иқтисодий омил[illegible] ўз ечимини топиб бормоқда.

[illegible] таълим муассасаларининг электрон таълим [illegible], интернетга киришни кенгайтириш ва [illegible] ёндашувни ишлаб чиқиш борасида бир [illegible] амалга оширилди. Биринчи навбатда, масо[illegible] қўллаш учун таълим жараёнига технологияни [illegible] мавжуд учта турдаги: ижтимоий, педагогик [illegible] муаммоларни ҳал этиш керак бўлади.

[illegible] муаммолар - бу Интернет алоқасининг мавжуд[illegible], таълим муассасасиги таълим тизими, ўқитув[illegible] учун жиҳозларнинг мавжудлигидан бошлаб [illegible] инфратузилмани таъминлашни ўз ичига олади.

[illegible] муаммоларга - ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг [illegible] жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш маҳо-

ратининг етарли эмаслиги, ўқитувчиларнинг АКТдан интерактив шаклда фойдаланиш маҳоратлари ва малакалари, билимларни баҳолаш учун АКТдан фойдаланишлар киради.

Ижтимоий муаммоларга эса, ўқув муҳитининг яратилмаганлиги ёки номувофиқлиги, талаба ва ўқитувчилар учун етарли ижтимоий ёрдам бермаслик кабилар киради. Ўқитувчиларнинг масофавий ўқитиш учун техник жиҳатдан тайёр эмаслиги, анъанавий методлардан фойдаланишлари уларнинг янги пайдо бўлаётган моделлари ва ёндашувлари билан боғлиқ равишда қуйидаги:

• ўқувчилар эътиборини жалб қилиш учун тегишли интерактив рақамли таълим манбалари (видеофилмлар, анимациялар, викториналар ва ўйинлар)дан фойдаланган ҳолда материалларни (мазмун, методикалар ва умумий мақсадлар) тизимли ва режалаштирилган ўқитишни ҳамда етарли даражада электрон ўқув платформаларини таъминлайдиган аниқ ва изчил режа ишлаб чиқилиши, талабаларнинг ўқув фаоллигини рағбатлантириш ва қайта алоқани таъминлаш;

• талабала билан қайта алоқанинг ўрнатилиши уларнинг мустақил таълим олиш кўникмасини шакллантириш;

• шахсий, инклюзив ва ҳамкорликдаги онлайн таълим йўлларини рағбатлантириш учун сунъий интеллект каби масофавий ўқитиш технологиялардан самарали фойдаланиш;

анъанавий педагогик методикаларни масофавий таълим билан интеграциялашган ҳолда қўллай олиш ҳамда психологик ва ижтимоий жиҳатдан талабаларни қўллаб-қувватлаш зарур бўлади. Ушбу ҳолат оғир бўлса-да, тугагандан сўнг, таълим муассасалари ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаш учун фавкулодда масофавий ўқитишни амалга оширганлигини баҳолаш имкониятини яратади ва катта эҳтимоллар билан масофавий таълимнинг қўлланилиш имкониятларини кенгайтириш масаласи кун тартибининг асосий масалаларидан бири бўлиб қолади. Бу эса, бўлажак мутахассисларни ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси шакллантириш мезони билан боғлиқдир.



## 1.3-§. Ривожлантирувчи таълимнинг умумий методик тамойиллари

Ривожлантирувчи таълимга қатор умумий талаблар қўйилади. Улардан энг муҳимлари қуйидагилар ҳисобланади: мақсадга йўналганлик, мотивация, амалий йўналганлик, мустақиллик, ўқитишнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, шунингдек қайтар алоқанинг мавжудлиги.

Таълимнинг мақсадга йўналганлиги ўқитиш мақсадини аниқ тасаввур этишни назарда тутади. Таълим мотивацияси турлича бўлиши мумкин: янги билим ва кўникмаларни эгаллашга қизиқиш; келгусида ўзи эгаллаган касб бўйича ишлашга интилиш; бошқалар билан мулоқотга киришиш истаги ва бошқалар.

**Мустақиллик.** Талабалар мустақил таълим олишга ўрганмасдан ва мустақил таълим олмасдан ўзини ўзи ривожлантира олмайди ва уни ҳеч ким ўзини ўзи ривожлантириш мажбурлай олмайди.

**Таълимнинг амалий йўналганлиги**. Ишлаб чиқариш таълими, энг аввало, аниқ ташкилотда муайян ишларни бажариш учун зарур бўладиган билим ва кўникмаларни эгаллашга йўналтирилади.

**Ўқитишнинг босқичма-босқич амалга оширилиши** дастурнинг изчиллигини ва таълимни комплекс амалга оширишни назарда тутади.

**Қайтар алоқанинг мавжудлиги**. Бу тамойилнинг моҳияти шундан иборатки, таълим натижаси унинг мақсадларига мувофиқ келиши лозим. Таълим самарадорлиги ўқитиш мақсадига эришиш асосида баҳоланади.

Педагогик жараён маълум тузилмага эга бўлиб, ўқитиш мақсади, тамойиллари, мазмуни, методи, шакл ва воситалари унинг муҳим элементлари ҳисобланади.

Шуни доимо ёдда сақлаш лозимки, таълимнинг ўқитиш (билим бериш), тарбиялаш ва ривожлантириш вазифлари бир-бирлари билан узвий боғлиқ бўлиб, улар ягона педагогик жараёнда амалга оширилади. Ўқиш жараёнида талабаларни доимий равишда ақлий жиҳатдан ривожлантириш ва тарбиялаб бориши учун, энг аввало, педагог талабаларнинг ривожланиш даража-

сини қайд этишни ўрганиши зарур. Агар талабалар олдига аниқ мақсад қўйилса ва билимларни мустақил ўзлаштириш зарурати туғилса, уларнинг ўқув-билиш фаолияти ва ақлий жиҳатдан ривожланиши анча муваффақиятли бўлади.

Талаба муайян вазифани амалга ошириш учун фикрлайди, изланади ва бу иш бир неча амалларни ўз ичига қамраб олади. У кузатиши, таҳлил қилиши, ўқув масалаларини ечиш мақсадида маълум қоидаларни қўллаши учун педагог талабани чуқур фикрлашга ўргатиши керак. Таълимнинг ривожлантириш вазифаси ана шундан иборат. Фикрлаш ва таҳлил қилишга ўрганган талаба ўз олдига мақсад қўяди ва унга эришади. Демак, у ўзини ўзи ривожлантириб, такомиллаштира олади. Ўқитишни ташкил этиш даражасига боғлиқ равишда талабанинг ривожланишини тезлаштириш ёки секинлаштириш мумкин. Аммо шуни эътиборга олиш лозимики, талабанинг ўзини ўзи ривожлантириши қатор омилларга боғлиқ.

Бизнинг фикримизча, талабаларнинг билишга қизиқишлари авваламбор дарсларда юзага келади. Шунинг учун педагог ўқитишнинг турли методлари, шакллари ва турларини қўллаган ҳолда дарснинг ҳар бир босқичида талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга, ўқишга қизиқишни оширишга интилишлари лозим. Педагог ўз дарсларида кўпроқ таянч схемалар, жадваллар, карточкалар, тарқатма материаллар, қизиқарли машқлардан фойдаланишлари муҳим ҳисобланади. Улар ҳайратланиш ҳиссини, янгиликларни, ўзгачани, кутилмаганликни келтириб чиқаради, зийраклик, ташаббускорликни ривожлантиради, хайрихоҳлик муҳитини яратади.

**Талабаларда билишга қизиқишни қарор топтириш учун педагог қуйидаги усуллардан фойдалангани яхши натижалар беради:**

барча талабалар учун қўлидан келадиган топшириқларни бажариш орқали муваффақият вазиятини яратиш, олдинги билимларга таянган ҳолда янги материални ўрганиш;

ишонч ва ҳамкорлик муҳитини дарсда яратиш орқали ижобий эмоционал кайфиятни, педагогнинг ёрқин ва эмоционал нутқини яратиш;



[illegible] фаолиятини баҳолаш орқали рефлексия, еўп [illegible] жавобларни (масалан, «нима учун қийин бўлди?», [illegible] нимани билдингиз ва кашф этдингиз?» ва б.қ.) талаб [illegible] саволларни бериш билан фаолият натижасини баҳолаш;

[illegible], дарснинг музикали фрагментлар, ўйин[illegible] ва мусобақали шакллари орқали ўзига хос бошланиши.

**[illegible] мақсадларини англаш ва уларни амалга [illegible] педагог талабаларни ўқитиш учун қуйидагиларни [illegible] маъқул:**

[illegible] мақсадларини мустақил аниқлаш ҳамда [illegible] вазиятини яратиш орқали ўқув фаолия[illegible], тугатилмаганлик (масалан, талабага топ[illegible], ечиш давомида ўрганилмаган усул учрайди);

[illegible] топшириқлар орқали танлаш ҳуқуқини бе[illegible] фаолиятни ҳамкорликда режалаштириш;

[illegible] орқали хатога реакция қилиш, хатолик саба[illegible], кейинги фаолиятни аниқлаш;

[illegible] вазият билан ўқув материалини аниқлаш орқали [illegible], ўрганилаётган материалнинг долзарблиги[illegible].

[illegible] (муаммо)ларини мустақил ажрата олиш, ўқув [illegible] янги усулларини эгаллаш, ўз ўқув фаолитяининг [illegible], ўз-ўзини баҳолаш усулларини эгаллаш қуйи[illegible] ёрдамида амалга оширилиши муҳим:

[illegible] гуруҳларда ташкил этиш, ўйинли ва мусобақали [illegible], ўзаро текшириш, муаммоларни жамоавий ҳал этиш, [illegible] ёрдам бериш, «синаш ва хатолик методи» усули [illegible] жамоавий фаолиятга жалб этиш;

[illegible] ўзига хос шакли;

[illegible], ўқув объектларини солиштириш, талабалар ўқиши[illegible] этиш, билимлар етишмаслиги вазиятини яратиш, [illegible] орқали муаммоли вазиятларни яратиш;

[illegible] муаммоларни ечиш, зиддиятларни бартараф [illegible] суҳбат, ўқув дискуссия, предметларнинг жид[illegible] ажратиш, классификациялаш, умумлаштириш, [illegible] орқали дарсда ҳамкорлик қилиш;

[illegible] ташкил этиш, оралиқ натижаларни баҳолаш

орқали талабаларни баҳолаш фаолиятига жалб этиш;

баҳолаш, ташаккур, оғзаки рағбатлантириш, энг яхши ишлар кўргазмаси, педагогларга арзимаган ёрдам бериш, топшириқларни мураккаблаштириш орқали ффаолиятни стимуллаштириш.

Ишларнинг бундай шакллари педагогларга талабаларда ўқишга қизиқишни, билимларни мустақил эгаллашга истакни, ўз ўртоғига ёрдам беришни, хотира, фикрлаш, тасаввур қилишни машқ қилишни, предметларни ўзлаштириш билан яхши натижаларга эришишни ривожлантиришга ёрдам беради. Бизнинг фикримизча уларнинг билишга қизиикшларини ривожлантиришнинг воситаларидан бири бу ўйин ҳисобланади. У талабаларнинг фикрлаш фаолиятини фаоллаштириш, уларни билишга стимуллаштириш усули сифатида фойдаланилади. Уларни ўйин фаолиятига жалб этиш дарсга бўлган қизиқишни кучайтиради. Дарсда педагогнинг «ижодий 5 дақиқаси»дан фойдаланиш. Бундай усулларни қўллаш коммуникатив компетенцияларни шакллантириш учун шароит яратади.

**Талабаларда билим олишга мотивация уйғотиш**, билим бериш усуллари, шакллари, методлари, технологиялари ва воситаларни тўғри танлаш, бериладиган билимларнинг тушунарли бўлишини таъминлаш, олинган билимларни узоқ вақт хотирада сақлаб қолиш ҳамда ўзлаштирилган билимларни амалиётда қўллай олиш талабаларнинг ўқув-билиш жараёни компетенцияларини шакллантириш жараёнининг муваффақиятини таъминлайди.

Дарс жараёнида талабалар билим фаолиятини бошқариш бир неча омилларга боғлиқ. Уларнинг энг асосийларидан бири талабаларни ўз фанига қизиқтира олишдир. Олимлар таъкидлаганидек, фақат қизиқишгина психик жараёнлар ва уларнинг идрок, диққат, хотира, тафаккур ва ирода каби функцияларига ижобий таъсир кўрсатади. Талаба ёш даврига хос табиий фаоллиги, бирор бир ақлий қизиқиш билан қамраб олинмаса, уни қайси томон бошлаб кетишини олдиндан айтиш қийин.

Шуни таъкидлаш лозимки, қизиқиш ва мотивлар талабалар ўқув фаолиятининг шаклланиш даражасига қараб шахснинг шакллантирувчи (талабанинг назарий фикри, ўқиш фаолиятини талаба шахси учун аҳамияти) дастлабки омиллар билан ўзаро



мураккаб муносабатларда намоён бўлади.

Савол туғилади: Талабаларнинг билишга бўлган қизиқишларини шакллантириш шартлари қандай? Бунинг учун педагог дарсда нима қилиши керак? Ўқув фаолиятини фаоллаштириш ва ўқишга бўлган қизиқишларни доимо ривожлантириб бориш учун нима қилиш керак?. Талабаларни билишга интилишини, фанга умуман олганда ақлий меҳнатга қизиқишларини ривожлантириш ўқув жараёнини шундай ташкил этилишини таъминлайдики, унда талаба фаол ҳаракат қилади, мустақил изланиш ва янги омилларни "кашф этиш"га, муаммоли вазиятларни ўзи ҳал этишга интилади.

Ўқув фаолияти бошқа фаолиятлар каби фақат турлича бўлгандагина, қизиқарли бўлади. Бир хил усулда ахборот бериш ва бир хил усулдаги ҳаракатлар тез орада зерикишни вужудга келтиради. Фанга бўлган қизиқишни шакллантиришда фанларни ўрганишнинг зарурлиги, муҳимлиги ва мақсадга мувофиқлигини талабаларга англатиш лозим. Ўтилаётган материал олдинги материал билан қанчалик кўпроқ боғлаб тушунтирилса, у талабаларга шунчалик қизиқарлироқ бўлади. Ўқув материалини талабаларни қизиқтирадиган нарсалар билан боғлаб тушунтириш ҳам, уларни дарсга қизиқтиришда муҳим рол ўйнайди. Ўқув материали бир оз қийинроқ, лекин талабалар кучи етадиган бўлиши керак. Талабалар бажарган ишларни тез-тез текшириш ҳам уларни фанга бўлган қизиқишини уйғотади. Ўқув материалининг аниқлиги, ҳиссиётга бойлиги, педагогнинг завқланиб гапириши ҳам талабага, уни фанга бўлган қизиқишини ортишига катта таъсир кўрсатади.

**Ўқув жараёнини фаоллаштириш** учун педагог тизимли тарзда талабаларга машқларнинг ҳар хил турларини таклиф этиши мумкин. Атроф муҳит дунёси дарсларида талабалар катта қизиқиш билан ўрганилаётган мавзу бўйича хабарни тайёрлайди. Она тили ва адабиёти дарсида ёзувчилар асарини ўрганиш билан, талаба бу ёзувчининг ҳаёти ҳақида кичкина ҳикоя тайёрлайди. Уларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантириш устида ишлаш билан педагог уларнинг рақобатбардош, фаол бўлишларига ёрдам берувчи ижобий таълимий-ривожлантирувчи муҳитини яратишга интилиши лозим.

Таълим ҳам, тарбия ҳам талаба шахсини ривожлантиришга хизмат қилади. Шу боис, таълимнинг ривожлантириш вазифаси ҳақида сўз юритишга зарурат йўқдек туюлади. Аммо амалиёт кўрсатадики, ўқитиш жараёнида таълимнинг ривожлантириш вазифасини муваффақиятли равишда амалга ошириш мумкин. Бунда таълимнинг махсус ривожланти-риш йўналиши шакллантирилади. Россиялик олим Л. С. Виготский психологиянинг муҳим қонунларидан бирини таърифлаб берган. Унинг эътирофэтишича, таълим ривожланишга олиб келади. Шахс таълим мазмуни туфайли ривожланади. Билим олиш фаолият ҳисобланади. Ўқув фаолиятининг асосини мулоқот ва ҳамкорлик ташкил этади.

Маълумки, ҳамкорлик педагогикаси назарияси ва амалиёти педагог-новаторлар томонидан ўтган асрнинг ўрталарида ишлаб чиқилган эди. Тажрибали педагог ва педагог олимлар эълон қилган мақолаларни ва улар издошларининг тажрибаларини таҳлил қилиш асосида ривожлантирувчи таълимнинг умумий методик тамойилларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин (2-жадвал).

*2-жадвал*

**Ривожлантирувчи таълимнинг умумий методик тамойиллари**

| Қадамлар | Мазмун ва моҳияти |
|---|---|
| Биринчидан | Машғулотда қуйидаги шартлар асосида соғлом психологик муҳит яратилади: мулоқот жараёнида ўзаро ҳурмат, педагог ва талабаларнинг таълим муассасаси қоидаларига амал қилиши, педагогнинг талабалар иши натижаларига адолатли муносабатда бўлиши, ўқув фаолияти жараёнида талабаларга ёрдам бериши, уларнинг муваффақиятига эришишини минимал даражада таъминлаши, ўқув материалини ўзлаштириш даражасини аниқ белгилаши, ижодий фаолиятининг амалий йўналганлиги. |
| Иккинчидан | Ижодий топшириқлар талабалар ўқув фаолиятининг асосини ташкил этади (мавзу бўйича биринчи дарсдан то охирги дарсгача). |
| Учинчидан | Барча ахборотлар эмас, балки фақат назарий қонуниятлар (умумилмий, умумпредмет ва мавзуга оид тушунчалар) ёки факт касбий билимлар (махсус фанлар, касбий фанлар) ўзлаштирилади. |
| Тўртинчидан | Назарий қонуниятлар талабаларга тайёр ҳолда тақдим этилмайди (ҳолбуки информацион-репродуктив таълимда назарий қонуният-лар тайёр ҳолда тақдим этилади), балки илмий ахборотни таҳлил қилиш ва тизимлаштириш, муаммоларни ечиш, тадқиқотлар ва экспертизалар ўтказиш, лойиҳалаш ҳамда прогностик фаолият жараёнида талабалар мустақил равишда ёки педагогнинг ёрдамида уларни муҳим белгилари орқали таърифлайдилар. |
| Бешинчидан | Ижодий топшириқ ва амалий ишларни бажариш алгоритмлар ёрдамида амалга оширилади, уларнинг бир қисми талабалар томонидан ишлаб чиқилади ҳамда кейинги ўқув фаолиятида ривожлантирилади. |
| Олтинчидан | Ўқув материали тузилмаси шундай тарзда тузиладики, янги мавзуларни ўрганиш жараёнида аввал ўрганилган мавзуларнинг асосий тушунчалари ривожлантирилади. |
| Еттинчидан | Таълим жараёнида талабалар секин-аста илмий ижодий фаолият методлари ва технологияларини ўзлаштиради ва ниҳоят, ижодий фаолиятнинг янги технологияларини мустақил равишда лойиҳа-лайди ҳамда уларни фақат биргина ўқув предметини эмас, балки бошқа ўқув предметларини ўрганишда ҳам қўллайдилар. |
| Саккизинчидан | Ижодий фаолиятнинг янги метод ва технологияларини ўзлашти-риш дастлаб гуруҳ шаклида, кейин эса жуфт-жуфт бўлиб ишлаш орқали амалга оширилади, сўнгра секин-аста индивидуал шаклда ишлашга ўтилади. |
| Тўққизинчидан | Мавзу бўйича таълим натижаларини назорат қилиш ва таҳлил этиш нафақат назарий қонуниятларни, балки ижодий фаолият метод ва технологиялари, шунингдек фаолият жараёнининг ўзини ва натижаларини эмоционал, информацион, назарий ва методоло-гик даражаларда таҳлил қилишни қамраб олади. |

Ҳозирги замон дидактикасига кўра, билим талабаларнинг кўникмаларида намоён бўлади. Бинобарин, таълимда талабаларга фақат билим бериш эмас, балки шу билан бирга, уларда билимлар янги маълумотлар олиш ва ҳаётий масалаларни ечиш учун зарур кўникмаларини ривожлантириш ҳам назарда тутилади. Шу боис, таълимий вазифа ўқитиш жараёнида талабаларга билим бериш билан бирга, уларда умумий ва махсус кўникмалар ривожлантирилади.

**Кўникма дейилганда** фаолият усулини эгаллаш, билимни амалда қўллаш қобилияти тушунилади. Бошқача айтганда, кўникма амалий билимдир. Махсус кўникмалар касб, фан, ўқув

предметининг маълум соҳаларидаги фаолият усулларига тегишли бўлади. Масалан, ўқув предмети соҳаларига оид махсус кўникмалар қаторига лаборатория илмий-тадқиқот ишлари, схемалар, хариталар билан ишлаш қобилиятини киритиш мумкин. Аниқ касб тармоқларидаги фаолият усулларини эгаллаш ҳам махсус кўникмалар ҳисобланади.

**Умумий кўникма ва малакалар** қаторига оғзаки ва ёзма нутқни, ахборот маълумотларини эгаллаш, ўқиш, китоб билан ишлаш, реферат ёзиш ва бошқаларни киритиш мумкин. Таълимий вазифани таҳлил этиш, табиийки, унинг ривожлантириш вазифаси билан узвий боғлиқлигини кўрсатиш ва тавсифлашга олиб келади. Таълимнинг ривожлантириш вазифаси шуни билдирадики, ўқитиш жараёнида ўзлаштирилган билимлар талабаларнинг ривожланишига олиб келади. Бу ривожланиш барча соҳаларда содир бўлади: талабаларнинг нутқи ва тафаккури ўсади, сенсор ва ҳаракат, эмоционал-ирода ҳамда эҳтиёж-мотивацияси соҳаларида, касбий қизиқиши ва фаолиятларида ижобий ўзгаришлар кузатилади.

Хулоса қилиб айтганда, ўзини ривожлантириш, таълим ва ривожланишнинг ўзаро боғлиқлигини тадқиқ қилиш ҳозирги замон дидактикасининг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

### 1.4-§. Илмий-педагогик манбаларда "ўзини ўзи ривожлантириш" ва ўзини "ўзи ривожлантириш компетенцияси" тушунчаларининг мазмун ва моҳияти талқини

**Шахсни шакллантириш ва ривожлантириш** – узлуксиз ва ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, унга стихияли ва равишда ва мақсадга йўналтирилган кўплаб омиллар таъсир кўрсатади. Улардан энг асосийлари – ижтиоийлаштириш, тарбия ва ўзини ўзи ривожлантиришдир. Ўзини ўзи ривожлантириш мазмунини К.Н.Венцель ўзини энг тўла намоён этишда кўрган. Шу асно-да талабанинг ривожи унинг мустақил ўрганиши ва ижодиёти маҳсули бўлиши лозим. Бунинг натижасида унга ўз шахсий мақсадини белгилаш ҳамда унга онгли тарзда эришишга келиш



имконияти берилиши зарур. Педагогнинг фикрига кўра, талаба унинг шахсияти билан белгиланувчи қонунлар бўйича ривожланади ва демак, барча тизим учун ягона тарбия бўлиши мумкин эмас, тарбиячи ҳар бир шахсга ўзини намоён этишга кўмаклашадиган ўзига хос бетакрор тизимни топишга интилиши лозим.

Бу фикрни давом эттирган ҳолда, ўзимиздан шуни қўшишимиз мумкинки, агар шахс мақсадга йўналтирилган ўзини ўзгартириш заруратини англаса, шу аснода фаолият жараёнидаги режалаштириш, ўз-ўзини бошқариш каби ҳаракатларини амалга оширса ўз-ўзини ривожлантиришнинг имкони бор, яъни [illegible] шароитлардаги ўқув фаолияти талабани ўзини ўзи ривожлантириш катализатори сифатида намоён бўлиши мумкин, талаба буни бажарган ҳолда ўзини ўзи ривожлантиришни амалга оширади.

**"Ўзини ўзи" феноменларини ўрганиш** психология ва педагогикада фаол амалга оширилоқда. Россиялик олим С.Л.Рубинштейн ўзининг концепциясида инсонни ўзини ўраб турган атроф-муҳит билан фаол ўзаро таъсирлашувчи ва бу ўзаро таъсирланиши орқали ўзини ва ўз оламини ўзгартирувчи сифатида қарайди. К.А. Абульханова-Славская ўзини ўзи ривожлантиришни ҳаётий стратегия сифатида қарайди. Уларнинг фикрича, унда инсон ўзининг имкониятларини амалга ошириш, ҳаётда мужассам этиш учун уларга мос йўлларни излайди. Ўзини ўзи ривожлантириш стратегияси инсоннинг борлиқ билан муносабатларида сифатий ўзгаришларни таъминллайди, муаммонинг янги ечимини, ҳаётнинг янги ўлчамини топишга, индивиднинг ҳаётий фаолиятнинг сифат жиҳатдан янги, ижтимоий моҳиятини [illegible] ўзгартириш босқичига кутарилишига имкон туғдиради.

Мамлакатимиз таълимининг жаҳон таълим тизимига интеграциялашуви, таълим жараёнидаги глабаллашув ривожланиш, шахснинг ривожланиши, ўзини ўзи ривожлантириш ва ўз-ўзини тарбиялаш муаммосини замонавий нуқтаи назардан талқин этишни тақозо этади.

Республикамизда олий таълимнинг вазифаси бўлажак мутахассисларга нафақат билим бериш, балки уларни келгусида касбий ва шахсий ўзини ўзи ривожлантириш, ўзини намоён этиш

ва ижодий имкониятларини фаоллаштиришга тайёргарлигини шакллантиришдан иборат. Демак, ҳозирги замон таълим олдига қўйилаётган замонавий вазифалар шахсни нафақат ижтимоийлаштириш, балки касбий, ҳиссий ва маънавий-ахлоқий соҳаларда узлуксиз ривожлантиришни ҳам назарда тутади. Ўзгарувчан социумда юзага келадиган шарт-шароит ва талабларга қараб, бўлажак мутахассислар ўз фаолият йўналишларини ўзгартира олиш кўникма ва малакасига эга бўлиши керак. Бу эса улардан тинимсиз меҳнат, ривожланиш ва ижодкорликни талаб этади.

Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин, ватанимиз таълим тизимида улкан ўзгаришлар содир бўлди. Касбий малакаси юксак баркамол шахсни тарбиялаб вояга етказишнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва услубий асослари яратилди. Бироқ таълим жараёнида қатор муаммолар мавжудки, уларни ҳал этмасдан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Улардан бири бўлажак мутахассисларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантиришдир.

Ватанимизда олий таълим тизимини ривожлантириш концепцияси ва уни ислоҳ қилиш стратегияси, шубҳасиз, шахснинг ўзини ўзи, шу жумладан, касбий ривожланишига педагогик таъсир кўрсатишга қаратилган гуманистик парадигма ғояси билан узвий боғлиқ. “Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси” тузилмаси моҳиятини очиб бериш жараёнида, энг аввало, “ривожланиш”, “шахснинг ривожланиши”, тушунчаларини аниқлаш лозим.

**“Ривожланиш” тушунчасининг** психологик-педагогик аспектлари-ни қараб ўтиш шуни кўрсатадики, олимлар, уни турлича изоҳлайдилар. Масалан, “Амалиётчи психолог луғати”да бу тушунчани талқин этиш вариантлари келтирилади.

1. Кучайтириш, мустаҳкамлаш.

2. Маънавий, ақлий етуклик, онглилик, маданиятлилик ва шунга ўхшаш бошқа сифатларнинг бирор даражасига эришиш.

3. Куч, қудрат, камолотнинг бирор даражасига етишиш; бирор нарсанинг даражасини ошириш.

4. Бор имконият, кучдан фойдаланиб, бирор нарсани кенг миқёсда ёйиш, тарқатиш.

5. Бирор янги нарсани тарқатиш, мазмунини чуқурлаштириш ёки амалиётга жорий этиш.

6. Сифат жиҳатдан анча такомиллаштирилган янги ҳолатга, оддийдан қийинга ўтиш, пастдан юқорига кўтарилиш жараёни ва натижаси.

Бундан кўринадики, ривожланиш ўзига хос жараён, унинг натижасида янгилик пайдо бўлади, сифат жиҳатдан янги нарса юзага келади. Бўлажак мутахассисларга нисбатан ривожланишнинг уч турини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: жисмоний, психик (руҳий) ва ижтимоий.

Шахсият инсоннинг ташқи олам билан ўзаро таъсирини белгиловчи ички моҳияти сифатида қаралади. Шахсиятни бундай тушуниш ва унинг ривожланишининг ўзига хослиги “шахснинг ривожланиши”ни инсоннинг фундаменал қобилияти сифатида таърифлаш имконини беради. Шахс ривожланиши натижасида ўз ҳаётининг ҳақиқий субъектига айланади ва ўзининг ҳаётий фаолиятини амалий ўзгаришлар предметига айлантиради. Бунда онгли равишда қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган ҳаётий фаолият субъектнинг борлиққа фаол муносабати шакли сифатида қаралади ва айнан бу ҳаётий фаолият ва фаол муносабат доирасида инсон ўзини ўзи ривожлантиради.

“Большая современная энциклопедия” номли китобда индивиднинг ўзини ўзи ривожлантиришига қуйидагича таъриф берилган: индивиднинг ўзини ўзи ривожлантириши - инсоннинг турли мақсадга мувофиқ фаолияти жараёнида унинг фаолиятий қобилиятларини ва бошқа шахсий сифатларини бойитиши жараёни. Унинг асосида ижтимомий тажрибани ва маданият қатламларини ўзлаштириш ва улардан фаолиятнинг у ёки бу турларида фойдаланиш ётади. индивиднинг ўзини ўзи ривожлантириш жараёни ва унинг натижалари икки омил билан белгиланади: индивиднинг ўқишга бўлган қобилияти ва “билиш билан боғлиқ” фаолиятда иштирок этиши, яъни унинг таълими сифати ва даражаси билан; ижтимоий-маданий тажрибани фаолият субъекти иш юритадиган реал муҳитда амалда жорий этиш характери ва ўлчови билан белгиланади.

**Ўзини ўзи ривожлантириш** – инсоннинг ўзини шахс сифатида тўла намоён этишга йўналтирган онгли фаолияти. Ўзини ўзи ривожлантириш фаолиятнинг мақсадларини аниқ англаш-

ни ва унинг мавжудлигини, идеаллар ва шахсий йўналганлик-ни назарда тутади. Ўзини ўзи ривожлантириш – бу ўз устида доимий ишлаш, ўзини ўзи камол топтириш ва шахсий сифат-ларни шакллантириш. Бу жараёнда инсон ўзининг мақсади ва истакларига таянади ва уларга эришиш учун доимий равишда янгидан янги билимларни эгаллайди. Бу жараён ҳаётда муваф-фақиятларга эришишнинг асоси ҳисобланади.

**Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси** шахснинг мустақил таълим олишга эҳтиёжи ва қобилияти, унинг шахсий мақсад қўйиш ва у билан боғлиқ равишда ўз имкониятлари ва қобилиятларини фаоллаштириш зарурлигини англашидан ибо-рат. Бундай талқиндан кўринадики, ўзини ўзи ривожлантириш шахснинг мустақил интеллектуал-ҳиссий амалий фаолияти жа-раёни сифатида фақат шахснинг ҳаётда эгаллаган қобилияти асосида яхлитлик ва самарали бўлади.

Ўзини ўзи ривожлантириш феноменини махсус таҳлил этиш-дан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси манбаи шахснинг ўзини ўзи баҳолаши бўлади (ўзини ўзи таҳлил этиш асосида шахснинг ўзини ўзи мунтазам баҳолаши - ўзини ўзи англашининг муҳим воситаси). Мотивлар шахснинг ўзини ўзи ривожлантириш ком-петенциясининг муҳим тузилмавий элементи ҳисобланади. Мотивлар шахсни билиш фаолиятида фаоллаштиришга, унда мақсадга йўналган ҳолда амалий тайёрғаликнинг шаклланиши, шунингдек қадриятлар тизимида ўз устида ишлашга бўлган ишончнинг шаклланишига олиб келади.

Бунда мақсад ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясининг асосий ташкил этувчиси ҳисобланади ва индивиднинг шахсий ўзини ўзи ривожлантиришини тартибга солувчи сифатида на-моён бўлади, ўзини ўзи назорат қилиш(инсонинг ўзининг ҳола-тини, ўз фаолиьида эришган ютуқлари даражасини мустақил баҳолаш қобилияти) ва ўзини ўзи ривожлантириш натижасида эришадиган натижаларини амалда татбиқ этишга иродавий тай-ёргарликни шакллантиришни назарда тутувчи ўзини ўзи камол топтириш, шакллантириш, ўзининг хатоларини ўзи тўғрилаб бо-риш қобилияти муҳим ташкил этувчи ҳисобланади. “Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси” тушунчасини бундай талқин



этиш шуни билдирадики, унинг мустақил ақлий-ҳиссий-амалий фаолияти ҳаёти давомида эришган қобилиятлари туфайлигина ҳар соҳада тўла қонли ва унумли бўлиши мумкин.

Ўзини ўзи ривожлантириш феноменини махсус тадқиқ этиш-дан натижаларидан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мум-кин, ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясининг манбаи сифатида шахснинг ўзини ўзи баҳолаши намоён бўлади (ўзи-ни ўзи англашнинг асосий воситаси бўлмиш ўзини ўзи таҳлил этиш асосида шахснинг ўзини ўзи мунтазам баҳолаш маҳсули). Билиш фаолиятида шахснинг эҳтиёжини фаоллаштиришга ва унга амалий тайёргарликни мақсадли шакллантиришга, шу-нингдек бундай фаолиятнинг зарурлигига ишонишга олиб кела-диган мотивлар ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясининг муҳим тузилмавий элементлари ҳисобланади. Бунда компетен-циянинг асосий ташкил этувчиси ўзини ўзи ривожлантириш-нинг мақсади, муҳим ташкил этувчиси ўзини ўзи назорат қи-лиш (шахснинг ўзини ўзи мустақил баҳолаш қобилияти, унинг хатти-ҳаракати ҳисобланади

Ўзини ўзи ривожлантириш, шубҳасиз, ривожлантирувчи таъ-лим билан узвий боғлиқ. Умумуан, таълим олдига қўйилаётган замонавий вазифалар шахсни нафақат ижтимоийлаштириш, балки касбий, ҳиссий ва маънавий-ахлоқий соҳаларда узлуксиз равишда ўзини ўзи ривожлантириш ривожлантиришга тайёр-ликни ҳам назарда тутмоғи лозим. Ўзгарувчан социумда юзага келадиган шарт-шароит ва талабларга қараб, бўлажак мутахас-сислар ўз фаолият йўналишларини ўзгартира олиш кўникма ва малакасига эга бўлиши керак. Бу эса улардан тинимсиз меҳнат, ривожланиш ва ижодкорликни талаб этади.

Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин, ватани-миз таълим тизимида улкан ўзгаришлар содир бўлди. Касбий малакаси юксак баркамол шахсни тарбиялаб вояга етказиш-нинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва услубий асослари яратилди. Бироқ таълим жараёнида қатор муаммолар мавжудки, уларни ҳал этмасдан кўзланган мақсад-га эришиб бўлмайди. Улардан бири талаблар, яъни бўлажак мутахассисларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантириш орқали касбий кўникмалари ва ижодкорлигини

ривожлантиришдир.

Биз талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш ҳолатини ўрганиш мақсадида сўнгги йилларда нашр этилган бир қанча психологик-педагогик ва ўқув адабиётларини таҳлил қилиб чиқдик. Уларда асосан талабаларга билим бериш методикаси ва уларни касбий фаолиятга тайёрлаш машқлари ҳақида сўз юритилган. Ҳолбуки ўзини ўзи шахсий-касбий ва ижодий ижодий ривожлантириш компетенциясини шакллантириш бевосита амалий фаолият билан узвий боғлиқ.Шу боис, энг аввало, ўзини ўзини шахсий-касбий ва ижодий ривожлантириш компетенциясини шакллантириш йўллари ҳақида сўз юритмоқ лозим.

Ўзини ўзини шахсий-касбий ва ижодий ривожлантириш компетенциясини шакллантиришда нафақат талабаларнинг фикрлаш хусусиятлари (янгилик излаш, бирданига топиш, фаҳмлаш, сезгирлик ва ҳоказолар)га, шунингдек ички омиллар (қизиқиш, ҳавас, ишқибозлик, ирода, мақсадга интилиш, яратувчанлик кувончи, руҳланиш)га ҳам эътибор қаратилиши лозим. Бундан келиб чиқадики, бутун узлуксиз таълим жараёнида, яъни мактаб, коллеж ва олий таълим муассасаларида талабаларнинг ўзини ўзини ижодий ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу малакали ва ижодкор мутахассислар тайёрлаш омилларидан биридир.

Ўзини ўзини шахсий-касбий ва ижодий ривожлантириш узлуксиз меҳнатни тақозо этади. Ижодкорлик фаолияти натижаси — янгиликдир. Аммо янгилик яратиш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Биз қуйида ижодкорлик фаолияти маҳсулининг янгилиги даражалари, ижодкорлик, ривожланиш ва таълимнинг ўзаро бирлиги ҳақида сўз юритамиз.

**Ривожлантирувчи таълим** ўқитиш назарияси ва амалиётидаги муҳим йўналишлардан биридир. Ривожлантирувчи таълим дейилганида ўқитишни шундай тарзда ташкил этиш тушуниладики, бунда ўқув жараёни мазмуни, ўқитиш метод ва шакллари талабани ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилади. Энг аввало, ривожлантирувчи таълимнинг фарқли жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтмоқ лозим. Ривожлантирувчи таълим ҳам учта асосий педагогик вазифа, яъни ўқитиш(билим бериш), ривожлантириш ва тарбиялаш вазифалари орқали амалга оширилади. Бу вазифалар ҳар бир дарсда мавзуни ўрганишда жорий этилиши мумкин.



Аммо ривожлантирувчи таълим ахборот-репродуктив (фақат маълумотлар бериш, қуруқ ёдлаш, тайёр билимларни ўзлаштиришга асосланган) таълимдан фарқ қилади. Ривожлантирувчи таълимда: таълимий вазифа (ўқитиш, билим бериш вазифаси) ахборот-репродуктив тизимдаги каби тайёр маълумот-материалларни қуруқ ёдлашни эмас, балки назарий тушунчалар (қонуниятлар, қонунлар, назариялар)ни ва амалий кўникмаларни пухта эгаллашни назарда тутади. Улар муҳим белгиларига кўра ўқув ахборотидан алоҳида ажратиб ўрганилади; ривожлантириш вазифаси илмий ижодкорлик методларини ўзлаштириш учун ўқув фаолиятининг барча босқичларида талабаларнинг ижодий фаолиятига устуворлик беришни назарда тутади; в) тарбиялаш вазифаси талабаларда ижтимоий ижодкорликнинг асосий технологиялари (ёки уларнинг айрим амаллари)ни мустақил қўллаш кўникмаларини ривожнтиришни назарда тутади. Бу эса педагог ва талабаларнинг изчил мулоқоти ва ҳамкорлигини тақозо этади.

Ривожлантирувчи таълим тузилмаси қийинлашиб борувчи предмет масалаларидан иборат бўлиб, улар талабаларда янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга эҳтиёж уйғотади, ечимларнинг янги схемаларини яратиш ва фаолиятнинг янги усулларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бунда нафақат илгари ўзлаштирилган билим ва фаолият усуллари фаоллаштирилади, балки янги фаразлар илгари сурилади, ғоялар изланади ва оригинал ечимлар ишлаб чиқилади. Бунинг натижасида талабалар таълим жараёнида интеллектуал ва шахсий сифатларини, касбий кўникмаларини ривожлантириш имконига эга бўладилар. Ривожлантирувчи таълим жараёнида педагогнинг асосий вазифаси талабаларнинг мустақил билиш ва касбий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган ўқув фалиятини ташкил этишдан иборат.

Талабалар сенсор қабул қилиш, ҳаракат, интеллектуал, иродавий, эмоционал, мотивацион ва касбий кўникаларини ривожлантиришга қаратилган фаолият турларига жалб этилади. Ана шунга боғлиқ ҳолда, ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида пе-

дагогикада «ривожлантирувчи таълим» атамаси пайдо бўлди.

Ривожлантирувчи таълим талабаларда нафақат билим ва махсус компетенцияларни, балки шу билан бирга уларни умумий ривожлантириш-ни ва бу борада махсус чора-тадбирлар белгилашни назарда тутади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, таълим ҳамиша талабаларни ривожлантиришга қаратилади. Агар таълим талабаларда шахсий ва касбий сифатларни ривожлантиришга етарли даражада йўналтирилмаган бўлса, у ҳолда ўқитиш мазмуни анча тораяди ва турли методлардан фойдаланиш имкони бўлмайди. Ана шу маънода, ривожлантирувчи таълимни жорий этиш ривожлантирувчи таъсирлар соҳасини кенгайтириш ва ўқув фаолиятида ўзини ўзи ривожлантириш ва ижодкорлик элементларини кучайтириш зарурлигини билдиради.

Л. В Занковнинг эътироф этишича, таълим жараёнида талабаларнинг **шахсий-касбий ва ижодий ривожлантириш** учун ўқитишни қийинлик даражаси ортиб борадиган тартибда ташкил этиш, талабаларнинг ўз ўқув фаолияти мазмунини англаб етишини таъминлаш зарур. Шу билан бирга, таълим жараёнида талабаларни “ўзини ўзи ривожлантириш”, шахсий-касбий ривожланиш”, “ижодкорлик”, «ижодий фикрлаш», «касбий кўникмаларни ривожлантириш» каби тушунчалар билан таништириб бориш ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва фарқларини изоҳлаб бериш зарур бўлади. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, ривожлантириш шахснинг барча соҳаларини қамраб олади. Шунинг учун ҳам, ҳозирги замон дидактикасида таълимнинг ривожлантирувчи таъсирини кенгайтириш йўллари изланмоқда.

**Таълимнинг ривожлантириш вазифасининг ўзига хослиги** шундаки, у мустақил равишда мавжуд бўла олмайди, балки ўқитиш(билим бериш) ва тарбиялаш вазифаларининг натижаси ҳисобланади. Демак, талабанинг ривожланиши ўқитиш жараёнида таълимий ва тарбиявий вазифаларнинг қанчалик даражада муваффақиятли жорий этилганлигига боғлиқ. Таълимнинг бу уч вазифасини ўқув жараёни оқимида «бир-бирлари билан кесишмайдиган уч параллел чизиқ» тарзида тасаввур этиб бўлмайди. Улар бир-бири билан қўшилиб кетади ва ўзаро узвий боғлиқ бўлади: бири иккинчисидан олдин амалга ошиб, бошқаси учун сабаб бўлиши, учинчиси унинг оқибати бўлиб, айни вақтда



бирини сабабини фаоллаштириши мумкин. Ўқитиш (билим бериш) ва тарбиялаш вазифаларининг бирлиги таълимнинг ривожлантириш вазифасининг асосини ташкил этади. Ривожлантириш вазифаси таълимий ва тарбиявий вазифаларни жадаллаштиради. Таълимнинг вазифалари диалектик характерга эга.

Таълимнинг ривожлантириш вазифаси талабаларни ижодий тасаввурларини, фикрлаши, хотираси, нутқи, амалий касбий кўникмаларини бойтишга қаратилган турли фаолиятларга жалб этиш орқали амалга оширилади. Педагог талабаларни турли ўқув фаолиятига жалб этиб, уларнинг билим ва кўникмаларини анча ривожлантиради. Ривожлантирув-чи таълимдаги энг асосий масалалардан бири – бу талабанинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришдир ва бу шубҳасиз уларнинг ўзини ўзи ривожлантириши билан боғлиқ. Ривожлантирувчи таълимда талаба нафақат муайян билим ва кўникмаларни ўзлаштиради, балки ўзининг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш усулларини ҳам эгаллайди.

### 1.5-§. Талабаларнинг ўзини ўзи шахсий-касбий ривожлантиришида таълим кластери субъектларини ижтимоий-маданий ва таълимий муҳити

Ривожланувчи таълим, талаба шахси имкониятини риожлантириш, унда таҳлилий фикрлашни, ўзининг фаолияти натижаларини прогнозлаштириш, масалаларни ечиш йўллари ва методлари излаш стратегияси ишлаб чиқиш кўникмаларини шакллантириш воситаларидан фойдаланишнинг оптимал шарт-шароитларини аниқлашга йўналтирилган психологик-педагогик ва методик ишланмалар замонавийлаштирилмоқда. Талабаларнинг шахсини ўзини ўзи ривожлантириши олий таълим муассасалари таълим жараёнида устуворлик касб этмоқда.

Талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантириши муаммосига эътибор кучайиши шахснинг эркин, ўзига хос фикрлашини ривожлантиришида муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушиниш, фаоллик, ташаббускорлик, мустақиллик, ўзини ўзи ривожлантиришга тайёргарлик сифатларига қўйилаётган талабларнинг

юқорилиги билан белгиланади.

Талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантиришини педагогик қўллаб-қувватлашнинг натижавийлигининг бевосита кўрсаткичи шартлидир: талабанинг ўзи мезон сифатида намоён бўлади, педагогик фаолият инсоннинг ривожланиши майдонида кечиккан натижага эга бўлади. Шунинг учун педагогик қўллаб-қувватлаш икки хил натижага эга бўлади: алоҳида олинган вазиятлар доираларида ота-она, ижтимоий муҳит таъсиридаги тарбия натижаси, ўзини ўзи ривожлантиришга қатилган ўқув жараёнининг таълими натижаси.

Олий таълим муассасалари талабаларининг ўқув-билиш фаолияти (унинг турли кўринишларида) ўзини ўзи ривожлантириш жараёнига имкон берувчи фаолиятнинг асосий турлари ҳисобланади. Бунда педагогик қўллаб-қувватлаш махсус ташкил этилган таълим жараёни субъектларининг ривожланиш муаммосини ечиш учун амалга оширилган педагогик фаолият ва турли хаётий вазиятларда талабаларга энг мақбул қарорлар қабул қилиш имконини берадиган шарт-шароитлар сифатида қаралади.

Талабаларнинг нафақат ўз ақлий имкониятларини намоён этиши, маънавий эхтиёжларини қондириши, балки қадриятий-мотивацион ва фаолиятий-амалий жиҳатдан ўзлигини ифодалаши ҳам долзарб ва муҳим ҳисобланади.

Талаба шахсининг ривожланиши ҳақида сўз юрита туриб, у билан ягона таълим муҳитида ривожланиб борадиган педагог позициясининг муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Талаба шахсининг ривожланишини педагогик қўллаб-қувватлаш юзага келиши мумкин четлашишлар ва қийинчиликлардан огоҳ этишни назарда тутади. Бу ерда ёрдам ва қўллаб-қувватлашдан педагогик жараёнда иштирок этаётган барча буғинлар (кластер субъектлари) ўзини ўзи мувофиқлаштириш ва ўзини ўзи ривожлантириш механизмини ишга тушириш тамойили амалга оширилади.

Гап шундаки, педагогик қўллаб-қувватлаш шахс фаоллигининг аҳамиятини пасайтирмайди, балки шахснинг ўзини ўзи тушиниши ва ўзини ўзи ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш имкониятини беради ва ёрдам кўрсатиш ҳамда қўллаб-қувватлашни ҳам истисно этмайди.



Ўқув фанлари доирасидаги ўқув-педагогик ўзаро таъсирни талаба шахси ривожланишини педагогик қўллаб-қувватлашнинг муҳим йўналиши деб ҳисоблаш мумкин (талабалар билан биргаликда ташкил этилган илмий-тадқиқот ва таълим-тарбия ишлари ҳамда аниқ педагогик ёрдам ва педагогик қўллаб-қувватлаш асосида).

Талаба шахси ривожланишини педагогик қўллаб-қувватлашнинг умумлаштирилган асосий тушунчалари қуйидагилар ҳисобланади. Шахс билиш ва ижодий фаоллик субъекти сифатида шаклланмайди, бошиданоқ билиш ва ижодий фаоллик субъекти ҳисобланади, олий таълим муассасасаларида махсус ташкил этилган таълим жараёнининг таъсиригача бўлган даврларда талабада шаклланган индивидуаллик, ички уйғунлик, ўзига ишонч, ўзини ўзи баҳолаш, ўзига хосликнинг устуворлиги ҳам худди ана шундан келиб чиқади.

**Таълим жараёнини лойиҳалаш** шахснинг индивидуал фаолиятга, хаётий фаолиятнинг барча аспектларини ўзгартиришга интилишини фаоллаштириш имкониятини назарда тутади. Унинг амалга оширилишда ҳар бир иштирокчининг субъектив тажрибасини аниқлаштирилади ва ўқув ва ижодий фаолиятнинг шаклланган усуллари қайд этилади.

Педагог ва талабанинг фаолият тажрибасини алмашишга йўналтирилган ҳамкорлиги иштирокчиларнинг махсус ташкил этилган ҳамкорликдаги фаолияти асосида амалга оширилади. Талабалар шахсининг ривожланиши таълим жараёни натижаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, ўзини ўзи ривожлантиришни педагогик қўллаб-қувватлашнинг асосий мақсади унга ташқаридан эксперт ёрдам беришни ташкил этиш эмас, балки талабанинг ўз муаммоларини англаб етишини тезлаштиришдан иборат. Талабанинг ўзини ўзи билиш, ўзини ўзи камол топтириш, ўзини ўзи фаоллаштириш жараёни фақат педагогик куллаб-қувватланаётган талабанинг хоҳиш-истагига боғлиқ.

Айтиш мумкинки, педагогик қўллаб-қувватлаш, бу, биринчидан, қўллаб-қувватлаш ва ёрдамнинг яхлит ва комплекс тизими, иккинчидан, у интегратив технология бўлиб, унинг асосини шахснинг ривожланиш ва ўзини ўзи ривожлантириш имконият-

ларини тиклаш ва вазифаларини самаради бажара олиши учун шарт-шароитлар яратишдир; учинчидан, педагогик қўллаб-қувватловчи ва ёрдамга муҳтож шахс ўртасида ўзига хос алоҳида муносабатлар жараёни.

Педагогик қўллаб-қувватлашни амалга ошириш қуйидаги шарт-шароитларини ифодалаш мақсадга мувофиқ: ташкилий-педагогик, мазмуний, технологик.

Бизнинг назаримизда, талабаларнинг ўзини ўзи ривжлантиришини ўқув фаолияти орқали ва айни жараённи педагогик қўллаб-қувватлаш фаоллаштириш мумкин. Гар шундаки, ўзини ўзи ривожлантиришни ғояси таълим олувчиларнинг миясига ўз-ўзидан "қўйилиб" қолмайди, айни жараён талабанинг ўз устида шахсий ишлаши натижасида ишга туширилади. Бундан ташқари, педагогнинг касб маҳорати – олий таълим муассасаси ишида ўта зарур шартдир. Бунда шуни ҳисообга олиш кераккi, таълим жараёни – бу ижодий жараён, онгли равишда ташкил этилган, шахснинг муносабатлари тизиминп лойиҳаланадиган ва мунтазам амалга ошириладиган жараёндир.

Ўзининг тадқиқотларида М.А.Щукина "ўзини ўзи ривожлантириш" тушунчасининг мустақил онтологик мақомини таъкидлаб ўтиб, унинг ўзгаришларнинг ижобий йўналганлиги, ўзини ўзи ривожлантиришнинг мақсадга йўналганлик характери, ўзгаришларнинг субъектив характери (ривожланиш актида объект ва субъектнинг қўшилиши), англаганлик, бевоситалик каби ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтади. Муаллифнинг эътирофича, "ўзини ўзи ривожлантириш ўзини ўзи онгли равишда ўзгартириш"да намоён бўлади, "айнан ўзини ўзи ривожлантириш жараёнида инсон ўз "Мени"нинг ва ҳаётий йўлининг ижодкори сифатида максимал даражада намоён бўлади».

Бунда муаллиф икки тушунча - "ўзини ўзи ривожлантириш" ва "ривожланиш субъекти" ўртасидаги боғлиқликни аниқлайди, унинг таъкидлашича, ўзини ўзи ривожлантиришнинг бундай талқинига кўра, инсон ривожланиш субъектга айланганн сари ўзини ўзи ривожлантириш имконига эга бўла бошлайди. Бу ҳолда ташқи воситалар ёрдамида ривожланишдан ўзини ўзи ривожлантириш ўтиш содир бўлади ва бу онгли равишда мустақил ўзини ўзи ривожлантириш жараёни ҳисобланади.



Педагогик таълим кластери шароитида талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантиришлари учун, энг аввало, сифатли таълим хизматини амалга ошириш керак. Агар автомобиль кластерининг асосий маҳсулоти автомобиль бўлса, кимё кластерида – кимёвий ишлаб чиқариш маҳсулоти, таълим кластерида – асосий маҳсулот – бу таълим хизматидир. Гап шундаки, таълим кластери нафақат таълим хизматларини яратишга, балки бозор конъюктурасининг доимий ўзгарувчи шароитда рақобатлашишга қодир шахсни ўқитиш ва тарбиялашга йўналтирилади.

Бунда таълим муассасаларининг ташкилотлар ва турли тармоқ корхоналари, ишлаб чиқариш ва бошқаришда янги технологияларни ҳаракат келтиришга қаратилган фаолият йўналишлари билан, шунингдек инновацион фаолият учун кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш мақсадида ўзаро таъсирни фаоллаштириш муҳим ҳисобланади.

Олий таълим муассасалари талабаларида "ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси"ни шакллантириш тушунчаси мазмунини таҳлил этиш учун тадқиқотнинг биринчи мавзусида "Ўзини ўзи ривожлантириш" тушунчасига ёндаш бўлган "ўзини ўзи ўзгартириш" (шахснинг маънавий-ахлоқий ва фаолиятий-амалий жиҳатдан ўзини ўзи бойитиш ва имкониятларини оширишни, ўзгарувчан шарт-шароитларда ўз имкониятларини сақлаш намоён этиши учун ўзини тайёрлаши ва ўзининг ижтимоий вазифасини мустақил амалга ошириши) ва "компетенция" (ўзаро боғлиқ билимла, кўникмала, малакала, турли даражадаги масалаларни муваффақиятли ечиш имконини берувчи муайян предмет ва жараёнлар билан боғлиқ фаолият усуллари) тушунчаларини таҳлил этиш лозим.

Педагогик жараён яхлитлигининг характерли хусусияти шундаки, бунда мураккаб ижтимоий-маданий ва иқтисодий шароитларда муваффақиятли ҳаётий фаолият кўрсатишга қодир шахснинг ўзини ўзи ривожлантириига таъсир кўрсатувчи тарбия, таълим, ривожланиш интеграцияси юзага келади. Айнан ана шунга боғлиқ ҳолда, ўқув гуруҳи раҳбарининг талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантирниш ва ўзини ўзи тарбиялаш жараёнларини фаоллаштиришга йўналтирилган тарбиявий ишлари муҳим ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнида педагогик қўллаб-қувватлаш феноменологияси аниқлаш муҳим. У ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси тузилмасига кирувчи, талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантириш моҳиятини ва уни амалга ошириш усулларини англашини, шахсий сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган аудитория ва аудитория ташқаридаги фаолият шароитида педагог ва гуруҳ раҳбарининг бир-бирини ўзаро белгиловчи ва изчил мураккаблашувчи фаолиятлари йиғиндиси сифатида қаралади. Юқорида баён этилганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, бўлажак педагогларнинг ўзини ўзи ривожлантиришини педагогик қўллаб-қувватлаш жараёни моҳияти жиҳатидан педагогик фаолият бўлиб, талабанинг индивидуаллигини ривожлантиришни жадаллаштиришга йўналтирилади. Ўзини ўзи ривожлантиришнинг бошқа характеристикалар - бу шахснинг фаоллиги, ўзини ўзи англашининг ривожланиши даражаси, ўзини ўзи билишга қобилияти ҳисобланади. Ўзини ўзи билишга қобилият шахснинг ўзини ўзи шакллантириш, истиқболи, ўзини ўзи ривожлантириш усуллари ва воситаларини аниқлаш жараёнига узвий равишда қўшилиб кетади.

Талабалик - ўзини ўзи ривожлантиришнинг энг мақбул даври бўлиб, бунда талабаларда муайян психологик хусусиятлар ва хулқ-атвор турлари шакллантиши қулай шарт-шароитлар яратилган бўлади. Бу даврда энг муҳим янгилик талабаларнинг дунёқарашининг ривожланиши, ўзи ҳақида яхлит тасаввурнинг ҳосил бўлиши (ёки Мен концепцияси), касбий ўзини ўзи белгилаши, ўзини ўзи ривожлантиришга қобилият ҳисобланади. Олий таълим муассассалари талабаларининг ўзини ўзи ривожлантириш жараёнинининг ўзига хослигини таҳлил этишда, энг аввало, келгусидаги касбий фаолиятида ўзини ўзи намоён этишга интилиши сифатида унинг касбий йўналлганлиги ўрганилади.

**Ўзини ўзи ривожлантиришга қобилият** – шахснинг индивидуал-психологик ўзига хослиги сифатида аниқ ҳаётий муаммоларни ҳал этиш учун зарур янги билимлар, кўникмалар, малакаларни мустақил ўзлаштиришини таъминлайди. Л.С.Виготскийнинг таъкидлашича, қобилият-ларнинг ривожланиши



Бу, энг аввало, субъект томонидан ўзининг қобилиятларини мукаммал эгаллаши ҳисобланади. Ўзини ўзи ривожланти-ришга қобилиятининг ривожланиши натижаси қуйидагилардан иборат бўлмоғи керак: ўзини ўзи ривожлантиришга барқарор мотивация, ўзини ўзи ривожлантиришга тайёргарлик ва субъектнинг ўз ичига қуйидаги компонентларни қамраб олган **ўзини ўзи бошқариш қобилияти:**

вазиятли ҳолатларда тўғри йўналиш ола билиш, муаммони кўра олиш ва зиддиятларни таҳлил қила билиш;

прогнозлаштириш;

мақсад қўйиш;

режалаштириш;

сифатни баҳолаш мезонларини шакллантириш;

фаолиятни амалга ошириш учун қарор қабул қила билиш;

ўзини ўзи назорат қилиш;

фаолиятга тузатишлар киритиш.

Ҳозирги замон шароитида ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси шахснинг асосий компетенциялари қаторига киради ва таълимнинг турли босқичларида битирувчилар касбий компетентлигининг таянч ташкил этувчиси ҳисобланади. Педагогик таълим жараёнида ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантириш деганда таълим олувчиларнинг ўз фаолиятининг субъектив сифатида ўзини билиш ва англаш ва бу фаолият жараёнида ўзини ривожлантириши назарда тутилади.

**Педагогик фаолият жараёни субъектига айланиш қуйидагиларни англатади:**

педагогик фаолият мазмунин англаш ва белгилаш;

уни амалга оширишга ва ижодий қайта қуришга қодирлик (уни амалга ошириш услублари, методлари ва воситаларини билиш);

ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясининг шаклланганлиги даражасини баҳолаш, ривожланиш масъулиятини ўз зиммасига олиш ва ривожланиш йўлларини излаш;

таълим фаолияти жараёни ва унинг натижаларини назорат қилиш;

ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантириш усулларини лойиҳалаш.

Талабаларнинг педагогик таълим жараёнида ўзини ўзи ривожланти-риши ўзининг кучли ва кучсиз томонларини билишни, педагогик фаолиятга оид (маънавий-маърифий, маданий, касбий, психологик) билимларни доимий равишда ўзлаштиришни назарда тутади. Улар ўзларининг билими, кўникмалари, амалий ишлари, хатти-ҳаракатлари, сифатлари ва қобилиятларини келгусидаги касбий фаолияти билан ичдан қиёслаб, уларни социумнинг талаблари билан мувофиқ равишда прогнозлаштиради ва ички ҳолатига йўналтиради. Бўлажак мутахассиснинг ўзини ўзи ташкил этиш бўйича ишларини фаоллаштиришини белгилаб берувчи, мустақил билим олиш ва ўзини ўзи ривожлантиришга янги эхтиёж ана шундай туғилади.

Олий таълим муассасалари талабаларида ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси шакллантиришни педагогик қўллаб-қувватлаш усуллари ва шакллари ҳақида сўз юритиладиган бўлса, талабларнинг яширин имкониятларини ўрганиш мақсадида дастлаб **ташхислаш ишлари амалга оширилади:**

ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси шаклланганлигининг дастлабки даражасини аниқлаш мақсадида диагностик тест;

педагогик фаолиятга мотивацияни, педагогик тажрибанинг мавжудлигини аниқлаш учун анкеталаштириш;

психологик тест.

Талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантиришини педагогик қўллаб-қувватлашнинг муҳим услуби уларга фаолиятнинг когнитив усулини аниқлашларига ёрдам бериш ҳисобланади, тадқиқотлар кўрсатадики, улар билимларни эгаллашининг асосини ташкил этади ва идрок этиш, тушуниш, эсда сақлаб қолиш, талабаларнинг таълим муҳити билан ўзаро таъсирлашиши қонуниятини акс эттиради. Ўзининг когнитив стилини билиш талабаларга ўқув материалини эгаллашнинг шахсий стратегиясини танлаш имкониятини беради.

Бизнингча, талабанинг ўзини ўзи ривожлантириш траекториясини қуриш усулларидан бири унинг шахсий таълим муҳти (ШТМ) ни яратишдан иборатдир. Хоржий мамлакатларнинг педагогик амалиётида PLE (Personal Learning Environment - шахсий таълим муҳити) яратилган бўлиб, веб 2,0 технологияларидан фоал фойдаланиш ва веб 3,0 технологияларга ўтиш билан боғлиқ равишда кенг қўлланила бошланди.



PLE тизимлардан иборат бўлиб, улар талабаларга ўзларининг ўқув фаолиятини назорат қилиш ва бошқариш имконини беради, ўз навбатида ўқув мақсадларини белгилаш, ўқув жараёнини бошқариш (предмет ва процессуал аспектлари), ўқув жараёнида ўзаро таъсирлашишларига ёрдам беради. Шундай қилиб, PLE талабани таълим субъектига айлантиради, бир томондан, унинг ахборот билан, иккинчи томондан эса, тармоқ ҳамжамияти иштирокчилари билан алоқасини таъминлайди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, шахсий таълим муҳти ўқитишнинг бир модели (талабаларнинг ўзлари мустақил манбалар, масалан, кутубхона, АРМ, ЎММ ахборотлари истеъмолчиси/фойдаланувчиси ҳисобланган ўқитиш модели)дан иккинчи модели (талабаларнинг ўзлари таълим ресурслари палитридан ахборотий алоқаларини қуриш, ахборотларни ўзлари танлаш ва ташкил этиш модели) га ўтишларини билдиради. Бинобарин, шахсий таълим муҳтини янги форматдаги индивидуаллаштирилган ўқитиш моделининг эволюцияси (тадрижий такомили) сифатида қараш мумкин.

Шахсий таълим муҳтини яна бир муҳим жиҳати шундаки, бунда бошқа таълим олувчилар билан ўқув ўзаро таъсирлашишга жиддий эътибор қаратилади. Улар шахсий таълим муҳти мазмуни элементлари билан ўзаро алмашинадилар, муҳокамаларда иштирок этишади, бир-бирларини баҳолайдилар. Шахсий таълим муҳти талабаларда ўқув жараёни учун масъулиятни шакллантиришга таъсир кўрсатади. Талабалар қандай ресурслар ва технологиялар янада самарали ўқишлари учун ёрдам беишлари ҳақида фикр юритишга мажбур бўладилар. Шахсий таълим муҳти таркиби талабаларнинг ўзлари томондан белгиланади. Шундай қилиб, ўқитишни ташкил этиш ва бу жараённи амалга ошириш масъулияти талабаларнинг зиммасида бўлади. Шахсий таълим муҳти қанчалик даражада мазмунан бой бўлса, уларда ўқув имконияти шунчалик даражада кўпроқ намоён бўлади.

Шахсий таълим муҳтининг юқорида баётган этилган характеристика-ларига таянган ҳолда, айтишимиз мукинки, педагогик таълим кластери шароитда олий таълим муассасалари та-

лабаларида ўзини ўзи ривожланти-риш компетенциясини шакллантиришда шахсий таълим муҳти таълим сервислари, ўқув ресурслари ва технологиялари, педагогик таълим ва ўзини ўзи ривожлантириш усулларини ўзлаштиришга имкон берувчи узлуксиз мустақил таълим таъминлаш учун ташкил этиладиган ўқув ўзаро таъсирлашиш мажмуасидан иборатдир.

**Бизнингча, шахсий таълим муҳти компонентлари қаторига қуйидагилар киради:**

ўзини ўзи ривожлантириш усулларини ўрганувчи (унинг ўзи ахборотни ташкил этувчи, фойдаланувчи ва узатувчи ҳисобланади);

ахборот манбалари(кутубхоналар, АРМ, сайтлар, wiki);

ахборот сервизлар;

ахборот оқимлари;

шахсий таълим муҳтлари ўртасидаги ўзаро таъсир тизими.

Шахсий таълим муҳтини лойиҳалаш амалиёти кўрсатадики, у босқичма-босқич амалга оширилади, унинг таълим олувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантиришга таъсири самаралироқ бўлади, чунки талабалар ягона жараёнга қўшилганидан кейин, улар доимий равишда шахсий таълим муҳтини тўлдирадилар ёки педагогик таълим ва ўзини ўзи ривожлантириш жараёнида олдинга тамон ҳаракатланинінг энг мақбул шаклллари, методлари воситаларини танлаб, унинг мазмунини ўзгартирадилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, педагогик таълим кластери шароитида олий таълим муассасалари талабаларида ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантиришни педагогик қўллаб-қувватлаш педагоглардан илмий-асосланган технологияларни лойиҳалаш ва таълим олувчиларга стратегияни ривожлантиишда ёрдам беришни талаб этади.

Равшанки, бизнинг назаримизда, ҳозирги замон шароитида олий таълим муассасалари талабаларида ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантириш ва ўзини ўзи камол топтиришга қобилият ва тайёргарлик – бу уларнинг шундай сифатики, у бўлажак профессионалга янги уфқларни эгаллашига, ҳаётда сафарбар ва талаб этилувчи мутахассис бўлишига кўмак беради.



## 1.6-§. Педагогик таълим кластери шароитида талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Жаҳонда кластер методидан фойдаланиб педагогик объектларни лойиҳалашга оид методологик ёндашувларни чуқур назарий тадқиқ этиш асосида малакали мутахассислар тайёрлаш муаммосини комплекс ечишга қаратилган изланишлар олиб борилмоқда. Таълим жараёнига татбиқ этилаётган инновациялар самараси бўлажак педагогнинг шахсий-касбий ривожланганлиги даражасига бевосита боғлиқ. Минг йиллик ривожланиш мақсадлари (Millennium Development Goals (MDGs), Жаҳон таълим форуми (World Education Forum) ва Лиссабон Конвенциялари компетентциявий ёндашув асосида ўзини ўзи ривожлантиришининг инновацион йўналишларини белгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги кескин ўзгаришлар ёшларни мустақиллика, ўзини намоён этиш соҳаларини эркин танлаш, ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантиришни талаб этмоқда. Бугунги кунда билим беришга устуворлик беришдан таълимнинг компетентлик парадигмасига ўтиш, жумладан, педагогик таълим кластери шароитида талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компентенциясини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ва замонавий дастурий методик таъминотини жорий этиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро тажрибаларга кўра, тез ўзгараётган социумда ишлаш ва яшашга тайёр профессионални тайёрлаш – бу олий таълим муассасалари олдида турган стратегик вазифалардан ҳисобланади. Ана шу нуқтаи назардан, малака ва кўникмалар таҳлили асосида бўлажак мутахассисларда ўзини ўзи ривожлантириш компонентлари (шахсий, интеллектуал, касбий, жисмоний ривожланиш) ни компетенциявий ёндашув асосида шакллантириш долзарб вазифадир.

Таълимни модернизациялаш шароитида назария ва амалиётнинг мажмуавий бирлиги, таълим муассасалари ва таълим олувчилар ишончлиларини интегралловчи кластер модели (integrate

cluster model) асосида кадрлар тайёрлашни ташкил этиш, индивидуал мустақил таълимни, ўзини ўзи ривожлантириш жараёнини педагогик лойиҳалаштириш, ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантиришга қаратилган ўқув дастурини “кластер” методи асосида такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда таълими тизими ислоҳ қилиниб, ISCI 88 ва ISDEC 97 каби халқаро стандартлар асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадида ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантириш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи энг мақбул педагогик шарт-шароитлар ва замонавий ўқув-услубий таъминотларни комплекс жорий этиш борасида тизимли ва изчил равишда ишлар амалга оширилмоқда.

**Бу борада:**

хорижий давлатларнинг олимлари А.Маслоу, Р.Роу, Э.Де. Боно, Д.Гильфорд, Е.Торранс, К.Роджерс, А.Маслоу, Ф.Баррон, С.Стернберг, Т.Любард, Ч.Лэндри, К.А.Хеллернинг тафаккур, ижодий қобилиятни шакллантиришнинг психологик масалаларига оид;

ҳамдўстлик мамалакатлари олимлари И.А.Ильин, Л.С. Выготский, П.Я.Гальперин, В.В.Давыдов, Д.Б.Эльконин, Е.И.Исаев, Е.П. Никитин, Ю.М.Орлов, Г.К.Селевко кабиларнинг шахснинг ўзини ўзи ривожлантириш-га оид;

О.Е.Гавриловнинг таълим кластери шароитида бўлажак тикув ишлаб чиқариш мутахассислари-талабаларда касбий компенцияларни шаклантиришга оид;

А.Г.Зарляловнинг таълим класери шароитида бўлажак педагогик кадрларни тайёрлашнинг минтақавий моделини ишлаб чиқишга оид;

Н.Н.Азизходжаева, Ш.Абдуллаева, Р.Х.Джураев, У.К.Толипов, Ш.Ш.Шарипов кабиларнинг таълим олувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини узлуксиз ривожлантиришга оид:

А.Н.Дахин, В.А.Болотов, И.Д.Фрумин, Т.И.Шамов, И.С.Якиманский, А.В.Хуторский, С.Е.Шишов, Л.О.Филатова, А.А.Востриков, А.Л.Андреев кабиларнинг«Компетентлик», «компетенция», «компетенциявий ёндашув» тушунчаларига оид;



Р.А.Мавлонова, Б.Р.Адизов, М.Г.Давлетшин, Х.П.Назарова, Г.И.Щукина кабиларнинг талабаларда билиш фаолиятини шакллантириш-нинг дидактик асослари, уларнинг фикрлаш фаоллигини ривожлантиришга оид;

С.И.Константинов, Ю.В.Пестерев, Е.П.Поздняков, Е.В.Макаренко-ларнинг талабаларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришга оид;

Н.Х.Авлиёқулов, О.Е.Бабанский, В.П.Беспалько, Т.Т.Галиев, Б.Зиёмухаммадов, Е.Л.Мельникова, Т.Олимов, Е.С.Полат, Н.Сайдахмедов, Г.К.Селевко кабиларнинг таълим жараёнига тизимли ёндашув, педагогик технологияларни илмий асослари, моҳияти ва замонавий лойиҳаси, муаммоли ўқитиш масалаларига оид илмий ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Кузатиш ва таҳлиллар, таълим кластери шароитида олий таълим муассасалари талабаларида ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантириш муаммоларига қаратилган ишлар камлигини кўрсатади. Бу борада замонавий педагогик дастурий воситалар, ўқув-услубий таъминотлар, компьютерли лойиҳалаш воситалари ва ўқитиш технологиялардан фойдаланишга кўпроқ эътибор қаратиш зарур. Бунинг учун таълим кластери шароитида талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантиришга замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш; унинг илмий ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш, модели тизимини ва тузилмасини ишлаб чиқиш ҳамда амалда жорий этиш каби вазифаларни амалга ошириш лозим. Бу ўз навбатида таълим кластери шароитида талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантиришга хизмат қилади.

**Компетенция** кенг қамровли тушунча бўлиб, у инглизча “competence”, яъни “маҳорат”, “қобилият” муайян бир соҳада билимли, тажрибали деган маъноларни англатади. Бу шахсни муайян бир маҳорат ва қобилият даражасига ёки тажрибасига эгалиги. Уни шахс ҳаёт фаолиятининг турли жабҳалари, жумладан таълим учун ҳам ишлатиш мумкин. Мазкур тушунча таълимга илк бор, ЮНЕСКО ташкилоти қошида тузилган Э.Фор бошчилигидаги комиссиянинг 1972 йилдаги “ўқимоқ” деган маърузаси орқали кириб келган.

Талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияларини

шакллантириш жараёнларини ташкил этишда илғор педагогик тажрибалар ва замонавий ўқитиш воситалари, энг самарали ҳисобланган методлар ва ёндашувларни амалиётга татбиқ этиш зарур ҳисобланади. Бунда талабаларнинг мустақил ва самарали фикрлашининг муҳим механизми сифатида инновацион ёндашув ўзига хос аҳамият касб этади. Бунда улар ўз фаолиятини ўзи таҳлил қилиши ва объектив баҳолаши ҳамда педагоглар эса мавжуд таълимий вазиятларни ўз вақтида таҳлил қилиб бориши ҳамда талабаларнинг ўз тушунчалари, ҳатти-ҳаракатларини фаол ўйлаб кўриши учун шарт-шароитлар яратилади.

Талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияларини шакллантириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда шахс-фаолият ёндашуви ҳам зарур ҳисобланиб, бу ёндашув талабалар рефлексив фаолиятини ташкил этиш жараёнида уларнинг фаоллигини таъминлаш ва аниқ мақсадларга кўра уларни мотивлаштириш воситаси сифатида вужудга келади. Бу жараён самарадорлигини аниқ вазиятларга кўра баҳолаш ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, мазкур жараён самарадорлигини таъминлашда вақт ўтиши билан вужудга келаётган вазиятларга кўра талабалар рефлексив фаолиятини мувофиқлаштириб бориш вазиятли ёндашувни ифодалайди. Бунда бошқарилувчи объект ҳисобланаётган компетенцияларни шакллантириш жараёнларининг аниқ шароитдаги ички ва ташқи вазиятига қараб талабалар фаолиятини мувофиқлаштириш мазкур жараён самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияларини шакллантириш жараёнлари самарадорлигини ошириш, кўзланган мақсадга эришишда жалб этиладиган сарф-харажатларнинг меъёрдан ортмаслигини таъминловчи, талабаларнинг имконияти, қобилияти ва тушунчаларига ҳамда мавжуд вазиятлар ва шарт-шароитларга мос келувчи, энг қулай бўлган тизимни вужудга келтириш мувофиқлаштирилган ёндашувни жорий этишдир. Унинг талабаларда мазкур компетенцияларни шакллантириш жараёнларига татбиқ этилиши натижасида уларнинг фаоллигини ҳамда компетенцияларини шакллантириш жараёни самарадорлигини таъминлаш учун сарф этиладиган меҳнат ва вақт тежалади, уларнинг фаоллиги таъминланади ва самарадор-



лиги ошади.

**"Компетентлилик", "компетенция" тушунчалари** тавсифларида қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилади: билимлар мажмуининг амалда қўлланилиши; шахснинг ўқуви, кнлатлари, фазилатлари; амалий фаолиятга тайёргарлик ўлчови; муаммоларни ҳал этиш, амалда зарур натижаларни қўлга киритиш лаёқати; шахснинг профессионал фаолиятини таъминловчи билим, кўникма, малакалар яхлитлиги; фаоллашган (амалиётга татбиқ этилган) ўқув, билим, тажрибалар мажмуи; шахснинг мақсадли йўналтирилган эмоционал ирода кучи.

Қуйидаги 3-жадвалда компетенция турлари келтирилган:

*3-жадвал*

**Компетенция турлари**

| № | Компетенция номи | Мазмуни |
|---|---|---|
| 1 | Қийматли-мазмунли | Бу компетенция дунёқараш доирасида талабанинг ўраб олган дунёни тушуниши ва кўра олиш қобилияти, ўзининг роли ва бурчини англаши, ҳаракатлари учун мазмунли йўл тутишни танлаши, ечим қабул қилиши билан боғланган. Бу компетенциялар ўқув ва бошқа фаолият вазиятларида талабанинг ўз мавқеини белгилаб олиш механизмини таъминлайди. |
| 2 | Умуммаданият | Бу фаолият тажрибаси ва билишни эгаллашни талаба томонидан яхши хабардор бўлиш муҳимлигига оид саволлар доираси. Унга миллий ва умуминсонийлик маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, киши ҳаётининг, алоҳида халқ ва инсониятнинг диний-ахлоқий асослари, урф-одат, ижтимоий ва жамоавий ҳодисалар, ҳаётий маданиятшунослик асослари, кишилик ҳаётида фан ва дининг роли, уларнинг дунёга таъсири, маданий-оқартув ва маиший компетенциялар киради. Бунга талабанинг дунё илмий картинасини эгаллаш тажрибаси ҳам таалluқли. |
| 3 | Ўқув-билиш жараёни | Бу мустақил билиш фаолияти доирасидаги компетенциялар мажмуи бўлиб, у ўз ичига аниқ билиш мумкин бўлган объектларнинг мантиқий элементлари, методологияси, умумўқув фаолиятини олади. Бунга ўқув-билиш фаолиятини баҳолаш, таҳлил қилиш, рефлексия, режалаштириш, мақсадга йўналтиришни ташкил этиш билим ва кўникмалари киради. Талаба ўрганадиган объектга нисбатан продуктив фаолият кўникмаларини муаммо ечимининг эвристик методларини, ностандарт ҳолатларда ҳаракат усулларини эгаллаш, бевосита реал билимлари орқали эгаллайди. Бу компетенция маълумотлари доирасида саводхонликнинг мос талаблари аниқланади: улар, уйдирмалардан фактларни ажрата билиш, ўлчаш кўникмаларини эгаллаш, билишнинг статистик, эҳтимоллик ва бошқа методларидан фойдаланиш. Бу компетенция талабанинг мустақил билиш фаолияти, мантиқий фикрлаши, ўқув-билув фаолиятини баҳолай олиши, билим ва кўникмаларини таҳлил қила олиши. |

| | | |
|---|---|---|
| 4. | **Ахборот** | Бу замонавий ахборот-компьютер технологияларидан комплекс фойдаланиш асосидаги ахборот фаолият доираси компетенцияси. Реал объект (телевизор, магнитофон, телефон, факс, компьютер, принтер, модем, сканер) ва ахборот технология (аудио-, видеоёзув, электрон почта, СМИ, Интернет)лар ёрдамида керакли ахборотларни мустақил излаш, таҳлил қилиш, саклаш, юбориш, ташкиллаштириш кўникмалари шаклланади. Ушбу компетенциялар, талаба фаолиятининг ўраб олган дунёда, таълим соҳалари ва ўқув фанларига нисбатан кўникмаларини таъминлайди. |
| 5. | **Коммуникатив** | Бу коммуникатив фаолият соҳасидаги компетенциялар мажмуидир. Улар ўз ичига - муҳим тилларни билиш, атроф-муҳит, ҳодиса ва кишилар билан ҳамкорлик қилиш усуллари, гуруҳларда ишлаш кўникмалари, жамоада турли ижтимоий ролларни эгаллашни олади. Талаба ўзини таништириш, хат ёки ариза ёзиш, анкетани тўлдириш, савол бериш, дискуссия-ларда иштирок этиш кабиларни билмоғи лозим. Бу компетенцияларни ўқув жараёнида ўзлаштириш учун коммуникациянинг муҳим ва етарли даражада сифатли объектлари қайд этилади ҳамда таълим соҳаси ёки ҳар бир фанни ўрганиш доирасида талаба билан ишлаш усуллари берилади. |
| 6. | **Ижтимоий-меҳнат** | Бу инсоннинг турли ижтимоий ва меҳнат фаолияти доирасидаги компетенциялар мажмуидир. Бунга фуқаролик-жамоатчилик фаолияти (фуқаролик ролини бажариш) доирасидаги билим ва тажрибалар, ижтимоий-меҳнат (истеъмолчи, сотиб олувчи, клиент, ишлаб чиқарувчи) доирасида, оилавий муносабатлар (ўғил-қиз, ота ёки она, бува роли) доирасида, иқтисод ва ҳуқуқ (меҳнат бозоридаги ҳолатни таҳлил қилиш маҳорати, жамият ва шахсий фойдасини кўзлаган ҳолда ҳаракат қилиш, ўз ҳуқуқидан фойдаланишни билиш) доирасида, касбий соҳада ўз мавқеини белгилаб олиш киради. Талаба ижтимоий-меҳнат компетен-циясини ўзлаштириш билан замонавий жамиятда ҳаёт учун зарур минимал ижтимоий ва меҳнат фаоллиги кўникмаларини эгаллайди. |
| 7. | **Шахсий ўзини ўзи ривожлантириш** | Бу физик, диний, интеллектуал ривожланиш, эмоциональ ўз-ўзини регуляция қилиш ва ўз-ўзига мадад бериш усулларини ўзлаштиришга йўналтирилган компетенциялар мажмуидир. Бу компетенция доирасида талабанинг ўзи реал объект сифатида қатнашади. У ўз қизиқиш ва имкониятларида фаолият усулларини эгаллайди, бу унинг узлуксиз ўз-ўзини билиши, замонавий инсонга зарур бўлган шахсий сифат-ларнинг ривожланиши, психологик саводхонлик, фикрлаш маданияти ва ахлоқи шаклланиши билан ифодаланади. Бу компетенцияга – шахсий гигиена қоидалари, ўз соғлиги ҳақида қайғуриш, ички экологик маданият таалуқли. Шу билан бирга, бунга шахс ҳаёт фаолиятининг хавфсизлиги асослари билан боғлиқ сифат комплекслари ҳам киради. |

Таянч таълим компетенцияларни шакллантириш кенг қамровли билим, кўникма ва малакалар орқали кириб келади. Унда ҳар бир ўқув фани, тўғрироғи ўқув курси, модулининг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Таянч таълим компетенцияларни шакллантириш учун биринчи навбатда, уларни ҳар бир ўқув курси ёки модулининг ДТС, ўқув режа ва дастурларига сингдириш керак бўлади. Сўнгра, ўқув курс ва модуллари бўйича яратилаётган таянч компетенцияларни ўқув адабиётларни яратишда, жумладан қайта нашрга тайёрлашда, уларга татбиқ қилиш керак. Ўқув режада берилган маъруза, семинар, лаборатория, амалий, кўчма, дала амалиёти, ишлаб чиқариш амалиёти машғулотларини олиб боришда, турли аттестация босқичларида таянч компетенцияларга алоҳида эътибор берилиши лозим. Таълим муассасаларида маънавий-маърифий тадбирларни олиб бориш ва ўтказишни таянч компетенцияларга мос равишда режалаштириш мақсадга мувофиқ.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим жараёнида ўзининг англаган ҳолда тегишли билим, кўникма ва малакаларга эга, дунёқараши кенг, турли соҳаларда креатив (танқидий фикрлаш ва ижобий таклиф бериш) ва инновацион фикр-мулоҳаза юрита оладиган, мулоқотга кириша оладиган, касбий маҳорати юксак ва интеллектуал салоҳиятли кишилар мамлакатининг тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладилар.

Талабаларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш учун аввало, педагогнинг ўзи компетент бўлмоғи лозим. Талабаларда қизиқиш уйғотиш, ўзининг орқасидан эргаштира олиш учун педагог мустаҳкам иродага, билимга эга бўлиш билан биргаликда, салоҳияти юқори бўлиши талаб этилади. У ўзи фаол ва ижодий фикрловчи шахс бўлмоғи лозим. Педагог ҳар бир талаба учун намунали шахс бўлиб ҳар қандай вазиятда туғилган муаммонинг ечимини мустақил равишда топа олиши керак. Педагог, жамиятда ижтимоий ўзгаришлар рўй берганида, жамиятнинг позициясига ўтса, бирор бир ҳатти-ҳаракат қилмаса қисман ёки тўла ҳолда касбий фаолиятдан четга чиқиб қолиши мумкин. Натижада у ўзига бўлган ишонч ва қатъиятликни йўқотиши мумкин. Бундай пайтда педагогда шаклланган компетенцияларнинг ишда муаффақият келтиради.

**Компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган таълим** – талабаларнинг эгалланган билим, кўникма ва малакаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш имкониятидир. Мазкур таълим уларда мустақил-

лик, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, ташаббускорлик, медиаресурслар ва ахборот-коммуникация технологияларидан ўз фаолиятида оқилона фойдалана олиш, онгли равишда касб-ҳунар танлаш, соғлом рақобат ҳамда умуммаданий кўникмаларини шакллантиради.

Инсон ўз ҳаётида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал этиши, энг муҳими, ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлиши учун зарур бўлган таянч компетенцияларга эга бўлиши лозим. Бундан ташқари, таълимда ҳар бир ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида талабаларда, шу фаннинг ўзига хослиги, мазмунидан келиб чиққан ҳолда, соҳага тегишли хусусий компетенциялар ҳам шакллантирилади.



# II БОБ. ТАЛАБАЛАРДА ЎЗИНИ ЎЗИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ ПЕДАГОГИК ТАЪМИНОТИ ВА ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

## 2.1-§. Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим

Бугунги кунда таълим тизимида фаолият юритувчи педагоглардан нафақат эгаллаган билимларини қайта тиклаш, балки касбий масалаларни ечишга ижодий ёндашишни, доимий равишда мустқил таълим олиш қобилиятини, шахсий ва касбий сифатларини узлуксиз ривожлантириш талаб этилмоқда. Касбий ва ижодий ўз-ўзини ривожлантириш қобилияти ҳар бир мутахассис, жумладан, замонавий педагоглар учун энг зарур сифатлардан ҳисобланади. Ушбу сифатларни бўлажак педагоглари олий таълим муассасаларида ривожлантиришлари зарур.

**Шунга кўра педагог қуйидаги касбий сифатларга эга бўлиши талаб этилади:** талабаларга самимий ва қизиқиш билан қараш; ҳамкасблари ва талабаларнинг маъқул (конструктив) бўлган танқидларини қабул қилишга тайёр бўлиш, шунга кўра ўз фаолиятига ўзгартиришлар киритиш; атрофдаги оламда бўлаётган воқеалар ва ижтимоий вазиятларга нисбатан ўзининг шахсий нуқтаи назарига эга бўлиш ва улар ҳақида ўқувчилар билан фикр алмашиш; билим ва ақл хазинаси ролини ўйнашдан сақланишга интилиш; ўз адресига нисбатан айтилган киноялi гапларга хотиржамлик билан жавоб қайтариш; ўқитишда ўзига хос позицияга ва ўқитиш услубига эга бўлиш, бошқалардан ажралиб турадиган томонлари бўлиш; талабалари билан ўз фикрлари ва ҳиссиётлари билан ўртоқлашиш; ўзини компетент бўлиб тутиш, натижа учун шахсий жавобгарлик, қизиқувчанлик, баҳс юрита олиш ва бошқалар; ўз ўқув фанига киришиб кетганлигини намойиш қилиш; - аниқ, тушунарли ва ифодали тилдан фойдаланиш.

Бунда педагогнинг таянч ва хусусий компетенциялари катта роль ўйнайди. Таълим муассасаларида педагогнинг таянч компетенцияси мазкур таълим муассасаларида педагогик фаолият

юритадиган педагогик кадрлар учун умумий саналади. Хусусий компетенциялари эса, устоз томонидан фан бўйича ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнининг мазмуни ва баркамол шахсни камолатга етказишда тутган ўрни билан фарқланади. Педагогнинг таянч компетенцияси уларда хусусий компетенцияларни шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилади. Педагогик компетенцияларнинг юқорида қайд этилган икки тури бир-бири билан чамбарчас боғланган ва бир-бирини тақозо этади. Шу сабабли, мазкур компетенцияларни шакллантириш жараёнига мажмуали ёндашиш талаб этилади.

Таълим жараёнида ўзини ўзи ривожлантириш ғояси бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш назарда тутилган.

Шак-шубҳасиз, кредит-модуль тизими талабаларнинг мустақил ўқиши, изланиши ва ўзини ўзи ривожлантиришларини тақозо этади. Бўлажак педагогларнинг шаклланишида ўзини ўзи ривожлантириш асосий ўрин эгаллайди. Ҳозирги вақтда ўзини ўзи ривожлантиришнинг моҳиятини аниқлаш йўлларини ишлаб чиқилмоқда, бўлажак педагогнинг шахсий ва касбий ўзини ўзи ривожлантириш самарадорлигин ошириш воситалари аниқланмоқда.

Педагогик кузатишлар кўрсатадики, талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантириш борасида зиддиятли ҳолатлар мавжуд. Бугунги кунда олий таълимда доимий равишда ўзини ўзи ривожлантиришга қодир педагогик кадрларни тайёрлашга эҳтиёж мавжудлиги ва талабларнинг ўзини ўзи ривожлантириш даражасининг пастлиги ўртасида зиддиятлар мавжуд. Табиий ушбу зиддиятли ҳолат педагогик таълим кластери шароитида талабаларда ўзи-



ни ўзи ривожлантириш компетенциясини самарали шакллантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар ва педагогик шарт-шароитларни, энг аввала, «ўзини ўзи ривожлантириш», «ўзини ўзи ривожлантириш компентенцияси», «ривожлантирувчи таълим» тушунчалари моҳиятини очиб бериш зарурлигини кўрсатади.

Кўплаб Ғарбий Европа мамлакатларининг таълим тизимида "**компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш"** ифодаси қабул қилинган. Умумий Европа TUING лойиҳасида компетенциялар ва кўникмалар тушунчалари билиш ва тушуниш (академик [illegible] назарий билими, билиш ва тушуниш қобилияти), нима қилиш ва қандай қилиш кераклигини билиш сифатида талқин этилади. Умумий компетенциялар 3 та гуруҳга ажратилиБ улар 4-жадвалда келтирилган.

*4-жадвал*

**Умумий компетенциялар гуруҳи**

| № | Гуруҳлар номи | Мазмуни |
|---|---|---|
| 1 | Инструментал | Билиш қобилияти, ғояларни тушуниш ва улардан фойдаланиш, тасаввур қилиш қобилияти, методологик қобилият, атроф-муҳитни тушиниш, вақтдан унумли фойдаланиш, мустақил қарор қарор қабул қилиш, техникадан фойдаланиш, компьютер ва ахборотни бошқариш кўникмалари, коммуникатив кўникмалар. |
| 2 | Шахслараро | Ўзининг ҳиссиётлари ва муносабатларини ифодалай билиш, танқидий мулоҳаза юритиш, ижтимоий кўникмалар, жамоада келишиб ишлай билиш. |
| 3 | Тизимли | Ўз ичига бир-бири билан яхлитликнинг бир қисми сифатида муносабатда бўлиш, тизимдаги ҳар бир компонентнинг ўрнини баҳолай олиш, тизимни такомиллаштириш мақсадида ўзгартиришларни олдиндан режалаштириш ва янги тизимни конструкциялаш қобилиятини қамраб олади. |

**Компетенциявий ёндашувга асосланган таълимнинг ўзига хос хусусияти шундаки,** у кишини ҳаётга, жумладан касбга (касбга) тайёрлашни асосий мақсад қилиб олган тизимлаштирилган, муддатли, расмий, тегишли билим, кўникма ва малакаларни бериш орқали уни муайян маҳорат, қобилият ёки [illegible] даражасига етказиш воситасидир. Шунинг учун ҳам шахсни ривожлантириш учун таълим айнан тизимлашган таълим жараёнида кишини муайян бир компетентлик даражасига

етказиш воситаси дейиш мумкин. Аксарият ривожланган мамлакатларда коллеж, бакалавр, магистр, фан докторини дипломи ёки унинг касбий классификатордаги шифрига қараб эмас, балки компетентлик даражасига қараб ишга олади.

Компетентциявий ёндашув деганда нимани тушунамиз? “Competence” сўзи “to compete” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “мусобақалашмоқ”, “рақобатлашмоқ”, “беллашмоқ” деган маънони билдиради. Сўзма-сўз таржима қилинса “мусобақалашишга лаёқатлилик” маъносида келади. Илмий педагогик, психологик манбаларда берилишича, компетенция, компетентлилик ўта мураккаб, кўп қисмли, кўпгина фанлар учун муштарак бўлган тушунчалардир. Шу боисдан унинг талқинлари ҳам ҳажман, ҳам таркибига кўра, ҳам маъно, мантиқ мундарижаси жиҳатидан турли-тумандир. Атаманинг моҳияти шунингдек, “самарадорлик”, “мослашувчанлик”, “ютуқлилик”, “муваффақиятлилик”, “тушунувчанлик”, “натижалилик”, “уқувлилик”, “хосса”, “хусусият”, “сифат”, “миқдор” каби тушунчалар асосида ҳам тавсифланмоқда.

Компетенциявий ёндашувда таълим жараёнига эмас, балки унинг натижасига, таълимда педагог ролининг ўзгариши ва шу билан таълимни ташкил этиш ва унинг натижасини баҳолаш методларининг ўзгаришга эътибор қаратилади. Бундан ташқари, компенциявий ёндашув таълимнинг амалий йўналганлигини кучайтиришни назарда тутади. Эгалланган билимларнинг аҳамиятини назарда тутган ҳолда, улардан амалда фойдаланишга кўпроқ урғу берилади. Бундай ёндашувда таълим мазмуни ўзартирилади, талабада янги имкониятларни шакллантириш, унинг шахсий имкониятларини ривожлантириш назарда тутилади, масалан: ўқишга ўрганиш, яъни ўқув фаолияти соҳасидаги муаммоларни, шу жумладан, билиш фаолияти мақсадини, ахборотнинг зарурий манбасини аниқлаш, қўйилган мақсадга эришишнинг мақбул усулларини топиш, олинган натижаларни баҳолаш, ўз фаолиятини ташкил этиш, бошқа таълим олувчилар билан ҳамкорликда ишлаш муаммоларини ечишга ўргатилади.

Илмий фалсафий ва психологик категорияларини таҳлил этиш кўрсатадики, илмий билимлар шаклланишининг ҳозирги замон босқичида ўзини ўзи ривожлантириш, ўзини ўзи ташкил



этиш, ўзини ўзи тарбиялаш, ўзини ўзи ҳаракатлантириш ва бошқа кўплаб «ўзини ўзи» қўшимчаси қўшилган тушунчалардан фаол фойдаланилади. «Ўзини ўзи» атамашунослигини юзага келиши ва уларнинг фаолл қўлланилиши фалсафий, психологик ва педагогик фикрлашда бирор бурилиш пайдо бўлганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, замонавий таълим тизимида компетенциявий ёндашув таълимнинг сифатини таъминлайди. Аслида, таълим сифатини бошқариш ўқув жараёнида таълим олиш натижалари сифатида ўзлаштирилиши зарур компетенцияларни аниқлаш билан бошланади. Компетенциявий ёндашув талабаларнинг фаоллигини оширишга хизмат қилади. Бунда педагог фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Таълим самарадорлигини оширишда унинг мақсад ва вазифаларига мос ўқув материаллари, таълим технологиялари танланиши лозим. Шундагина талабаларда таянч ҳамда фанга оид компетенциялар самарали шаклланади. Бу жараёнда педагог ўзининг касбий билимларини мунтазам бойитиш, ахборот ҳамда педагогик технологиялар билан қуролланишни талаб қилади.

## 1.3-§. Талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантиришда ўқув материали ва мазмуни, ўқитиш методлари ҳамда технологиялари

Таълим сифатини ошириш учун, одатда, ўқув материали мазмуни ва ўқитиш методлари такомиллаштирилади. **Ўқув материали мазмунини такомиллаштиришда қуйидагилар назарда тутилади:** ўқув материалини оқилона танлаш, ундаги асосий, биринчи ва иккинчи даражали маълумотларни аниқ ажратиш; ўқув материалини ўзлаштириш вақтини қайта тақсимлаш (янги ўқув материали машғулот бошида баён этилиши керак, чунки бунда талабаларнинг маълумотларни қабул қилиши анча фаол бўлади); самарали мустақил ишлаш учун зарур бўладиган билимларни ўзлаштириш мақсадида фанни ўрганишнинг дастлабки босқичларидаёқ зарур ўқув материалларини тўплаш; таълим жараёнининг спиралсимон ривожланишини эътиборга

олиб, ўрганиладиган ўқув материалини мақбул тарзда танлаш ва қисмларга ажратиш; аввал ўзлаштирилган ва ўзлаштириладиган янги ахборотларнинг мантиқий изчиллигини таъминлаш; ўқитиш вақтидан оптимал фойдаланиш.

Педагогика амалиётида ўқитиш методларининг жуда катта бой мероси тўпланган. Уларни танлашда турли шароитлар, ўқитилаётган фаннинг характери, талабаларнинг ёш хусусиятлари, олдинги тайёргарлик даражаси кабилар ҳисобга олинади. Чунончи, янги материални баён этишда бир хил усуллар қўлланса, уни мустаҳкамлашда иккинчи ва мавзуни умумлаштиришда яна бошқа хил усуллар қўлланилади. Дарснинг турли босқичларида пухта ўйлаш ва самарали усулларни қўллаш жуда муҳим. Ўқитиш методлари педагог ва талабалар назарий ҳамда амалий билиш фаолиятининг таълимий вазифаларини бажаришга қаратилган тадбирдир. Ҳар қандай методдан бирор мақсадга эришиш кўзда тутилади ва шунинг учун у қандайдир мақсад қўйишни, унга эришиш бўйича фаолият методинини, ана шу фаолиятни амалга оширишда ёрдам берадиган воситаларни билишни тақозо этади. Ҳар қандай фаолият унинг объектини билишни талаб қилади. Ниҳоят, метод мақсадга олиб бориши керак, акс ҳолда у қўйиган мақсад учун яроқсизлигини ё бўлмаса, бу ҳолатда унинг умуман нотўғри қўлланганлиги-ни эътироф этиш лозим.

Ҳар қандай методни қўллашдан кўзланган мақсадни, шу мақсадни амалга ошириш фаолиятини ва фаолиятнинг бажариш воситаларини талаб қилади. Бу воситалар фаолият объекти тўғрисидаги предметли ёки ақлий билимлар, қўйилган мақсадга албатта эришишдан иборат бўлиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси ҳар қандай усулга нисбатан мақсадга мувофиқдир, лекин ўқитиш усуллари учун етарли эмас.

**Ўқитиш методларини қуйидагиларга бўлиш мумкин:** тафаккур, хотира, диққат ва хаёлнинг алоҳида операцияларини шакллантирадиган ва фаоллаштирадиган методлар; фикрлаш фаолиятида муаммоли ва изланишли вазиятларни вужудга келтирадиган методлар; талабаларнинг ўқув материалини ўзлаштириш билан боғлиқ кечинмалари ва ҳиссиётларини фаоллаштирадиган методлар; назорат ва талабаларнинг ўзини ўзи назорат методлари; ўқитиш жараёнида талабаларнинг жамоавий ва шах-



[illegible] ўзаро муносабатларини бошқариш методлари. Аммо таълим-тарбия жараёнига қўйилаётган янги талаблар ўқитишнинг усулларини янада такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Юқорида қайд этилганидек, таълимнинг мазмунига қўйилаётган янги талаблар талабаларни мантиқий фикрлаш, мантиқий операцияларни бажариш усуллари билан қуроллантиришни тобора кучайтиришни тақозо этмоқда. Ўқитиш методларининг турлари жуда кўп, уларнинг сонини аниқ белгилаб бўлмайди. Улар педагогик амалиёт даврида тинмай бойиб бораверади. Методлар ўқитишнинг мантиқий томонларига, компонентлари ва вазифаларига қараб таснифланади. Педагогикада ўқитиш методларини таснифлашга ягона ёндашиш мавжуд эмас. Ҳозирги дидактикада ўқитиш методларини билимлар манбаи бўйича, дидактик мақсадлар бўйича, билиш фаолиятининг савияси бўйича фарқлаш энг кўп тарқалган.

**Ўқитиш методлари қуйидаги йўллар билан такомиллаштирилади:** ўқитишнинг жамоавий шаклларидан кенг фойдаланиш (гуруҳ-гуруҳ бўлиб ишлаш, ролли ўйинлар ва ишбилармонлик ўйинларини қўллаш); муаммоли ўқитишнинг турли шакл ва элементларидан фойдаланиш; талабалар гуруҳи билан ишлашда таълимни индивидуаллаштириш ва индивидуал бажариладиган топшириқларни ишлаб чиқишда талабаларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш; таълим самарадорлигига эришиш; ўқув жараёнида ижтимоий, педагогика ва психология соҳаларидаги энг сўнгги илмий ютуқлардан фойдаланиш; ўқитишнинг замонавий аудиовизуал ва техник воситаларини қўллаш.

Тажрибали педагог ўқитиш методларини танлашга алоҳида эътибор беради. Талабаларнинг фронтал, табақалаштирилган, [illegible] тартибдаги фаолиятлари умумий жиҳатлари кўпроқ бўлса, уларни ташкил этиш педагогдан ўзига хос ижодий ёндашувни талаб қилади. Айрим ҳолларда ўқишга қизиқтирувчи [illegible], бошқа ҳолларда эса бурч ва жавобгарликни ҳис [illegible] рағбатлантирувчи методларга кўпроқ эътибор бериш [illegible]. Педагоглар ўтилаётган мавзуни турли соҳаларидаги масалаларни ҳал этишдаги аҳамиятига оид қизиқарли [illegible] келтирадилар, дидактик ўйинлардан, талабалар фаол-

лигини рағбатлантирув-чи турли усуллардан фойдаланадилар.

**Эвристик ўқитиш методи**. Бу методни қўллашда педагог талабалар билан ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган масалани аниқлаб олади.Талабалар эса мустақил равишда таклиф этилган масалани тадқиқ этиш жараёнида зарурий билимларни ўзлаштириб оладилар ва унинг ечими бўйича бошқа вазиятлар билан таққослайди. Ўрнатилган масалани ечиш давомида улар илмий билиш методларини ўзлаштириб тадқиқотчилик фаолиятини олиб бориш кўникмаси тажрибасини эгаллайдилар. Эвристик метод педагоглардан ижодий хусусият касб этувчи юқори даражадаги билиш фаолиятини ташкил эта олиш кўникма ва малакаларига эга бўлишни тақозо этади. Бунинг натижасида талабалар мустақил равишда янги билимларни ўзлаштира оладилар. Улар одатда юқори синф талабаларининг ўзлаштириш даражаларини ҳисобга олган ҳолда маълум ҳолатларда қўлланилади. Ушбу методлардан бошланғич синфларда фойдаланиш амалиётчи-педагогларнинг фикрларига кўра бирмунча мураккаб ҳисобланади. Бироқ узлуксиз таълим тизимига шахсга йўналтирилган таълимни фаол жорий этишга йўналтирилган ижтимоий ҳаракат амалга оширилаётган мавжуд шароитда ушбу йўналишдаги лойиҳаларни тайёрлаш ўзига хос долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шунга қарамасдан бу тасниф мактаб амалиётида бирмунча кенг тарқалган ва педагогик ҳамжамият томонидан эътироф этилган.

Тегишли методларсиз педагогик фаолиятни амалга ошириб бўлмайди. Методлар билимларни узатиш ва қабул қилиш характерига қараб учга бўлинади: сўз орқали ифодалаш, кўргазмали ва амалий. Таълим мазмунини ўзлаштиришда талабаларнинг билиш фаоллигига муносиб равишда қуйидаги методлар қўлланиши мумкин: тушунтириш-иллюстратив (ахборотли рецептив), репродуктив, муаммоли баён, хусусий изланиш ёки эврестик ҳамда тадқиқот.

Таълим фаолиятини ташкил килиш ва амалга ошириш жараёни билимни узатиш, уни қабул қилиш, англаш, эсда сақлаш ва амалда қўллай олишни назарда тутади. Таълимнинг оғзаки методлари: ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар. Бу методларни қўллашда педагог сўз воситасида ўқув материалини баён қила-



ди, тушунтиради, талабалар эса тинглаш, эслаб қолиш орқали қабул қиладилар.

**Ҳикоя методида** талабаларга бериладиган билим мазмунини оғзаки баён қилиш назарда тутилади. Ҳикоянинг бир неча тури мавжуд: ҳикоя-муқаддима, ҳикоя баён ва ҳикоя-хулоса. Биринчисининг мақсади: талабаларни суҳбат орқали янги билимни қабул қилишга тайёрлаш. Ҳикоянинг бу тури нисбатан қисқалиги, ёрқинлиги, қизиқарлилиги ва ҳиссиётга бойлиги билан ажралиб туради, янги билим олишга қизиқиш уни фаол ўзлаштиришга эҳтиёж уйғотади, дарсга бефарқлик, лоқайдликни йўқотиб, билим олиш мақсадини ҳосил қилади.

Ҳикоя-муқаддима вақтида талаба фаолиятининг вазифалари тўғрисида тушунарли шаклда хабар берилади. Ҳикоя-баён даврида педагог янги мавзу мазмунини очиб беради, муайян ривожланувчи режа асосида билим бериб, ичидан муҳимларини ажратиб, кўргазмали ва ишонарли мисоллар билан изчил баён қилади. Ҳикоя-хулоса одатда, машғулотнинг охирида келтирилади. Педагог бу метод орқали асосий фикрни якунлайди, хулосалайди ва умумлаштиради, мазкур мавзу юзасидан мустақил ишлаш учун топшириқлар беради. Ҳикоя методини қўллашда муайян педагогик усуллардан маълум бир тартибда фойдаланилади. Буларга: диққатни фаоллаштириш, баён қилиш, таққослаш, асосийларини ажратиш, якунлаш кабилар киради. Ҳикоя услубининг самарадорлигининг шартлари: режани ва лойиҳани пухта ўйлаб тузиш, мавзунинг изчил ёритилишини таъминлаш, мисол, кўргазма ва бошқа дидактик материалларни муваффақиятли танлаш, баёнда керакли ҳиссиётга эришишдир.

**Маъруза** - билимни сўз билан ифодалаш услубларидан бири сифатида бериладиган билимларни оғзаки баён қилишни кўзда тутиб, ўз ҳажмининг катталиги, мантиқий қурилиши, образли исботлаш, таснифлаш, таърифлар бериш, тизимга келтириш, умумлаштириш каби педагогик усуллардан фойдаланилади. Маъруза методи, бошланғич таълимда эмас, асосан умумтаълим мактабларининг юқори синфларида, академик лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида қўлланилади.

**Суҳбат методи** атрофлича ўйланган саволлар ёрдамида педа-

гог билан талабалар орасидаги суҳбатни кўзда тутиб, у талабаларнинг фикрлаш тизимини янги тушунчалар ва қонуниятларни ўзлаштиришга олиб келади. Буни қўллашда саволлар қўйиш талабаларнинг жавоб ва мулоҳазаларини муҳокама қилиш, суҳбатдан хулосаларни шакллантириш, жавобларни тузатиш усулларидан фойдаланилади. Саволлар яхши қабул килиниши учун етарли даражада ҳажмга эга бўлиши лозим. Мавзуни ҳаддан ташқари майда саволларга бўлиб юбориш мантиқий бутунликни бузса, ниҳоятда катта саволлар мавзуни мавҳумлаштириб, муҳокама учун тушунарсиз қилиб қўяди.

**Таълимнинг кўргазмали методини** шартли равишда икки катта гуруҳга ажратиш мумкин: кўргазмали ва намойиш қилиш. Кўргазмали талабаларга кўрсатилган қўлланма (харита, плакат, доскадаги чизма ва расмлар, алломаларнинг сурати кабилар)ларни назарда тутади. Намойиш қилиш, одатда, қурилма асбоблар, тажрибалар, турли типдаги мосламалар ва препаратларни намойиш қилиш билан боғлик.

**Намойиш қилиш методига**, шунингдек, кинофильм, диафильм ва бошқа техник воситалар орқали кўрсатиш ҳам киритилган. Кўргазмали методларни қўллашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади: кўрсатиш, яхши кўринишни таъминлаш, техник воситалар кўмагидан фойдаланиш, чизиш, ўтказилган кўрсатувлар натижаларини муҳокама килиш ва бошқалар. Кўргазмали методнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ёлғиз ўзи қўлланмай, сўз билан ифодалаш методи билан у ёки бу даражада уйғунлашиб кетади. Сўз ва кўргазмалиликнинг чамбарчас боғликлиги шундаки, объектив борлиқдаги қонуният ва хусусиятлар амалиётда биргаликда қўлланилишини тақозо этади.

**Амалий методлар** тарбия (ўргатиш) фаолияти турларининг кенг доирасини қамраб олади. Унда таълим орқали олинган билимлар ҳаётда қўллаш йўли билан кўникмага айлантирилади. Амалда қуйидаги усуллар қўлланилади: вазифа (мақсад)ни қўйиш, уни бажариш услубларини танлаш, бажариш жараёнини бошқариш, таҳлил қилиш, камчиликлар сабабини аниқлаш, мақсадга тўлиқ эришиш учун тарбия жараёнига тузатишлар киритиш. Амалий услубларга ёзма машқлар - она ва чет тили, математика ва бошқа фанлар бўйича топшириқни бажариш



машқлари киради.

Машқ давомида талаба бўлажак ҳатти-ҳаракатини фаол мушоҳада қилади, ўзига ўзи гапиради, бўлажак воқеани шарҳлайди. Ҳаракатни шарҳлаш талабага ўзининг типик хатосини англашга ва ҳаракатга тузатишлар киритишга кўмаклашади. Амалий методнинг иккинчи гуруҳини кичик тажрибалар ташкил қилади. Бу албатта бошланғич синф талабаларининг ёшига ва имкониятларига мос бўлиши шарт.

**Муаммоли изланиш методидан** фойдаланишда педагог аввало, муаммоли вазият яратади, саволлар қўяди, масалаларни, намунавий топшириқларни таклиф қилади, муаммоли вазиятни ечишга қаратилган муҳокамани уюштиради, хулосаларнинг тўғри ёки нотўғрилигини таҳлил қилиб беради. Билимларни онгли равишда ўзлаштириш талабаларда билимларга нисбатан маълум муносабат ҳосил қилишни, ҳиссий кечинмалар уйғотишни ҳам ўз ичига олади. Бу муаммони мустақил ҳал қилиш мақсадида дарсда талабаларга муаммоли вазиятлар яратишни тақозо этади.

**Муаммоли вазият** –талабаларнинг маълум топшириқларни бажариш (масалани ечиш, саволга жавоб топиш) жараёнида юзага келган зиддиятни англаши билан боғлиқ руҳий ҳолати бўлиб, у ҳал этилаётган масала билан боғлиқ янги билимларни излашни тақозо этади. Муаммоли вазиятлар талабаларнинг мустақил ишларини такомиллаштиришга асосланган бўлиб, уларда илмий тушунчаларни, амалий кўникмалар ва малакаларни шакллантириш, бошқа материалларни мантиқий таҳлил қилишга асосланган. У талабада қийинчилик туғилганда, эски ва янги, маълум ва номаълум, берилган ва номаълум, шарт ва талаблар ўртасида қарама-қаршилик мавжуд бўлганда вазифаларни ечишга билишга эҳтиёж ва интеллектуал имконият бўлса пайдо бўлади. Мазкур вазиятлар ўзида талабанинг муаммони аниқ англашини ифодалайди ва уни бартараф этиш янги билим, усул ва ҳаракатларни излаб топишни талаб этади. Агар талабада бошланғич билимлар етишмаса, у муаммоли вазиятларни қабул қила олмайди.

Муаммоли вазият ниманидир англаш учун талабага мавжуд билимлар етарли бўлмаса; янги талаблар билан талабалар-

да мавжуд билимлар ўртасида номувофиқлик аниқланса (эски билимлар билан янги фактлар ўртасида, паст ва юқори билим даражалари ўртасида, турмуш ва илмий билимлар ўртасида); илгари ўзлаштирилган билимларни янги амалий шароитларда фойдаланиш зарурияти, вазифаларни ечишнинг назарий имкониятлари билан танланган усулни амалий амалга ошириш мумкин бўлмаслиги ўртасида зиддиятлар ҳамда ўқув топшириқларини бажаришда амалий эришилган натижалар билан талабаларда уни назарий асослашга билимлар етишмаслиги ўртасида зиддиятлар бўлган ҳолатларда юзага келади.

Масалан, зиддиятли ҳолатда муаммоли вазият синфга зиддиятли факт, назария, фикрларни тақдим этиш билан яратилади. Мазкур ҳолатда факт - ягона илмий ахборот, назария-илмий қарашлар тизими, фикрлар – алоҳида инсоннинг позицияси сифатида тушунилади. Зиддиятларни англашга ундаш луқма ташлаш орқали амалга оширилади: Сизни нима ҳайратлантирди? Нима қизиқарли нарсани сездингиз? Қандай зиддиятлар бор?. Муаммоларни шакллантиришга ундаш луқма ташлашнинг иккитасидан бирини танлаб олиш билан амалга оширилади.

Ўзини ўзи ривожлантиришда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳам муҳим ҳисобланади. Улардан айримларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

**Ўқитишнинг рефлексив технологиялари**: талабалар фикрлаш фаолиятини онгли йўналтиради, улар (шахсий ҳаракатлаш фаолиятини онгли йўналтиради, улар (шахсий ҳаракатларини регуляция қилиш, баҳолай олиш, фикрлаш)нинг билишини регуляция қилиш, баҳолай олиш, фикрлаш)нинг билиш фаолияти самарадорлиги ошишига имкон беради. Рефлексив технологиянинг қуйидаги усулларидан фойдаланиш яхши натижалар беради: «Тўғри-нотўғри» (ўтилган материални мустаҳкамлашда); «Қийинчилик» («Сўз илдизида урғусиз унли» мавзусини ўрганишда, тескари масалаларни ечиш ва б.қ.да); «Билмаганлар ҳақида билим» (ким? нима? қачон? қаерда? агар? Нима учун? саволларига таянган ҳолда материални ўрганишда); «Гипотеза» (предмет ва ҳодисаларнинг умумий ўзига хос хусусиятларини ўрнатишга ёрдам беради); «Жадвал» (умумлаштирувчи жадвални тузишда, масалан, «Нутқ қисмлари», «Сон компонентлари» ва б.қ.); «Хотираномани тузиши» (муҳим ахборотни ташлашга ўргатиш, аниқ формулировка қилишга ўргатиш).



**Ахборот технологиялар** материални яхши қабул қилиш ва эслаб қолишга имкон бради. Дарсларда иллюстратив материалларнинг компакт-дискларидан фойдаланиш лозим. Математика, атроф-муҳит, расм дарсларида.

**Муаммоли-изланувчанлик технологиялари**: бу муаммоли ўқитиш ехнологиясининг варианти ҳисобланади, у ўз ичига изланувчанлик ва тадқиқотчилик меиодларини олади, бунда талабалар мустақил изланишни олиб боради, билимни ижодий эгаллайди вақўллайди. Айниқса бу методдан геометрик тасаввурларни шакллантиришда, талабаларнинг лойиҳали фаолиятида фойдаланиш самарали бўлади.

**Илгариловчи ўқитиш технологияси**: бу тадқиқотчилик элементларини киритишга имкон беради. Бу технология элеменларини математика (геометрик топшириқларни бажариш, сонларни қўшиш ва айириш), атроф-муҳит дарсида қўллаш яхши натижа беради.

## 2.3-§. Талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантиришда таълим муассасаси ижтимоий-маданий муҳитининг ўрни

Ўқув-услубий адабиётлар, илмий мақолалар ва диссертация ишларида учрайдиган қатор замонавий таянч педагогик тушунчаларнинг таърифларини, уларда ифодаланган турли нуқтаи назарларни бир-бирлари билан қиёслаш орқали олий таълим муассасаси талабаларининг ўзини ўзи шахсий-касбий ривожлантириши моҳиятини изоҳлаб бериш мумкин. Бизнинг назаримизда, бу усулни ўзини ўзи шахсий-касбий ривожлантириш омиллари ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш учун ҳам қўллаш имкони мавжуд.

Талабаларнинг ўзини ўзи шахсий-касбий ривожлантиришига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳамда шарт-шароитлар хилма-хил бўлиб, улардан бири муҳит, яъни бизнинг тадқиқотимиз шароитида, таълим муассасасининг ижтимоий-маданий муҳитидир. Қуйида таълим муассасалари, жумладан, таълим кластери субъектлари ижтимоий-маданий муҳити ва уларнинг ташкил

этувчилари мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритамиз.

Умуман, ҳозирги вақтда «муҳит», «атроф-муҳит», «яшаш муҳити», «таълим муҳити», «ахборот муҳити», "ижтимоий-маданий муҳит", "таълим муассасасининг ижтимоий-маданий муҳити" ва уларга ўхшаш бошқа атамалар илмий-педагогик адабиётларда жуда кўп учрайди. Кўпинча улар шахсни, ёхуд ижтимоий гуруҳни ўраб турган теварак-атроф, муҳит маъносида тушунилади. "Ижтимоий-маданий муҳит", «муҳит» тушунчалари махсус тадқиқот ишларини тақозо этади.

Таълим муассасасининг ижтимоий-маданий муҳити турли нуқтаи назардан таърифлашиши мумкин. Бу мураккаб ва кўп қиррали ҳодисанинг қандай қабул қилинишига боғлиқ равишда унинг моҳияти ва намоён бўлишининг ўзига хослиги аниқланади. Таълим муассасасининг ижтимоий-маданий муҳити ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлиб, у ўзгарувчанлиги, ривожланиши, ташқи омилларга боғлиқлиги билан характерланади. Бундан ташқари, таълим муассасасининг ижтимоий-маданий муҳити ижтмоий амалиётда тарғиб қилинаётган ғоялар, қадриятлар, талаблар билан узвий боғлиқ. "Ижтимоий-маданий муҳит" категорияси ўз ичига қатор омилларни, масалан, фаолиятнинг ўзига хослиги ва характерини, ўзаро муносабат, ўзаро таъсир, унинг субъектларнинг шаклланиши ва ривожланишининг таъминотини ўз ичига қамраб олади.

Таълим муассасасининг ижтимоий-маданий муҳити талабаларнинг ўзининг индивидуал хусусиятларига ва маданий устуворликларига (субъмаданиятига) мувофиқ ҳолда маданий йўлини танлаш, ўзини ўзи маданий белгилаш муҳити ҳисобланади. Бошқа томондан эса, ижтимоий-маданий муҳит педагогик таъсир соҳаси сифатида намоён бўлади, яъни талабанинг ривожланиши ва ўзини ўзи ривожлантириши учун педагогик шарт-шароитларни яратади.

Агар ижтимоий-маданий муҳит шахсни ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар муҳитидан иборат бўлса, фанда педагогик шарт-шароитлар педагогик мақсадларга эришиш учун таълимнинг ташкилий ва коммунактив шакллари (тарбия, ўқитиш), усуллари, мазмуни элеметларини мақсадга йўналтирилган ҳолда танлаш, **лойиҳалаш** ва қўллаш натижаси



сифатида қаралади.

Талабаларнинг шахсий-касбий ўзини ўзи ривожлантиришига таълим муассасасининг ижтимоий-маданий муҳити барча ташкил этувчилари (табиий, предмет, ижтимоий, маданий) таъсир кўрсатади. Таълим муассасасининг ижтимоий-маданий муҳити талабаларнинг ташқи муҳитда ўзини ўзи намоён этиши, ривожлантириши учун зарурий шарт-шароитларни яратади, уни ижтимоий-педагогик жиҳатдан қўлаб-қувватлашгага имконият яратади.

Бугунги кунда муҳит ҳақидаги қарашлар, унинг у ёки бу даражада ифодаланган таърифу тавсифлари таълим, тарбия ва шахс ривожланиши, унинг ўзини зи ривожлантириши муаммолари бўйича олиб борилаётган кўплаб илмий-тадқиқот ишларида кенг ёритилган.

Одатда, бундай илмий ишларда муҳит тушунчаси тарбиялаш ва ривожлантиришга ёрдам берувчи шарт-шароит ёки имконият нуқтаи назаридан қараб ўтилади. Шунинг учун ҳам, таълим муҳитида мавжуд бўлган энг муҳим элементлар кўплаб тадқиқотларда баҳолаш мезонлари, унинг таълимий имкониятининг ифодаланиши сифатида қаралган. Юқорида айтилган мулоҳазалар, Л. С. Вигодский, Л. П. Буев, В. В. Давидов, С. Д. Дерябко, Л. Л. Новиков, С. Л. Рубинштейн, Ҳ. Ф. Рашидов, О. Т. Тўрақулов, Н. А. Адамова ҳамда бошқаларнинг илмий ишлари ва мақолалари учун ўринлидир.

Ҳаётий муҳитнинг шахс шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатиши механизми психологияда Л. С. Вигодский томонидан анча чуқур тадқиқ этилган. Унинг эътироф этишича, инсоннинг психик табиати - бу ижтимоий муносабатлар мажмуи у шахснинг ички оламини ифода этади. Ижтимоий муносабатлар шахс функциясига ва унинг тузилмасининг динамик кисмларига айланади. Одамлар ўртасидаги ташқи ижтимоий муносабатларнинг ички оламда акс этиши шахс тузилмасининг асоси ҳисобланади.

М.Ф.Мажидовнинг фикрига кўра, илмий амалиётда **«муҳит» тушунчаси турлича нуқтаи назардан талқин этилган:** муҳит фазо ва вақтда аниқ белгиланган ва аниқ қайд этилган чегара(худуд)ларга эга эмас; муҳит инсоннинг барча ҳиссий аъзо-

ларига интегратив таъсир кўрсатади; биз турли ҳиссий аъзоларимиз орқали олинган маълумотларни бирлаштириш ва мувофиқлаштириш йўли билан муҳит ҳақида ахборотга эга бўламиз; муҳит ҳақидаги ахборотлар бир хил бўлмайди, уларни асосий, муҳим ва муҳим бўлмаган ташкил этувчиларга ажратиш мумкин; муҳит ҳамиша биз онгли равишда қайд этган, қайта ишлаган ва тушуниб етган ахборотлардан кўра, кўпроқ ахборотни ўзида мужассам этади; ўзининг амалий фаолияти билан узвий боғлиқ муҳитни инсон тўла ҳис қилади, бошқача айтганда, унинг инсон томонидан қабул қилиниши таъсир ва акс таъсир билан узвий боғлиқ; ҳар қандай муҳит физик, химик ва бошқа хусусиятлар билан биргаликда психологик ва символик мазмунга ҳам эга; муҳит яхлит ҳолда таъсир кўрсатади.

Ижтимоий муҳитни иерархик тузилган кўп ўлчамли тизимли таълим сифатида тасаввур этиш мумкин. У ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: табиий олам ва табиий-географик шарт-шароитлар; кишилар ва ижтимоий институтлар ўртасидаги муносабатлар тизими; маданият, анъана ва урф-одатлар; «макон» ёки «амалга ошириш осон бўлган фаолиятлар йиғиндиси».

В. В. Сериков ўзининг илмий ишларида, таълим соҳасининг маълум ижтимоий муҳитда мавжуд бўлишини таъкидлаб ўтади. Ижтимоий муҳит кўп даражада таълимнинг шаклланиши ҳамда ривожланишини белгилаб беради. Маълум шарт-шароитлар доирасида мавжуд бўлган таълим тизимлари уларга узвий боғлиқ. Ушбу ёндашув шахснинг шаклланишига энг кўп таъсир этувчи ижтимоий муҳитнинг шарт-шароитларини аниқлашга, шахс ва муҳит ўзаро таъсирининг ўзига хослигини билишга имкон беради.

Х.Ф.Рашидовнинг таъкидлашича, «Таълим муҳити» комплекс тушунчадан иборат. Айни тушунча маълум даражада индивидуал-шахсий аспект (яъни ўқитиш эмас, балки ўқиш) билан узвий боғлиқ. Таълим олиш мотивациясига эга шахс намоён бўлган ҳар қандай муҳит, албатта, «таълим муҳити»га айланади. Аммо шуни ҳам таъкидлаш жоизки, айни бир муҳит бир шахс учун таълим муҳитига айланиши, аммо худди шу маънода, бошқа шахс учун нейтрал бўлиши ҳам мумкин. Ҳар бир инсон маълум таълим муҳити доирасида ўзининг таълим



муҳитини мустақил шакллантириш имконига эга.

Биз «таълим (тарбия) муҳити, ҳолат, теварак-атроф, таъсир кўрсатиш, акс таъсир» тушунчаларининг таърифларини таҳлил этиб, уларнинг барчасида фаолият субъекти характеристикасида содир бўладиган ўзгаришлар эътироф этилади, деган хулосага келдик. «Таълим муҳити» ва «таълим атрофи» атамалари шахснинг нима билан бевосита ёки билвосита мулоқотда бўлишини изоҳлаш учун зарур. «Атроф» шахс ҳолатига боғлиқ бўлган муҳитнинг бир қисми ҳисобланади, аммо мутлақо унга боғлиқ бўлмайди. Кенг маънода, таълим муҳити таълимнинг мақсади билан боғлиқ бўлган фаолият объекти ва таълимнинг умумий мазмуни ҳосиласи бўлмиш педагогик жараён мазмунидан иборат. П. Р. Атутов, Б. М. Бим-Бада, В. П. Беспалько, М. Н. Берулава, И. Д. Фрумин, В. Д. Шадриков ва бошқаларнинг кўплаб мақолаларида таълим муҳити худди ана шундай нуқтаи назардан талқин этилган.

Ҳозирги замон педагог олимлари, услубчилар ва илмий тадқиқотчиларнинг таълим муҳити муаммолари ҳақидаги мулоҳазаларини умумлаштириб, шундай хулосага келиш мумкин: замонавий педагог-тадқиқотчиларнинг деярли барчаси таълим муҳитини таълим тизими даражасида режалаштириладиган омиллар, компонентлар ва параметрлар йиғиндиси сифатида тушунадилар. Муҳит, бир томондан, шахсга таъсир кўрсатувчи, яъни унда муайян сифатларнинг ривожланишини секинлаштирувчи ёки тезлаштирувчи омил ҳисобланади, иккинчи томондан эса, муҳит - бу шахснинг таъсир кўрсатиш, ўзгартириш, ўз эҳтиёжларига мослашиш объекти.

Шундай қилиб, муҳит билан шахснинг ўзаро муносабатини муҳит ва шахснинг таъсирлашиш жараёни сифатида қараш мумкин. Муҳит ва шахснинг ўзаро таъсирлашиш жараёни мураккаб ва ўзгарувчан тизимдир: шахснинг муҳит билан узлуксиз ўзаро таъсирлашиши жараёнида унга муҳит таъсир кўрсатади ва натижада шахс узлуксиз равишда ўзгариб боради. Шу билан бирга, шахснинг таъсир кўрсатиши натижасида муҳит ҳам сифат жиҳатдан ўзгариб боради.

Бу ҳол эса, агар муҳитга шахснинг ривожланишини белгилаб берувчи омил сифатида қаралса, у ҳолда, унинг ривожланиши-

ни белгиловчи омилни ҳам қараб ўтишни талаб этади. Чунки, муҳит шахснинг ривожланишини, ўзини ўзи ривожлантиришини белгиловчи омил бўлганидек, шахс ҳам муҳит ривожланишини белгиловчи омил ҳисобланади. Субъект шахсий сифатларга эга бўлиши жараёнида муҳит билан ўзаро таъсирлашади. Шахс муҳитни ўзгартириши жараёнида шахсий сифатларига эга бўлади.

Равшанки, муҳит шахс томонидан қайта ўзгартирилиши жараёнида янгиланади ва оқибатда, ўзаро таъсирлашиш мазмуни ва характери ҳам ўзгаради. Албатта, бу ҳол номаълумлик вазиятини юзага келтиради. Атамалар билан боғлиқ ҳолда юзага келган ана шу номълумликни бартараф этиш ёки чеклаш мақсадида «таълим муҳити»нинг инвариант концепциясини илгари сурамиз. «Таълим муҳити»нинг инвариант концепцияси янада кенгроқ котегория - ижтимоий-маданий муҳитнинг таркибий қисми ҳисобланади. Умумлаштирилган тарзда «таълим муҳити»ни таълим потенциалига эга ижтимоий-маданий муҳитнинг таркибий қисми сифатида талқин этиш мумкин. Шахс таълим олиш жараёнида ижтимоий-маданий муҳит билан бевосита ўзаро таъсирлашади ва у шахсга таълимий таъсир кўрсатади.

Энг аввало, «ижтимоий-маданий муҳит» тушунчасига бир оз изоҳ бериб ўтайлик. «Ижтимоий-маданий муҳит» ни биз Давлат талаблари билан белгиланган, ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли, талаба шахси ривожланишига сезиларли даражада таъсир этувчи ҳамда унинг ҳозирги замон касбий ва ижтимоий-маданий муҳитга киришига ёрдам берувчи ҳолатлар йиғиндиси сифатида тушунамиз.

Педагогика фанида шахснинг шаклланиши ва ривожланишига, ўзини ўзи ривожлантиришига унинг теварак-атрофи, ижтимоий-маданий муҳитнинг таъсир кўрсатиши ҳар томонлама ва чуқур тадқиқ этилган. Тадқиқотлар натижаси шундан далолат берадики, шахс муҳит таъсирини ўз бошидан кечирган ҳолда, муҳитнинг ичида ривожланади, ва шу билан бирга, унинг ўзи ҳам муҳитга таъсир кўрсатиб, уни ўзгартиради.

Ижтимоий-маданий муҳит мураккаб ички тузилишга, ўзига хос боғлиқлик ва ўзаро муносабатларга эга. Биз томондан таклиф этилаётган ижтимоий-маданий муҳит концепцияси ҳозирги замон таълим жараёнларини объектив ва яхлит тадқиқ этишга, таълимдаги тенденцияларни баҳолаш ва башорат қилиш имконини беради. Ижтимоий-маданий муҳит талаба касбий-шахсий ривожланиши ва ўзини ўзи ривожлантиришининг тизим ҳосил қилувчи омили ҳисобланади. Ижтимоий-маданий муҳит талабанинг маҳсулдор ўқув, ижодий, касбий йўналган фаолияти учун зарурий шарт-шароитни таъминлайди.

Ижтимоий-маданий муҳит - касбий-шахсий ривожланиш ва ўзини ўзи ривожлантиришнинг муҳим шарти ва омилидир. Предмет-фазовий муҳит, ижтимоий хулқ-атвор муҳити, воқеий ҳолатлар ва ахборот муҳити ижтимоий-маданий муҳитнинг мазмунини ташкил этади. Ижтимоий-маданий муҳит тарбия жараёни вазиятида яратилади. Кенг маънода тушунилганда, тарбия жараёни, у ҳоҳ расмий ёки норасмий бўлсин, талабалар билими, қобилияти, хулқ-атвори, қадриятларини қамраб олувчи имкониятларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Уларнинг ўз-ўзини тарбиялаш модели ва алгортмини ишлаб чиқиш истагини кучайтиради.

Ижтимоий-маданий муҳитнинг маълум бир жойга хослиги (локаллиги) шу билан боғлиқки, унинг мавжуд шарт-шароитлари доирасида, қатъий белгиланган вақт давомида ва маълум аниқ бир жойда талаба касбий вазифаларни бажаришга тайёрланади ва тарбиянинг аниқ мақсадларига эришилади. Ижтимоий-маданий муҳитнинг локаллиги яна шу билан белгиланадики, унга талабада ижтимоий ва касбий аҳамиятга эга сифатларнинг маълум тизимини, маълум қарашларни, этиқод ва қадриятларни шакллантиришга қаратилган, уни ўз-ўзини онгли равишда тарбиялашга олиб келувчи аниқ омиллар доимий равишда мақсадга йўналтирилган ҳолда жалб этилади.

Ижтимоий-маданий муҳитнинг локаллиги шахсда маълум сифатларни шакллантириш билан белгиланади. Талабанинг ўз-ўзини ривожлантириши ва автоном ривожланиши билан боғлиқ субъект-субъект муносабатлари натижасида унда касбий фаолиятнинг маълум тури бўйича кўникмалар шаклланади. Ижтимоий-маданий муҳитнинг локаллиги яна шу билан тасдиқланадики, у фақат аниқ таълим муассасаси - олий таълим муассасаси фаолияти мисолида тадқиқ этилади ва таҳлил қилинади.

Биз ҳозирги замон таълим муассасасини мураккаб, ўзгарувчи тизим сифатида қараймиз. Бу тизимнинг энг муҳим ташкил этувчилари тарбия ва таълимдир. Унинг асосий концептуал ғояси ижтимоий-маданий муҳитда касбий-шахсий ривожланишни педагогик жиҳатдан таъминлаш ҳисобланади. Олий таълим муассасалари педагог кадрларига Давлат талабларида тарбия ҳар бир педагогнинг устувор вазифаси эканлиги ва у тарбия жараёнининг бевосита ташкилотчиси ҳамда иштирокчиси бўлиши кераклиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Таълим-тарбия мақсади ва вазифаларига эришиш жараёнида педагог зиммасига юклатилган қатор функциялар амалга оширилади. **Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин** (5-жадвал):

*5-жадвал*

**Таълим-тарбия мақсади ва вазифаларига эришишда педагог функциялари**

| № | Функциялар номи | Мазмуни |
|---|---|---|
| 1. | Статус | Талабаларнинг ўқув-тарбия жараёнининг асосий субъектлари сифатида ўзларининг ижтимоий мавқеи, роли, ўрни, функционал вазифалари, масъулияти ва мажбуриятларини тушуниши ҳамда қабул қилишини таъминлашдан иборат. |
| 2. | Ривожлантириш | Ривожланиш ва ўз-ўзини ривожлантириш жараёнида талабаларнинг ижтимоий-қадриятий характеристикаларига фаол таъсир кўрсатиш, шунингдек, ижтимоий-маданий фаолиятда уларнинг ижодий имкониятидан самарали фойдаланишдан иборат. |
| 3. | Коммуникатив | Билиш жараёнига тарбиянинг фаол таъсирини, шунингдек, жамоада ижтимоий аҳамиятга эга алоқа ва муносабатларнинг ривожланишини белгилаб беришдан иборат. |
| 4. | Мотивацион | Таълим жараёни субъектларида ўз мажбуриятлари ва жамоадаги ижтимоий-қадриятий функцияларини самарали бажаришига рағбат уйғотувчи ижтимоий-педагогик ва педагогик шарт-шароитларни яратишдан иборат. |
| 5. | Профилактик | Хулқ-атворда нуқсонлар пайдо бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш, аниқ шахсий сифатлар шаклланишини педагогик жиҳатдан олдиндан кўра билиш, ижтимоий-қадриятий тузилмаларни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида талабалар характерида учрайдиган салбий сифат ва хусусиятларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга кўмаклашишдан иборат. |



Ижтимоий-маданий муҳит компонентлари қуйидаги 6-жадвалда берилган:

*6-жадвал*

**Ижтимоий-маданий муҳит компонентлари**

| Ижтимоий-маданий муҳит субъектлари | Ижтимоий-маданий муҳитнинг инвариант характеристикалари |
|---|---|
| Ўқув-гуруҳининг педагог-куротори | Ижтимоий-маданий фаолиятнинг вазифаларини ифодалаш ва мақсадини белгилаш. Шахсий намуна. Субъект-субъект муносабатларни тўғри ўрнатиш. Жамоанинг аниқ мақсад асосида жипслашиши. Самарали педагогик ёрдам. Онгли тартиб-интизомни қўллаб-қувватлаш. Педагогик тадбирлар сифати. |
| Ўқув гуруҳлари | Гуруҳларда барқарор алоқаларнинг мавжудлиги. Ҳамкорлик фаолияти. Гуруҳларда эзгу қадриятларнинг шаклланганлиги |
| Олий таълим муассасаси жамоаси | Фаолият турини жамоа бўлиб амалга ошириш. Кенг қамровли бағрикенглик (миллий, маданий, таълимий ва бошқалар). Турли вазиятларда тезкор ва ўз вақтида қарор қабул қилиш. Тартиб-интизомни онгли равишда қўллаб-қувватлаш. Онгли ўзаро таъсир ва бўйсуниш. Ишларни ҳамкорликда бажаришда жипслилик ва уларнинг тўғрилиги ҳамда ўз вақтида бажарилиши учун масъуллик. |
| Талаба шахси | Ўқишда юксак даражага эришиш. Ижтимоий-маданий муҳитда субъект-субъект муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилиши. Кайфиятни мослаштириш. Аутопсихологик компетентликни шакллантириш: ўз-ўзига ташхис қўйиш, ўз фаолиятига тузатишлар киритиш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини намоён этиш ва ахборот билан мустақил ишлаш самарадорлиги. |

Шундай қилиб, қараб ўтилган ижтимоий-маданий муҳит талабалар шахсини шакллантириш ва ривожлантириш, уни тарбиялаш учун яратилган шарт-шароит турларидан биридир. Яратилган бундай шарт-шароит (ижтимоий-маданий муҳит) орқали тарбияланган талабалар касбий тайёргарлиги юксаклиги

туфайли профессионализмга қўйилган катта талабларга жавоб бера олади, ижтимоий-касбий соҳадаги рақобатларга бардош беради. Бундай муҳит унинг инвариант сифатий омилларининг ўхшашлиги ҳисобига яратилади. Бу омиллар қуйидагилардан иборат: педагогнинг шахси, ўқув гуруҳи ва касб-ҳунар коллежи жамоаси характери, талабанинг шахси: унинг ривожланиши ва ўз-ўзини ривожлантириши.

Юқорида айтилган барча мулоҳазаларни умумлаштириб, биз яратиш анча истиқболли ҳисобланган тарбия муҳитини қуйидагича таърифлашни таклиф этамиз: ижтимоий-маданий муҳит - бу Давлат таълим стандартлари ҳамда талабаларнинг касбий ва ижтимоий-маданий муҳитга киришига имкон берувчи педагогик касбнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланадиган омиллар йиғиндисидир. Касбий ва ижтимоий-маданий муҳитда талаба ўз шахсий қадриятларига таянган ҳолда ривожланади. У ижтимоий-маданий фаолият жараёнида мавжудлик маъносини излайди ва ўз-ўзини тарбиялаб боради.

Ижтимоий-маданий муҳитнинг шахсни шакллантириш омил эканлигини яхши билган педагог тарбия муҳитини ташкил этишга алоҳида аҳамият беради. Бундай муҳит шахсни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини бавосита бошқариш механизми ҳисобланади. Бавосита бошқариш моҳиятини тушунишда тузилмавий-функционал ёндашув катта аҳамиятга эга. Бунда бавосита бошқаришни муҳит параметрларини «танлаш» ёки педагогик тизим зарурий ҳолатда бўла оладиган керакли муҳитни «тайёрлаш» тарзида тасаввур этиш мумкин.

Алоҳида ижтимоий-маданий институт сифатида мавжуд бўлган таълим муассасаси фаолиятини касбий-педагогик таълим тизими ҳаётийлигининг зарурий тамойили таъминлаш ҳисобланади. У бўлажак педагогларнинг эҳтиёж ва қизиқишларини қаноатлантиришга, уларнинг қобилиятини маънавий, ахлоқий-гуманистик ва касбий муносабатларда ривожлантиришга имкон беради. Бу мақсадларни амалга жорий этиш учун мақсадга йўналтирилган ҳолда педагогик, маданий-тарбиявий, ташкилий ва моддий-техник тадбирларни амалга ошириш зарур.

Амалга оширилган бундай тадбирлар бўлажак педагогларни ўқитиш ва тарбиялаш тизимини прогнозлаштириш имконини



яратади. У таълим тизимининг асосий компонентлари (мақсадлар, субъектлар, объектлар, ҳаётий фаолият соҳалари)ни интеграцияловчи яхлит ижтимоий-маданий муҳитни ташкил этади. Ушбу масалаларни ечиш нафақат таълим мазмуни, қўлланиладиган таълим ва тарбия технологияларига, балки таълим муассасаси ҳамда педагогик жамоанинг макро ва микродаражалардаги фаолиятини таъминловчи ижтимоий-маданий муҳитни шакллантирувчи ташқи омилларга ҳам боғлиқ.

Мақбул ижтимоий-маданий муҳит таълим жараёнининг асосий субъектлари бўлмиш педагог ва талабанинг ижодий фаолияти, эркин ривожланиши учун имконият яратади. Ижтимоий-маданий муҳит турли фанлар (фалсафа, этика, педагогика, психология, экология ва бошқалар) доирасида у ёки бу нуқтаи назардан ўрганилган ва ҳамон ўрганилмоқда. Амалий социологияда ижтимоий-маданий муҳит шахс билан бевосита ўзаро таъсирлашадиган ва унга фаол таъсир кўрсатадиган моддий ҳамда ижтимоий-психологик омиллар йиғиндисидан иборат объектив ижтимоий реаллик сифатида талқин этилади. Ижтимоий-маданий муҳит жамият ва индивид ўртасидаги воситавий бўғиндир. Бу деган сўз, жамият ва индивид ўртасидаги ўзаро таъсир жараёни бевосита кечмайди, балки билвосита мулоқотлар орқали, орттирилган индивидуал тажриба орқали содир бўлади.

Педагогикада ижтимоий-маданий муҳит шахснинг ўз-ўзини намоён этиш жараёнини секинлаштирувчи ёки тезлаштирувчи муҳим омил сифатида қаралади. Чунки, ижтимоий-маданий муҳит шахснинг ўз-ўзини намоён этиш жараёнининг зарурий шарти ҳисобланади. Таълимни гуманитарлаштиришни кенг шаклда амалга ошириш учун қатор стратегик масалалар ҳал этилиши зарур. Улардан бири таълим муассасасининг самарали фаолият кўрсатишининг зарурий шарти бўлган ижтимоий-маданий муҳитни яратиш ҳисобланади.

Таълим муассасасининг ижтимоий-маданий муҳитини яратиш учун эса, ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги муаммоларни **комплекс ҳал этиш талаб этилади:** ўқув жараёнини амалга ошириш; турмуш тарзини, бўш вақтини ва дам олишни тўғри ташкил этиш; бадиий ва илмий-техник ижод; жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш; соғлом турмуш тарзини шакллан-

тириш.

Шунингдек, мақбул ижтимоий-психологик муҳит, ишонч ва ижодкорлик ҳолатини яратиш, ҳамкорлик педагогикаси ғоясини жорий этиш ижтимоий-маданий муҳитни шакллантиришнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Таълим муассасасининг ижтимоий-маданий муҳити, олимларнинг фикрига кўра, маънавий бой муҳит бўлиб, ўзига жалб этилган субъектларнинг дунёқараши, фикрлаш тарзи ва хулқ-атворини белгилаб беради, уларда умуминсоний ва миллий қадриятларни ўзлаштиришга эҳтиёж уйғотади. Олий таълим муассасаси ижтимоий-маданий муҳитини маълум педагогик тизим орқали яратилган ҳамда шахснинг маънавий-ахлоқий қадриятларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган касбий-таълимий ва маданий муҳит сифатида қараш керак.

Жаҳон ва мамлакатимиз таълим тизимининг тажрибасига кўра, **ижтимоий-маданий муҳит ва педагик таълимнинг ўзаро таъсири жараёнига энг катта таъсир кўрсатувчи асосий омиллар** қуйидагилар: XXI аср мутахассисининг шахсини шакллантиришда фан, таълим, маънавий қадриятлар, умумий маданиятнинг аҳамияти ошганлиги; талабаларнинг умумий ва махсус ахборотларга эга бўлишининг роли ортганлиги; билимларни танлаш ва тизимлаштириш тамойилларини аниқлаш муаммосини ечиш, уларни синтезлашнинг янги шаклларини излаш, янги дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш зарурати; маънавий маданиятнинг турли кўринишлари (фан, санъат, табиий ва ижтимоий фанлар) нинг фаол ўзаро таъсири; «педагог - талаба», «талаба - педагог» тизимида субъектларнинг ўзаро муносабатларидаги муҳим ўзгаришлар (бу ўзгаришлар ижтимоий-маданий фаолиятда авторитар мулоқот методидан ҳамкорлик, партнёрлик методига фаол ўтишда яққол ифодаланади).

Касбий тайёрлаш тизимининг муҳим функцияларидан бири маданий-таълимий йўналганлик ҳисобланади. Шахснинг фақат бир томонлама ривожланишининг олдини олиш учун маданият объектив ва субъектив имкониятлар туғдиради. Педагогик таълим ва ижтимоий-маданий муҳит ўзаро таъсирининг дунёқараш ва маданий-таълимий йўналишлари таълим жараёни амалиётида билиш-информацион, коммуникатив, ижтимоий-психологик



механизм орқали жорий этилади.

Маълумки, бу жараёнда педагогнинг шахси катта аҳамиятга эга. Чунки, у ижтимоий-маданий муҳит ва педагогик таълим ўзаро таъсирининг коммуникатив механизмининг асосий субъекти ҳисобланади. «Педагог - талаба» ва «педагог - ўқув гуруҳи» тизимларининг ўзаро таъсирига асосланган педагогик мулоқот алоҳида мулоқот маданиятини ва энг мақбул микромуҳитни тақозо этади. Айнан шу боис, умумий маданиятнинг таркибий қисми бўлмиш мулоқот маданияти ижтимоий-маданий муҳитнинг ҳам таркибий қисми ҳисобланади. Ўзаро таъсир худди ана шу ижтимоий-маданий муҳитда амалга ошади.

Ижтимоий-маданий муҳит ва педагогик таълимни тарбияловчи тузилмалар қаторига киритиш мумкин. Улар тарбия тизимининг мақсадга йўналтирилган ўзига хос тармоқларидир. Тарбиянинг янгиланган тизимининг муҳим йўналишларидан бири - ижтимоий-маданий муҳит ва педагогик таълим ўзаро таъсирининг потенциал имкониятларидан самарали фойдаланишдир. Аммо, айни ўзаро таъсирнинг талабаларга, уларнинг дунёқараши, маънавий-ахлоқий қадриятлари, умумий маданиятини шакллантиришга тарбиявий таъсири мазмунини аниқлашда талабаларнинг қатор ижтимоий-психологик хусусиятларини эътиборга олиш лозим.

Педагогик таълим ва ижтимоий муҳит боғлиқлиги йўналишларидан бири шахснинг ижтимоийлашувидир. Шахс ижтимоийлашувининг муҳим шарти ақлли, инсонпарвар, маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбияланган педагог ҳисобланади. **Ижтимоийлашиш** - бу инсоннинг бутун ҳаёти давомида ижтимоий-маданий муҳит билан мунтазам ўзаро таъсирлашиши орқали ривожланиш жараёнидир. Бу жараёнда у ижтимоий тажрибалар ва маданий қадриятларни ўзлаштиради ҳамда ривожлантиради, шунингдек, ўзи яшаётган жамиятда шахс сифатида ўз-ўзини камол топтиради ва намоён этади.

Ижтимоий-маданий муҳит ва педагогик таълим ўзаро таъсири ҳамда алоқасининг муҳим компонентларидан бири - бу «мотивацион блок»дир. У шахснинг маънавий оламини интеграллаштирувчи механизм ҳисобланади. Шахсий мотивлар ёшларни фаолият ва мулоқотга рағбатлантиради.

Шундай қилиб, шахснинг ижтимоийлашиши жараёнида ижтимоий-маданий муҳит, гуманитар, табиий ва махсус билимлар, эмоциялар ва ҳис-туйғулар, фикрлар ҳамда хатти-ҳаракатлар ўзаро таъсирлашади. Ижтимоийлашиш жараёнида шахс маълум мулоқот тизимига киради, ҳаётий муҳитда, амалий фаолиятда йўналиш ола билиш кўникмасини эгаллайди.

Ижтимоий-маданий муҳит ва педагогик таълим ўзаро таъсирининг ижтимоий-психологик механизми мазкур жараённинг гуманистик моҳиятини рўёбга чиқариш имконини беради. Таълим муассасаси ижтимоий-маданий муҳитининг самарали моделини ишлаб чиқишда қуйидаги муҳим **қоидаларга таяниш зарур:** ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги замон ижтимоий-иқтисодий шароитида замонавий маданиятни ўзлаштирган, касбий тайёргарлиги юксак мутахассисларни тайёрлаш масаласи биринчи ўринга чиқмоқда; таълим жараёнини инсонпарварлаш-тириш тенденцияси ривожланиши ижтимоий-маданий муҳитни яратишни илмий-амалий жиҳатдан асослаш ва унинг бўлажак педагогни шакллланти-ришга таъсирини ўрганиш масаласини кун тартибига қўйди.

Олий таълим муассасаси ижтимоий-маданий муҳити модели лойиҳасини ишлаб чиқишда **қуйидаги мақсадлардан келиб чиқиш лозим**:

инсонпарвар йўналишга эга ҳамда талабаларнинг таълим муассасасидаги ҳаётий фаолияти ва ўқиш шарт-шароитларига жамият томонидан қўйиладиган талабларга, жамиятни инсонпарварлаштириш, касбий-педагогик таълимни гуманитарлаштириш тамойилларига мос келувчи таълим муассасаси ижтимоий-маданий муҳитининг концептуал моделини яратиш;

таълим муассасаси талаба ва педагогларининг касбий, ўқув, маданий, ҳаётий ва бўш вақтидан самарали фойдаланиш эҳтиёжларини қондириш учун энг қулай шарт-шароитларни таъминлаб берадиган ижтимоий-маданий муҳитга оид кўрсаткичлар ва талаблар тизимини аниқлаш.

Мутахассислар тайёрлаш жараёнида педагогик таълим ва ижтимоий-маданий муҳитнинг таъсири **қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:**

**дунёқараш йўналишида:** инсонпарвар идеаллар ва қадрият



йўналишларида ни ўзлаштириш;

**мотивацион йўналишида**: мутахассислар тайёрлашнинг касбий-таълимий дастурини ўзлаштириш учун мақбул шарт-шароит яратиш, ўзининг қобилиятини ва умуммаданий ижтимоийлашувини ривожлантириш;

**шахснинг ижтимоийлашуви йўналишида**: ижтимоий-маданий турмушнинг турли (сиёсий, маданий-маиший, оилавий ва бошқа) соҳаларидаги фаолият технологиясини ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахборотларни ўзлаштириш;

**фуқаролик позицияси ва сифатларини шакллантиришда**: шахснинг қобилиятлари ва ижодий потенциалини ривожлантириш.

Шунда қилиб, ижтимоий-маданий муҳитнинг умумий мақсади талабаларда педагог маданиятни шакллантириш ва улар шахсига таъсир кўрсатиш ҳисобланади. Педагогик маданиятни шакллантириш вазифаси ўз ичига нафақат гуманитар билим ва кўникмаларни, балки улардан касбий фаолиятда, шунингдек, фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа соҳаларида доимий фойдаланиш малакасини ривожлантиришни ҳам қамраб олади.

### 3.4-§. Таълим кластери шароитида талабаларнинг ўз-ўзини ривожлантириш жараёнининг методик жиҳатлари

Педагогик таълим инновацион кластери шароитида ўзини ўзи ривожлантириш масаласи нафақат талабаларда, балки мактабгача таълим муассасаларида, умумий ўрта таълим бўғинида ҳам компетенциявий ёндашувга асосланган таълим асосида уларда билим, кўникма ва малакаларни алоҳида шакллантиришни эмас, балки уларни комплекс равишда эгаллашни тақозо этади. Бунинг учун таълим кластери шароитида таянч компетенцияларни хусусан, ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияларини турли таълим бўғинларида шакллантириш методикасини яратиш зарурати мавжуд.

Педагогик таълим кластери тушунчаларини аниқлаштириш ва унинг структурасини, функциясини белгилаб олиш зарур.

Сўнгра компетенцияларни лойиҳалаш технологиясини тузиш, талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантириш моделини ишлаб чиқиш ва ўқитиш методларини танлаш тамойиллари келиб чиқади. Авваломбор педагогик таълим инновацион кластери ПТИК шароити деганда нимани назарда тутамиз? Маълумки таълим тизими ва таълим-тарбия жараёни қотиб қолган ("догма") эмас, шу боис инсониятнинг турли кашфиётлари, жамиятнинг тараққиёт тенденциялари, табиатнинг ўрганилиши ва ўзлаштирилиши, фан ва техниканинг мислсиз ривожланиши каби омиллар таълим тизимида ҳам янгича ёндашувларни тақозо этади.

Бежизга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида "Ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак" деган фикр билдирилгани ва шарқ донишмандларининг "Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!", деган фикрлари ихтибос қилинганлиги йўқ. Бу бугинги кундаги ривожланиш тамойиллари асосида ўз тараққиёт йўли, белгиланган ҳаракат стратегиялари орқали дунёга кўз тутаётган мамлакатимизнинг бошқа соҳалардаги каби таълим-тарбия йўналишидаги ислоҳатлар самарадорлигини оширишга янада кўпроқ эътибор қаратилиши лозимлигини билдиради.

Ҳеч кимга сир эмас эмаски, сўнги йилларда таълим тизими, илм ва фан йўналишига бўлган эътибор бироз сусайди ва бунинг натижасида зиёли инсонларга бўлган муносабат ҳам ўз-ўзидан нурсиз кўриниш ола бошлади. Юртимизда таълим самарадорлиги ва кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан такомиллаштириш, хусусан,соҳага инновациялар киритиш, ижодий ёндашувларни қўллаб-қувватлаш, таълим–фан–ишлаб чиқариш учлиги ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтиришга оид қатор қарорлар қабул қилинди.

Тан олиб айтиш лозимки, таълим тизимининг турли: мактабгача, мактаб, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари гўёки алоҳида мақсадлар сари борувчи муассаса сифатида намоён бўлди. Аслида, фарзандларимизга таълим-тарбия бериш



нафақат таълим муассасаларининг балки, бутун жамиятнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан фарзандларимизнинг мактабгача таълим муассасаларидан то олий таълимдан кейинги таълим босқичига қадар битта тизим сифатида қараш, мазкур жараёнга инновацияларни жорий этиш ва бу тизимни педагогик таълим кластери сифатида қабул қилиш зарур бўлади. Маълумки, тизимдаги бирор компонент яхши ишламаса бутун тизимдаги салбий ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Шу маънода таълим тизимида бир қатор амалга оширишимиз лозим бўлган мулоҳазали ҳолатлар мавжуд.

Биринчидан, таълим тизимида кадрлар тақсимотининг тўғри йўлга қўйилмаслиги натижасида баъзи соҳаларда юзага келган кадрлар тақчиллиги ҳамда ҳудудларда кадрларга бўлган талабнинг истиқбол режалари мавжуд эмаслиги натижасида юзага келган муаммо бўлса, иккинчидан, бевосита узлуксиз таълим тизимида назарда тутилган таълим турлари ўртасидаги узлуксизлик, узвийлик ва интеграциянинг таъминланмаганлиги, учинчидан, таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги ўта расмийлиги ва муаммоларнинг ўз ваколат доирасидагина кўрилиши, тўртинчидан эса, таълим- тарбия масаласи кенг қамровли ва кўп қиррали ижтимоий масала бўлиб, унинг ечими бир ёки икки сабабнинг қондирилиши билан ўз ижросини топа олмайди.

Демак, таълимни ислоҳ қилишнинг зарурати таълимга нисбатан кластер ёндашувни тақоза этмоқда. Яъни, мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта ва олий таълим муассасалари, олий таълимдан кейинги таълим бошқача айтганда, узлуксиз таълим тизимининг барча жабҳаларини атрофлича ўрганиб чиқилганлиги ва улардаги педагогик таълим кластерининг ишлаб чиқилаётганлиги, мазкур интеграциянинг устуворлигини таъминлаш зарур.

**Таълим кластер тизими элементлари сифатида** Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти тажрибаси сифатида умумтаълим мактаблари талабалари ва педагог-ходимлари билан учрашувлар, маҳорат дарслари, амалий тренинглар ташкил қилиниши, мактабдаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ҳамда таълим муассасаларининг педагог кадрларга бўлган

эҳтиёжнинг қопланиши ҳамда вилояти халқ таълими ва мактабгача таълим бўлимлари билан ҳамкорлик меморандумлари, вилоятнинг чекка туманларида етишмаётган фанлардан дарс беришга институтнинг иқтидорли, аълочи талабаларининг юборилиши ҳамда умумтаълим мактабларида мактаб-лабораториялар ташкил қилинганлигини таъкидлаб ўтиш мумкин. Бу эса, жамият ва давлатнинг келажагини белгилаб берадиган, унинг тараққиётига хизмат қиладиган илмий тадқиқот ишларининг объекти сифатида намоён бўлишига олиб келди. Илм-фан ва ишлаб чиқариш, таълим жараёнини ҳаёт билан боғлай олиш, ички ва турдош тармоқлар билан ҳар томонлама интеграцияга киришиши эса, белгилаб олинган натижаларга эришишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Масалан "Мактаб-лаборатория" инновацион тажриба майдончаларининг ташкил қилиш орқали узлуксиз таълим жараёнида таълим турлари ўртасидаги илмий, услубий ва таълим воситаларини ривожлантириш, ПТИК ни амалиётга тадбиқ этиш билан боғлиқ илмий-педагогик лойиҳаларни тажриба-синовдан ўтказиш, таълимнинг янгиланган мазмунини амалиётга тадбиқ этиш; Педагогларнинг инновацион фаолиятида илмий-услубий ёрдам кўрсатиш; психологик-педагогик тадқиқотларни таълим амалиётларда қўллаш; касбгача ва касбий-педагогик тайёрлашнинг илғор усулларини ўрганиш ва ҳ.к. вазифаларни қамраб олади.

Шу асосда ташкил этилган "Мактаб-лаборатория" лойиҳалари педагогик илм ва таълим амалиётининг долзарб муаммолари атрофида олий таълим, ўрта таълим ва таълимнинг бошқа босқичларининг ўқув-илмий-инновацион салоҳиятларини ўзаро интеграциялаш, ёш педагог кадрларнинг шахсий касб маҳоратини юксалтириш ва ривожлантиришга қаратилган узлуксиз педагогик таълим базасини ўзида мужассам этган таълим муҳитини яратиш, педагогларнинг шахсий-касбий маҳоратларни юксалтирувчи фан ва таълим фазосини яратиш, маслаҳатлар бериш, ижодий ташаббусларини методик ва ташкилий қўллаб қувватлаш каби вазифаларидан келиб чиқиб, эришилган натижалар ҳақида қуйидаги умумий хулосаларни бериш мумкин.

Шундай қилиб, таълим кластернинг асосий мақсади замонавий таълим мутахассисларини тайёрлаш учун бирлаштириш, замон талабидаги компетент кадрларни тайёрлаш яъни, педагогик таълим **инновацион кластерининг сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилишига эришишдир. Бу қуйидаги:**

таълим, фан ва педагогик амалиётнинг турли шакл ва турлари ҳамда воситаларини излаб топиш ва таълим амалиётига компетенциявий ёндашув асосида татбиқ этиш;

таълим муассасаларининг барча босқичларида таълим ва тарбия узвийлиги ва узлуксизлигини таъминловчи самарали механизмларини танлаш ва уларни такомиллаштириш;

талабаларнинг ўқув мотиви, фанни ўрганиш ва уни ўқишига бўлган қизиқишларини ошириш ҳамда мантиқий фикрлашларини ривожлантириш орқали уларни педагогик таълимга йўналтириш;

олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингини кўтаришга хизмат қилувчи барча соҳаларда олиб борилаётган ишлар самарасини ошириш;

таълимнинг янги замонавий усулларини қўллаш хусусан, сиртқи ва масофавий ўқитиш тизимидаги ёндашувларни такомиллаштириш каби бир қатор амалий ишларни тақозо этади. Шундан келиб чиқиб, таълим кластери шароитида ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси шакллантиришни мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари билан узвий ва узлуксиз тарзда олиб бориш концепсиясини яратишни тақоза этади.

Ўқув фаолияти ташкил этишнинг кластер шароитида олий таълим муассасасларининг талабалари ўз-ўзини ривожлантириш жараёнининг педагогик асосларини белгилаш учун бўлажак педагогларнинг ўз-ўзини ривожлантириш жараёни моҳияти ва тузилмасини кўриб чиқиш зарур.

Н.Г.Григорьеванинг ишларида ўрта махсус ўқув муассасалари талабаларининг ўз-ўзини ривожлантириш жараёни - шахсий, ижтимоий ва касбий тикланишининг етакчи воситаси сифатида қаралган. Бунда шахсдаги барча тадрижий-инқилобий ўзгаришларининг ҳамда ўз-ўзини ислоҳ ва назорат қилиш бўйича бошқарувчи негиз ёрдамида амалга ошириладиган, шахснинг мақсадга йўналтирилган такомиллашувидан иборат интеграл

ҳосиласи сифатида белгиланади.

Моделнинг ҳар бир навбатдаги босқичи аввалгисидан келиб чиқиши шарт эмас, чунки кўратилиш йўли тўғри чизиқли эмасдир, бироқ барча босқичлар диалектик жиҳатдан бирдир. Шу боис, шахс ҳаёт фаолиятини онгли ўз-ўзини ривожлантиришга кўтарилишлар босқичини амалга ошириш ҳаракатларининг силсиласи кўринишида ўрганиш мумкин. Шундай қилиб, шахснинг ўз-ўзини ривожлантирувчи тизимидаги функционал ҳолатларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Бир ҳолатдан бошқасига ўтиш шахснинг муайян йўналишлар: физиологик (гавдани такомиллаштиришга интилиш); психологик (психик жараёнларни онгли ривожлантиришга интилиш); ижтимоий-маънавий (функционал намоён бўлишга интилиш) бўйича ривожланишига имкон яратади. Биз талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантириши деганда, уларнинг психологик ҳамда ижтимоий-маънавий йўналишларини назарда тутганмиз.

Шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши – интегратив жараён бўлиб, унинг тузилмасига кўра турлича бўлиши мумкин. Масалан, Д.Ю.Ануфриева, бу жараённи ўз ичига ички ҳиссиёт, ўзини бошқариш, "шахснинг ўз ривожи учун шароит топиш маҳоратида ифодаланадиган ўз ифодасини топувчи ривожланувчи ўзаро ҳаракат бўғинини ўз ичига олган" уч бўғинли жараён деб ҳисоблайди. Айрим ишларда ўз-ўзини ривожлантиришнинг олти бўғинли тузилмаси аниқланган: бунга ўз-ўзини белгилаш, ўзини ташкил этиш, ўзини англаш, ўзини бошқариш, ўзини оқлаш, ўзини намоён этиш жараёнлари киради. Келтирилган ёндашувлар ўз-ўзини ривожлантиришнинг бир маънода эмаслигини ҳамда серқирралиги тўғрисида сўз юритишга имкон беради. Булардан келиб чиқиб, ўзини ўзи ривожлантиришга қуйидагича муаллифлик ёндашувимизни беришимиз мумкин: **ўзини ўзи ривожлантириш деганда, инсон ҳаёти мобайнида амалга ошириладиган, унга ўзининг мавжудлик мазмунига етишишга кўмак берувчи, инсоннинг ички оламининг қайта ўзгаришига ҳамда компетент шахс сифатида шаклланишига асос бўладиган босқичлар тизимини тушунамиз.**

Юқорида баён қилинган ёндашувлар ҳамда тадқиқотимизнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда олий таълим



муассасалари талабаларини ўз-ўзини ривожлантириш жараёнида биз қуйидаги тузилмавий бўғинларни ажратиб кўрсатамиз: ички ҳиссиёт, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини белгилаш, ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини намоён этиш бўғинлари.

Юқорида санаб ўтилган бўғинлар ўзаро боғлиқ ва ўзаро бир-бирини келтириб чиқарадиган мураккаб жараёнлардан иборатдир. Бизнинг фикримизча, ўқув фаолиятида айнан мана шу бўғинлар энг кўп ривожланиши ва намоён бўлиши мумкин. Ўқув фаолиятида талабанинг ўзини ўзгартириш борасидаги иши ўзига, ўз фаолияти натижаларига, давомдорликка танқидий муносабатдан бошланади, бу талабаларга ўзининг шахсий ўзига хосликларини ўрганишга ва баҳолашга, ўз ички оламини англашга туртки беради, талабани ўқув мақсадлар ва вазифаларни мустақил тарзда танлашга олиб келади. Ўз-ўзини бошқариш "хоҳлайман" ва "қила оламан" ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилишда вужудга келиши мумкин бўлган ўзини намоён этишни амалга оширишнинг шарти ва восита бўлиб хизмат қилади. Педагогик инновацион фаолият: ижодкорлик, таҳлилий ва тадқиқотчилик фаолият кўринишида бўлади.

Биз аввало бўлажак педагогларда ўзи танлаган касбига меҳр қўйиш, педагоглик касбининг сирларини мукаммал ўрганиши ва унда ўз келажагига нисбатан ишонч туйғулари ривожлантириш зарурлиги, иккинчидан, ҳар бир касб эгалари учун билим ва дунёқараш, учинчидан, раҳбарлик қобилиятини, яъни ҳар бир қўл остидагиларига мақсадли таъсир ўтказиш хусусияти лозимлигини ҳис қилиши керак бўлади. Бу эса аввало, талабаларга ўқув вазиятида, шу жумладан, ҳам берилган вазифага муносабатида, ҳам ўзгалар билан ўқув фаолиятидаги муносабатда ўзининг ички имкониятларини имкон қадар намоён этишга шароит яратади.

Шу ўринда Маслоу ўзининг "Мотивация ва шахсият" (1954) китобида инсоннинг барча эҳтиёжлари туғма ёки инстинктив бўлиб улар устуворлиги бўйича иерархик тизимда жойлашган эканлигини таъкидлайди. А.Маслоунинг инсон эҳтиёжлари пирамидаси диаграммаси бўйича белгиланган қадамларга эътибор берсангиз (1-расм) унинг асоси сифатида физиологик (ташкилий) эҳтиёж қўйилган бўлса, охирги учта даража: "билим",

"эстетика", "ўз-ўзини янгилаш" умумий ҳолда "ўз-ўзини ифодалаш эҳтиёжи" (шахс сифатида ўсиш) жойлаштирилган.

**Физиологик (ташкилий) эҳтиёж**. Физиологик эҳтиёжлар (баъзан у биологик эҳтиёжлар деб ҳам аталади) у одамнинг асосий, бирламчи эҳтиёжлари, баъзан ҳатто ўзи билмаганларини ҳам ўз ичига олади.

**Хавфсизликка бўлган эҳтиёж**. Физиологик эҳтиёжлар кондирил-гандан сўнг уларнинг ўрнини индивидлар мотивацион ҳаётидаги бошқа эҳтиёжлар эгаллайди. Умумий ҳолда уларни хавфсизлик категориясига киритиш мумкин (хавфсизликка; турғунликка; ҳимояга; қўрқувдан, хавотирдан ва тартибсизликдан қутулишга; тизимлиликка, тартибга, қонунга бўлган эҳтиёж ва бошқа эҳтиёжлар).




**1-расм. Ўзини ўзи ривожлантиришга бўлган эҳтиёж**

**Эгалик қилиш ва муҳаббатга бўлган эҳтиёж**. Инсонийиликликга, дўстона муносабатларга, уни шундай алоқалар билан таъминлайдиган ижтимоий гуруҳга, уни ўзиники деб қабул қиладиган оилага муҳтожлик.

**Ҳурмат (эҳтиром)га бўлган эҳтиёж.** Ҳар бир одам ҳурматга, шунингдек ўз қадр-қимматининг юқори баҳоланишига муҳтож.



Ҳар бир шахс учун уни атрофдагилар ҳурмат қилиши ҳамда ўзини ўзи ҳурмат қила олиши муҳим. Ҳурмат, баҳога бўлган эҳтиёжнинг қондирилиши шахснинг ўзига ишонч, ўзининг муҳимлиги, кучи, мослиги, бу дунёда фойдали ва керак эканлик ҳиссини туғдиради. Бу даражадаги эҳтиёж икки синфга бўлинади. Биринчи синфга "ютуқ" тушунчаси билан боғлиқ бўлган истак ва интилишлар киради. Одамга қудратлилик, адекватлик, компетентлик туйғулари ҳамда ўзига ишонч, мустақиллик, эркинлик каби ҳиссиётлар зарур. Иккинчи синфга обрў ёки нуфузга бўлган эҳтиёж (бу тушунчаларни биз атрофдагиларнинг ҳурмати деб тушунамиз), мақомга, эътиборга, эътирофга ва довруққа эришга бўлган эҳтиёж.

**Билимга ва тушунишга бўлган эҳтиёж.** Асосий эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган бир қатор ижтимоий шартларни келтириш мумкин; бу шартларнинг қониқарсиз равишда бажарилиши бевосита асосий эҳтиёжлар қондирилишга тўсиқ бўлиши мумкин. Уларга билим олиш ва эстетик эҳтиёжлар киради. Билиш жараёнини икки босқичга ажратиш мумкин биринчиси, ҳис этиш орқали билиш (сезги,идрок,тасаввур), иккинчиси, ички боғлиқликларни ва ташқи дунё қонуниятларини билиш-тафаккур (хотира,диққат ва интеллект).

**Эстетик эҳтиёжлар.** Эстетик эҳтиёжлар конатив ва когнитив эҳтиёжлар билан чамбарчас боғланган бўлиб, уларни аниқ бир-биридан фарқлаш мумкин эмас. Тартибга, симметрияга, тугаллангaнликка, тизимга, структурага бўлган эҳтиёж кабилар.

**Ўз-ўзини янгилаш (ривожлантириш)га бўлган эҳтиёж**. Табиийки, мусиқачи мусиқа билан, рассом расм чизиш билан, шоир шеър ёзиш билан шуғулланиши керак. Яъни, инсон ўзининг табиатига мос бўлиши кераклигин ҳис қилиши лозим. Бу эҳтиёжни ўзини ривожлантириш деб аташ мумкин. Кўриниб турибдики ҳаммада бу эҳтиёж турлича намоён бўлади. Кимдир идеал ота ёки она бўлишни истаса, кимдир спортда юқори даражаларга эришишга интилади, яна бошқа биров яратишга ёки кашфиёт қилишга мойил. Мотивациянинг бу даражасида индивидуал фарқлар орасида чегара ўрнатиш деярли мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз.

Юқорида кўрсатилган барча турдаги эхтиёжлар намоён бўлиши, таъсир қилиши учун ундан қуйидаги даражадаги эхтиёж тўлиқ қондирилган бўлиши керак. Шундай қилиб, пирамидада келтирилгани эҳтиёжлар ҳаракати пастдан тепага ва тепадан пастга ҳаракат қилади деб ҳисоблаш мумкин. Юқорига ҳаракатланишни эҳтиёжлар қондирилиши жараёни деб, пастга ҳаракатланишни эса – эҳтиёжни қодиришга интилишнинг сўниши жараёни деб қараш мумкин. Демак, ўзини ўзи ривожлантириш масаласи ҳар қандай ёшдаги инсонлар учун тааълуқли бўлиб, юксакликга етакловчи асосий омил ҳисобланади ва таълим кластерининг барча бўғин лари учун бевосита алоқадор. Хусусан, мактабгача таълим муассаса тарбияланувчи-ларининг ўзини ўзи ривожлантиришининг асосий етакловчи куч бу-мотивациядир. Бундай ёшдаги ўспиринлар учун мотив асосан рағбат ва эътибор кўринишида амалга оширилади. Болаларнинг мотивациясини шакллантириш учун эса, қуйидаги шарт шароитлар зарур бўлади (2-расм).




**2-расм. Мотивацияни шакллантириш шароитлари**

Хўш, ўз ўзини ривожлантиришни қачондан бошлаш ҳақида фикр юритдик, уни нимадан бошлаш керак? Инсонларнинг компетент кадр сифатида шаклланишилар учун қандай сифатларга эга бўлиш талаб қилинади каби саволларга қуйидагича жавоб



бериш мумкин: ирода, мотивация, хотира, вақтни тўғри режалаштириш, интизом, психология, Ўзига бўлган ишонч ва ўзини тўғри баҳолаш.

Шунингдек, ўз-ўзини ривожлантиришнинг қуйидаги методларини қайд этиш мумкин. Дунёдаги машҳур одамларнинг ҳаётига назар ташласак, уларнинг деярли барчаси у ёки бу даражада ўз-ўзини ривожлантириш билан шуғулланганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, Бенжамин Франклин автобиографиясида ўз ўзини ривожлантиришни пирамиданинг учига қўйганлигни тан олган, чунки алоҳида кўникмаларни ривожлантиришнинг муваффақият қозонишдаги ролини яхши тушунган.

Натижада у ўз даврининг энг нуфузли кишиларидан бири бўлди. Ўз ўзини ривожлантириш – бу шахс сифатида ўсиш, мустақил машғулотлар ёки машқлар орқали ақлий ёки жисмоний ривожланишдир. Бу орқали одам қобилиятларини, потенциалини ривожлантиради, инсон капиталини тўплайди, бу эса унинг ишга жойлашишига, яшаш шароитини яхшилаш ва интилишларини амалга оширишга имкон беради. Мазкур жараён бутун умр давом этади. Албатта инсон ўз-ўзини ривожлантириш билан ўзи ёки мураббий ёки устозлар ёрдамида шуғулланиши мумкин (бунда "ўз-ўзини" қўшимчасини ишлатиш унчалик ҳам тўғри бўлмаса-да, моҳияти ўзгармайди). Ўзини ўзи ривожлантиришнинг кўплаб элементлари бўлиб, улардан энг муҳимларини келтирамиз: ўзини билиш; ўзини англаш; ўзига ишончни ошириш; таълим олиш малакасини ошириш; ўзига бўлган баҳосини ошириш (агар у ошиқча бўлса, тушириш); кучли томонларини ва малакасини ривожлантириш; касби учун керак бўлган малакасини ошириш; соғлиқни яхшилаш; шахсий ривожланиш режасини тузиш ва бажариш; ижтимоий ва ҳиссий интеллектини ошириш; вақтини бошқариш.

Ўз-ўзини ривожлантириш билан боғлиқ комонентлар 3-расмда ўз аксини топган.

Ўзини ўзи ривожлантириш ҳақида гапирганимизда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, у устозлик, мураббийлик қилишни ҳам ўз ичига олади. Агар сиз педагогик усулларни ўрганиб талабаларга таъсир қила олсангиз-у, улар шахс сифатида ривожланса, демак ўзингиз ҳам ўсмоқдасиз. Ўзини яхшилашдан ташқари,

ўз-ўзини ривожлантириш амалиёт ва ижодий изланиш орқали ҳам намоён бўлади.




**3-расм. Ўз-ўзини ривожлантириш билан боғлиқ комонентлар.**

## 2.5-§. Ўз-ўзини англаш ва бошқариш

Навоий ҳазратларининг "Камол эт, касбким" дея қилган даъватларида комиллик учун жуда кўп фазилатларни назарда тутиб, "Оламдан ғамсиз ўтай десанг, илму ҳунар ўрган. Дунё камолотига етмай дунёдан ўтиш, ҳаммомда тоза бўлмай чиқишнинг худди ўзи",-дея таъкидлайди.

Фаробийнинг "Ҳар кимки илм ҳикматни ўрганмаган деса, уни ёшлигидан бошласин, сўзининг уддасидан чиқсин, барча қонун – қоидаларни билсин, билимдон ва нотиқ бўлсин, илмли ва доно кишиларни ҳурмат қилсин, илм ва аҳли илмдан мол – дунёсини аямасин, барча реал моддий нарсалар тўғрисида билимга эга бўлсин" деган фикрларини ёдга олсак, шахснинг ўзини ўзи ривожлантириш, "компетенция" ва "компетентлик" тушунчалари мазмуни ва моҳияти жиҳатидан Шарқда 1000 йиллар олдин пайдо бўлган. Ушбу талаблар бугунги кунда замонга мослашган ҳолда янгича талқинда ўз ифодасини топмоқда дейиш мумкин.



Юқорида таъкидлаганимиздек, ўсиб бораётган шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш жараёни талаба узлуксиз бошидан кечирадиган турли-туман жараёнлар мажмуидан иборатдир. Ўз-ўзини ривожлантиришнинг ҳар бир "ҳалқаси" ўзини ҳис қилиш ва ўзини муносиб баҳолаш билан бошланган ҳолда спираль йўналиши бўйича юқорида тасвирланган барча босқичлардан ўтади, янги муносиб ўз-ўзини баҳолаш билан ниҳоясига етади. Янги муносиб ўзини ўзи баҳолаш келгусидаги ўз-ўзини ривожлантириш манбаи сифатида намоён бўлади. Бундай "ҳалқалар" ҳаракати шахснинг ўз етуклигига ўзини ҳаракатлантириш жараёнини хусусиятлайди. Талабаларнинг ўз-ўзини ривожлантириш жараёнида шахснинг ижодкорлик ёндашуви алоҳида жиҳат сифатида қаралади.

Ҳар бир ижодий ҳаракатда инсон ўзида юз бераётган жараён ёки ҳолатни ҳис қилади, тушунади ва англайди. Бунда уларга **ички ҳиссиёт** кўмаклашади. Шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш бўғини сифатидаги ички ҳиссиёт тажрибаси талаба шахсининг келгусида ўз-ўзини барпо этиши учун шак-шубҳасиз муҳимдир; айнан ички ҳиссиёт ўз шахсининг англанаётган афзалликлари ва нуқсонларини ҳиссий жиҳатдан қайта кўриб чиқишга, "бошдан ўтказишга", вазиятларга мос равишда ўз-ўзини белгилашга ҳамда ушбу муносабатларга мос равишда ўз ўзгаришларини дастурлашга кўмаклашади. Ички ҳиссиёт жараёнида ўз ўқув фаолиятига, унинг натижаларига ўз муносабатини англаш юз беради, бу ўзининг хотиржам бўлиб қолмаётганлигидан, онгли танловидан алоҳида қониқиш бахш этади.

Ички ҳиссиёт – субъект томонидан ички психик ҳаракатлар ва ҳолатларини ўзи англаш жараёнидир; бу шахсий ёки жамланган субъект (инсон ёки жамоат) томонидан бошқа субъектлар томонидан у ҳақиқатда қандай идрок этилаётганлиги ва баҳоланаётганлигини англаш шаклидир.

Ўрганиш фаолиятидаги ички ҳиссиёт талабага ўз фаолиятининг фаол субъекти мақомида туришга имкон беради. Ички ҳиссиёт онгнинг синаб кўрилаётган кечинмалари ҳамда ўз ҳаракатларини ўзи таҳлил қилиш тўғрисидаги ўзига ҳисоб бериш эҳтиёжини амалга оширишга ёрдамлашади.

Ички ҳиссиёт бўғини талабанинг ўз фаолиятига муносабати-

ни қайта фикрлаш маҳоратида у (бўғин), бир томондан, ўз хатти-ҳаракатлари кўринишида амалга ошириладиган ўзига янги қиёфалар, унинг турли осттузилмаларини (Мен – воқъе, Мен – келажакда, Мен – идеал ва ҳоказолар), бошқа томондан эса, ўз шахси ва ўрганиш фаолияти алоқаларининг мазмунини чуқур тушунишда намоён бўлади.

Ички ҳиссиёт бўғинини ривожлантириш муаммоли ва зиддият яратувчи вазифаларни ҳал қилиш билан боғлиқ. Бу вазифалар талабага нисбатан алоҳида, мислсиз шароитларни моделлаштиришга имкон беради, буларда унинг шахсий ва ақлий тажрибаси белгиланган мақсадга эришиш учун етишмаслиги аён бўлади. Шу аснода, ижодий вазифанинг муаммолилиги талабага маълум бўлган билимлар ва кўникмаларнинг шахс ўз имкониятида бўлган ҳаракатларни амалга оширадиган ўрганиш фаолияти вазиятининг ўзига хос шароитлари билан тўқнашуви кўринишида долзарблашадиган ақлий зиддият сифатида очилади. Зиддият яратувчи хусусият мавжуд тажриба ва объектив шароитлар, вазифа вазиятлари талаблари ўртасида намоён бўлади. Шахс томонидан ушбу зиддиятларни мустақил бартараф этиш охир-оқибатда вазифани ҳал қилиш тамойилининг ижодий очилиши ҳамда бир вақтда унинг шахсий ривожи сифатида юзага чиқади.

Бунга ўхшаш ҳаракатлар натижасида талабанинг ўрганиш фаолиятида турли янги ўзгаришлар (фаолиятнинг янги усулларини кашф этиш) ҳамда шахснинг ўрганиш фаолиятидаги ва охир-оқибатда ўз шахси ўзгаришларидаги ўзининг ўрни тўғрисидаги шахс тасаввурлари ўзгаришида намоён бўладиган шахсий ўзгаришлар вужудга келиши юз беради. Шундай қилиб, ички ҳиссиётга салоҳият, яъни ўз тажрибасининг эскирган кўринишларини қайта тафаккур қилиш ўз-ўзини ривожлантириш жараёнининг бош тузилмавий унсурларидан бири сифатида намоён бўлади. И. Коннинг фикрига кўра, ўсмирлик ёшидаги бош янги ўзгариш – бу “Мен”ни кашф қилиш, ички ҳиссиётнинг пайдо бўлиши, ўзининг ўзига хослигини англашдир.

Ички ҳиссиёт жараёнига киришган ҳолда биринчи босқичда ўн етти-ўн саккиз ёшдаги шахс ўз фикрлари ва хатти-ҳаракатларнинг кузатувчисига айланади. Шундан сўнг, у ўзининг қан-



лайдир фикрлари, хатти-ҳаракатларининг ўзаро номуносиблигини англайди. Бу хатти-ҳаракатнинг янги исталаётган унсурларини онгли тарзда шакллантириш ва мустаҳкамлашга ёрдам берувчи унинг ички мунозарасини фаоллаштиради. Ўсмирлик ёшида ички ҳиссиёт шундай босқичга чиқадики, бунда шахс учун бошқаларнинг инсоний ўзаро муносабатларнинг барча мажмуидаги у тўғрисидаги тасаввурлари қадриятга айланади.

Бинобарин, ички ҳиссиёт ўз-ўзини муносиб англаш жараёнини таъминлаган ҳолда талабанинг ўз-ўзини англашига туртки бўлиб хизмат қилади. Талаба ўзи кимлигини, ўзини қандай баҳолаётганлигини, нима ва нима учун у билан юз бераётганини англаши лозим. Ўз-ўзини англаш шахснинг ўз яшириш имкониятларини кўрсатиб берувчи ўз-ўзини ўрганиш, ўзига етишиш жараёнидир. Ушбу жараён Мен-концепция ва аниқ шахсли кўринишлар нисбати билан боғлиқ ҳолда ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ўзини баҳолаш ҳаракатларининг узлуксиз келиши сифатида юз беради. Ўз-ўзини англаш ўзига ички ҳиссиётни “Мен”-нинг бошланғич қиёфасидан кенгайган “Мен-концепция” томон ҳаракати сифатида ўзини вазиятдан чиқиб баҳолашдан ўзини муносиб баҳолаш мезонлари томон бориши сифатида қаралади.

Ўсмирлик ёшидаги ўз-ўзини англаш сифат-ўзига хослик хусусияти касб этади. Бу аниқ ҳаётий мақсадларни ҳисобга олган ҳолда ўз шахси сифатларини баҳолаш зарурати билан боғлиқ.

Турли муаллифлар таъкидлаганидек, ўсмирликдаги ўз-ўзини англаш ўзининг ички оламини кашф этиш билан боғлиқ. Бу даврда ўсмирлар ўз қилмишлари ва хатти-ҳаракатлари устида фикр юрита бошлайдилар. Ўзини бошқалар билан қиёслайдилар. Ўз-ўзини англаш ёшлардан яширин сабаблар моҳиятига етишишни тақозо этади. Ўзини англаган ҳолда, шахс энг аввало, ўзининг бошқалардан нимаси билан фарқланишини аниқлашга интилади. Ўз-ўзини англаш жараёнига киришганда ёшларга мақсадларга эришиш учун ўз хатти-ҳаракатларини бошқаришга ёрдам берадиган механизмларни билишга қизиқиш бўлиши табиийдир. Ўсмирлик ёшидаги ўз-ўзини англаш, шунингдек, иродали қарор қабул қилишга халал бераётган ўзининг шахсий тўсиқларини ўрганишни ҳам кўзда тутади. Бинобарин, ёшликдаги ўз-ўзини англаш – бу ўзининг ҳаракатлари, ушбу ҳа-

ракатларнинг мехазимлари ва сабабларини тасаввур қилиш ва мулоҳазадан ўтказишдир.

Ўз-ўзини англашнинг ривожланиши **ўзини баҳолаш** ролининг ортиши учун манба бўлиб хизмат қилади. Тадқиқот натижалари кўрсатишича, ўсмирлик ёшидаги ўз-ўзини баҳолаш турли функцияларга эга. Бир томонидан, ўзини баҳолаш ўрганиш жараёнидир: муваффақиятли фаолият учун шахс ўзи ва ўзининг сифатларини холис билишдан манфаатдордир. Бошқа томондан, ўзини баҳолаш кўпинча психологик ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилади: "Мен" ижобий қиёфасига эга бўлиш истаги кўпинча шахсни ўзининг афзалликларини бўрттиришга ва нуқсонларини камайтиришга ундайди.

Шу боис, ўсмирларнинг ўзини баҳолаши кўпинча ички зиддиятли ва номуносиб бўлади: онгли тарзда у ўзини аҳамиятга эга шахс сифатида идрок этади, ўзига ва ўзининг салоҳиятларига ишонади. Шу билан биргаликда, унинг ичини шубҳалар емиради. У буларни ўз онгига киритмасликка уринади. Бундай ҳолатнинг изоҳларидан бири ўсмирнинг ўзи ва ўз муносабатларини олам билан қайта тафаккурдан ўтказишидир. "Мен кимман?" саволига жавоблар, ўзини баҳолаш ўхшашлик ҳиссини вужудга келтиради. Айнан ўхшашлик – шахс хатти-ҳаракати ва ўзини англаши бирлигидир. Шахсий ўзига мослик (ўхшашлик) ҳисси ўзини топиш, ўзини белгилаш имкониятига боғлиқ. Ўзини белгилаш "ўзини ривожлантириш интегратив фаолияти" бўгини сифатида намоён бўлади.Ўз-ўзини белгилаш орқали ўзини турли ҳаёт вазиятларида, турли кишилар вазиятларни "синаб кўриш" орқали "ҳаёт стратегияси" томон мақсадга йўналган ҳолда интилишга ҳаракат сифатидаги ўз-ўзини ривожлантиришни кўриш мумкин.

Биз ўз-ўзини ривожлантириш жараёни ва босқичларини шахснинг ўзини баҳолаш даражаси ва ўзини белгилаш даражасини билган ҳолда башорат қилиш мумкин, деган хулосага таянамиз. Шу боис, шахснинг ўзини баҳолаш даражаси ва унинг ўз-ўзини ривожлантириш салоҳияти ўзаро боғлиқлигини батафсилроқ кўриб чиқамиз. Таълим кластерининг босқичлари қуйидаги 7-жадвалда келтирилган:



*7-жадвал*

**Таълим кластери босқичлари**

| Босқичлар | Мазмун ва моҳияти |
|---|---|
| Биринчи | Ўсмир хали аниқ эътиқодларга эга эмас, ўз кучларига ишонмайди – бу ўзини баҳолашнинг паст даражасига эга бўлган ёш инсон учун хусусиятли бўлиб, у инқирозли ҳолат билан тўқнашувдан қўрққан ҳолда, ўз-ўзини белгилашнинг ҳар қандай шаклидан қочади. Шу боис, ўхшашликнинг ушбу босқичида биз шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши ҳодисаси намоён бўлишини деярли кузатмаймиз. |
| Иккинчи | Шахсларнинг муносабатга киришиши билан хусусиятлидир, бироқ бу мустақил тарзда эмас, балки бошдан ўтказилган инқироз натижасида, бегона ибрат таъсири остида ўзга фикрлар асосида юз беради. Бундай ўхшашлик ўзига ортиқча баҳо берган ёшларда юз беради ва бу босқичда ҳам ўз-ўзини ривожлантириш феноменини намоён бўлмаслиги аксинча, муддатдан олдинги ўз-ўзини белгилаш ҳиссий ҳолатнинг барқарорлиги мавжуд бўлмаса, шахс ўз-ўзини ривожлантиришни секинлаштириши мумкин. |
| Учинчи | Йигитлар ва қизлар ўз-ўзини белгилашнинг кўп сонли турларидан ягонасини танлаб оладилар, бу муносиб ўз-ўзини баҳолашга эга шахслар учун хусусиятлидир. Бундай ўз-ўзини белгилаш натижасида "зиддиятларга дуч келганда" ўз баҳосини ҳис қилиш кузатилади, бу мулоҳазаларнинг бир мунча кескинлигида, қатъиятда, мулоҳазаларнинг ҳақиқийлиги ёки хатолигини исботлашда ўзини кўрсатади. Бу аломатлар шахс ўз-ўзини ривожлантириш феномени намоён бўлаётганини кўрсатади. Шу боис, ўхшашликнинг кўриб чиқилган босқичи муносиб ўз-ўзини баҳолашга эга бўлган шахслар учун хусусиятли бўлиб, бу ўз-ўзини аниқлаш ва ўз-ўзини бошқариш жараёнларини ўзлаштириш даражасида қарор топади. Бу босқичда ёшлар ўз-ўзини излашдан ўзини амалий намоён этишга ўтади, бундай ўзига хосликлар талабаларнинг ўқув фаолиятидаги ўз-ўзини бошқариши ўзини онгли бошқариши ҳамда уларнинг ўз мақсадга йўналтирилган фаолиятини онгли йўлга солиши, ўз мақсадларини мустақил қабул қилиш ва уларни ўзи белгилаган воситалар ёрдамида мустақил амалга ошириш салоҳиятида намоён бўлади. |

**Ўз-ўзини бошқариш** тўғрисида шахснинг ўз хатти-ҳаракатини ташкил этиш жараёни, ўзига хос фаолликни тавсифловчи шахснинг хатти-ҳаракатлари нисбатига йўналтирилган вазият талаблари, бошқа кишиларнинг умидларидан келиб чиқадиган вазият, мулоқот, шахслараро ўзаро ҳаракатнинг ўзига хосликларига муносиб психологик захираларнинг долзарблашуви жараёни сифатида таъриф берилади. Шу аснода, хатти-ҳаракат

оқимини доимий ички баҳолаш ўз-ўзини бошқариш аломати ҳисобланади. Хатти-ҳаракатни ислоҳ қилиш функциясини эса, ўзини назорат қилиш механизми – шахснинг сабаблар, ҳаракат мақсади ва унинг бориши муносабати тўғрисидаги ички ҳисоботи бажаради.

Бундай ёндашув бизга ўз-ўзини назорат қилиш механизмига шахснинг ўз ички мулоқоти – ҳаракатдаги шахс ва муайян мақсадли ҳаракатни режалаштираётган шахс ўртасидаги мулоқот сифатида қарашга имкон беради.

Хатти-ҳаракатни ўз-ўзини бошқаришни тадқиқотчи икки функционал даража бирлиги сифатида тасаввур қилади. Мазмун бўғини деб ном олган ўз-ўзини бошқаришнинг биринчи даражаси унинг жойлашувидаги барча босқичлар – сабаблар фарқидан якуний самарагача бўлган босқичлардаги хатти-ҳаракат оқимини бошқаришдир. иккинчи даража ўз-ўзини назоратни кўзда тутади. Кучайтирилган ўз-ўзини назоратни бир томондан катта ички интизом ва ҳаракатнинг юксак самараси, бошқа томондан эса, ўз-ўзини бошқаришнинг издан чиқиши ва хатти-ҳаракатнинг бузилган шакллари юзага келтириши мумкин.

Ўз-ўзини бошқариш функциясини икки шаклга ажратган ҳолда ички мезонлар нуқтаи назаридан ҳам ўрганилади. Буларнинг биринчиси муайян вақт чегаралари билан хусусиятли бўлиб, шахс томонидан эришилган самаранинг баҳоланиши билан ниҳоясига етадиган аниқ хатти-ҳаракат билан боғлиқдир. Иккинчи шакл учун аниқ вақт чегараларининг мавжуд эмаслиги хусусиятлидир. Бундай ўз-ўзини бошқариш қандайдир бир вазиятнинг ташқарисига чиқувчи инсоннинг мураккаб хатти-ҳаракатлари учун хосдир. У ягона мақсадга бирлашган хатти-ҳаракатнинг яхлит йўналишини белгилайди. Бу ерда ўз-ўзини бошқаришнинг ягона кўриниши эмас, балки вақтда тақсимланган ягона бошқарув тизими тўғрисида сўз юритиш зарур. Биз бундай тизим глобал хусусиятга эга бўлган ҳамда узоқ вақт давомида шахс фаоллигининг кенг соҳасини қамраб оладиган ўз-ўзини ривожлантиришнинг психологик механизми сифатида намоён бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Ўқув фаолиятида ўз ҳаракатларини йўлга солиш бошқалар билан мулоқотдаги хатти-ҳаракатни йўлга солишдан фарқли



Ўзарок, “Мен ва Мен” тизими доираларида амалга оширилади. Хатти-ҳаракатнинг ўз-ўзини бошқариши мазкуҳ соҳаси бир-биридан келиб чиқади. Бизнинг фикримизча, бошқалар билан мулоқотдаги хатти-ҳаракатнинг ўз-ўзини бошқариши бошланғич босқичдир ва айрим муносабатда “Мен ва Мен” тизимидаги ўз-ўзини бошқаришга турткидир. Чунки инсон ўз-ўзини ривожлантиришдаги ўз имкониятлари ва шахсий ўз-ўзини ривожлантириш заруратини англаши фақат ўзининг бошқалар билан мулоқотда намоён этиш орқалигина аниқлайди.

Бироқ “Мен ва Мен” ўз-ўзини бошқариш тизими бошқалар билан мулоқотдаги хатти-ҳаракатни бошқариш тизими учун ишлайди. Шахс ўз-ўзини ривожлантиришни мулоқотнинг турли вазиятлардаги янада фаолроқ ва муносиб фаолият мақсадларида амалга оширади.

Ўз-ўзини бошқариш жараёни шахс фаоллигининг умумий шакли билан боғланади. Шахс фаоллашуви сабабларини кўриб чиқишида, у ўз-ўзини бошқаришга эътиборга урғу беради. Унинг ёрдамида “субъект” шахснинг турли жиҳатларидаги (шахсий, ижтимоий) боғлиқ ўз фаоллигини белгилайди. Бироқ ўз ишларида муаллиф ўз-ўзини бошқариш йўли билан ўз-ўзини ривожлантиришнинг чексиз имкониятларига умид қилиб бўлмаслиги тўғрисида сўз юритади. Бу унинг зиддиятли роли билан изоҳланади: бир томондан, у шахс фаоллигига имкон яратади, бошқа томондан – шахснинг ҳаётда зиддиятли намоён бўлиши мавжуд ҳолларда муайян тўсқинлик сифатида намоён бўлади.

Тадқиқот натижалари ва 17-18 ёшдаги ўсмирлар психологик ўзгаришларининг ўзига хосликлари бизга ўсмирлик ёшидаги ўз-ўзини бошқаришга ўзини онгли бошқариш, ўз-ўзини ривожлантириш жараёнида ўз ҳаракатларини йўлга солиш билан ўқув фаолиятининг белгиланган мақсадларига эришишдаги тўсқинликларини бартараф этиш, шунингдек, шахсий ўз-ўзини ривожлантиришни йўлга солувчи ва фаоллаштирувчи механизм сифатида қарашга имкон беради.

Ўз-ўзини бошқариш тўғрисида сўз юритганда, ҳар қандай “Ички фаоллик ҳаракати”нинг муваффақияти ва якуний натижаси ўз-ўзини бошқариш жараёнининг мукаммаллик даражасига боғлиқлиги таъкидланади. Шу аснода, хатти-ҳаракат ва

фаолиятнинг барча шахсий ўзига хосликлари фаоллик субъекти амалга ошрадиган ўз-ўзини бошқариш жараёнларининг шаклланганлиги ва мазмундорлик хусусияти даражаси билан белгиланади.

Юқорида баён қилинган тадқиқотларга таянган ҳолда биз талаба ўқув фаолиятини **ўз-ўзини бошқариш механизмларини** ажратиб кўрсатишимиз мумкин: ўқув фаолияти, шунингдек, ушбу жараённинг бошқарувчиси сифатидаги ўз психик ривожи ва ўзига мақсад белгилаш; белгиланган мақсадга эришиш учун зарур бўлган "танлаш", "топиш", "маҳсуллаштириш"; танланган воситалар билан имкон қадар белгиланган мақсадга қачон ва қандай шароитларда эришиш, қабул қилинган қарорларни бажариш борасидаги қарор қабул қилиш; бажариш натижалари, муваффақият-муваффақиятсизлик сабабларини таҳлил қилишнинг баҳолаш; "шахсий тажрибани жамлаш", ўз психикасини ва шахсий сифатларини ривожлантириш натижалари ва усулларини қайд этиш механизми.

**Ўз-ўзини бошқариш бўғини қуйидаги кўникмаларни ўз ичига олади:** ўз индивидуал имкониятларини ўзи башоратлаш асосидаги ўрганиш фаолиятини шахсий усулларини шахс томонидан англаниши; ўрганиш фаолиятини бажариш натижаларини баҳолаш, амалга оширилаётган ўрганиш фаолиятидаги ўз мушкулотларини англаш; ўрганиш фаолиятидаги муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган воситалар, усуллар ва шароитларни англаш ҳамда мустақил танлаш; талабаларнинг ўз фаолиятига мақсад белгилаши.

Ушбу бўғиннинг ривожланиши талабаларнинг билимларини ўрганиш фаолиятидаги эҳтимолий ўзгаришлар ҳамда фаолият талабларига боғлиқ ўзидаги ўзгаришларга қиёслаш, белгиланган мақсадга эришиш учун воситалар ва усулларни танлаш, белгиланган мақсадга эришиши мумкин бўлган шароитларни аниқлаш, муваффақият ёки муваффақтятсизлик сабабларини таҳлил қилиш ҳамда олинган натижани шахсий тажрибада мустаҳкамлаш кўникмаси билан боғлиқ. Ушбу бўғин шаклланиши натижасида талаба ўзининг ўзига хос жиҳатлари, унга нима кераклигини тушунишга имкон берувчи ўз ҳаракатлари ва ўз муносабатларини ташкил этиш қоидаларини англай олади.



Якунловчи бўғин – **ўз-ўзини намоён этиш** бўғини – фаолиятда ўз салоҳиятларини амалий намоён этиш, вазиятдан келиб чиққан ҳолда ўзини кўрсатишдан шакллантирилаётган ҳаётий стратегияга мақсадли интилиш ҳаракати сифатида намоён бўлади. Ўзини намоён этиш шахснинг ҳаётдаги маҳсулдор фаолият жараёнида ўз қобилиятлари ва салоҳиятини янада тўлароқ очишга бўлган интилишини акс эттиради. Ўзини намоён этиш ифодалашнинг турли шаклларига: ўз шахсий салоҳиятларини фаолиятда фаол тасдиқлаш, ўз салоҳиятини амалда намоён этиш, режаларни амалга оширишда қатъийлик, ҳаётий мақсадларга эришишда изчиллик шаклларига эга.

Айрим муаллифларнинг фикрига кўра, ўзини намоён этиш жараёни "шахс ривожининг барча бошқа жараёнларини" бирлаштиради. Ўз-ўзини намоён этишга фақат унинг манбаларини белгиловчи узлуксиз ўзини англаш асосидагина имкон бўлиши мумкин. Ўз-ўзини бошқариш ўз-ўзини намоён этиш фаолиятининг шарти, омили ва воситаси бўлиб хизмат қилади. Ўз-ўзини белгилаш ўзини намоён этиш чегараларини сақлаб туришга имкон беради. Ўзини билиш фаолияти маҳсули орқали ўзини намоён этишга интилиш талабага шу билан ички тажрибасини бойитган ҳолда ўз салоҳиятларини намоён этиш ва кенгайтиришга имкон беради.

**Биз ёшлик давридаги ўз-ўзини ривожлантириш жараёнини уч босқичда жойлашган жараёнлар йиғиндиси сифатида кўриб чиқамиз:** Ўз-ўзини ривожлантириш зарруратини англаш босқичи. Мазкур босқич талабанинг ўзини англаш, ўз имкониятларини баҳолаш, ўз ривожининг истиқболларини белгилашига имкон берувчи ички ҳиссиёт, ўзини англаш, ўзини белгилаш жараёнларига кириши билан хусусиятланади. Талабанинг фаол ўз-ўзини бошқариши, бу босқичга етганлар шахс ўз-ўзини ривожлантиришида психик фаолликнинг узлуксизлигини таъминлайдиган ўрганиш фаолиятини онгли ҳолда ўз-ўзини бошқаришга киришганлиги билан фарқланади. Фаол ўз-ўзини намоён этиш. Бу ердаги асосий унсурлар талабанинг фаолияти ва хатти-ҳаракати мазмунини бойитиш, шахсий ривожланиш эркинлигини кучайтириш, фаолиятнинг маҳсулдорлигини оширишга ёрдам берувчи ўз-ўзини такомиллаштириш ва ўз-ўзини

намоён этишдир.

Шундай қилиб, шахс ўз-ўзини ривожлантириш жараёни тушунчасига, шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш бўғинлари ўзаро боғлиқлиги ғоясига таянган ҳолда биз талабаларнинг ўз-ўзини ривожлантиришини ўқув-ўрганиш фаолияти субъекти сифатидаги, ўз-ўзини такомиллаштиришнинг ички эҳтиёжларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳамда ўзини маҳсулдор намоён этиш учун мустақил барпо этишга йўналтирилган шахснинг фаол сифатлиўз-ўзини ўзгартириш жараёни сифатида белгилаймиз.

Ўз-ўзини ривожлантириш фаолияти ўсмирларга ўз ҳаётий стратегиясининг мақсадлари ва вазифаларини англаш ҳамда амалга оширишга имкон беради. Ўрганиш фаолияти доирасидаги ўсмирча ўз-ўзини ривожлантириш ўзини исталган йўналишда охиригача барпо этиш билан хусусиятланиб, бу шахсий ўсишга олиб келади. Шахс "кураш"да ва ғовларни бартараф этишда ривожланиб боради. Ўсмирлик ёшида инсон бундай "кураш"га онгли интилади. Ҳаракатчанлик, ташқи таъсирдан мустақил бўлишга интилиш ва ўзига таяниш ўсмирликдаги ўз-ўзини ривожлантиришга ўта хосдир.

Бизнинг фикримизча, талабаларнинг мақсадга йўналтирилган ва маҳсулдор шахсий ўз-ўзини барпо этишига ўз-ўзини ривожлантиришнинг ёшга хос хусусиятлари ва алоҳида ўқув фаолиятини ташкил этишни ҳисобга олиш зарурдир, чунки онгли тарзда ва жадал ўз-ўзини ривожлантиришни амалга оширишга ҳамма ҳам лаёқатли эмас. Чунки ҳамма ҳам ёшликда шахсий имкониятларга мос келувчи муайян етуклик даражасига эришавермайди.

Шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши ўз салоҳиятини тўла очиб кўрсатиш ва ундан фойдаланишга бўлган ички интилишга асосланади. Бироқ ички захираларни ўз-ўзини намоён этиш учун мавжуд имкониятларни ривожлантириш муҳитини яратиш зарур. ОЎЮ талабалари учун бундай муҳит сифатида ўқув фаолияти юзага чиқиши мумкин.

Кўриниб турганидек, субъектив фаоллик ва мустақилликка урғу берувчи ўқув фаолияти тўғрисида сўз юритиш зарур. Бундай фаолият талабаларда мулоҳазаларда эркинлик, ички мус-



тақиллик, ички ҳиссиётга салоҳиятни вужудга келишига кўмаклашувчи сифатларни бахш этган ҳолда, яъни шахс фаоллигини "ўз ҳаёт фаолияти"ни ташкил этишини хусусиятлайдиган, инсоннинг шахсий тизимига яширин жойлаштирилган ўз-ўзини ривожлантириш механизмини "ишга тушириб" юборади. Шу боис, шахс ўз-ўзини ривожлантиришига туртки берадиган ўрганиш фаолиятини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқиш жараёнидаги бўлажак педагоглар фаолиятининг дидактик, психологик ва бошқа жиҳатларини ўрганган ҳолда айрим тадқиқотчилар ўқитишнинг моҳиятли томони уларнинг ўз ўқув фаолиятини ўзи бошқаришидир, бунинг асоси гарчи ўқиш жараёнидаги бош бўғин ўзлаштириш бўлса-да, ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолашдир, деган хулосага келдилар.

Биз ушбу фараздаги илм олиш фақат талаба ўзининг ўқув ўрганиш фаолиятини ўзи бошқаргандагина юзага келади, шунингдек, ташаббус сифатидаги илм олиш муайян психик ҳамда шахсий ўзгаришларга олиб боради, шу боис, у шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришига имкон беради, деган тасдиққа таянамиз. Ўқиш жараёнида ўқув ахборотини қўлга киритиш, қайта ишлаш, ундан фойдаланиш кўникмалари, шунингдек, ўз ўқиши жараёнини муайян ўқув ҳаракатларида ифодаланган бошқаришни амалга ошириш кўникмаси адо этилади.

Илм олиш дейилганда, субъектнинг ўқув ҳаракатининг умумлашган усуллари (билимларни эгаллаш, уларни қўлга киритиш, ишлов бериш ва қўллаш усуллари)ни эгаллаш борасидаги фаол ўз-ўзидан бошқариладиган ҳаракатини тушунамиз. Бунинг натижасида шахснинг психик ривожланишида ўзгаришлар юз беради. Ўз табиатига кўра, бундай фаолият ўқув-ўрганиш фаолиятидир. Ўқув фаолияти ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини ўзгартириш учун зарур бўлган билимларни берган ҳолда талабаларга ўзини тушиниш, ўз муаммоларининг тагига етиш ва ўзининг ички кучларини сафарбар қилишга имкон беради.

## 2.6-§. Талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш комптенциясини шакллантиришда ўқув-билиш фаолияти – асосий тушунчалар

Фанлардан материалларни ўрганишда, уй вазифаларини бажариш кабиларда бошланғич таълимда талабаларга **ўқув-билиш фаолиятининг қуйидаги турлари таклиф этилади:** оғзаки асосли фаолият тури: педагог тушунтиришини эшитиш; ўз ўртоқларининг чиқишларини эшитиш ва таҳлил қилиш; дарслик билан мустақил ишлаш; бир нечта манбалар бўйича материални танлаш ва солиштириш; хулоса ва исботлаш қилиш; ўқув материалини тизимлаштириш кабилар. Ҳақиқий элементларни қабул қилиш асосида фаолият турлари: педагогнинг демонстрациясини кузатиш; ўқув фильмларини кўриш; график, жадвал, схемаларни таҳлил қилиш; кузатилаётган ҳодисаларни тушунтириш; муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш. Амалий асосли фаолият турлари: экспериментал масалаларни ечиш; тарқатма материаллар билан ишлаш; коллекцион материалларни йиғиш ва классификациялаш; катталикларни ўлчаш; тажрибалар қилиш; натижаларни таҳлил қилиб, хулосалар чиқариш.

**Ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш методлари:** 1. Ахборотларни бериш ва қабул қилиш манбалари бўйича: оғзаки: ҳикоя, суҳбат, маъруза, конференция, дискуссия; кўргазмали: иллюстрация, демонстрация; амалий: тажрибалар, машқ.

2. Ахборотларни бериш мантиқи бўйича: индуктив: хусусий фактлардан, умумий хулосаларга; дедуктив: умумийдан хусусийга.

3. Талабаларнинг мустақил фикрлаш даражаси бўйича: репродуктив (алгоритм инструкцияси бўйича); иллюстратив-тушунтириш (тайёр ахборот турли усуллар билан берилади); муаммоли; эвристик (топшириқни мустақил бажариш); тадқиқотчилик (ижодий ва изланувчанлик фаолияти); фаоллик (педагог-шқувчи диалоги); интерфаол (муаммоларни моделлаштириш).

**Ўқув-билиш фаолиятини мотивациялаш ва стимуллаштириш методлари.** 1. Ўқитишга қизиқишни стимуллаштириш: билиш, муаммоли вазият, ўқув дискуссиялари, муваффақият вазияти. 2. Жавобгарликни стимуллаштириш: ўз шахсий позициясини шакллантириш; талабчанлик; талабларни бажаришга машқ қилиш; мусобақа, қизиқувчанлик, жазо.



**Ўқув-билиш фаолияти турлари ва уларнинг предметлари:** кузатиш, эксперимент, китоб билан ишлаш, билимларни тизимлаштириш, билиш вазифалари (муаммо)ни ечиш, графиклар тузиш. Афсуски, бу фаолият турлари мактабда кенг тарқалмаган. Талабалар ўзлари учун пассив фаолият турларини маъқул кўришади.

**Тизимлар сифатида дарснинг асосий компонентлари:** ўқув материали мазмуни; методлар; ўқитиш воситалари; ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари.

**Дарс модели лойиҳаси:** натижа; ўзаро фаолият; шакллар – методлар – усуллар – воситалар; мазмун; вазифалар; мақсад.

**Дарснинг мақсад ва вазифалари:** таълимий; тарбиявий; ривожлантирувчи.

**Дарснинг ўқув вазифалари**: илмий амалий билимлар, кўникма ва малакалар тизимларини талабаларда шакллантиришга йўналтириш; асосий тушунчалар, қонунлар, назариялар, қоидалар, илмий фактлар кабиларни ўзлаштириш (ўрганиш, такрорлаш, мустаҳкамлаш); саводли ёзиш, ўқиш, гапириш, ажратиш, ўлчаш, тайёрлаш каби кўникма ва малакаларни шакллантириш (ишлаб чиқиш, мустаҳкамлаш).

**Дарснинг коррекцион-ривожлантирувчи вазифалари**: талабаларнинг интеллектуал, эмоционал, мотивацион, билишга қизиқишлари, ўқув қобилиятларини ривожлантиришга йўналтириш; объектни таҳлил қилишга, қонуниятларни умумлаштиришга ўргатиш; ўқиганлари, кўрганлари кабилардан мустақил хулоса чиқариш; қийинчиликларни бартараф этишда қатъийлик кўрсатиш.

**Дарснинг тарбиявий вазифалари**: талабаларда ахлоқий, меҳнат, эстетик, маънавий, жисмоний тарбиясини таъминлаш, дунёга илмий кўз билан қарашни шакллантиришга йўналтирилган. Талабаларда шакллантириш керак: мустақиллик; ташкилотчилик; жавобгарлик; тартиблилик; покизалик; хулқ маданияти кўникмалари; ўқув фаолияти.

**Дарсда талабаларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш**

**шакллари:** индивидуал иш; фронтал иш; гуруҳли иш.

**Индивидуал иш:** педагог ёрдамида талабаларнинг топшириқларни мустақил бажаришини назарда тутад: уй вазифаси педагог кўрсатмаси асосида бажарилади; мустақил ва назорат ишлари талабанинг индивидуал хусусиятларини (шахсга йўналтирилган ўқитиш) ҳисобга олган ҳолда берилади; турли тайёргарлик даражаларига эга талабалар учун турли усуллар билан таянч билимларини долзарблаштириш.

**Фронтал иш: педагог раҳбарлигида бир хил топшириқни барча талабалар томонидан бир вақтда бажарилишини назарда тутади:** суҳбат, сўраш ва эксперимент.

**Гуруҳли иш:** гуруҳ талабалари учун аниқ бир топшириқлар қўйиладиган ўқув машғулотларини ташкил этиш усули. У қуйидагиларни назарда тутади: конкрет вазифаларни ечиш учун синф бир нечта гуруҳларга ажратилади; ҳар бир гуруҳ топшириқни бажаришда педагог раҳбарлигида топшириқни бажаради; топшириқлар ҳар бир гуруҳнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилади; гуруҳ ҳар бир талабасининг имкониятларини амалга ошира олишини ҳисобга олиб гуруҳ таркиби танланади.

**Ўқитиш воситалари:** вербал: педагог сўзи, матн, дидактик материаллар; махсус: приборлар, жиҳозлар; кўргазмали: жадваллар, диаграммалар, расмлар, графиклар ва б.қ.; техник: экранли, овозли, комбинацияли.

**Ўқитиш методлари ва усуллари.** Метод – ўқитиш жараёнида таълим, тарбия ҳамда ривожланиш вазифаларини ечишга йўналтирилган, педагог ва талабалар ўзаро боғлиқ фаолиятини тартибга солувчи усулдир.

Усул – мазкур методни ифодоловчи ўқув материалини ўзлаштириш усулини очиб берувчи ёки тўлдирувчи педагог ва талабаларнинг ақлий ёки амалий фаолиятининг алоҳида операцияларидир.

**Назорат ва ўз-ўзини назорат методлари.** 1. Оғзаки назорат ва ўз-ўзини назорат: индивидуал сўраш, фронтал сўраш, оғзаки зачёт, программали сўраш. 2. Ёзма назорат ва ўз-ўзини назорат: ёзма назорат ишлари, тестлар, ёзма зачётлар, ёзма ўз-ўзини назорат. 3. Амалий-лаборатория назорати ва ўз-ўзини назорат:



лаборатория-назорат ишлари; машинали назорат; амалий-лаборатория назорати.

Таълим тизимида тажрибадан ўтган дарс турлари қуйидагилардан иборат: янги билимларни баён қилиш, ўқув материалларини мустаҳкамлаш, такрорлаш ва билимларни умумлаштириш, талабаларнинг ўзлаштиришини назорат қилиш ва баҳолаш ҳамда уйғунлашган дарслар. Таълим жараёнида энг кўп қўлланиладиган дарс янги билимларни баён қилиш дарсидир. Бу дарснинг тузилиши қуйидагича: дарсни ташкил этиш, янги билимларни баён қилиш, мустаҳкамлаш, улар устида машқ ўтказиш ҳамда уларга мос уй вазифаларини бериш. Таълим тизимида, такрорлаш ва билимларни мустаҳкамлаш дарслари ҳам кўп қўлланилади. Бундай дарслар педагог дастурнинг маълум бир қисмини, йирик мавзуларни ўтиб бўлганидан сўнг уюштирилади. Бу дарс билимларни оралиқ назорат орқали баҳолашда ҳам хизмат қилади.

Ҳар бир дарснинг муваффақияти кўп жиҳатдан машғулотни тўғри ташкил қилишга боғлиқ. Бу даврда синфнинг тайёргарлигини синчиклаб кузатиш, талабаларнинг дарсни тинглашга руҳий жиҳатдан тайёр эканлигини ўрганиш даркор. Шундан сўнг, маҳоратли педагог фурсатни қўлдан бермай, талабалар диққатини чалғитмай, дарснинг асосий қисмини бошлаб юборади. Чунки, талабаларнинг тезлик билан машғулотга фаол киришишлари таъминланмаса, дарс самараси паст бўлади.

Дарс янги материални баён қилишга қаратилган бўлса, дарс мавзуси эълон қилинади. Режада мўлжалланган ўқув материали ўтиб бўлингач, у албатта якунланиши, хулосалар чиқарилиши керак. Дарс педагог ва талабанинг ижодий ҳамкорлигига асосланиши лозим. Шундагина талабалар мустақил фикрлай оладилар, иродалари тарбияланади, нутқ маданияти ривожланади. Ўқув машғулотларининг синфдаги шаклидан ташқари яна қўшимча қатор таълим шакллари мавжуд: амалий-тажриба машғулотлар, қўшимча дарслар, факультатив дарслар, экскурсия кабилардир. Булар дарсда берилган билимларни тўлдириш, мустаҳкамлаш, амалиёт билан боғлаш, кўникма ва малакаларга айлантириш учун хизмат қилади. Булардан ташқари, фан тўгараклари, ўйин шаклидаги машғулотлардан ҳам фойдаланилади.

Бу турдаги машғулотлар дарсдан олган билимларини малака даражаларига кўтаришда ас қотади.

Таълимни самарали ташкил этишда дарс маъруза ва ўқитишнинг бошқа шаклларидан ўринли фойдаланишлари учун педагогнинг педагогик савияси, педагогик маданияти, ўз фанини пухта билиши ва талабаларни психологик ҳолати билан таниш бўлиши ҳамда улар билан тил топа олишлиги катта аҳамиятга эга.

**Таълим-тарбия жараёни самарали ўтиши учун талабалар қуйидагиларни билиб олишлари шарт:** ўқишдан мақсад ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал ривожини таъминлаш, ўзи хоҳлаган касбни танлаш ва уни мукаммал эгаллаб, шу соҳада бахтиёр фаолият кўрсатиш учун ижтимоий моҳиятини шунга яраша ривожлантириш имкониятидан тўла фойдаланиш; талаба ўқув муассасасига келганида амал қилиши шарт бўлган қоидаларни яхши билиши ва уларга риоя қилиши.

**Улар қуйидагилардан иборат:** ўқиш жараёнида учрайдиган қийинчиликларни бартараф этиш; барча фанлар бўйича муваффақиятли ўқишнинг шахсий аҳамиятини тушуниб етиш ва унга амал қилиш; ўқиш ва ўрганиш жараёнида билимни кўникмага, кўникмадан малакага айлантиришнинг моҳиятига етиб бориш ҳамда кундалик амалиётда фойдаланиш; дарс давомида ўзида нутқ маданиятини ўстириш; педагог дарс давомида фан бўйича келтириб чиқарган муаммоли вазиятлардан чиқиб кетишга ҳаракат қилиб, мустақил фикр юритишга ўрганиш; педагог томонидан амалга ошириладиган жорий, оралиқ ва якуний назоратларда бор иродасини ишга солиб, баҳоларини юқорига олиб чиқишга фаол қатнашиш; педагогнинг педагогик усул сифатида қўллаган рағбатлантиришла-рига ижобий муносабат билдириш.

Дарсдан кутиладиган натижалар ўз ичига - дарс жараёнини мақсадга йўналтириш; талабалар билан ўзаро муносабат; уларга шахсий ва дарс жараёнига табақали ёндашув; дарс мазмуни, ўқитиш усулларини талабаларнинг билим ва қизиқишларига мослаштира олиш; уларнинг малака ва кўникмаларини шакллантириш, қизишларини орттириш; талабаларнинг тушунишини таъминлаш учун барча имкониятларни сарф этиш; уларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш; уларни объектив баҳо-



лаш кабиларни олади.Таълим жараёнида педагог ўзининг педагогик фаолияти орқали талабаларнинг ўқув фанлари бўйича ДТС билан белгиланган муайян билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш орқали таянч ва хусусий компетенцияларни эгаллашга йўналтирилган ўқув-билиш фаолиятини ташкил этади. Мазкур жараён педагогдан ижодий педагогик фаолиятни эгаллаш заруратини келтириб чиқаради.

**Талабаларда умумлашган ўқув-билиш кўникма ва малакаларини шакллантириш жараёни қуйидаги босқичларда амалга оширилади:** хусусий кўникма ва малакаларни шакллантириш; талабаларни фаолиятнинг илмий асослари билан таништириш; талабаларни фаолият структураси билан таништириш; амал ва операцияларни самарали кетма-кет бажаришни мустақил аниқлаш кўникмасини шакллантириш; ўз фаолиятини таҳлил қила олиш кўникмасини шакллантириш.

Ўқув-билиш фаолияти асосий турлари алгоритмларини таҳлил қилиш ва амалга ошириш тажрибаси мазкур фаолиятнинг қуйидаги умумлашган алгоритмини ажратиб кўрсатишга имкон беради, **яъни фаолият:** мақсадини қўйиш; мотивацияси; объектини танлаш; самарадорлиги шартини аниқлаш; режалаштириш; режасини бажариш; натижаларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш; хулосаларни шакллантириш. Худди шу ҳаракатларни таълим жараёнида талабалар эгаллаши керак.

**Ўқув фаолиятини таърифлаган ҳолда унинг қуйидаги фарқли жиҳатларини ажратиб кўрсатадилар:** ўқув фаолияти ўқув материалини ўзлаштиришга ҳамда ўқув вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган; уни амалга ошириш чоғида ҳаракатнинг умумий усуллари ва илмий тушунчалар ўзлаштирилади; вазифалар ечимини олдиндан белгиловчи ҳаракатларнинг умумий усуллари, ҳаракатлар дастурини ўзлаштириш юз беради; ўқув фаолияти талабанинг ўз ҳаракатлари натижаларига боғлиқ ҳолдаги психик ва шахсий ўзгаришларига олиб келади; талабаларнинг ўрганиш эҳтиёжларини қондирган ҳолда ўқув фаолияти уларнинг ўз-ўзини ривожлантиришига туртки беради.

Шундай қилиб, ўқув фаолияти шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш мақсадларидаги шахсий тажрибасини ўз-ўзидан бошқариладиган тузилишидан иборатдир. Биз ўқув фаолиятининг уч

босқичини ажратиб кўрсатган ҳолда унинг турли даражалари мажмуи сифатида тасаввур қилишимиз мумкин: Ўқув фаолиятининг бетартиб амалга ошиш даражаси. Башоратли-ташхисли даража. Ўқув фаолиятини фаол ўзлаштириш даражаси. Бу даражалар талаба шахси ўз-ўзини ривожлантириш механизмларининг ишга тушиши турли даражаси (ўз-ўзини англаш, ўзини белгилаш, ўзини ташкил этиш, ўзини бошқариш, ўзини намоён этиш, ўзини фаоллаштириш) ўрганиш фаолияти бўғинларининг намоён бўлиш кучим билан белгиланади. Ўқув фаолиятининг турли даражалари 8-жадвалда берилган.

*8-жадвал*

**Ўқув фаолияти даражалари**

| Даражалар | Мазмун ва моҳияти |
|---|---|
| Биринчи | Ўз-ўзини ривожлантириш механизмлари англанилмайди. Талаба мақсад белгилаш ва олдинда турган фаолиятни режалаштиришни педагог кўмагида амалга оширади. |
| Иккинчи | Ўз-ўзини англаш, ўзини белгилаш жараёнларини қўшилиши шахсга ўзини фикрлаш, ўз ривожининг истиқболларини кўришга имкон беради. Фақат мақсадни белгилаш педагог кўмакгида амалга оширилади. Олдинда турган ишларни режалаштириш эса, берилган вазифа доирасида талаба томонидан мустақил адо этилади. |
| Учинчи | Ўз-ўзини ташкил этиш ва ўзини бошқариш жараёнлари талаба томонидан ўрганиш фаолиятини ижодий амалга ошириш ҳамда ўзини намоён этишга аста-секин ўтган ҳолда ўқиш фаолиятининг усулларини ўзлаштирилишини таъминлайди. Бу даража шуниси билан хусусиятлики, иш талабанинг мустақил ташаббуси бўйича олиб борилади; у педагог кўмагисиз ишнинг мақсади, мазмуни, режасини ўзи белгилайди ва мустақил уни адо этади. |

Таъкидлаш жоизки, бизнинг моделимиздаги ўзини англаш ўқув фаолияти субъекти сифатида ўзини англаш тарзида тушунилади. Ўзини белгилаш – ўқув мақсадлари, вазифалари, топшириқлари ҳамда ўқув ишининг шаклларини мустақил онгли танлашдир. Ўз-ўзини намоён этиш – ўқув вазифаларда ва ўқув вазиятларида, шу жумладан, вазифага муносабатда, педагог билан ўзаро муносабатларда ўз салоҳиятини намоён этишдир

Ўқув фаолиятидаги талабанинг ўз-ўзини ривожлантириш жараёнига босқичлилик ва даврийлик хосдир. Ўз-ўзини ривожлантиришга эҳтиёж англанилган ва англанмаган сабаблар орқали шаклланади, шу аснода, англанган сабаблар шахснинг



ўз-ўзига баҳо беришнинг ўзи ислоҳ қилиши жараёнида намоён бўлади. Фақат ўзини англаш асосидагина инсонда ўз ўқишининг мақсади шаклланиши мумкин, англанган сабаблар эса, ўқув фаолияти дастурларини англанган мақсад остида тузишга имкон берган ҳолда уларни "намоён этади". Шу ерда ўқув фаолиятининг иккинчи, сўнгра учинчи даражаларига изчил ҳаракат бошланади. Уларнинг асосида эса, онгли ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини ташкил этишнинг психологик механизмлари қарор топади. Ўз-ўзини бошқаришнинг шартлари шахснинг мақсадга интилганлиги унинг ўзига ишончидир. Ўз-ўзини бошқариш ўзини фаоллаштириш, ўзини назорат қилиш орқали амалга оширилади.

Шахснинг ўз-ўзини ташкил этишга эришиши учун ўқув фаолияти мазмунига шахсли-қадриятли мазмун бахш этилади. Ўрганиш фаолияти жараёнида, ўқув материалини ташкил этишда шахс нафақат ёд олинган билимлар аҳамияти, балки унинг мазмуни манбаларини қидириш, унинг моҳиятини долзарб аҳамият билан қиёслашлардан фойдаланади, деб фараз қиладилар. Кўникмага айлантирилган билимлар шахс онгининг ўзига хос ҳолати учун асосга айланади.

Бу ҳолат инсоннинг ўз ички захираларини: онгнинг танқидийлиги, ички ҳиссиёт ва ҳоказоларни "ўзи ўстириши"га бўлган салоҳиятда ифодаланувчи талабанинг шахсий ўз-ўзини ташкил этиш салоҳияти билан хусусиятланади. Ўз фаолиятини фикрлаш ва қайта фикрдан ўтказиш ўз-ўзини ташкил этишни амалга оширишга ҳамда ташқи бошқариладиган фаолият кўрсатиш тартиботидан жадал ўз-ўзини ривожлантириш тартиботига ўтишга ёрдам беради.

Талабаларнинг ўз-ўзини ривожлантириш жараёни омили сифатидаги билим олиш самарадорлиги мавжуд тажриба ва билимларни янгисига алмаштиришдан эмас, балки уларни ўз қайти фаолияти жараёнида тўпланган билимлар билан уйғунлаштиришдан келиб чиқади. Талабаларнинг ўзини-ўзи белгилашига бўлган ҳуқуқини эътироф этишдан келиб чиққан ҳолда, ўқитиш билимларни, ўрганиш фаолиятининг усулларини, амалий кўникмаларни ўзлаштиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Ана шунда мулоҳазаланган билимлар ҳамда ўрганиш

фаолиятининг усуллари шахснинг ютуғига айланади.

"Мулоҳазаланган билим" тушунчаси "жонли билим" тушунчасига қиёсланади. У "ўлик билим"дан шуниси билан фарқланадики, уни ўзлашти-риш мумкин эмас, балки ўқув жараёнида фақат "ўстириш" мумкин. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, "жонли билим"га: Билимгача бўлган билим (билимнинг бошланғич шакллари, оламни ҳис қилиш ва ҳоказолар), яъни "мавҳум билим"; Асл билим (институтлашган тизимларда, фанда мавжуд бўлган билим шакллари); Билим тўғрисидаги билим (билимниг ҳиссиётлашган шакллари); Билмаслик тўғрисидаги билим (жалб қилувчи, жозибадор куч; "мен фақат ҳеч нарса билмаслигимни биламан").

Бундай ёндашувда билим олиш жараёнида талабада "онгнинг шахсли тузилмалари" шаклланади, булар ўз-ўзини ривожлантириш механизмлари ва манбалари бўлиб юзага чиқади. Бу нуқтаи назардан, ўрганиш фаолиятининг ўзига хослиги талабалар учун улар "ўзини оламда маданий ўрнини топиш ҳаракатини амалга оширган ҳолда" ўзини яратиш имкониятига эга бўладиган шароитлар яратишга мўлжалланган.

Демак, ўз-ўзини ривожлантириш омили сифатида намоён бўладиган ўқув фаолияти шахсга ўзини намоён этиш имкониятини беради; ўз-ўзини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув фаолиятига кимнингдир қарашларини рад этмайдиган, балки уларни ўзаро тўлдириш ва бойитишга кўмаклашадиган сўзлашув мулоқотдагина имкон яратилиши мумкин; ўқув фаолиятини ташкил этиш жараёнида ҳар бир талабанинг ўз-ўзини баҳолаши ва мислсизлигини эътироф этиш зарур; ўқув фаолиятининг ўзига хослиги талабалар томонидан ўрганилаётган материалга қадриятли муносабатда бўлиш, ўз фаолиятини англашга йўналтирилган ҳаракатларни ўзлаштириш учун оқилона шароитлар яратиш билан боғлиқ. Бу ички ҳиссиётга, мақсад белгилашга, режалаштиришга, барпо этишга ва ҳоказоларга салоҳият билан боғлиқдир.

Келажакдаги касбий фаолият сифати мутахассис шахси тузилмасидаги муайян унсурларнинг шаклланганлиги даражасига: нафақат билимлар, кўникмалар ва малакаларга, балки касбий йўналтирилганликка, ўзида бошқалар билан чуқур мулоқот



орқали маънавий-фадриятли ўз-ўзини ривожлантириш имкониятига, бошқа кишини ҳамкорликка чорлаш орқали ўзининг "Мен ва Мен"ини ривожлантиришга боғлиқ. Шу боис, талабаларнинг ўқув фаолиятини ташкил этишда унинг предметли, функционал ҳамда шахсиятли томонларини ҳисобга олиш зарур.

Ўқув фаолиятини ташкил этиш унинг уч жиҳатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши зарурлиги таъкидланади: булар предметли-мазмунли, ташкилий-бошқарув ва шахсли-сабабли жиҳатлардир. Предметли-мазмунли жиҳат тўғрисида гапирганда, шу нарсани назарда тутиш лозимки, талабалар учун ўрганиш объекти бўлиб, доимо икки ахборот тизими: билимларни етказиб беришни амалга оширишга имкон берувчи методологик билимлар билан биргаликдаги ўқув предмети ва ўрганиш вазифаларини ҳал қилиш ҳамда ўқув фаолиятининг усуллари, ўз-ўзини назорат қилиш, ўзини ташкил этиш ҳамда ўз фаолиятини таҳлил қилиш усуллари хизмат қилади.

Ташкилий-бошқарув жиҳати – бу фаолиятнинг функционал томони бўлиб, фаолият субъектининг мақсадли вазифасини, шунингдек, ислоҳ қилиш, назорат ҳамда таҳлил қилиш, шу жумладан, унинг натижаларини ўзи назорат қилиш ва ўзи таҳлил қилиш жараёнлари ва усулларини акс эттиради.

Шахсли-сабабли жиҳат субъектнинг имкониятларини очиб бериш, унинг сабаблари ва манфаатларини шакллантириш, педагоглар ва талабалар ўзаро ҳаракати жараёнида муносабатлардаги қандайдир иерархияни мустасно этувчи эҳтиёжларни тарбиялашни кўзда тутади: у ҳамкорлик ва биргаликдаги ижодкорлик хусусиятига эга.

"Энг яқин ривожланиш соҳаси" (Л.С. Выготский) тўғрисидаги психологик қонун асосида инсоний амалга ошириладиган ўқув фаолияти нафақат ақлий ривожланишни келтириб чиқаради, балки шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш мажмуидаги қатор таъминловчи жараёнларни ҳаётга чорлайди, деб тасдиқлаш мумкин. Шу боис, талаба жалб қилинган махсус ташкил этилган ўқув фаолияти мулоҳазаланган ҳамда самарали ўз-ўзини ривожлантиришга имкон яратиши мумкин. Асл билим дейилганда, кўпгина олимлар [Д.М.Писарев, В.В. Розанов ва бошқалар) мустақил ўқишни тушунадилар. Демак, талабаларда ўрганишга

бўлган эҳтиёжни яратиш талабалар шахсини ўз-ўзини ривожлантириш жараёнини педагогик таъминлашга олиб боради [А.К. Громцева. Н.И. Резник, А.Н. Смолки ва бошқалар].

Юқоридаги муаллифлар фикрига қўшилган ҳолда бадиий адабиётлар мутоаласи талабаларнинг ўзини ривожлантиришида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Китоб ўқишга бўлган эҳтиёж, асарнинг ижобий ҳамда салбий қаҳрамонлари ундаги воқеалар ва кечинмаларнинг талабаларнинг дунёқараши, жамиятга ва одамларга муносабати ҳамда мантиқий тафаккури ўсишининг омили сифатида намоён бўлади. Лекин кўпгина ҳолларда китоб ўқиган ёшлар ундаги қаҳрамон кечинмалари билан жада кам вақт яшайди, асар ғоясини ўз ҳаётий фаолияти соҳасининг йўналтирувчиси сифатида қарамайди.

Шундай қилиб, ҳар қандай эҳтиёж билимлар олишнинг янги шаклларини ўзлаштириш натижасида вужудга келади [А.Н. Леонтьев], демак, билим олишга бўлган эҳтиёж талабалар томонидан унинг амалга оширилиши жараёнининг ўзида чуқурлашиб боради. Эҳтиёжларни ривожлантириш талабаларнинг сабаб соҳаларини бойитишга олиб боради.

Ана ўшанда билим олиш сабабларини ривожлантиришга (талабалар томонидан билим олиш объектив ҳаётий зарурат сифатида идрок этилгунига қадар) ўқув фаолиятининг ўзини бевосита ўзгартиришда имкон бўлади, унда биринчи ўринга баҳо олиш учун мажбурий ақлий фаолият эмас, балки талабанинг муаммони ҳал қилиш, ҳодисаларни исботлашга бўлган истаги чиқади.

Машғулотларда изланиш муҳитини яратиш педагогнинг вазифасидир. Билим олиш орқали ўз-ўзини онгли ривожлантиришга имкон берувчи ўқув фаолиятини ўйлаган ҳамда ташкил этган ҳолда педагог ўсмирлик ёшининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда талабаларнинг шахсий имкониятларини ёдда тутиши зарур.



# III БОБ. ЎЗИНИ ЎЗИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

## 3.1-§. Шахснинг ўзини ўзи ривожлантириш модели ва замонавий ёндашувлар

Инсон ҳаётига кириб келадиган ҳар қандай янгилик ундан сергаклик, тизимлилик, таҳлил ва ҳаттоки салбий муносабатларни ҳосил қилиши керак. Шу маънода анъанавий усуллар, таълим муассасадаги бериладиган таълим стандартлари асосида ўқишлар самараси таълим жараёнида талабалар компетентлигини таъминлашда шахснинг ўзини ўзи ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Мазкур модель талабалар компетентлигини, яъниўзини ўзи ривожлантириш компетенцияларни шакллантириш, унинг структураси, ўзаро боғлиқлиги ва элементлари орасидаги ўзаро таъсир тўғрисида тасаввур қилишга ёрдам беради.

Моделлаштириш реал объект ёки жараёнларни ўрганишнинг энг самарали ва универсал тадқиқот усулларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳозирги кунда фан-техника ва бошқа соҳаларда учрайдиган кўпгина амалий масалалар моделлаштириш орқали ўз ечимини топмоқда. Шу билан бир қаторда реал объектларнинг моделлари, моделлаштириш фан ва техникада ҳар хил ғоя ва гипотезаларни текшириш ҳамда тажриба материалларини тўплашда ундан кўпдан бери фойдаланиб келинмоқда. Лекин, объект ва ҳодисаларнинг моделини қуриш ёки уларни моделлаштириш жараёни катта меҳнат ва малака талаб қилади.

Ҳозирги кунда барча соҳалардаги ривожланишни ахборот технология-ларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ушбу технологиялар ёрдамида бирор бир масалани ечишда моделлаштириш усул ва воситалари, айниқса математик ва компьютерли моделлаштириш усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Моделлашти-риш асосларини билиш учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усуллардан фойдаланиш, янги ахборот-коммуникайия ва педагогик технологияларини жорий этиш лозим. Бу ўз навбатида педагоглар ва таълим олувчилардан - модел тушунчаси ва унинг

турлари, фан ва техникада моделлаштириш асослари, физик ва математик моделларининг турлари, уларнинг формаллаштириш йўллари, моделларни қуришнинг асосий тамойиллари ва хоссалари, компьютерли моделлар-ни ишлаб чиқиш йўллари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш усулларини билиши кераклигини тақозо этади.

**Модел** (лат. модулус-ўлчов, меъёр) бирор объект ёки объектлар система-сининг образи ёки намунасидир. Масалан, Ернинг модели глобус, осмон ва ундаги юлдузлар модели.

**Моделлаштириш** билан обектлар (физик ҳодиса ва жараёнлар)ни, уларнинг моделлари ёрдамида тадқиқ қилиш, мавжуд нарса ва ҳодисаларнинг моделларни ясаш ва ўрганиш мумкин. Моделлаштириш услубидан бугунги кунда фанда кенг фойдаланилмойда. У илмий-тадқиқот жараёнини осонлаштиради, баъзи ҳолларда эса мураккаб обектларни ўрганишнинг ягона воситасига айланади. Моделлаштириш, айниқса мавҳум обектларни, узоқда жойлашган обектларни, жуда кичик ҳажмли обектларни ўрганишда аҳамиятли.

**Моделлаштиришнинг асосий мақсади**, олий таълим муассасалари талабаларида ўзини ривожлантириш компетенцияларини қандай қилиб самарали шакллантириш тўғрисида умумий тасаввурларни ҳосил қилишдан иборат.

**Модел деганда** тасниф, схема, формула кўринишида шакллантирилган образ ёки тадқиқ қилинаётган объект (ҳодиса)га мос келадиган ва қайта тиклайдиган ёки унинг хоссаларини, структурасини ҳамда объект ёки ҳодисанинг ўзаро боғланган элементлари орасидаги муносабатларни акслантирадиган жисмоний конструкция назарда тутилади. Талабаларда ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияларни шакллантириш модели - бу уларни тайёрлаш жараёнидаги муваффақият эмас, балки кутилаётган натижа ҳисобланади.

Моделнинг таърифи турли соҳа вакиллари, кўпгина олимлар томонидан турлича талқин қилинган. Масалан, тадқиқотчилардан Б.А.Глинский, Б.С.Грязнов, Б.Д.Дынин, Е.П.Никитин А.Н.Дахинмоделни худди "ўрганилаётган объект билан бир мунча мос келадиган (айнан ҳам эмас, мутлақо фарқли ҳам эмас) ва баъзи бир жиҳатлари билан объектнинг ўрнига ўтадиган ҳамда ўрганиш жараёнида маълум даражада ахборот берадиган ва маълум қоидалар асосида моделлаштирилган объектга ўтадиган мустақил объект" деган таърифни берадилар.



В.П.Симонов, модель - бу "реал жараён ёки ҳодисани катталаштирилган ёки кичиклаштирилган кўринишда ёки компьютер ёрдамида виртуал борлиқ ҳолида унинг аналогининг қайта акс эттирилишидир" деб таъкидлайди. Шундай қилиб, модел исталган тадқиқотнинг муҳим моментларини кўргазмали, олдиндан башорат қилиш мумкин бўлган ҳолда акс эттиради. Шу билан бирга бўлажак педагогларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетенциялари асосида талабалар компетентлигини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш вазифасини амалга ошириш жараёнида замонавий психологик ва дидактик назарияларни ҳам ўрганиб чиқишни талаб қилади.

Умуман, моделларни уларни танлаш воситаларига қараб, абстракт, физик ва биологик гуруҳларга ажратиш мумкин.

**1. Абстракт модел.** Унга математик, математик-мантиқий моделлар киради.

**2. Физик модел.** Текширилаётган жараённинг табиати ва геометрик тузилиши асл нусхадагидек, аммо ундан миқдор (ўлчами, тезлиги, ҳажми) жиҳатидан фарқ қиладиган моделлардир. Масалан, самолёт, кема, автомобил, поезд кабиларнинг моделлари. Физик моделлар қаторига кичиклаштирилган макетлар, турли асбоб ва қурилмалар, тренажёрлар ҳам кириши мумкин.

**3. Математик модел.** Тирик системаларнинг тузилиши, ўзаро алоқалари ва функцияси қонуниятларининг математик-мантиқий, математик тавсифидан иборат бўлиб, тажриба маълумотларига кўра ёки мантиқий асосда тузилади. Сўнгра улар тажриба йўли билан текшириб кўрилади.

**4. Биологик модел.** Турли тирик обектлар ва уларнинг қисмлари-молекула, сув-хужайра орган-система организм кабиларга хос биологик тузилиш, функция ва жараёнларни молеллаштиришда қўлланилади. Биологияда асосан уч хил моделдан фойдаланилади, улар биологик, физик ва математик моделлардир.

Биологик модел одам ва ҳайвонларда учрайдиган маълум ҳолат ёки касалликни лаборатория ҳайвонларида синаб кўриш

имконини беради. Бундан шу ҳолат ёки касалликни келиб чиқиш механизми, кечиши натижаси кабилар тажрибада ўрганилади. Биологик моделда ҳар бир усуллар микроблар юқтириш, баъзи органларни олиб ташлаш ёки улар фаолияти маҳсули бўлган гармонларни киритиш ва бошқа усуллар қўлланилади. Бундай моделлардан генетика, физиоло-гия, фармокологияда фойдаланилади.

**5. Физик-кимёвий модел.** Биологик тузилиш, функция ёки жараёнларни физик ёки кимёвий воситалар билан қайтадан ҳосил қилишдир. Электротехника ва электроник тамойиллар асосида бирмунча мураккаб моделлар нерв ҳужайралари, унинг ўсимталаридаги биоэлектр потенциалларини кўрсатувчи модел, шунингдек шартли рефлекс ҳосил бўлишида марказий тормозланиш жараёнини моделлашти-рувчи электрон-механик машиналар яратилган. Бундай моделлар одатда тошбақа, сичқон, ит шаклида бўлади.

**6. Иқтисодий модел.** Иқтисодий системаларнинг турли йўналишларини ўрганиш учун ҳар хил моделлардан фойдаланилади.

**Математик моделлаштириш** аниқ фанларга турли амалий масалаларни ечишда самарали қўлланиб келинмоқда. Бу усул масалани тасвирлайдиган у ёки бу катталикларни миқдор жиҳатдан ифодалаш, сўнгра эса уларнинг боглиқлигини ўрганиш имкониятини беради. Бу усул асосида математик модел тушунчаси ётади.

**Математик модел** деб, ўрганилаётган обектнинг математик формула ёки алгоритм кўринишида ифодаланган характеристикалари орасидаги функционал боғланишга айтилади. Масалан, идеал газнинг математик модели газнинг босими P, эгалланган ҳажм ва температура орасидаги функционал боғланишни ифодалайди-ган формула (Клапейрон формуласи)дан иборат. Математик модел оламни билиш, шунингдек олдиндан айтиб бериш ва бошқаришнинг кучли усулидир. Бу моделни таҳлил қилиш ўрганилаётган ҳодисанинг ичига кириш имконини беради. Ҳодисаларни математик модел ёрдамида ўрганиш тўрт босқичда амалга оширилади: биринчи босқич: моделнинг асосий объектларини боғловчи қонунлар-ни ифодалаш;



иккинчи босқич: математик моделдаги математик масаларн текшириш; учинчи босқич: қабул қилинган моделнинг амалий мезонларини қаноатлантиришини аниқлаш, яъни, кузатишлар натижаси моделнинг назарий натижалари билан кузатиш аниқлиги чегарасида мос келиши масаласини аниқлаш; тўртинчи босқич: ўрганилаётган ҳодисалар ҳақидаги маълумотларнинг тўпланиши муносабати билан моделнинг навбатдаги таҳлилини амалга ошириш, такомиллаш-тириш.

Моделлаштириш усулининг асосий мазмунини, объектни дастлабки ўрганиш асосида моделни тажриба йўли билан ёки назарий таҳлил қилиш, натижалари ҳақидаги маълумотлар билан таққослаш, такомиллаштириш ташкил этади. Ўқув жараёни моделини яратиш, моделлаштириш таълим сифатини оширишда муҳимдир.

Модел бўлажак педагогларнинг ўз ўстида ишлашга оид компетентлигини ривожлантириш бўйича тўла тасаввур беради. Моделнинг асосий элементи **мақсад** ҳисобланиб, унда талабаларнинг ўқув фаолиятида максимал даражада ўзини намоён қилиши орқали шахс компетенциясини юқори даражада шакллантиришдан иборат. Бу эса, асосий компонент сифатида юзага чиқади ва унинг тўлалигини таъминлаган ҳолда бўлажак педагогларнинг компетентлигини ривожлантиришга йўналтиради. Талабаларнинг фанга оид компетентлигини ривожлантириш модели қуйидаги схема кўринишида берилади (4-расм)

Белгиланган мақсадга эришиш учун қуйидаги **вазифалар**ни амалга ошириш зарур бўлади: ўқув жараёнига қизиқиш, мустақил ишлаш мотивини шакллантириш. Бу бўлажак педагог, психолог шахснинг ўрганаётган касбига нисбатан етарли даражада ахборот ҳажмига эга бўлиш эҳтиёжида намоён бўлади; ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантириш дастурини ишлаб чиқиш; талабаларда ўқув фаолиятига бўлган қизиқишнинг ортишига ёрдам берадиган комплекс шакл ва усуллардан фойдаланиш.

Талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантиришнинг методологик асосларини: компетенциявий, ривожлантирувчи ва шахсга йўналтирилган ёндашувлар ташкил этади.

Г.С.Альтшуллер фикригача, ҳар бири инсон математика, физика ва санъат соҳаси қонунларини ўзлаштиргани каби ижодкорлик технологиясини ҳам эгаллаши мумкин. Ривожлантирувчи таълим эса, қуйидаги **компонентларни ўз ичига қамраб олади:** назарий асослаш, ўқув фаолияти мазмуни, методология, ўқув фанларини ўқитишда қўлланиладиган методика намуналари ва дарсликлар, ўқув қўлланмалари, методик қўлланмалар.




**4-расм. Талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантириш модели**



Талабаларда ўзини ривожлантириш компетенцияларни самарали равишда шакллантиришга ёрдам берадиган **педагогик шарт-шароитлар** сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин: талабаларнинг шахсий ривожланиши ва доимий равишда ижодий изланишини рағбатлантирувчи таълим муҳитини яратиш; таълим мазмунига тегишли материалларни талабаларнинг таянч компетенцияларининг шаклланганлик даражасига мос равишда танлаш (ўқув материалининг талабанинг ёши, психологик, интеллектуал, тил ва нутқий хусусиятлари мос келиши); бўлажак педагогларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияларнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш.

Педагогик шарт-шароитлар дейилганда таълим олиш ва бериш жараёнининг маълум бир тарзда тизимлаштирилган ва қўйилган мақсадга самарали натижалар билан эришишга йўналтирилган объектив имкониятлар ва шароитлар мажмуаси тушунилади. Мазкур педагогик шарт-шароитлар ўқув фаолият (мақсад қўйиш, лойиҳалаш ва ташкил этиш, ўқув қўлланмалари мазмуни, ўқувфаолияти, ташхислаш ва коррекциялаш)ни қамраб олади. Уни амалиётга жорий этиш мақсадга чуқурроқ “кириб боришини” таъминлайди ва натижада, ўзини ривожлантириш компетенциялари даражасининг ошишига олиб келади. Модел элементларининг ўзаро боғлиқлиги тизим элементларининг ўзаро таъсири ва самарали ишлаб туришига ёрдам берадиган педагогик шарт-шароитлар йиғиндиси орқали таъминланади.

Моделнинг кейинги элементи сифатида талабаларнинг ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияларни шакллантириш **усуллари** ва **методлари** ажратиб олинди. **Ўзаро мулоқат** (баҳс) – бу талабалар орасида олган билимларини кундалик турмушда ёки техникада фойдали ва зарарли томонлари бўйича ўзаро фикр алмашиниши. **Суҳбат**, махсус тайёрланган саволлар ёрдамида талабалардаги тўпланган билимларини фаоллаштиришга ундайдиган, мустақил фикрлаш, хулосалаш ва умумлаштириш орқали янада муваффақиятли шакллантиришга имкон берадиган янги билимларни чуқур ўзлаштиришга эришиш.

Педагогик ва профессионал фаолиятини чуқурроқ ўзлаштириш мақсадида турли типдаги **машқларни** кўп марта мақсадли равишда бажариш учун қўшимча топшириқлар бериш. **Ўйин**

**усуллари** (ишбилармонлик ва ролли ўйинлар. **Лойиҳалаш методи.** Бундай методларнинг моҳияти, бўлажак педагоглар ишни мустақил равишда бажариш жараёнида билим ва кўникмаларни эгаллашлари, зарурий компетенцияларни шакллантиришдан иборат. Бўлажак педагогларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясинишакллантириш учун биз қуйидаги технологик босқичларни ажратиб кўрсатдик: мотивация, когнитив, фаолият ва ўзини баҳолаш.

Мотивлар нафақат шахсни йўналтириб қолмасдан, балки стимул, ундаш, мобилизация қилиш, ташхислаш функцияларини бажаради ва шахснинг ўзини ривожлантирувчи омил бўлиб ҳисобланади.Шахсий мотив - бу ақлий фаоллик ва уни шакллантиришнинг кучли стимулидир ва уни албатта ўқув фаолияти жараёнида амалга оширилади. Мотивация этапини ажратиб кўрсатиш зарурлиги шундаки, ўқув фаолиятининг муваффақияти айнан талаба мотивациясига боғлиқ бўлади. Конгнитив босқич ўз ичига талабада таянч компетенцияларни шакллантириш учун фойдаланадиган мавжуд билимлар мажмуасини қамраб олади. Унга қуйидаги сифатлар тегишли: саволлар бериш, кўрилаётган саволни тушунганлигини ёки тушунмаганлигини билдириш, ҳодисаларнинг сабаби ва оқибатини аниқлаш ва ҳ.к.

Ўқув фаолиятида таянч компетенцияларни шакллантиришнинг когнитив босқичи ўз ичига юқорида келтирилган характеристикаларга қўшимча равишда синтез қилиш даражаси ( турли манбалардан тўплаган билимларни умумлаштириш кўникмаси), таҳлил қилиш (мустақил равишда амалий фаолият юритиш учун билим ва кўникмалар тўплаш), баҳолаш (маълум даражада билимларни ижодий равишда эгаллаш ҳамда қўйилган ўқув масалаларини бажаришда унинг аҳамиятини баҳолаш қобилияти)ни олади.

Ташҳислаш натижаларининг ишонарлилигини ошириш мақсадида талабаларга ўз-ўзини ташҳислаш варағини тўлдириш тавсия қилинади. Бу талабаларнинг қизиқишлари, таянч компетенцияда белгиланган эҳтиёжлари, уларнинг маъқул кўрадиган фаолият турлари аниқланганидан сўнг, мазкур талабларни бажариш вазифаси қўйилади. Ушбу талабларини бажаришда амалга ошириладиган педагогик-психологик жараёнлар, синов



усуллари ҳам муҳим параметрлардан бири ҳисобланади.

Талабаларнинг шахсий-касбий компетенцияларини шакллантиришга замонавий ёндашувларни аниқлаш лозим. **Ушбу ёндашувларни қуйидагилар ташкил қилади: аксиологик ёндашув** талабанинг позитив потенциали ривожланиши учун қадриятларнинг очиб берилганини ҳисобга олган ҳолда, таълим жараёнида қадриятий нармаларни сифатли узатишни назарда тутади; **компетентли ёндашув** ўзидан ўзи ривожланиш жараёнлари ҳақидаги билимларни шакллантиришга эмас, балки эгалланган билим ва тажрибаларни муайян вазиятларда қўллаш кўникмаларини ривожлантириш-ни назарда тутади; **фазовий ёндашув** ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантириш жараёнининг яхлитлиги, изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлайди; **рефлексив ёнда**шув талабаларнинг келгусидаги касбий фаолиятини эгаллаш маъносини тушинишининг субъектив, фаолиятий даражасига ўтишини ҳисобга олади.

Асосланган ёндашувлар асосида олий таълим муассасалари талабаларида ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини самарали шакллантиришнинг умумий шарти икки яхлитлик, яъни таълим жараёни ва инсон шахсининг ўзаро фойдали таъсирлашиши (симбиози) ҳисобланади.

**Ўқув фаолиятида тизимли ёндашув**. Тизимли-фаолият Л.С.Выготский, О.М.Леонтьева, Н.Ф.Тализина каби педагогларнинг назарий ишларида асосланган. Улар таълим-тарбия жараёнининг асосий психологик қонуниятларини, шахснинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шахснинг ривожланишига йўналтирилган бўлиб, такомиллашган давлат таълим стандартлари асосида шахснинг ўзи қадрлайдиган йўналишларни аниқлашга ёрдам беради ва бир қатор: фаоллик, мустақиллик, умумий ўртатаълимда мустақил билим олишга тайёр бўлишлик каби тамойилларни ўз ичига олади.

**Оғзаки-иллюстратив ёндашув.** У анъанавий бўлиб ва асосан таълим берувчининг ахборот бериши, таълим олувчининг қабул қилаётган билимни тўплаши ва хотирасида сақлаши билан белгиланади. Шу билан бирга, К.Г.Марквардт фикрига кўра, билим тушунчасининг асл моҳияти хотирада сақланувчи ахборот сифатида қаралади. Бундай билимлар, уларни қўллаш

кўникмалари текшириб қурилади (имтихонларда), яъни хотирадагини ҳеч қандай қўлланмасиз, шу билимларга қаратилган тўғридан-тўғри саволларга жавобан ифода этилади. Бу тизимдаги билимлар - асосан эсда сақлаб қолиш натижаси, кўпинча расмий маълумотдир. Улар актуаллаштирилади, яъни чукур ҳотирадан юзага келтирилади ёки бошқа сўз билан айтганда, фақат унга қаратилган тўғридан тўғри савол пайтида эсга олинади. Қайта эсга олиш даражасидаги билим узоқ вақт ҳотирада сақланмайди. Керакли пайтда қийинчилик билан эсга олинади, айрим ҳолларда эса умуман эсга олиб бўлмайди.

**Технологик ёндашув.** Аввало, таълимга технологик ёндашувнинг умумий ҳарактеристикаси, таълимнинг оддий репродуктив даражаси сифати мисолида қараймиз. Бундай вариантнинг танланиши М.В.Кларининг «Педагогическая технология в учебном процессе» китобида келтирилган концепцияга мос келади. Маълумки, репродуктив таълим таълим олувчиларни ёд олинган қоидалар асосида, бир хил вазиятдаги намуна бўйича ҳатти-ҳаракатларини ўзлаштириш имконини беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳаттоки таълим олувчилардан бир хил

**Изланишли ёндашув.** Бундаги мақсад таълим олувчиларда муаммони ҳал этиш, янги, охиригача тугалланмаган тажрибани мустакил ўзлаштириш, хатти-ҳаракатнинг янги йулларини яратиш қобилиятларини, шахсий маъно касб этишини ривожлантиришдан иборатдир. Изланувчан таълим андозасининг таълим мазмуни, табиат ва жамият билан ўзаро таъсири шахсни тадкикотчилик йўлига бошлаш, унинг жадал ижодий фаолияти ҳарактери билан боғлиқ.

**Шахсга йўналтирилган ёндашув**. В.В.Сериков фикрига кўра, шахсга йўналтирилган таълимда талабанинг шахсий ривожланишига, мустақил равишда ва асосланган қарорлар қабул қилишга имкон туғдирадиган мазмун ҳақида гапириш керак бўлади. Шахсга-йўналтирилган ёндашувнинг асосий функцияси таълим олиш жараёнида шахсини ривожлантириш тизимини таркиб топтиришдан иборат бўлиб, бу ўзининг конструктив-техник функциясига кўра, педагогнинг оладиган энг умумий норматив билимларни ифодалайдиган фаолият тамойили



ҳисобланади. Бунда мақсадни қўйиш, даврийлик, технологик; белгиланган вазифаларга тегишли ахборотларни йиғиш ва тартибга солиш; ўрганилаётган объект(ҳодиса)нинг ривожланишга ва таъсир этувчи факторларни аниқлаш; қўйилган масалалар асосида ривожланиш моделини тайёрлаш муҳим ҳисобланади.

Демак, ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияларни шакллантириш моделини ишлаб чиқиш; мазкур ривожлантириш моделини қидириш вазифасини амалга ошириш жараёнида замонавий психологик ва дидактик назарияларни қараб чиқиш; талабаларда таянч компетенцияларни шакллантиришнинг методологик асосларини ташкил этадиган компетенциявий, тизимли-фаолият ва шахсга йўналтирилган ёндашувларни амалга ошириш; бунинг учун педагогик шарт-шароитлар яратиш; талабаларда ўзини ривожлантириш компетенцияларни шакллантириш усуллари ва методлари ҳамда ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича дарс шаклларини ажратиб олиш; ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияларни шакллантиришнинг: мотивация, когнитив, фаолият ва натижавий –баҳолаш каби технологик босқичлари ажратиб кўрсатиш вазифаларини амалга ошириш бугунги кунда долзарб.

## 3.2-§. Педагогик таълим кластери асосида талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантиришда мустақил таълимнинг аҳамияти

**Мустақил таълимнинг асосий тамойили** – мустақил таълим машғулотлари жараёнини лойиҳалаштириш, амалга оширишдир. Бунда маъмурий, педагогик ва таълим олиш бошқаруви ўз ичига олувчи мустақил таълимни амалга ошириш зарур. Маъмурий бошқарув мустақил таълимнинг ташкилий, моддий-техник ва ахборот таъминоти билан боғлиқ бўлиши керак. **Бунда:** мустақил таълимни ноанъанавий ўқиш ва илмий-тадқиқот ишлари билан узвий ҳамда узлуксиз ўзаро алоқасини яратиш; мустақил таълим орқали касбий ва малакавий маҳоратларни шакллантириш; мустақил таълим имкониятларини кенгайтириш; мустақил таълимнинг самарали технологияла-

ридан фойдаланиш ва уларни назорат қилиш кабиларни эътироф этиш лозим.

Педагогик бошқарув – маслаҳатлар, назорат ва мустақил таълим сифатини баҳолаш билан характерланади. Таълим олиш бошқаруви – мустақил таълимни ташкиллаштириш мотивацияси ва шакллари билан боғлиқ бўлади. Мустақил таълимнинг яна бир тамойили - мотивация бўлиб, бунда талабада мустақил таълим жараёнига нисбатан касбий, иқтисодий, тафаккур этиш, маънавий ва бошқа қизиқишларни уйғотиш лозим.

Мустақил таълимни ташкил этишда касбга нисбатан ижобий муносабатда бўлиш муҳим роль ўйнайди. Агар талаба касбни онгли равишда танласа ва уни ўзи жамият учун маъқул деб топса, у мустақил ишлашга нисбатан бошқачароқ муносабатда бўлади. Шунинг учун педагогнинг муҳим вазифаларидан бири, уларда касбга нисбатан ижобий муносабатни ўрнатишдир. Бу лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни бажариш кабиларда шаклланади.

**Талабаларнинг танлаган касбларига бўлган муносабатларини ўрганишда:** касбдан қониқиш ва уларни шакллантирувчи омилларга; танланган касбга нисбатан ижобий ва салбий муносабатларга; ўқитиш технологиялари ва усулларига алоҳида эътибор бериш лозим.

**Мустақил таълимда икки асосий ёндашувни белгилаш зарур:**

1.Талабаларда ноанъанавий масалаларни ҳал этиш асосидаги билимларни шакллантириш. Бунда аввал ўзлаштирилган, шакллантирилган тажрибалар асосида билим, кўникмаларни ривожлантириш кўзда тутилади.

2. Ижодий фаолият учун замин яратиш. Бунда ғояларни шакллантириш, янги маълумотларга эга бўлиш учун зарур бўлган муносабатларни ўрнатишдан иборат.

Мустақил таълимнинг тамойили билим, кўникмаларни тизимли назорат этиш ва баҳолашдир. Тизимли назорат – бу юзага келувчи муаммоларни улар жиддий-лашиб кетмасидан олдин кўра билиш ва ҳал этиш учун зарур бўлган қайта (тескари) алоқадир



**Талаба мустақил таълимининг ташкилий шакллари қуйидагилар:** фан боблари ва мавзуларини ўрганиш. Бу ҳали мустақил таълим кўникмасига эга бўлмаган биринчи босқич талабалари учун мақсадга муво-фиқ бўлиб, унинг натижалари бажарилган реферат, индивидуал топшириқ, семинар кабилар орқали текширилади. Тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш. Бунда педагог асосий материални баён этишга катта эътибор қаратади. Тарқатма материал ҳар бир маъруза учун тайёрланади. Мустақил таълимнинг бу шакли умумкасбий ва махсус фанларни ўрганувчи юқори босқич талабалари учун мақсадга мувофиқдир. Ушбу ишларнинг натижалари тегиш-ли назорат босқичларида текширилади.

Автоматлаштирилган ўргатувчи, назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш. Бу маъруза, лаборатория ишлари ёки амалиёт машғулотларига тайёргарлик доирасида олиб борилиб, барча босқич талабаларига тааллуқли. Махсус, илмий адабиётлар бўйича фан бўлим ва мавзулари устида ишлаш. Булар ҳисоблаш-график топшириқлар, реферат, курс иши лойиҳалари, битирув малакавий ишларни бажаришда барча босқич талабалари учун аҳамиятли. Унинг натижалари тегишли рейтинг-назорат босқичларида текширилади.

Янги техника, технологияларни ўрганиш. Булар малакавий амалиётлар ўтказиш, тадқиқотларда иштирок этиш, ишлаб чиқариш буюртмаларини бажаришда муҳим. Натижалар ҳисоботларни қабул қилишда текширилади. Талабанинг илмий текшириш ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фан бўлими ёки мавзуларини чуқур ўрганиш. Бу барча босқич ўқув-чилари учун мақсадга мувофиқ.

Фаол ўқитиш услубидан фойдаланиладиган мустақил таълим машғулотлари (интерфаол усуллар, дискуссия, конференция, семинар кабилар) фан, техника ва технологияларнинг долзарб муаммолари бўйича тайёрланади.

Талаба мустақил таълимини ташкил этишда муайян фан хусусиятлари, ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги **шакллардан фойдаланилади:** айрим назарий мавзуларни қўшимча адабиётлар ёрдамида мустақил ўзлаштириш; берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;

семинар ва амалий машғулот, лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриш; ҳисоб-график, курс иши (лойиҳаси)ни бажариш; малакавий битирув ишини тайёрлаш; амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш; макет, модель, намуналар кабиларни яратиш; илмий мақола, анжуманга маърузa тезисларини тайёрлаш ва ҳ. к.

**Талабалар мустақил таълими турлари қуйидагилар:** Такрорлаш ва машқ қилиш. Янги билимларни мустақил ўзлаштириш. Ижодий характердаги (изланишни талаб қиладиган) ишларни бажариш. Такрорлаш ва машқ қилишда ўқитувчи дарс машғулотлари пайтида олган билимларини такрорлайди, таҳлил қилиб, умумлаштириб, фикрлаб кўради, эслаб қолади, амалий топшириқларни бажариш кўникмалари ва малакаларини шакллантиради. Янги билимларни мустақил ўзлаштиришда талаба ахборот манбаларини излаб топиш, улар устида ишлаш, конспектлаштириш, фикрларни изчил баён қилиш бўйича кўникмаларни эгаллайди, мустақил таълим олиш усул ва услубларини ўрганади.

Ижодий характердаги топшириқларни бажаришда талаба муаммоли вазиятларни аниқлаш, таҳлил қилиш, мустақил равишда қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллайди, масалани ҳал қилишга ижодий ёндашишга ўрганади, кўргазмали воситалар тайёрлаш, илмий тавсифдаги, изланишларни талаб қиладиган топшириқларни ҳал қилиш йўллари билан танишади.

**Педагогикага оид адабиётларда мустақил таълимнинг қуйидаги турлари қайд қилинади:** намуналар бўйича; реконструктив-вариатив; эвристик (қисман, ижодий); ижодий тадқиқот. Намуналар бўйича мустақил таълим - типик вазифаларни, турли машқларни намуна асосида ечишдир. Улар материални ўзлаштиришга омил бўлади, лекин талабаларнинг ижодий фаоллигини ўстирмайди. Реконструктив-вариатив мустақил таълим - нафақат билимларнинг амалий тавсифномасини, балки билимлар тузилмасини қайта ишлаб чиқишни, масала, муаммони ечишда мавжуд билимларни жалб қилишни кўзда тутади. Эвристик мустақил таълим - лекция, лаборатория, амалий машғулотлар, семинарларда қўйилган айрим масала, муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқдир. Тадқиқий мустақил таълим



- тадқиқот муаммосини кўра олиш малакасини, уни мустақил ифодалай олиш, фаразни белгилаб олиш, муаммонинг ҳал қилиниш режасини ишлаб чиқиш, уни ҳал қилишни мўлжаллайди. Ижодий тадқиқот ишлари - бундай ишларда вазифа муаммоли вазиятнинг юзага келишини тақозо қиладиган шароит яратишдан иборат бўлади. Талаба ўз фаолиятида тайёр намуналардан озод бўлган ҳолда масаланинг ҳал қилиниш йўлларини қидиради, тадқиқ қилади. Бундай ишлар сирасига эксперимент қўйиш, жиҳозлар, макетлар ва дастгоҳларни лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган вазифалар киради.

**Мустақил таълимни ташкил этувчи раҳбарнинг вазифалари ўз ичига қуйидагиларни олади:** мустақил таълимни барча шаклларига мос ишчи-режа ва дастур тузиш ҳамда кафедра мажлисида тасдиқлашни таъминлаш; талабаларнинг мустақил таълим машғулотларига ўз вақтида қатнашишларини таъминлаш; мустақил таълим давомида талабаларга амалий ёрдам ва маслаҳатлар бериш, йўлланмалар кўрсатиш; мустақил таълим бориши устидан назорат олиб бориш; текширув саволлари, масала, мисолларни танлашда, уларнинг жаваблари лўндагина бўлишига, бунда талабанинг жавобларни топишига сарфлайдиган вақтни қисқартиришга эътиборни қаратиш; топшириқларни бажариш йўлларини ўргатишда талабаларнинг ёш, индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш; ҳар бир ишда талабалар кўпроқ йўл қўядиган хатоларга аҳамият бериш ва уларни бартараф этиш; кафедра билан келишган ҳолда мустақил таълим режаси дастурига ўзгартишлар киритиш; талабаларни мустақил таълим кундаликлари билан таъминлаш; мустақил таълимни ташкил этиш ва ўтказишда учраган барча муаммоларни ҳал этиш; кафедрада талабаларнинг мустақил таълим бўйича ҳисоботлари муҳокамасини ва баҳолашни ташкил қилиш; мустақил таълим тўғрисидаги умумий ҳисоботни ва баҳолар қайдномасини ўқув ишлари бўйича раҳбар муовинига топшириш.

**Мустақил таълимни бажарувчи талабанинг вазифалари қуйидагилардан иборат:** мустақил таълим машғулотларига ўз вақтида қатнашиш ва уни ўтказиш муддатларига қатъий риоя қилиш; мустақил таълимни ўтказиш жойидаги ички тартиб-қоидаларга, техника хавфсизлиги ва меҳнат интизомига тўла риоя

қилиш; мустақил таълимни бажариш тўғрисида алоҳида кундаликни мунтазам тўлдириб бориш; раҳбарнинг топшириқ ва кўрсатмаларини бажариш; мустақил таълим топшириқлари бўйича зарур манбаларни тўплаш, таҳлил қилиш, солиштириш ва умумлаштириш; мустақил иш режасини бажариш ва тўпланган маълумотлар асосида ёзма ҳисобот тайёрлаш; ҳисоботни раҳбарнинг ёзма хулосаси (тақриз) билан бирга белгиланган муддатда кафедрага ёзма равишда топшириш ва натижалар бўйича синовдан ўтиш; мустақил ишлашда схема ва чизмаларни тузиш; бирор бир муаммони манбалар ёрдамида, материалнинг бирор бир хусусиятига қараб гуруҳларга ажратиш ва асослаш; айрим вазият ва ҳодисаларнинг кетма-кетлигини англаш; педагогнинг берган саволларига мустақил аниқ жавоб бериш; олдин ўрганилган ҳамда янги маълумотлар ўртасидаги фарқларни солиштириш; ҳодиса ва далиллар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш; мавзуда асосий, таянч ва иккинчи даражали маълумотларни ажратиб олиш; мавзуга оид қўшимча материалларни қидириш асосида материални ўрганиш, асосийсини ажратиш, хулоса чиқариш; бошқа фанлардаги маълумотлар билан боғлиқ бўлган масалаларни излаб, уларга ечим топиш; теорема, қоидаларни қўллаб, мустақил янги масалалар ва ифодаларни тузиш; бир неча ҳодисаларни солиштириш орқали уларнинг фарқи ва ўхшаш томонларини асослаб бериш; хатоларни тузатиш, бартараф этиш устида ишлаш; реферат, маъруза, курс иши кабиларни ёзиш; ўз-ўзини баҳолаш ва бошқалар.

**Мустақил таълимни замонавий усулларда ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад:** талабаларнинг турли фанларга бўлган қизиқишларини ўстириш; олган назарий билимларни амалда қўллай олиш малакасини шакллантириш; мустақил фикрлаш, ижодий қобилиятини ривожлантириш; дунёқарашини кенгайтириш; амалий кўникма ва малакаларини ўстириш; замонавий таълим технологияларининг шакл ва усуллари билан таништириш; касбга, техник, конструкторлик ҳамда илмий-тадқиқот ишларига йўналтириш; қўшимча адабиётлар билан ишлаш, интернет, электрон ва мультимедиали дарсликлар кабилардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш; фан, техника ва технологиянинг энг охирги ютуқларидан хабардор қилишдан иборат.



Таълим муассасасида ўқув жараёни мустақил таълимни ташкил этилишини ҳам кўзда тутади. Талабаларнинг мустақил таълими уларнинг ўз билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мавжуд малака ва кўникмаларни такомиллаштириш ҳамда уларнинг янгиларини ўзлаштиришга бўлган интилиши сифатида қаралади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, талабалар мустақил таълимини ташкил қилиш таълим муассасаларида талаб даражасида эмас, бори ҳам улар учун зерикарли, чунки у замонавий таълим технологиялари асосида ташкил этилмаган. Бундай аҳволнинг асосий сабабларини мустақил таълим жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил қилиш ва ўтказишнинг илмий асосланганлигига етарли эътибор берилмаганлигида кўриш мумкин, **яъни:** талабалар мустақил таълимининг асосий турларига илмий жиҳатдан ёндашилмаганлиги; талабалар мустақил таълимининг шаклларини ва уларнинг ҳажмини ўрганиш масалаларига педагоглар томонидан эътиборнинг камлиги; кўпчилик талабалар ўзларининг мустақил таълимини тўғри ҳамда самарали режалаштиришни билмаётгани кабилар. Талабалар мустақил таълимини ташкил қилишда асосий шартлардан бири илмий ёндашиш ва маълум бир тизимнинг йўқлиги туфайли уларнинг фанни ўзлаштириши кўп ҳолларда қониқарли эмас.

Мустақил таълимни ўтказиш жараёнида талабалар томонидан ўзлаштириладиган билим, малака ва кўникмаларни баҳолашда замонавий талабларга етарли даражада жавоб бера олмайдиган, такомиллаштириши керак бўлган масалалар анчагина, **жумладан:** талабалар мустақил таълимини фаоллаштириш учун уларни рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш; талабаларни кўпроқ муаммоли илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш; талабалар мустақил таълим шакллари самарадорлигини оширадиган бошқа тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалда жорий қилиш.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ҳозирги кунда республикамизда талабаларнинг мустақил таълими ва уни замонавий таълим технологиялари асосида тўғри ташкил этишга алоҳида аҳамият берилиб, кўплаб қарорлар қабул қилинмоқда ҳамда чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Чунки, бўлажак мутахассис ўзлари учун зарур бўлган бар-

ча ахборот ва маълумотларни мустақил топиш, уларни таҳлил этиб, амалиётда қўллай олиш маҳоратини эгаллай билишлари, кундалик янгиликларни ўқиб боришга, янги адабиётларни мунтазам кузатиб туришга, фан, техника, технологиянинг энг сўнгги ютуқларидан хабардор бўлишга ўзини ўргатиши ва харакат қилиш керак. Педагоглар эса талабалар мустақил таълимини уюштиришда уларга малакали ёрдам беришлари, ўқув ва илмий ишлардаги ютуқларини рағ-батлантириб боришлари лозим.

Мустақил ишлаш ҳар бир талабадан маълум бир системага амал қилишни, уюшқоқликни, мақсад сари интилишни талаб этади. Вақтни тўғри тақсимлаш ва мустақил таълимни оқилона ташкил этиш, унинг услуб ҳамда усулларини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Фанлардан уйга берилган вазифаларни бажариш мустақил таълим шакл-ларининг энг оддийи ҳисобланади. Унинг навбатдаги босқичи лекция ва амалий машғулотлар, семинар, конференцияларда қатнашиш ҳамда бўлимлар юзасидан адабиётларни мустақил ўрганиб, ўзларини қизиқтирган саволларга аниқ жавоблар топиш билан боғлиқдир.

Мустақил таълимни бажаришнинг сўнгги босқичи тажриба, лабора-тория ишларини бажариш, қисқа маърузалар тайёрлаш, реферат, курс, битирув-малакавий ишларини ёзиш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиб борилади. Талабаларнинг илмий тўгарак ва анжуманлар учун доклад, мақолалар тайёрлаш кабилар ҳам мустақил таълим туфайли юзага келади.

Шундай қилиб, мустақил таълимни намунали ташкил этиш кўп назарий амалий материалларни ўзлаштириш, билимдон ҳамда етук мутахассис бўлиб етишиш учун замин ҳозирлайди.

**Талабалар мустақил таълимини самарали ташкил этишда:** мустақил таълимнинг барча шаклларини илғор таълим технологиялари асосида ташкил қилишга тизимли ёндашиш; мустақил таълимнинг барча босқичларини мувофиқлаштириш ва узвийлаштириш; мустақил таълимнинг бажарилиши сифати устидан қатъий назорат ўрнатиш; мустақил таълимни ташкил этиш, назорат қилиш механизмини яратиш ва такомиллаштириб бориш каби шартлар бажарилиши лозим.

**Талабаларга бериладиган мустақил таълим топшириқлари муваффақиятли якунланиши учун:** мустақил таълим



нима мақсадда берилаётганлигига (янги билимларни ўзлаштириш, мустаҳкамлаш, ижодий фаолликни ошириш, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ҳ. к.) асосланиши; бажариладиган вазифа, топшириқларнинг аниқ равшан белгиланиши; талабаларнинг топшириқларни бажариш алгоритми ва замонавий таълим технологияси усулларидан етарли даражада хабардор бўлиши; маслаҳат ва бошқа ёрдам турларининг тўғри белгиланиши (йўлланма ва кўрсатма бериш, мавзунинг мазмуни ва моҳиятини тушунтириш, топшириқларни бажариш усуллари бўйича тушунча бериш, муаммоли ҳолатларни биргаликда ҳал қилиш ва ҳ. к.); ҳисоб шакли ва баҳолаш мезонини аниқ белгилаш; назорат вақти, шакли ва турларини аниқ белгилаб олиш (амалий, семинар, лаборатория машғулотлари, маслаҳат ёки назорат учун махсус ажратилган вақт, маъруза ёки реферат матни, бажарилган топшириқлар, уй вазифаси дафтари, назорат ишлари, кўргазмали жиҳозлар, ижодий ишлар, бажарилган иш моҳиятини тушунтириб бериш, ёзма шаклда баён қилиш ва ҳ. к.) талабларини бажариш даркор.

Талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантирувчи замонавий усулларидан фойдаланиб мустақил таълимни ташкил этиш ижобий натижа беради. Агар замонавий мустақил таълим интерфаол усуллардан фойдаланиб ўтказилса ва у мантиқий-таркибий жиҳатдан-тайёрлов, даъват, мустақил ўзлаштириш, умумлаштириш ва уйга вазифа бериш босқичларидан иборат бўлса, албатта, ўз самарасини беради. Тайёрлов босқичида гуруҳлар шакллантирилиб мустақил таълим мақсадлари аниқланади ва муҳокама қилинади. Мустақил таълимни ўрганишга оид ўқув мотивлари шакллантирилади. Ақлий ёки ҳаракатли ўйин ўтказиш режалаштирилади.

Даъват босқичида янги ўтиладиган мустақил таълим мавзуси бўйича талабаларда мавжуд ахборот фаоллаштирилади. Талабада янги билимлар ва ўзи мустақил танлаган мақсад учун интилиш бироз кучли бўлади. Бу босқичнинг асосий мақсади, улар мустақил ўрганаётган муаммо бўйича қандай маълумотларга эга эканлигини аниқлаш, уларнинг мустақил таълимига қизиқишни уйғотиш орқали топшириқларни бажартиришдан иборат.

Мустақил ўзлаштириш босқичида талабалар янги маълу-

мотлар билан тўқнашади. Бу маълумот уларга мавзу, видеофильм, оғзаки баён, тажрибаларни бажариш каби шаклларда тақдим этилиши мумкин. Бу босқичнинг асосий вазифаси олдинги босқичда яратилган фаоллик ва қизиқишларни ҳамда ҳар бир талабанинг мустақил ўзлаштиришга оид интилишларини сақлаб туришдан иборат. Бундан ташқари талабалар, ўзларининг мустақил ўзлаштиришларини ўзлари кузатиб боришлари муҳимдир. Умумлаштириш босқичида талабалар мустақил ўзлаштирган билимларини мустаҳкамлайди, шахсий фикрларини баён қилади ва умумлаштиради. Мустақил ўзлаштирилган янги билимлар ўқув мақсадлари билан таққосланади, уларга эришилганлик даражаси таҳлил қилинади, фаол талабалар рағбатлантирилади.

Демак, бу босқич мустақил таълим самарадорлиги ва натижасини белгилайди. Уйга вазифа бериш билан мустақил таълим якунланади. Шуни таъкидлаш лозимки, замонавий мустақил таълимни ташкил этишнинг ҳар бир босқичида талабаларнинг мустақил фикр юритишлари, гуруҳларда (ёки якка) фаол ишлашлари таъминланиши лозим.

Ижодий характердаги топшириқларни бажаришда талаба муаммоли вазиятларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва мустақил равишда қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллайди, кўргазмали воситалар тайёрлаш, илмий тавсифдаги изланишларни талаб қиладиган масалаларни ҳал қилиш услублари билан танишади. Талабанинг мустақил равишда бажарган топшириқларининг ёзма баёни (маъруза, матн, рефератлар, назорат, ижодий ишлар ва ҳ.к.) дастлаб педагог томонидан кўриб чиқилиб, камчиликларни бартараф қилиш хусусида кўрсатма ва маслаҳатлар берилади, кейин эса ҳимоя қилинади сўнгра кафедрага топширилади. Ҳимоя пайтида талаба ишнинг мазмуни ва моҳиятини гапириб бериши, саволларга жавоб бериши, тушунтириб ва асослаб бера олиши, топшириқларни чуқур ўзлаштирганлигини намоён қилиши, ҳақиқатан ҳам уни мустақил равишда бажарганлигини исботлай олиши лозим.

Мустақил таълим бўйича талабанинг ўзлаштириш кўрсаткичи рейтинг журнали ва қайдномада қайд этилади. Топшириқларнинг бажарилганлигини асословчи ҳужжатлар кафедрада



икки йил давомида сақланади. Таълим муассасалари амалиётида фанлардан мустақил таълимнинг дарслик ва қўшимча адабиётлар билан ишлаш, тўгарак, фан кечалари, семинар, конференция, маъруза, реферат, курс, диплом ишлари тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишлари, экскурсия, декада, олимпиада, конкурс, тажриба ва лаборатория ишлари каби шакллари мавжуд.

Мустақил таълимнинг шакллари ичида ўзига хос ўринни дарслик ва қўшимча адабиётлар устида ишлаш эгаллайди. Бу талабаларда мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятнинг ривожланишида, ҳаётда ўзига муносиб ўрин топишда, касбларни тўғри танлашда, дунёқаришнинг кенгайишида яқиндан ёрдам беради. Асосий вазифа ҳар бир талабанинг ўқув йили давомида дарслик ва қўшимча адабиётлар билан мустақил ишлашга эришишдан иборатдир. Чунки китоб ўқимай туриб билим ва ҳунарни пухта эгаллаб бўлмайди. У талабанинг мустақил таълимида асосий билим манбаидир. Талабанинг дарслик ва қўшимча адабиётлардан фойдаланиш йўлларини, уларнинг методикасини билиб ҳамда ўзлаштириб олиши муҳимдир. Ҳар бир талаба ўзини қизиқ-тираётган масалаларга тааллуқли адабиётларни мустақил равишда топишга одатланиши керак.

Бунинг учун библиографик китобларни аниқ ҳисобга олади, матбуотда эълон қилинган асарларни гуруҳларга ажратади, таснииф қилади, уларга қисқача характеристика беради. Агар бирор муаммо устида иш олиб борилса, китоб ёки мақолани ўқишдан аввал, энциклопедия ва луғатлардан фойдаланиб иш кўриш мақсадга мувофиқдир. Чунки, энцик-лопедия фаннинг ҳамма соҳалари ва амалий фаолият бўйича энг муҳим ахбо-ротлар беради. Материални мавзуга боғлаган ҳолда яхшилаб аниқлаб олиш зарур. Бу ўз навбатида аниқ мақсадни, қизиқтираётган масалаларга жавоб қайтариш йўлларини излаб топишни талаб этади.

Китобни такрор ўқиганда, диққат билан атрофлича муталаа қилиш керак. Бунда ўқилган нарсани чуқур фикрлаш, китобдаги воқеа, фактларни ҳаётий тажриба, маърузадан олинган, қаердандир эшитилган ёки олдиндан маълум бўлган воқеа ва фактлар билан солиштириб, таққослаб ўқиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай ўқиш янги фикрларни ўзлаштиришни енгиллаштиради,

китобда берилган материални ўйлаб, тушуниб ўзлаштиришга ёрдам беради.

Китобнинг маълум бир бўлими охиригача ўқиб бўлингандан сўнг, яхшилаб тушуниш учун конспект ёзиш тавсия этилади. Бунда ўйлаб, энг муҳимини ажратиб, материалнинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқани аниқлаш лозим. Ёзиб бориш хотирада яхши сақлаб олган билимларни системага солишда ва мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Китобни ўқиган вақтда, унинг варақлари четига энг муҳим маълумотлар учун белгилар қўйиш мумкин. Шу асосида назарий таърифлар, айрим кўчирмалар, фактлар, воқеалар, характеристика кабилар йиғилади. Мустақил таълим учун аниқ ва пухта ўйлаб тузилган режа материални яхши тушуниш ҳамда чуқур эгаллашга ёрдам беради, унинг мазмунини осонлик билан эсга туширади.

Ўрганилган материални эслаб қолиш ва уни такроран айтиб беришдан бошлаб, то ўзлаштирилган билимларни тўла англаб, уларни олдин ўрганилган усуллар билан уйғунлаштириб тасаввур этиш ҳамда билимларни мустақил эгаллаш йўлидаги муаммоларни ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Турли муаммоларни ечиш ва илмий тушунчаларни ўзлаштиришда айниқса, таҳлил, синтез, қўллаш, баҳолаш каби жараёнлар ёрдам беради. Қўлланилган муаммонинг аниқ мақсадига кўра, бу жараёнлар ўз хусусиятига эга. Психологларнинг фикрига кўра фикрлаш доимо муаммо ёки саволдан, ажабланиш ёки тушуна олмасликдан, қарама-қаршиликдан бошланади. **Фикрлаш алгоритми ўз ичига қуйидагиларни олади, жумладан:**

- **таҳлил қилиш**: талаба объектни, таҳлил қилишдан кўзланган мақсадни аниқлайди, муҳим қисмларга фикран ажратади, бўлаклар орасидаги боғланишларни кўрсатади, хулоса чиқаради;

- **синтез:** талаба, материал хулосаларининг берилган катталикларга мослигини аниқлайди, ички мезонлардан келиб чиққан ҳолда, иншо ёзади, тажриба ўтказиш режасини тузади;

- **қўллаш:** талаба тушунча, тамойил, қонун ва назарияларни аниқ амалий вазиятларда қўллай олишини намойиш қилади;

- **таърифлаш**: талаба тушунчанинг аҳамиятини аниқлайди, асосини топади, бу тушунчани бошқа тушунчалардан фарқини



кўрсатади, таърифлаш режасини айтади;

- **таққослаш:** талаба объектни ва мақсадни аниқлайди, уларнинг ўхшашларини топади, асосий белгиларини ажратиб олади, фарқли белгиларини топади;

- **умумлаштириш:** талаба мақсадни аниқлайди, объектнинг асосийларини ажратиб олади, уларни таққослайди, умумлаштириш натижасида хулоса чиқаради;

- **хулоса чиқариш:** талаба ҳодисанинг юз бериш сабабини ҳамда унинг ўзига хослиги нимада эканлигини аниқлайди, ҳодисанинг юз беришини текширади: ҳодиса ҳар доим такрорланиб турадими ёки бир марта кузатиладими, ҳодисанинг юз бериш сабаби қайсилар, берилган ҳодисанинг юз беришига сабаб бўлган факторларни бир тизимга келтиради;

- **баҳолаш:** талаба материал хулосаларининг берилган катталикларга мослигини асосида, фаолиятнинг аҳамиятига баҳо беради.

Фанларни мустақил ўзлаштиришда таҳлил ва синтез муҳим ўрин эгаллайди. Талаба синтез фаолиятида мавзуни қисмларга бўлиб, улардан асосий маънони ажратиб олади, ҳар бир фикрни баҳолайди, хулоса чиқаради. Фикрлаш жараёни давомида илмий тушунчалар пайдо бўлади. Талабанинг фикрлаш ривожига муҳим йўл илмий тушунчалар устида мустақил ишлаш бўлиб, бу фаолият дарсда бошланиб, қуйидаги **босқичларда амалга оширилади:** объект ҳақида назарий билимларни, маълумотларни йиғиб, амалий жиҳатдан ўрганиш; аниқланган объектнинг хусусиятларини солиштириш; умумий хусусиятларни ажратиб олиш; таҳлил этиш. Шулар орқали педагог талабаларда тушунчаларни ҳосил қилишга ва мустақил фикрлашни ривожлантиришга ҳаракат қилади. **Мустақил фикрлашни ривожлантиришда:** мавжуд материални қисмларга бўлиш; кузатилаётган ҳодисаларда умумий ўхшашликларни асослаш; маълум мавзунинг асосий мазмунини аниқлаш; тақдим этилган фактлардан хулоса чиқариш; хусусият ёки кетма-кетлигига қараб фактларни тизимлаштириш; муаммога янги, қўшимча ечим топиш; муаммони ечимига олиб келадиган турли йўл ва усулларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Тажрибалар кўрсатадики, вазифаларга тўғри қўйилган мақ-

сад талабаларда катта қизиқишни уйғотади, қобилият, хусусият, характер сифатларини ижобий томонга ўзгартиради, қийинчиликларни енгиб ўтиш кўникмаларини ривожлантиради. Ҳар бир вазифа у ёки бу мақсадни кўзда тутади. Синфда талабанинг мақсади кўпроқ олган билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлашга йўналтирилган. Бу жуда муҳим, аммо бу билан чегараланиб қолмаслигимиз керак. Талаба янги маълумотни ўзлаштириш жараёнида уларни мустақил ишлаш орқали маълум йўл ва усуллар билан тушунишга ҳаракат қилади ҳамда амалиётда қўллашга интилади.

Мустақил таълимни ўзлаштиришда талабаларнинг билимларни англаш ва қабул қилиш, объектив муносабат билдириш, ўрганилаётган ҳодисаларни ташқи ва ички маъносини ёритиш каби фаолиятлари амалга ошади. Далилий материалларни ўзлаштиришни турли лаборатория ишлари, машқларни ечиш, дарсликдаги мавзу устида ишлаш, теварак атрофдаги ҳодисаларни кузатишда амалга ошириш мумкин. Кейинги фаолият учун шундай усуллар орқали материал тўплаш муҳим аҳамиятга эга. **Бундай фаолият талабаларда:** мустақил ишлашда схема ва чизмаларни тузиш, янги маълумотлар билан танишиш; адабиёт ва атроф-муҳитдан материаллар тўплаш; теварак атрофдаги ҳодиса ва далилларни ўрганиш; бирор бир муаммони манбалар ёрдамида асослаб бериш; материалнинг бирор бир хусусиятига қараб гуруҳларга ажратиб олиш ва асослашга тайёргарлик кўриш каби вазифаларни бажаришни талаб қилади.

Тизимли билимларга эга бўлиш, ўрганилаётган жараёнда турли сабаб ва муносабатларни аниқлаш, керакли тушунча, қонуниятларни саралаб олиш, **кетма-кетликни тартибга солишда:** айрим вазият ва ҳодисаларнинг кетма-кетлигини англаш; педагогнинг берган саволларига мустақил аниқ жавоб бериш; олдин ўрганилган ҳамда янги маълумотлар ўртасидаги фарқларни солиштириш; маълум вақт давомида кузатилган бирор бир ҳодисанинг боришини сўзлаб, асослаб бериш; ҳодиса ва далиллар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш кабиларни билиши керак.

**Талаба мустақил равишда:** мавзуда асосий, таянч ва иккинчи даражали маълумотларни ажратиб олиш; асосланган маълумотларни мустақил қайта кўриб чиқиш; янги маълумот-



лар топиш учун ўтказилган амалий семинар-машғулотлар бўйича ҳисобот тайёрлаш, схема, жадвал, графикларни тузиш; мавзуга оид қўшимча материалларни қидириш асосида материални ўрганиш, асосийсини ажратиш, хулоса чиқариш кабиларни ҳам билиш зарур.

Назария ва амалиёт ўртасида боғлиқликни аниқлашда амалий машғулотлар катта аҳамиятга эга бўлиб, бу талабалардан амалий кўникма, малакаларни талаб қилади. Булар ўз навбатида **мустақил ишлашда ташкил этиладиган:** олдинги дарснинг маълумотлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш; намунавий масалалардан фарқи бор масалаларни ечиш; бошқа фанлардаги маълумотлар билан боғлиқ бўлган масалаларни излаб, уларга ечим топиш; теорема, қоидаларни қўллаб, мустақил янги масалалар ва ифодаларни тузиш; бошқалардан фарқли, янги ҳодисаларни тушунтириш, мураккаб бўлмаган маълумотларни мустақил ўрганиш; бир неча ҳодисаларни солиштириш орқали уларнинг фарқи ва ўхшаш томонларини асослаб бериш; хатоларни тузатиш, бартараф этиш устида ишлаш; материал, схема, жадвалларни тайёрлаш; дарсларда реферат, маърузаларни ёзиш каби машқлар орқали амалга оширилади.

## 3.3-§. Талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясининг шаклланганлик даражасини аниқлаш усуллари

Бу борада талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияни шакллантириш тизимини асослашга имкон берувчи назарий асослар ва уни қўллаш шарт-шароитлари аниқлаш, уларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясининг шаклланганлиги даражасини ўрганиш учун мезонлар ва кўрсаткичлар аниқлаш, педагогик моделларни яратиш муҳим ҳисобланади.

Бўлажак педагогларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясининг шаклланганлик даражаси ва ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи педагогик шарт-шароитлар аниқлашда савол-жавоб, суҳбат, анкета сўровнома ва тестлардан фойдаланиш лозим.

Талабаларда ўзини ўзи ривожлантиришга йўналтирилган ўқув фаолиятини ташкил этиш методикаси асосида ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантиришга қаратилган муаммоли топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш ҳам муҳим. Талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясининг шаклланганлиги даражаси компетенциявий мезонлар (мотивацион, когнитив, фаолиятли) асосида ташҳисланади. Ташҳислаш тестлар, назарий топшириқлар, амалий масалалар, дидиктик ишланмалар, тренинглар воситасида ўтказилади. Олинган натижалар ўрганилган дастлабки ва охирги маълумотлар билан қиёсланади, умумлаштирувчи хулосалар чиқарилади.

**Бунда асосий шартлар сифатида қуйидагилар белгилаш мумкин**: ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантириш учун мўлжалланган "Олий таълим муассасалари талабаларида ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини ривожлантиришнинг илмий-педагогик асослари»ни ишлаб чиқиш; "Педагогика ва психология" таълим йўналишида ўқиётган талабаларда касбий кўникмаларни компетенциявий ёндашув асосида шакллантиш мазмунини аниқлаш; талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини босқичма-босқич шакллантирниш жараёнини ташкил этиш.

**Мазкур ишларни амалга оширишда қуйидаги вазифаларни белгилаб олиш лозим:** талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясининг шаклланганлиги даражасини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини танлаш; ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясининг шаклланганлигининг дастлабки даражасини аниқлаш; талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантиришнинг педагогик ва дидактик шарт-шароитларини амалиётда жорий этиш; талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантиришнинг ўқув-меъёрий ва ўқув-методик таъминотини амалга жорий этиш; олинган маълумотларни таҳлил этиш.

**Кузатиш методи орқали** талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясининг шаклланишида қатъиятлилик қай тарзда намоён бўлиши, қайси вазиятларда ўзини ўзи ривожлантиришга қизиқиш ва эътибор намоён бўлиши таҳлил этилади. Суҳбат асосида талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компе-



тенциясини шакллантиришга эҳтиёж бор-йўқлиги, ўзини ўзи ривожлантириш усуллари ва шаклларидан фойдаланиш ва билим олишга мотивацияни шакллантириш бўйича маълумотлар тўпланади. Ёзма сўровнома сифатида анкеталашдан фойдаланилади. Бўлажак педагогларнинг ўзини ўзи ривожлантириш бўйича назарий билими даражасини баҳолаш учун тестлаш усулидан фойдаланилади.

**Таҳлиллар асосида,** олий таълим муассасаси талабаларида ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантиришда турли ёндашувлар, тамойиллар, методикалар, технологиялар, воситалар, шакллардан фойдаланиш зарурлигини индивидуал таълимини ташкил этиш зарур.

Талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантириш бўйича ташкил этиладиган назарий ва амалий машғулотларда талабаларга бўлажак педагогларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантириш мазмун ва моҳияти ҳақида билим бериш амалий ишлар орқали амалга оширилиши мумкин. Талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантириш бўйича амалий тайёргарлик муаммоли семинарлар, семинар-муҳокамалар, таълим-тарбия ишларини ташкил этиш ва ўтказиш, мутахассис-амалиётчиларни таълим жараёнига жалб этган ҳолда амалий машғулотлар, тренингларни ўтказиш, педагогик таълим кластери субъектларида аниқ амалий ишларини бажариш, таълим муассасалари миқёсида ташкил этиладиган ўйин шаклидаги ўқув лойиҳалари ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш ҳамда баҳолашни қамраб олади.

**Ишлаб чиқиладиган услубий ишланмаларда қуйидагиларга эътибор қаратилади:** талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантиришга қаратилган ўқув фаолиятини ташкил этиш орқали шахснинг ўзини ўзи ривожлантириш жараёнини фаоллаштириш бўйича талабалардаги ўзини ўзи ривожлантиришга интилиш ва уларнинг ўқув фаолияти самарадорлиги ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш.

**Бунинг учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш тақозо этилади:** талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компенциясини шакллантиришга тайргарлиги ва ўзини ўзи ривожлантириш

компенциясини шакллантиришга қаратилган муваффақиятли ўқув фаолиятини ташкил этиш имкониятларини аниқлаш; ўзини ўзи ривожлантиришга интилиши хусусиятларини аниқлаш; талабаларнинг ўқув-ўрганиш фаолияти даражаларини ташхислаш.

**Биринчи вазифани** ҳал қилиш учун талабаларга тестлар ва услублардан иборат мажмуи таклиф этилади; “Ижодий ўзини ўзи ривожлантиришнинг “Мен” концепцияси”, “Ўзини ўзи ривожлантиришга тайргарлик”, “Талабалар ўқув фаолияти мотивациясини ўрганиш” методи, шахснинг ўзини ўзи баҳолашни ўрганиш услубияти. Шунингдек, турли анкета сўровлари, суҳбатлар, қайдномаларни тўлдириш ўтказилади.

Сўровнома ўтказишдан олдин талабаларга бажариладиган ишнинг мақсади тушунтириб берилади. Уларнинг ўзини ўзи “ташқи томондан”, яъни ўзини ички ҳиссий баҳолашига алоҳида урғу берилади. Сўровномалар натижаларига кўра, талабаларнинг ўқув фаолиятини муваффақиятли ташкил этишга ҳалал берувчи асосий сабаблар аниқланади. Бунда талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компенциясини шакллантиришга йўналтирилган ўқув жараёнига мотивациянинг етарли ёк етарли эмаслиги; мстақил фаолият учун ажратилган вақт; талабаларнинг аудитория машғулотлари билан қандай юклangанлиги; ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантиришга оид ўқув қўлланмалар ва методик адабиётлар билан таъминланмаганлиги; педагогик таълим кластери субъектлари (таълим муассасаларидаги ижтимоий-маданий муҳит ва педагогик шарт-шароитларнинг ўзига хослиги хусусияти); шахсий ўқув предметини, унинг мақсади, вазифаларини ажрата олишлари; ўрганилаётган ўқув материаллари билан ишлашдаги қийинчиликлар каби омиллар аниқланади.

Сўровнома натижалари асосида талабаларнинг таълим ва ўзини ўзи ривожлантириш жараёнида мустақил ишлашда, ахборотдан фойдаланишда қийинчиликка дуч келишини: ўрганилаётган ўқув материалидан муайян шароитлар ва янги вазиятларда фойдалана олишлари, эгалланадиган ўзини ўзи ривожлантиришга оид маълумотларнинг аҳамиятини баҳолай олишлари, ўрганилаётган ҳодисалардаги боғлиқликни тушунтириши, би-



лимларни умумлаштириши, ўрганилаётган педагогик жараёни ва муаммоларга ўз муносабатини ифодалашларни аниқланади.

Ўзини ўзи ривожлантиришда талабалар дуч келадиган қийинчиликлар нуқтаи назаридан қараганда, уларнинг ёшга хос хусусиятларини ҳисобга олиб, ўзига хосликларини такомиллаштиришнинг фаоллигини характерловчи ўзини ўзи ривожлантиришга устуворлик бериш зарур. Ўзини ўзи ривожлантириш жараёни талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантиришга тайёргарлиги даражасига боғлиқ ҳолда ўзига хосликлар билан характерланади. Ирода кучсиз, ўзини ўзи билишга интилиши суст талаба ўзлигини англаб етган шахс билан бир хил шароитларга қўйилганда, у фаолиятининг “янада маъқулроқ”, бироқ кам маҳсулдорроқ турини танлайди ва ўзини ўзи ривожлантиришга кескин киришади. Натижада унинг ўзини ўзи ривожлантириши фаолияти ўзини ўзи ривожлантириш шароитлари яхшироқ даражада шаклланган шахсга нисбатан муваффақият-сизроқ бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ўзини ўзи ривожлантиришга йўналтирилган ўқув фаолияти нуқтаи назаридан қараганда, таълим кластери талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантиришини қўллаб-қувватлашга қаратилган педагогик ва дилактик шарт-шароитларнинг яратилиши долзар муаммо эканини билдиради.

**Иккинчи вазифа** – талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантиришга интилишининг даражаси хусусиятларини аниқлашга қаратилган бўлиб,уларнинг ўзини ўзи ривожлантириш самарадорлигининг қуйидаги мезонлар танланади: талабанинг ички ҳиссиёти ва ўзини ўзи англаш салоҳияти, ўзини ва ўзининг ўз-ўзига хосликларини теварак-атрофдагиларинига қараб мушоҳада мулоҳада юритиши, ўзининг ҳаёт билан маҳсулдор муносабатини аниқлаши, изланиши; ўз фаолиятининг шахсий, предметли мақсадларини белгилаш; ўқув вазиятини таҳлил қилиш, ўз хатти-ҳаракатларининг эҳтимолий натижаларини режалаштириш ва башоратлаш, ўз ҳаёт йўлини белгилаш салоҳияти; ўзининг ақлий ва амалий фаолитини бошқариш; ўзидаги ўзгаришларни қайд этиш, ўзини ўзи бошқариш салоҳияти; ўзлигини намоён этиши, ўзининг имкониятларини кўрсата билиши.

Юқорида санаб ўтилган мезонларга таянилиб, Л.И. Анциферова, А.А. Леонтьевнинг “Ўз-ўзидан интервью олиш” мето-

дикасидан миллий таълим тизимимизга мослаштирилган ҳолда фойдаланиш мумкин. Интервьюнинг режа-дастури сифатида қуйидагиларни белгилаш лозим:

Мен – ўзини ўзи ўрганиш ва ҳис қилишга интилувчи, ўз "Мен"ига, ўз имкониятлари ва ўзининг ўқув фаолияти натижаларига қизиқиш билан қаровчи шахс;

Мен – ўзининг ҳаётий йўлини белилаш, фаолият и йўналишини танлаш, ўзини ўзи ривожлантиришдан манфаатдор, ижтимоий муносабатларни танлашга интилувчи шахс;

Мен – ўзини ўзи бошқариш ва ривожлантириш бўйича муайян билим ва кўникмаларга эга шахс;

Мен – ўз ижодий шахсий салоҳиятини амалга оширишга ва ўзини ўзи намоён этишга интилувчи шахс.

Ўзларини ўзининг шахсий салоҳиятини намоён этишга интилувчи шахс сифатида таърифлаган талабалар қайси сифатларини ривожлантиришга етарлича эътибор бермасликларини аниқлаш мумкин: муаммоли вазиятларда вазифаларни аниқ белгилаш ва тўғри ҳал этиш; фаразларни илгари суриш; якуний натижани шакллантириш; тафаккурини ривожлантириш.

Талабаларнинг аксарияти ҳаётнинг барча соҳаларида ўзини намоён этиш моҳияти ва аҳамиятини тушунадилар, ўзларини кўрсатишни истайдилар.

Педагогик вазифаларни ҳал қилишга қаратилган семинар машғулотларни ўтказиш чоғида махсус шарт-шароитлар яратилади. Бунинг учун қуйидагилардан фойдаланиш мумкин: талабаларнинг хатти-ҳаракатини чеклаш, вазифа бўйича мулоҳаза юритиш пайтида саволлар бериш, тўғри ва нотўғри фикрларни аниқлашдан фойдаланиш, талабаларнинг мулоҳазалари ва саволларини рағбатлантириш. Булар талабанинг нимани мустақил бажара олиши ва нимани қайси ҳолатларда бажара олмаслигини қайд этиш имконини беради. Ушбу усул талабанинг ўзини ўзи ривожлантириши тўғрисида ахборот олишда самарали бўлиб, у айни бир вақтнинг ўзида ташҳисловчи ва ислоҳ қилиш воситаси сифатида намоён бўлади.

Талабаларнинг шахсий сифатларини, ўзини ўзи ривожлантириш имкониятларини аниқлаш ва қайд этиш ўзини ўзи ривожлантиришнинг ҳар бир босқичида кузатиш усулини қўллаш



орқали амалга оширилади. Талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантириши бўйича бошқа маълумотларни ислоҳ қилиш, аниқлаш, тўлдириш мақсадида суҳбатлашиш, кузатиш, сўровномалар ўтказиш усулларидан фойдаланилади.

Ўзини ўзи ривожлантиришнинг ўзига хослигиини ҳисобга олган ҳолда ўзини ўзи ривожлантириш жараёнининг уч босқичини аниқлаш лозим: 1- босқич – ўзини ўзи ривожлантириш заруратини англаш; 2- босқич – фаол ўзини ўзи бошқариш; 3-босқич – ўзилигини ўқув-ижодий ва ўзини ўзи ривожлантириш фаолиятида намоён этиш. Шунингдек, ўқув-ўрганиш фаолиятининг уч босқичи ажратиб олинади: ўқув фаолиятини бетартиб амалга ошириш; башорат-ташҳислаш; фаол ўзлаштириш.

**Ўқув фаолияти ва ўзини ўзи ривожлантириш босқичларини баҳолашда талабаларнинг қуйидаги салоҳиятларига эътибор қаратилади:** мақсадни белгилаш, яъни ўзининг ўқув фаолиятининг предметли мақсадини қўйиш; ўқув вазиятини таҳлил қилиш, ўқув вазиятларидаги ҳатти-ҳаракатларининг эҳтимолий натижалари ва оқибатларини режалаштириш, башоратлашни кўзда тутувчи ўзини ўзи ташкил этиш; ўзининг ўқув-ўрганиш фаолияти ва ўзини ўзи ривожлантириши жараёнини мустақил назорат қилиш ва ўз ҳиссиёти асосида ўз қарорлари самарадорлигини баҳолаш.

**Учинчи вазифани** ҳал қилиш: талабаларнинг ўқув-ўрганиш фаолиятини ва ўзини ўзи ривожлантириш жараёнини ўрганиш мақсадидпа кузатиш, оғзаки ва ёзма сўров, фаолият натижаларини таҳлил қилиш, фаолият хусусияти ва талабаларнинг ютуқларини аниқлаш усулларидан фойдаланилади. Ўқув-ўрганиш фаолияти ва ўзини ўзи ривожлантириш жараёнини босқичларини аниқлаган ҳолда, талабаларнинг вазифаларни ҳал қилиш чоғидаги мустақил фаолияти кузатилади ҳамда ушбу фаолият натижаларини таҳлил қилинади. Кузатиш чоғида талабалар бир неча гуруҳга ажратилади.

**Биринчи гуруҳга** вазифаларни муваффақиятли ҳал қилган талабалар киритилади. Улар уюшган ҳолда ишлайдилар, ўз ишларини самарали ташкил этишга интилган ҳолда уни мустақил назорат қиладилар ва режалаштирадилар. Ўқув фаолияти жараёнида талабалар ўз билими натижалари учун масъулиятни

ўз зиммаларига олиб, янги билим ва фаолият усулларини эгаллаш тажрибасига мустақил эга бўладилар.

**Иккинчи гурух** вазифаларни қисман уддалаган талабалардан иборат бўлади. Бу гурухдаги талабалар доимо хам ўз мақсадларини аниқлай олмайдилар ва уларни хал қилиш учун керакли шарт-шароитларни ярата олишга қодир эмас. Аксарият холларда ёрдам сўраб педагогга мурожаат қилишади. Улар хамиша тушунчалар ўртасидаги янги алоқаларни аниқлашни талаб этувчи вазифалардаги билимлар тизимидан фойдалана олмайдилар. Аммо талабалар бажараётган ишларнинг боришини кузатишга, олинган натижаларни бошқалари билан мисоллар асосида қиёслаш, янги тажрибани излаш ва ўзлаштиришга хозир, онгли равишда шахсий ўзгаришларга интиладилар.

**Учинчи гурухга** вазифаларни мустақил хал қила олмаган талабалар киритилади, бироқ уларнинг интилишлари педагогнинг ёрдами туфайлигина етарли даражада қатъий. Ушбу гурух талабалари амалга оширилаётган ўқув-ўрганиш фаолияти ва ўзини ўзи ривожлантириш жараёнидаги шахсий қийинчиликларни англаган холда педагог билан биргаликда берилган вазифаларни хал қилиш учун ўзлаштирилган ахборотни намоён этиш ва қайта шакллантиришга уринадилар. Талабалар ўқув фаолиятида муваффақияти уларнинг келгусида ўзини ўзи ривожлантиришида асосий шартлардан бири бўлиши мумкинлигини тушуниб етадилар.

Талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шаклланганлиги даражалари характеристикаси қуйидаги жавалда берилган (9-жадвал)



9-жадвал

**Талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шаклланганлиги даражалари характеристикаси**

| Мезонлар | Кўрсаткичлар | Компетенциянинг шаклланганлиги даражалари | | |
|---|---|---|---|---|
| Ички хиссиётни англаш. | Ички хиссиётлари-ни англашнинг ўзини ўзи ривож-лантиришга йўналганлиги, ўқув-билишга мотивация, педа-гогик фаолиятга мотивация, муваф-фақиятга эришиш-га мотивация. | Ички хиссиётла-рини англашнинг ўзини ўзи ривож-лантиришга йўналганлиги, билишга мотива-ция, педагогик фаолиятга моти-вация, муваффа-қиятга эришишга мотивация ёрқин ифодаланади. | Ички хиссиётларини англашнинг ўзини ўзи ривожлантириш-га йўналганлиги етарлича барқарор эмас, ўқув-билиш фаолиятига мотива-ция, педагогик фаолиятга мотива-ция бир оз устворлик касб этади, муваффа-қиятга эришишга мотивация деярли ифодаланмаган. | Ички хиссиётлари-ни англашнинг ўзини ўзи ривож-лантиришга йўналганлиги деярли мавжуд эмас, ўқув-билиш ва педагогик фаолиятга моти-вация диплом олиш истаги билан чекланган, муваф-фақиятсизликдан қочишга мотива-ция ифодаланади. |
| Ўз хаёт йўлини белгилаш. | Ўзининг хаётий йўли-ни белгилаш, ўқув-билиш фаолияти ва ўзини ўзи ривожлан-тиришнинг назарий асосларини билиш; мантиқий ва танқидий фикр-лаш. | Ўзининг хаётий йўлини белгилаш, ўзини ўзи ривож-лантириш асосла-рини билиш, бошқа-ларники билан тизимли-қадрияти нуқтаи назардан таққослаш кўник-маси, мантиқий ва танқидтй фикрлаш ривожланганлиги даражасининг юқорлиги. | Ўзининг хаётий йўлини белгилаш, ўзини ўзи ривожлантириш асослари-ни билади, амммо уларга нисбатан қадриятий муносабатлари, нуқтаи назари шаклланмаган, мантиқий ва танқидтй фикрлаш етарлича ривожланган. | Ўзининг хаётий йўлини белгилаш, ўзини ўзи ривожлан-тириш асослари хақидаги билимлари тизимли эмас, талабада билимларга нисбатан қадриятий муноса-батлар, нуқтаи назари мавжуд эмас, мантиқий ва танқидий фикрлаш етарлича ривож-ланмаганган |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Ўзини ўзи бошқариш. | Ўзини ўзи бошқа-риш, режалашти-риш ва натижалар-ни баҳолаш кўник-малари шакллан-ган, флексибил-ллик, рефлекивлик, субъектив Назо-рат, ўзинии ўзи иродавий назорат қилиш. | Ўзини ўзи бошқа-риш, мақсад қўйиш, режалаш-тириш ва натижа-ларни баҳолаш кўникмалари юқори даражада шаклланган, флексибиллик ва рефлексивликнинг юқори даражаси, экстерналлик хусусиятига эга, ўзинии ўзи ирода-вий назорат қилиш яхши ифодаланган. | Ўзини ўзи бошқа-риш, мақсад қўйиш, режа-лаштириш ва натижа-ларни баҳолаш кўник-малари репродуктив дара-жада шаклланган, флексибиллик ва рефлексивлик тўлиқ шаклланмаган, экстерналлик хусусияти етарли эмас,, ўзинии ўзи иродавий назорат қилиш етарлича яхши ифодалан-майди. | Ўзини ўзи бошқа-риш, мақсад қўйиш, режалаш-тириш ва натижа-ларни баҳолаш кўникмалари деярли шакллан-маган, флекси-биллик ва рефлек-сивлик кучсиз ифодаланади, интерналлик хусу-сиятига эга, ўзинии ўзи иродавий назо-рат қилиш мавжуд эмас. |
| Ўз имкониятини намоён этиш | Ўз имкониятларини намоён этиш шакл-лан-ган, ижодкорлик, изланиш, ўзини ўзи ривожлантириш кўникмаларининг ривожланганлиги, мустақиллик, ўз ижодий шахсий салоҳиятини амалга ошириш. | Ўз имкониятларини намоён этиш шакл-ланган, ижодкорлик, изланиш, ўзини ўзи ривожлантириш кўникмаларининг ривожланганлиги, мустақиллик. | Ўз мкониятларини намоён этиш шаклланган, ижодкорлик, изланиш, ўзини ўзи ривожлантириш кўникмаларининг ривож-ланганлиги, мустақиллик. | Ўз имкониятларини намоён этиш шакл-ланган, ижодкорлик, изланиш, ўзини ўзи ривожлантириш кўникмаларининг ривожланганлиги, мустақиллик. |



Олинган маълумотлар таҳлил қилиш ўзини ўзи ривожлантириш жараёнининг тузилмавий бўғинлари кўрсаткичларини қиёслаш, шунингдек, ўзини ўзи ривожлантириш босқичлари ва ўқув-ўрганиш фаолиятини қиёслаш асосида амалга оширилади ҳамда натижалар жадвалларда келтирилади. Талабаларнинг фаол ўзини ўзи намоён этишга эришишдаги фаоллиги ва интилишининг намоён бўлиши сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: ўқув-ўрганиш фаолиятида шахсий ижодий вазифаларни қўя олиш салоҳияти; турли педагогик ҳодисалар, жараёнларда ўзлаштириган билимларини мустақил қўллай олиш компетенцияси; талабаларнинг ақлий оламини бойишига имкон яратувчи илмий-педагогик тушунчалардан фойдаланиш заруратини англаши. Шундай қилиб, ўрганишлар асосида ўзини ўзи ривожлантириш имкониятига ўқув-ўрганиш фаолиятидаги фаолликнинг боғлиқ эканлиги; ўқув-ўрганиш фаолиятини ташкил этиш хусусиятига мустақил ривожланишга йўналтирилганлик ва ўзини ўзи ривожлантириш жараёнига киришишга ўқув-ўрганиш фаолияти даражасининг боғлиқлигини аниқлаш мумкин.

### 3.4-§. Талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш комптенциясини шакллантиришда интерфаол усуллардан фойдаланиш

Замонавий педагог таълим-тарбия жараёнида инновацион усуллардан фойдалана билиши ва амалга ошира олиши лозим. Бу жараёнда унга қўйиладиган талаблар: инновацион технология тушунчасини, унинг мазмун моҳиятини, уларнинг таълим мақсадини амалга оширишдаги ўрни ва ролини, уларни фанлар бўйича қўллаш принципларини, таълимий ва ишчанлик ўйинларини, муаммоли ривожлантирувчи таълим методларини, талабаларнинг мустақил фаолиятларини ташкил қилиш ва таъминлаш йўлларини билишлари, уларнинг ўз устида мустақил ишлаш маҳоратини ошириш усулларини, кўргазмали ўқитиш усулларини билиши ва эгаллаши, илғор педагогик технологияларни қўллаб, наъмунавий имитация ўқув машғулотларини ўти-

ши, таълим-тарбиянинг фаоллаштирувчи усулларини билиши ва эгаллаши керак. Уни амалга оширишда асосан интерфаол усуллардан тўлиқ фойдаланилади.

**Интерфаол дарс –** педагог ва талабалар ўзаро фаол иштирок этадиган машғулот, жараён ҳамкорликда кечади. Улар педагог билан талабанинг фаол муносабати, бир-бирини тўлиқ тушунтиришга асосланади. Уларни ўқув жараёнига жорий этишнинг мақсади, машғулот қайси шаклда бўлмасин, қаерда ўтказилмасин унда педагог билан талабанинг ҳамкорликда ишлашини ва натижада ўзлаштиришларини таъминлаши лозим. Бунда педагог фақат йўл-йўриқ кўрсатувчи, кузатувчи, хулосаловчи вазифасини бажаради. Ушбу усуллар орқали талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятлари ривожлантирилиб, уларда эркин фикрлаш, мустақил қарор қабул қилиш, ҳиссиётларни бошқара олиш, танқидий ва ижодий фикр юритишнинг ривожланишига замин тайёрланади. Интерфаол усулларда ўқитишнинг моҳияти қуйидагича: ўргатувчи ҳам ўрганувчи ҳам маълумотлар билан фаол ишлаши, талабаларни мустақил фикрлашга ундаши ва ўргатиши, педагогга талабаларни фикрлашга ўргатиш учун хизмат қилса, талабаларга эса фикрлашни ўрганишлари учун хизмат қилиши. Интерфаол усуллардан фойдаланиш шакллари: индивидуаллашти-риш, кичик гуруҳларга ажратиш, табақалаштириш, ўргатиш ва ўрганиш жараёнида дўстона муҳитни яратиш, ўзаро мулоқот, ҳамкорликни ташкил этиш.

Интерфаол дарс - педагог ва талабалар ўзаро фаол иштирок этадиган машғулот, бу жараён ҳамкорликда кечади. Интерфаол методларнинг қўлланиши дарс жараёнини беихтиёр психологик ўйин ёки мусобақага айлантириб, барча талабаларни бир оз бўлса-да, ўз фикрларини кенг оммага изҳор этишга, умуман синфда кечаётган баҳс-мунозараларга бефарқ бўлмасдан, фаол иштирок этишга ундайди.

**Интерфаол усулдларни қўллаш орқали қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:** талабаларни дарс мавзусига қизиқтириш; билимларни пухта ўзлаштиришга эришиш; талабаларни фикрлашга ўргатиш; талабаларни ўзаро муомала қилишга ўргатиш; таълим жараёнига барча талабаларнинг фаол иштирокини таъминлаш учун шароит яратиш; талабалар гуруҳида мутаддил



психологик иқлим яратиш.

**Педагоглар таълим жараёнида интерфаол муҳит яратишларида қуйидагиларни эътиборга олишлари талаб этилади:** талабаларни дарсга қизиқтириш; педагог ва талабаларнинг қизиқишларини бир бирига тўғри келиши; қизиқарли маълумотлар бериш, лекин жуда кўп эмас; услуб ва воситаларни хилма-хиллигига эришиш; талабаларни фаолликка ундаш; педагог ва талабаларнинг самимий ўзаро ҳаракатлари; талабаларнинг ўз ишлари натижаларини намойиш қила олишлари; қўйилган мақсадларга эришиш; талабаларни олган билимларини ҳаётга татбиқ этишга ўргатиш.

Талабаларни фаоллаштириш учун дарс жараёнида қўлланиладиган усулларни тўғри танлаш ва саволларни аниқ тузиш катта самара беради. Бунинг учун дарсда мавзуга қўйилган мақсад аниқ белгиланиб, шу мақсадга эришиш йўли, усули пухта кўриб чиқилиши лозим. Педагог ҳар бир фойдаланадиган интерфаол усули талабага нима беришини олдиндан кўра олиши ва дарсни тўғри ташкил қилиши керак. Демак, сиз қўлланмоқчи бўлган интерфаол усулни танлаб бўлгач, ўзингизга керакли расм, тарқатма материал, кўргазмалардан керагини тайёрлаб, конвертга солиб қўйиб, мавзуларни ўргатишда ишлатишингиз мумкин.

**Интерфаол усуллардан фойдаланишнинг мақсади** талабаларда ҳозиржавоблик ҳиссини ривожлантириш, баҳс-мунозара, эркин фикрлашга асосланган тафаккур тарзини шакллантиришдан иборат. Ҳозирда кенг қўлланиб келаётган интерфаол методлар кўп бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам бошланғич таълимда қўллаш учун яроқли эмас. Бунга биринчи навбатда бошланғич синф талабасининг ўқиш, ёзиш тезлигининг кичиклиги ва синфда аксарият ҳолларда 30 тадан ортиқ талаба ўқиши бўлади. Интерфаол методлар нисбатан кичик гуруҳларга мўлжалланган бўлиб, бошланғич синфларда қўллаш тажрибалари жуда кам. Шунинг учун янги технологияларнинг фақат бошланғич синф дарсларида қўллаш мумкин бўлганлари ҳақида гапирсак, аввало ўйин технологиясига тўхталиш керак бўлади. Ўйин бошланғич синф талабаси учун табиий ҳолат бўлиб, у ўйин вақтида ўзини эркин сезиши, қўрқув ва тортинчоқликни унутиши мумкин.

Таниқли файласуф Конфуцийнинг таъкидлашича, инсон

нимани эшитса унутиши, нимани кўрса хотирасида сақлаши, нимани ўзи қилса тушуниши ҳақиқатга яқин. Шунинг учун ҳам компетенциявий ёндашув талабаларнинг амалий фаолият кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Бунинг учун таълим жараёнида талабаларнинг фаол бўлишни талаб этадиган методлардан фойдаланиш самарали натижа беради. Ана шундай методлардан бири ўйинлар методидир.

**Дидактик ўйинлар** табиийликдан таълим мақсадлари учун фойдаланиш воситасидир. Дидактик ўйин талабанинг ақлий фаоллигини ошириш воситаси ҳам бўлиб, у талабалардаги психологик ҳолатларни фаоллаштиради ва таълим жараёнига қизиқишини орттиради. Ўйин жараёнида талаба қийинчиликларни енгишга ҳаракат қилади, умумий ўйинга қизиқиши дарснинг психологик ҳолатини енгиллаштиради, кўтаринкилик кайфиятини ҳосил қилади ва талаба учун ҳамкорликда ҳаракат қилишга ўргатади. Дидактик ўйинлар сюжетли ва машқ қилишга мўлжалланган турларга бўлинади. Сюжетли ўйинлар бирор таниш сюжетга боғланган бўлиб, унда роллар тақсимланади. Уларга “Телефон”, “Тўпни кимга оширамиз”, “Телеграф” каби ўйинлар киради. Ўйин машқларга эса, ўйин элементларигина киритилган бўлиб, унда кўпрок ўйинни шартли қабул қилишга тўғри келади. Бунда бирор ўйин қоидаси ҳаракати киритилади. Бундай ўйинларга мисол қилиб, “Жим” ҳамда “Математик эстафета” каби ўйинларни киритиш мумкин.

Дидактик ўйинлар асосан таълим жараёнини талабаларнинг ёш хусусиятлари ва тайёргарликларига қараб самарали ташкил қилишга, уларга билим ва маълумот беришни енгиллаштиришга, таълимда кўргазмалиликни таъминлашга қаратилган бўлиб, талабаларни ўқув материаллари билан ортиқча банд қилиб қўймаслик имкониятини яратади.

Талабаларни интеллектуал-ақлий томондан ривожлантириш яъни, қулайлик яратиш таълим жараёнида талаба ўз қобилияти, қизиқиши, имкониятлари ва педагог томонидан яратилган мазмунли педагогик шароит орқали ютуқларга эришади. Интеллектуал жиҳатдан талабанинг ривожланиши ўзининг фикрлаш фаолияти ва натижага эришганидан қониқиш ҳосил қилиши билан намоён бўлади. Дарсларда талабалар учун қулайлик яра-



тиш турли фаолиятларни ўзаро алмашинуви, натижаларни таҳлил қилиш, ўз имкониятларига ишонч ҳосил қилишга ўргатиш орқали амалга оширилади.

Таниқли файласуф Конфуцийнинг таъкидлашича, инсон нимани эшитса унутиши, нимани кўрса хотирасида сақлаши, нимани ўзи қилса тушуниши ҳақиқатга яқин. Шунинг учун ҳам компетенциявий ёндашув талабаларнинг амалий фаолият кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Бунинг учун таълим жараёнида талабаларнинг фаол бўлишни талаб этадиган методлардан фойдаланиш самарали натижа беради. Ана шундай методлардан бири ўйинлар методидир. Дидактик ўйинлар асосан таълим жараёнини талабаларнинг ёш хусусиятлари ва тайёргарликларига қараб самарали ташкил қилишга, уларга билим ва маълумот беришни енгиллаштиришга, таълимда кўргазмалиликни таъминлашга қаратилган бўлиб, талабаларни ўқув материаллари билан ортиқча банд қилиб қўймаслик имкониятини яратади.

Дидактик ўйинлар талабаларнинг ҳис-туйғуларини шакллантиришга, айниқса уларнинг сезги аъзолари (сезиш, кўриш, тинглаш каби) фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Бола миясини “машқ” қилишга, тафаккурини теранлаштиришга ўргатади. Унинг идроки, зеҳни, фаҳм-фаросати, хотираси, иродаси, билим олиш иштиёқи ва эҳтиёжи мустаҳкамланади. Зийраклиги, ихтиёрий диққати, топқирлиги, ташаббускорлиги ошиб боради. Талабанинг истеъдоди, ижодий қобилияти намоён бўла бошлайди ва олган билимларини ўз фаолиятида, меҳнат ва ўйинда синаб кўриш имконияти туғилади. Талабаларда компетенцияларни самарали шакллантириш учун ўйинлардан кенг фойдаланиш лозим.

Ўйин жараёнида талабалар жамоа бўлиб яшашга, уюшқоқликка, биргаликда ижод қилишга, ҳамкорликда ишлашга ва мустақил фикрлашга ўрганадилар. Талабаларда ахлоқий сифатлар, табиат ва жамият ҳақидаги тушунчалар, инсоний фазилатлар шаклланади. Улар ўйин қоидаларига қатъий амал қилишга, интизомга ўрганадилар, дўстлик, ўртоқлик, иноқлик ҳис-туйғулари ривожланади, турли касбларга бўлган қизиқишлари ортади, дунёқараш ва фикрлаш қобилиятлари шаклланади.

Дарс жараёнида дидактик ўйинларни ташкил этиш талабалар ўртасида мулоқотга киришиш, диққатни жамлаш ва ўз навбатида, ҳозиржавоблик каби хислатларни шакллантиришга хизмат қилади, бу ўйинлардан мунтазам равишда фойдаланиш таълимда табиий вазиятни яратади. Бу эса талабаларни дарс давомида эркин фаолият кўрсатишларига шароит туғдиради. Ўйиндан самарали ва олиб борилаётган дарснинг мазмунига мос ҳолда фойдаланиш талабага дарс давомида берилаётган маълумотларни мустақил ўзлаштириши ҳамда ижодий тафаккури шаклланишини таъминлайди. Ўйин талабаларни яширин имкониятлари ва фанга бўлган қизиқишларини очиб беради.

Дидактик материаллар педагог томонидан ҳар бир дарсга алоҳида тайёрланган бўлиб, у дарс мазмунини тўла ифодалаши ва талабалар дарс мазмунига яхши тушуниб етишлари учун хизмат қилиши керак. Улар жумласига турли кўргазмали қуроллар, турли муаммоли вазиятларни яратувчи мосламалар, ўйинчоқлар кабилар киради. Дидактик материаллар дидактик тамойилларга мос равишда яратилади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, дарс давомида фойдаланилаётган дидактик ўйин дарснинг мавзусига мос равишда танлаб олиниши муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, биз ўз дарсларимизда талабаларни мустақил фикр юритишга ўргатишимиз, уларнинг ақлий ва нутқий фаоллигини оширишимиз зарур. Бунинг учун интерфаол усуллар ва интеллектуал ўйинлардан самарали фойдаланиш талаб этилади. Улардан унумли фойдаланиш асосида талабаларнинг билимлари ошади, мустақил фикр юритиш мушоҳадалари шаклланади ва фаоллиги ортади.

Талабаларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришда педагогнинг компетентлилиги муҳим аҳамиятга эга. **Бунинг учун педагогда қуйидагилар шаклланган бўлиши лозим:** педагогика ва психологияга доир янги билимларни ўзлаштириш; талабалар билан ўзларининг компетенцияларини мувофиқлаштира олишлари; ўз устларида тинимсиз ишлашлари; ўқув жараёнини лойиҳалаш, талабалар билимини баҳолаш; талабаларда таняч ва фанга оид компетенцияларни эгаллаш майлларини шакллантириш; ўқув жараёнига янгиликлар кирита олиш; таълим жараёнида шакллантириладиган компетенцияларни билиши ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, талабаларда таянч ва фанга оид компетенцияларни муваффақиятли шакллантириш учун педагог мазкур компетенцияларга оид билимларга эга бўлиши лозим.

Ўқув жараёнида ўқув эхтиёжини қондириш билан биргаликда юқори мотивацияга эга бўлади. Талабаларда ўзаро ахборот бериш, олиш, қайта ишлаш орқали ўқув материали яхши ўзлаштирилади, ўзаро мулоқотга киришиш, фикр билдириш, фикр алмашиниш кўникмалари шаклланади, ўқув жараёнида уларнинг ўз-ўзига баҳо бериши, танқидий қараши ривожланади. Талаба учун ўқув машғулоти қизиқарли ва мазмунли ўқитилаётган фанга айланади, ўқиш жараёнига ижодий ва мустақил ёндашишга ҳаракат қилади ва ҳар бир дақиқани ғанимат деб билади. Муҳими талабаларда: ўқув меҳнатига ўзида ҳохиш-истак уйғота олишга; ҳар қандай вазиятда фаоллик кўрсата олишга; айниқса, ҳозирги тезкор ахборот манбаларидан унумли фойдалана олишга кўникмалари шаклланади. Шунинг учун ҳам, ҳозирги кунда уларнинг ўз-ўзини ривожлантириш технологиясини яратиш педагогика ва дидактика фанлари олдида ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардандир.

**Саволлар бериш методикаси**. Педагогикада савол бериш турлари 6 хил: оддий саволлар: уларга жавоб бериш учун қандайдир фактларни аташ, маълум ахборотни эслаш ва намойиш этиш керак. Анъанавий назорат шаклларида кўпинча қўлланади. Масалан: Бу нима?.

**Аниқловчи саволлар**. Одатда улар: Яъни сен демоқчисанки…? Агар тўғри тушунган бўлсам…? Балки янглишаяпман, лекин менимча Сиз …ҳақида айтдингиз? сўзларидан бошланади. Бу саволларнинг мақсади одамга айтган гапларига қайтарма алоқа ўрнатишга имконият беришдир. Баъзан улар хабарда берилмаган, лекин назарда тутилган ахборотни олиш учун берилади. Бу саволларни салбий имо-ишорасиз бериш муҳим. Аниқловчи саволга пародия сифатида ҳаммага маълум мисолни келтириш мумкин. Сен ҳақиқатдан ҳам… деб ўйлайсанми?.

**Тушунтириш саволлари**. Одатда Нега? сўзи билан бошланади. Баъзи вазиятларда салбий қабул қилиниши мумкин, ўзини оқлашга мажбурлаш сифатида. Бошқа ҳолларда улар сабаб оқи-

бат алоқаларини ўрнатишга қаратилади. Нега кузда дарахтлардаги барглар сарғаяди? Агар бу саволга жавоб маълум бўлса, у тушунтиришдан оддийга айланади. Демак, бу турдаги савол фақат жавобда мустақиллик элементи бўлсагина яхши натижа беради.

**Ижодий саволлар**. Агар саволда бўлса эди қўшимчаси мавжуд бўлса, шартлилик элементлари, тахмин, башорат бўлса, у ижодий дейилади. **Баҳолаш саволлари.** Бу саволлар у ёки бу воқеа, воқелик, фактларни баҳолаш мезонларини аниқлашга қаратилган. Масалан. Нега бу яхши, бу эса ёмон? Бир машғулотнинг иккинчи машғулотдан фарқи нима?. **Амалий саволлар.** Агар савол назария билан амалиёт ўртасидаги боғланишни аниқлашга қаратилган бўлса, уни амалий деб айтамиз. Масалан. Ҳикоя қаҳрамони ўрнида нима қилган бўлардингиз?

**Ўқитиш самарадорлигининг муҳим элементи – ўқув фаолияти мотивацияси ҳисобланади.** Шунинг учун дарсларга тайёргарлик кўришда талабанинг субъектив тажрибасига, уларнинг ютуқларига ва версияларига таянган ҳолда дарсда қандай материаллардан фойдаланиш мумкинлигини кўриб чиқиш лозим. Қуйидаги усуллар яхши натижа беради: иғвогарлик, ечим қабул қилиш имкониятларини делегирование қилиш, «тарафдор» ва «қаршиман»ни солиштириш.

Фанларни ўқитиш методикасида асосий ўринни методик усуллар сифатида талабаларга бериладиган саволлар эгаллайди. Бунда саволлар аниқ ва ихчам бўлиши лозим. Ўқитиш жараёнида талабалар ёши ва ўрганиладиган материалга боғлиқ ҳолда репродуктив ва продуктив саволлар бирлиги бўлиши керак. Саволлар улар фикрлишини шакллантиришни таъминлайди, уларга бериладиган саволлар кўпинча гуруҳда назоратни қўлга олиш мақсадида қўлланадиган очиқ саволлар бўлиши мумкин.

Таянч сўз ва иборалар вариантидан фойдаланиш шаклидаги топшириқларни тузишда **интерфаол усулларни** қўллаб ҳал қилинадиган топшириқлар миқдорига ҳам эътибор бериш лозим (10-жадвал) . Бу усулларни талабаларнинг ёши ва имкониятларига қараб танлаш ва қўллаш, уларнинг фикрлаш қобилиятини шакллантиради, материални юқори интеллектуаллик даражасида ўзлаштирилишини таъминлайди.



*10-жадвал*

**Интерфаол усуллар**

| Гуруҳлар ва усулларнинг номланиши | Қисқача тавсифи |
|---|---|
| Тушунчаларни анализ қилиш ва тартибга солиш | |
| Категориал маълумот | Ўхшаш тушунчаларни умумлаштириш |
| Синквейн | Ахборотларни йиғиш, тушунчаларни аниқ очиш |
| Фикрлашни фаоллаштирувчи саволлар ва усуллар | |
| Кўзгули саволлар | Маъносини айтиб бериш |
| Педагогга саволлар | Хилма-хиллик |
| Муаммоли саволлар | Фикрларни фаоллаштириш |
| Савол бериш усуллари | Тавсия этиш |
| Дастлабки терминлар | Калит сўзлар |
| Кутилажак натижа | Ҳа ёки йўқ фикри |
| Ғояларнинг пайдо бўлиши | |
| Ақлий ҳужум | Озод қилиш |
| Ялпи ақлий ҳужум | Маслаҳат берувчи |
| Натижа кўриниши | Кўз билан кўриш |
| Жараён кўриниши | Кўз билан кўриш |
| Якунловчи натижа | Умумлаштириш |
| График ташкилотчилар | |
| Маънолар хусусиятини анализ қилиш | Мазмунни анализ қилиш |
| Чиқиш харитаси | Машғулот натижаси |
| Венна диаграммаси | Фарқлаш ва бирлаштириш |
| Биламан/Билишни хоҳлайман/ Билиб олдим | Ўқитиш йўли |
| Концептуаль харита | Солиштириш |
| Т-схема | Таққослаш |
| Мунозаралар | |
| Мунозара | Ижодий ва ностандарт тафаккурни ривожлантириш, ҳақиқатни излаш |
| Охирги сўзни менга беринг | Рағбатлантириш |
| Метамунозара | Фикр юритиш |
| Стол ўртасидаги ручка | Ўз фикрини баён қилиш имконияти |
| Эстафета | Фаолликка чақириш |
| Биргаликда ўқитиш | |
| Аквариум | Турли хил кўриниш |
| Ҳамкорликда ўқитиш | Биргаликда ишни ташкил этиш |
| Айлана стол | Биргаликдаги ижод |

| | | |
|---|---|---|
| | Кичик гуруҳ | Ҳамма биргаликда |
| | Ўйланг/Жуфтликка бўлининг/ Фикрларни алмашинг | Икковлон тайёргарлик |
| | Кичик гуруҳларда фикрлар алмашиш | Ишни кетма-кет муҳокама қилиш |
| Баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш | | |
| | Ҳамкорликда баҳолаш | Шерик фикри |
| Ўқитиш | | |
| | Ҳамкорликда изланиш | Мавзу бўйича саволлар |
| | Ўрганилганларга реакция | Танқидий анализ |

**Ақлий ҳужум**. Мазкур усул муайян мавзу юзасидан берилган муаммоларни ҳал этишда қўлланиладиган усул саналиб, у талабаларни муаммо хусусида ҳар томонлама фикр юритиш, шунингдек, ўз тасаввурлари ва ғояларидан ижобий фойдаланиш борасида маълум кўникма ҳамда малакаларни шакллантиради. Ушбу усул ёрдамида ташкил этилган машғулот жараёнида ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оригинал ечимларни топиш имконияти туғилади. Бу усул танлаб олинган мавзулар доирасида маълум қадриятларни аниқлаш, айни вақтда уларга муқобил бўлган ғояларни танлаш учун шароит яратади.

**Кичик гуруҳлар усули**. Гуруҳларда ишлайдиган биринчи машғулот ҳал қилувчи машғулот хисобланади. У кейинчалик гуруҳли ишларга йўналиш беради. Шунинг учун мана шу биринчи мартада қатор шартларга риоя қилиш жуда муҳим. Биринчи гуруҳ учун педагог гуруҳни белгилайди. Қатъий раҳбарлик қилиши мумкин бўлган энг фаол ёки бошқа талабалар ҳақида ўйлаб кўрилади. Қобилиятлилардан танлаб ҳар бир гуруҳга киритилади. Зеҳни ўткир бўлмаган талабаларни ҳам танлаб, ҳар қайси гуруҳга тақсимланади.

**Ҳамкорликда ўқитиш** технологияси муаллифларидан бири бўлган Р.Славиннинг таъкидлашича, талабаларга топшириқларни ҳамкорликда бажариш учун кўрсатма берилиши етарли эмас. Талабалар ўртасида том маънодаги ҳамкорлик ҳар бирининг қўлга киритган ютуғидан қувониш, бир-бирига сидқидилдан ёрдам бериш ҳисси, қулай ижтимоий-психологик муҳит вужудга келиши зарур. Мазкур технологияда талабаларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини аниқлашда уларни бир-бири билан эмас,



балки ҳар бир талабанинг кундалик натижаси аввал қўлга киритилган натижа билан таққосланади. Шундагина улар ўзининг машғулот давомида эришган натижаси фойда келтиришни англаган ҳолда масъулиятни ҳис қилиб, кўпроқ изланишга, билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштиришга интилади.

**Скарабей технологияси**. У талабаларда фикрий боғлиқлик, мантиқий хотиранинг ривожланишига имконият яратади, қандайдир муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Мазкур технология талабаларга мустақил равишда билимнинг сифати ва савиясини холисона баҳолаш, ўрганилаётган мавзу ҳақидаги тушунча ва тасаввурларни аниқлаш имконини беради. У, айни пайтда, турли ғояларни ифодалаш ҳамда улар орасидаги боғлиқликларни аниқлашга имкон яратади. Бу технология ҳар томонлама бўлиб, ундан ўқув материалининг турли босқичларини ўрганишда фойдаланилади: бошида-ўқув фаолиятини рағбатлантириш сифатида, мавзуни ўрганиш жараёнида унинг моҳияти, тузилиши ва мазмунини белгилашда, улар орасидаги асосий қисмлар, тушунчалар, алоқалар характерини аниқлашда, мавзуни янада чуқурроқ ўрганиш, янги жиҳатларини кўрсатишда, охирида олинган билимларни мустаҳкамлаш ва якунлаш мақсадида. Бу технология бошланғич синф талабалари томонидан осон қабул қилинади, чунки, у фаолиятнинг фикрлаш, билиш хусусиятлари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. У талабалар тажрибасидан фойдаланишни кўзда тутади, рефлектив кузатишларни амалга оширади, фаол ижодий излаш ва фикрий тажриба ўтказиш имкониятларига эга. Мазкур технологиянинг айрим афзалликлари сифатида идрок қилишни енгиллаштирувчи чизма шакллардан фойдаланишни кўрсатиш мумкин.

Педагогикада талабаларнинг саволлар ва жавоблар тизими суҳбат дейилади. **Суҳбат усули** атрофлича ўйланган саволлар ёрдамида педагог билан талаба орасидаги алоқани кўзда тутиб, уларнинг мустақил фикрлашини янги тушунчаларни эгаллашга олиб келади. Уни қўллашда саволларни қўйиш, талабаларнинг жавобларини муҳокама қилиш, хулосаларни шакллантириш усулларидан фойдаланилади. Суҳбат давомида педагог талабаларнинг нутқ саводхонлигига алоҳида эътибор қаратади. Бу

турли тушунтиришлар билан олиб борилади ҳамда уларнинг қабул қилиши аниқлаштирилиб борилади.

**Эркин фикрлаш усули** иллюстратив расмлар, фотолавҳалар ва уларнинг муҳокамаларига бағишланади. Бу машғулотдан кўзда тутилган мақсад талабаларнинг билим доирасини, дунёқарашини кенгайтириш, уларни расмлар, фотолавҳалар, китоблар билан таништириш орқали билим олиш ва қизиқишларини орттириш, аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини янги вазиятларда қўллаш орқали янги билимларни эгаллашларига эришишдан иборат. Янги мавзуни эълон қилиш мустақил хулосалар асосида эвристик суҳбат, материални англаш ва ўзлаштиришда талабаларнинг мустақиллиги намоён бўлувчи материални ўрганиш шаклларида ташкил этилиши мумкин.

**Мустқил ва ижодий ишлаш учун топшириқларни ишлаб чиқишда** топшириқлар ҳақиқий вазиятлар билан боғлиқ муаммоларга қаратилиши, муаммони ҳал этишда талабалар билиш компетенциясини турли усуллар ёрдамида шакллантиришни кўзда тутиши, топшириқлар мазмунида акс эттирилган ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги муҳим боғликлик кўрсатилиши, ечимини аниқлаш ва талабалар онгида ҳодисалар ёки жараёнлар ўртасида боғликликни мустаҳкамлаш назарда тутилиши, ижодий фикрлаш асосида янги билимлар шаклланишига амал қилиш тавсия этилади.

**Билиш компетенциясини шакллантиришда амалий усулни энг муҳими деб қабул қилинган**. Бу усул машқларни ташкил этишни назарда тутади. Машқ жараёнида талаба бир неча бор амалий ва ақлий амалларни такрорлайди. Уларга топшириқлар таклиф этилади, улар тарқатма материаллар билан мустақил ишлайди. Машқларни бажаришнинг ҳам жамоавий ҳам индивидуал шаклларидан фойдаланилади. Жамоавий машқдан билимларни ўзлаштириш ва мустаҳкамлашдан ташқари назорат учун ҳам фойдаланиш мумкин. Индивидуал машқ худди шу функцияни бажариш билан жамоавий фаолиятга талабаларни йўналтиришга хизмат қилади.

**Назорат ва баҳолаш усули** талабалар томонидан топшириқларни бажариш, уларнинг натижалари, жавоблари жараёнини кузатишда амалга оширилади. У кўрсатма, тушунтириш,



изоҳлаш, намойиш қилиш, ёрдам бериш, хатоларни тўғрилашни ўз ичига олади. Хатоларни тўғрилашни педагог талабалар билан индивидуал ва жамоавий ишлашда амалга оширади. Баҳолашга ҳаракат усуллари ва натижалари, талабаларнинг хулқи киради. Бу усулдан машқларни бажариш, ўйинларни, машғулотни ўтказиш давомида ҳамда охирида фойдаланилади.

Педагог юқоридаги усулларни амалиётга самарали жорий этиши учун давр талабига мос машғулот мақсадларини аниқ белгилаши, уларни амалга оширишда ўқитишнинг самарали шакл, усул, восита ва технологияларидан фойдалана олиши ҳамда талабаларнинг ўзлаштиришини мунтазам назорат қилиб, баҳолаб бориши лозим.

Шунингдек,ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда баҳс-мунозара, ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, тадқиқот ролли ўйинлари, талабаларни амалий машғулотларни мустақил бажарилишига ундаш, чархпалак, блиц сўров, резюме, ФСМУ ва бошқа технологиялардан, шунингдек, ранг-баранг баҳолаш усулларидан фойдаланиш, таълим воситаларидан жойида ва вақтида фойдаланиш талаб этилади.

## 3.5-§.Талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш комптенциясини шакллантириш жараёни самарадорлигини баҳолаш

Ўқув машғулоти жараённи лойиҳалашда педагог технолог сифатида ҳар бир машғулотда мақсадни аниқ ўрнатиши, ўтилаётган ўқув материалларини мазмунан саралашда талабаларнинг ўзлаштириш фаолияти даражаларини, фанни баён қилишнинг илмий тилини ҳисобга олиши, ташкилий шаклларнинг мосини танлаб, белгиланган вақт доирасида самарали ўқув машғулоти жараёнини ташкил этиши лозим. Бу кўрсаткич талабига мос ҳолда ўқув-билиш фаолиятини амалга ошириш учун унга олдиндан алоҳида тайёргарлик кўриш керак бўлади. Умуман ўқув машғулоти жараёнига олдиндан ишлов бермасдан, якуний натижаларининг ўқув мақсадига мос келишини чамаламасдан,

ўқитиш давомида юзага келадиган ноқулай ҳолатларга боғлиқ ҳолда бошқариш имкониятларини ҳисобга олмасдан туриб мазкур жараённи технологиялаштириш мумкин эмас.

Баҳолаш жорий, оралиқ ва якуний назоратни ўз ичига олади. Жорий назорат узлуксиз қайта боғланишни таъминлайди ва одатда баҳолашсиз ўтказилади, шунинг учун у билимларни шакллантиришда иштирок этади. Педагогик технологияда қайта боғланиш нафақат ўқитиш жараёнини тузатиб бориш учун, балки ўқув мақсадларини аниқлаштириш учун ҳам хизмат қилади. Якуний назоратда режалаштирилган ўқув мақсадларига эришганлик даражаси баҳоланади. Рейтинг назорати оғзаки, ёзма ва тест усулида бўлиши мумкин. Талабанинг ёзма ва оғзаки назоратда олган баҳоси баъзан холисона бўлмайди. Билимларни баҳолаш амалиётида педагоглар гуруҳнинг ўртача даражасини ҳисобга олади. Шунинг учун кучсиз гуруҳларда баҳолар одатда кўтарилган, кучли гуруҳларда пасайтирилган бўлиб чиқади. Ёзма назорат ўқув материалини ўзлаштириш даражасини ҳужжатли тарзда ўргатиш имконини беради, шунингдек, талабага ўз фикрларини қоғозда баён қилиш имконини беради. Икки-уч мустақил экспертларни ишларини текшириш учун жалб қилиш билан ўтказиладиган ташқи ёзма назорат аниқ мезонлар бўлган тақдирда объектив баҳога яқин баҳолашга имкон беради.

Аммо, билимларни оғзаки ва ёзма назорат қилишнинг анъанавий усули маълум камчиликларга эга: имтиҳонда талаба берилган билетнинг 3-4 саволига жавоб беради, баҳо эса бутун ўқув фанини билиш учун қўйилади, 5 баллик шкала ишлатилган. Оғзаки ва ёзма назорат ҳар доим ҳам билимларни баҳолашнинг объективлигини, аниқлигини ва ишончлилигини таъминламайди, оғзаки сўров кўп вақт сарфланишини талаб қилади, ёзма ишлар педагогларнинг уларни текширишга кўп меҳнат сарфлашлари билан боғлиқ.

Сўнгги йилларда педагогика фанида билимларни оғзаки ва ёзма назорат қилиш объективлигини, ишончлилигини етарлича ошириш усуллари ишлаб чиқилмоқда. Лекин, шуни ҳисобга олганда ҳам билимларни оғзаки ва ёзма текшириш етарлича технологик эмаслигича қолади, уларни компьютерлар ёрдамида автоматлаштириш қийин. Бу нисбатда билимларни тест усулида



назорат қилиш, улардан бир неча марта устун туради.

Тўғри ташкил қилинганда педагогик тест талабалар билимини холисона баҳолаш самарасини беради. Педагогик тест тўла асос билан ўқитиш натижаларини аниқ ва ишончли баҳолашга имкон берадиган педагогик ўлчов қуролидир. Бундай баҳолаш фақат илмий талабларга амал қилинган ҳолда тузилган, текширилувчан ва меъёрига етказилган сифатли тест туфайлигина амалга оширилиши мумкин. Тест ўтказиш ўқитишни олиб бориш ва унинг натижаларига катта таъсир кўрсатиши мумкин. Сифатли тестлар билиш фаоллигини оширади, талабалар фаолиятида юқори мўлжалларни белгилайди.

Билимларни ўзлаштириш назоратининг илғор воситаларини киритадиган рейтинг тизимидан самарали фойдаланиш ҳам муҳим. Талабалар билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими деганда ҳар бир талабани ўқитишнинг бориши ва натижаларини баҳолашга бир хил шаклда ёндашувнинг ўзаро боғлиқ кўрсатмалари ва қоидалар мажмуаси тушунилади.

**Олий таълим муассасаларида рейтинг назорати таркибида қуйидагилар ифодаланади:** назорат турлари (жорий, оралиқ ва якуний); назорат усуллари (оғзаки, ёзма, тест ўтказиш, маълум амалларни бажариш); даврийлик ва ўқитиш даври мобайнида баҳолашларнинг энг кам сони; баҳолаш мезони; ўқитилаётган фан бўйича якуний баҳога талабанинг айрим баҳоларини бирлаштириш қоидалари; натижаларни расмийлаштириш қоидаси ва бошқа кўрсатмалар.

Олий таълим муассасаларида рейтинг тизимини киритишнинг мақсад ва вазифалари, одатда қуйидаги натижаларга эришиш учун **шарт-шароитлар яратишдан иборат:** талабалар томонидан давлат таълим стандартлари талабларининг ўзлаштирилиши; билимларни баҳолашнинг холислиги ва узлуксизлигини таъминлаш; талабалардаги билиш фаолиятининг фаоллашуви, уларда ўқишда ютуқларга эришишга интилишнинг шаклланиши, мустақил ишга мунтазам жалб қилиш; ўқиш жараёнидаги ютуқлар бўйича талабалар ўрнини аниқлаш билан ўқув фаолияти натижаларини мувофиқлаштириш, уларни ўқишдаги ютуқлари учун рағбатлантириш; ўқитиш натижаларининг таққосланишини таъминлаш.

Талабалар билимларини баҳолашнинг илғор рейтинг тизими қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак: узлуксиз таълим босқичининг ўзига хослигини инобатга олиш; ўқув фанининг алоҳида қисмларини эмас, балки ялпи назоратини амалга ошириш; талабаларни ўқишдаги ютуқлари бўйича яхшироқ табақалаш мақсадида баҳоларнинг кўп балли мезони қўллаш; педагог томонидан қўйиладиган бирламчи баҳо мураккаб математик ҳисоблашлар билан боғлиқ бўлмаслиги, у педагог томонидан ўқув муассасасида олдиндан ишлаб чиқилган мезонлар асосида қўйилиши; ҳар бир таълим муассасасининг кўрсатмалари асосида натижалари якуний рейтинг баҳолашга кирадиган, ўқитиш давридаги барча фанлар бўйича оғзаки, ёзма ва тест назоратларининг зарур мажбурий сонини ўрнатиш; рейтинг тизимлари маълум босқич чегарасида ўқитиш натижаларининг таққосланиш имконини таъминлаши ва бошқалар.

Маълумки, бир хил шароитда тегишли методикалар ва мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб ўқитганда талабалар турли даражадаги ўзлаштириш кўрсаткичларига эга бўлишади. Бунинг асосий сабаби, улар қобилиятининг турличалигида.

Б.Блум ўтказган тадқиқотларида юқори қобилиятлилар юқори натижаларни, ўртача даражадагилар ўртача кўрсаткичларни беришлиги аниқланган. Бунда вақт сарфи ҳам турлича эканлигини кўриш мумкин: қобилиятлилар ўқув материалини ўзлаштириш учун кам вақт, ўртачалар учун улардан кўпроқ вақт, бўшлар учун энг кўп вақт зарур бўлар экан. Анъанавий таълимда ушбу номувофиқликдан чиқишнинг икки йўли мавжуд: биринчиси, иккинчи йил қолдириб ўзлаштириш даражасига эриштириш, иккинчиси, гуруҳ талабаларини гомоген гуруҳларга ажратиш йўли билан таълимда юқори самарадорликка эришиш. Б.Блум анъанавий таълимдан фарқли равишда, таълим шароитининг самарали шароитини танлаш, биринчи навбатда ўқиш суръатини ошириш орқали тўла ўзлаштиришга эришиш мумкинлиги ғоясини илгари суради. Бундай шароитда кучли ва бўшлар ўртасидаги ўзлаштириш фарқи кескин камаяди. Тўла ўзлаштириш моделида мавжуд талабалар гуруҳининг ҳаммаси юқори натижаларга эришиши учун ўқув мақсадларидан келиб чиқадиган натижалар тегишлича юқори даражаларда ифоланиши керак.



Педагогик технологиялар таълимда репродуктив ўзгариш даражасини эгаллашни кафолатлайди. Талаба продуктив (маҳсулдор) ва ижодий ўзлаштириш даражаларини эгаллашда анъанавий методикадаги ўқитишнинг муаммоли усул ва методларидан унумли фойдаланади. Педагогик технологияларни яратишда анъанавий ўқитиш методикасидаги бой тажриба ва илғор педагогик жараёнлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Педагог бўлим, бобни лойиҳалаштиришга киришар экан, аввало, мезонни тўғри аниқлаши, ушбу моделда ишлашнинг асосий ҳолатини ҳисоблашни билиши зарур. Шундан кейин курс мақсадларини тоифалаштириш, мақсадларидан аниқлаштирилган натижалар олинишини кетма-кетликда ишлаб чиқиш ва уларга мос равишда диагностик тестлар тайёрланиши, ўрганиладиган материални қисмларга бўлиб ўрганилиши лозим бўлган ўқув бирликларини аниқлаши, уларни таҳлил қилиши ва ўрганиш бўйича қайта ишлаб чиқиши лозим. Ўқув бирликлари аниқлангач, уларни ўрганишда қандай натижаларга эришишни бирма-бир аниқлаш, эришилган натижаларни текшириш учун диагностик характердаги тест назоратларини ўтказиши ва бу назорат натижалари баҳоланмаслиги керак. Бунда фақатгина ўрганган, ўрганмаган мезонларида баҳоланади ва зарур тузатишлар киритиб борилади.

Навбатдаги босқичда ҳар бир тест жавобларидаги хато ва камчиликларни тузатиш бўйича талабалар учун янги бўлган ўқув методикасига оид қайта ўрганишни ташкил этади. Ушбу методикани амалга ошириш қуйидаги кетма-кетликда кечади: кириш қисми, талабаларни тўла ўзлаштириш методикасида таълимга тайёрлаш ва уларда рағбатни вужудга келтириш, тўла ўзлаштиришга йўналтирилган ҳолда ҳар бир ўқув бирлиги бўйича ўқитиш, ҳар бир талабада ўқув материалининг тўла ўзлаштирилганлигини баҳолаб бориш ва ҳар бир талабага қўйилган баҳони изоҳлаш.

Лойиҳалаштирилган ўқув жараёнининг бирлиги икки кичик лойиҳага ажратилади. Биринчи қисмида анъанавий таълимдагидек тушунтириш, кўрсатиш, изоҳлаш, асослаш, тушунчаларни шакллантириш, уларни билиш, амалга татбиқ қилиш кабилар аниқ ифодаланган мақсадлар асосида олиб борилади. Иккин-

чисида, ҳар бир ўрганилган ўқув бирлиги бўйича жорий тест синовлари олинади. Тест синовлари диагностик аҳамият касб этиб, тескари алоқа вазифасини ўтайди, уни ўтказишдан мақсад тузатишлар киритиш, тўлдиришларни амалга оширишдан иборат бўлиб, бунинг учун қўшимча ўқув тадбирлари белгиланади. Тест натижаларига кўра талабалар икки гуруҳга ажратилади: тўла ўзлаштиришга эришганлар ва эришмаганлар гуруҳи.

Ўқув бирликларини тўла ўзлаштирмаган талабалар педагог раҳбарлигида ушбу ўқув бирликларини ўрганишни давом эттиради. Улар билан қўшимча тузатиш ишлари ташкил қилинади ва йўл қўйилган камчиликлар аниқланади ҳамда уларни тузатиш учун машғулотлар олиб борилади. Бу машғулотлар такрорий бўлгани учун уни баён қилишда янги усуллардан фойдаланиш ва кўргазмали қуроллар, ўқитишнинг техника воситаларини ишлатиш, индивидуал ишлардан фойдаланиш орқали ушбу гуруҳ тўла ўзлаштиришга олиб чиқилади. Тўла ўзлаштиришга эришганлар учун қўшимча топшириқлар берилади, улар навбатдаги ўқув бирлигига ўтказилмайди. Навбатдаги ўқув бирлигини ўрганишга иккала гуруҳ ҳам бирга киради.

Ҳар қандай фаолият инсон томонидан олдин ўзлаштириб олинган ахборотлар ёрдамида амалга оширилади. Ахборотлардан фойдаланиш характерига қараб фаолиятнинг икки кўринишини фарқлаш мумкин: номаҳсул ва маҳсулдор. Уларнинг бир-биридан фарқи шундаки, номаҳсул фаолиятида инсон ўзига маълум бўлган ҳаракат қоидаларидан фойдаланади ва бу жараёнда ҳар қандай янги ахборотлар юзага чиқмайди, чунки у фақат олдин ўзлаштирган усулларни қайтадан ишлаб чиқади.

Талабалар маҳсулдор фаолиятни бажаришда доимо янгиликка дуч келади. Ҳар икки фаолият тури ҳам мустақил равишда ёки ташқаридан кўрсатилган таъсир ёрдамида бажарилади. Номаҳсул фаолият йўриқнома, луғат орқали ёки ҳаракатларни бажариш қоидалари тўғрисида бошқа бир ахборот манбалари асосида кўрсатмасиз бажарилса, маҳсулдор фаолият маълум методик кўрсатмалар остида бажарилиши мумкин.

Умуман олганда, билим ва кўникмаларни ўзлаштириш сифати бўйича ўқув машғулоти мақсадларининг ташхисланувчанлиги ўзлаштиришнинг зарурий даражаларини аниқлаштиришни



талаб этади. Демак, биринчи навбатда, талабаларнинг бўлажак фаолиятига ва мутахассислик маҳоратига қўйилган талаблар эътиборга олинади.

Талабаларни замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, рақобатбардош кадрлар қилиб тайёрлашда қуйидагиларга **эътибор қаратилади:** ўқув машғулоти жараёнини демократизациялаш, ҳамкорлик педагогикасига асосланиш; мазкур жараёнда дидактик ўйин, муаммоли, модулли ўқитиш, лойиҳалаш ва ҳамкорликда ўқитиш технологияларидан фойдаланиш орқали талабаларнинг якка тартибда ва кичик гуруҳларда мустақил, ижодий ишларини ташкил этиш; талабаларнинг бўлажак мутахассислик фаолиятига илмий-методик жиҳатдан тайёргарлигини таҳлил қилиш, уларда кўникмалар шаклланишини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир талабага ўзини-ўзи ривожлантиришнинг индивидуал иш режасини тавсия этиш; ўқув машғулоти жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, талабаларда мустақил фикрлашни шакллантиришга имкон берадиган замонавий педагогик ва ахборот технологияларини танлаш ҳамда амалиётга жорий этиш кўникмаларини эгаллашига эришиш; талабаларнинг битирув малакавий ишлари мавзуларини ўқув машғулоти жараёнининг долзарб муаммоларига бағишлаш орқали мунтазам равишда ўз савиясини ошириш ва фаол илмий-тадқиқот ишларини олиб боришига замин тайёрлаш.

Талабаларнинг илмий-методик тайёргарлигини такомиллаштиришда уларнинг илмий дунёқараши ва илмий назарий тайёргарлигига асос бўладиган мутахассислик фанларини ўқитишда касбий йўналтирилганлик, умумкасбий фанларни ўқитишда касбий тайёргарликни шакллантирадиган педагогика, педагогик технологиялар, психология каби ўқув курслари ўртасида узвийликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ўқув машғулоти жараёни мақсадга мувофиқ равишда бошқарилади. Бу масала ҳар бир янги ўзлаштирилиши лозим бўлган билимларнинг, ундан аввал ўзлаштирилган билимлар даражасига боғлиқ. Агар навбатдаги ўзлаштирилиши лозим бўлган билимларни, ундан олдинги ўзлаштирилган билимлар асосида прогноз этиш масаласи илмий-услубий жиҳатдан ҳал этилса ва амалиётда қўлланса, бу ҳол, биринчидан, педагоглар

учун ҳар бир талабанинг навбатдаги билиш фаолиятини бошқаришда катта имкониятлар яратади. Иккинчидан, ҳар бир талаба ўзини-ўзи назорат қилиш имконига эга бўлиб, ўз фаоллигини оширади.

Бугунги кунда мутахассис тайёрлашда талабаларнинг турли фанлардан, шу жумладан, педагогик ва касбий услубиётлар бўйича билим, иқтидор ва кўникмаларини шакллантириш жараёнини назорат қилиш муҳимдир. Тўғри ташкил этилган назорат талабаларни олинаётган билимларини янада чуқурлаштириш, уларнинг шахсий хусусиятларини ривожлантириш учун турли воситаларни танлаш имконини беради. Талабанинг ўқув фаолиятига таъсир этишнинг икки қирраси бор. Биринчиси, педагог қўллаётган усул ва методлар бўлса, иккинчиси, педагогнинг фақат шахсий хислатларига боғлиқ бўлган таъсир этиш воситаларидан фойдаланишдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, олий таълимнинг узлуксиз такомиллашишида ўқув машғулоти жараёнларининг усул ва методларини янада мукаммаллаштириш ва талабалар ўқув фаолиятини бошқариш масалалари узлуксиз ечимли муаммолар қаторига киради.

Ўқув машғулоти жараёнида билим, иқтидор ва кўникмалар шаклланганлигини назорат қилиш муҳим ўрин эгаллайди. Тўғри ташкил қилинган ўз-ўзини назорат эса ўқув материалини ўзлаштиришга ижодий ва танқидий ёндашиш имконини беради. Бу, айниқса, янги фан ўрганилаётганида бундан олдинги ўқув фанларида ўзлаштирилган билимларнинг даркорлигида кўринади. Талабалар мустақил ишлаб етишмайдиган билимларини тўлдириб борса яхши, аммо ўзини-ўзи назорат қила олмайдиган талабаларнинг янги мавзуни ўзлаштириши анча мураккаб кечади. Шунинг учун ҳам педагоглар янги фан ва мавзуни бошлашдан олдин талабаларнинг янги дастурни ўзлаштиришга қанчалик тайёрлигини аниқлаш мақсадида дастлабки назоратни амалга оширишлари керак бўлади. Назоратнинг жорий, оралиқ, якуний каби учта тури ва ёзма, оғзаки ва тест синовлари ҳамда турли амалий шакллари мавжуд.

Бугунги кунда, талабаларнинг фанларни мустақил ўзлаштиришини компьютерлар ёрдамида ташкил қилиш муҳим. Улар



ёрдамида ташкил қилишнинг асосий манбаларидан бири замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув-назорат дастурлари таъминотини яратишдир. Компьютер замонавий техника воситаси сифатида, улар ёрдамида талабаларнинг назарий билим асослари билан қуролланишига ёрдам беради, ўқув материалини фаол ўзлаштиришга, эгалланган назарий билимларни амалга жорий эта олишга ўргатади ҳамда уларнинг ўзлаштириш даражасини тез ва ҳаққоний аниқлашда қулай восита бўлиб хизмат қилади.

Кейинги йилларда ўқув машғулоти жараёни элементларини компьютерлаштириш бўйича, яъни ўқув материалини баён қилувчи ўқитиш, тасаввур қилиш қийин бўлган жараёнларни намойиш қилувчи, талабалар ўзлаштириш даражаларини турли усулларда назорат қилувчи дастурларни амалиётга жорий этиш ишлари йўлга қўйилди. Аммо, ўқув машғулоти жарёнида фойдаланиш учун мўлжалланган дастурлар яратишга ва улардан кенг фойдаланишга етарлича эътибор берилмаяпти. Ушбу масалаларни ҳал қилиш мақсадида талабаларнинг мустақил равишда билим олиши ва ўзлаштириш даражаларини аниқлаш компьютер дастури яратилган бўлиб, ундан фойдаланиш натижасида талабалар фанларни мустақил тарзда ўзлаштиришлари билан бирга, ўз билим даражасини аниқлашга ҳам эришишади. Дастурдан фойдаланиш содда бўлиб, унда худди Windows операцион тизимида ишлагандек ишлаш имкониятига эга бўлинади.

Дастур ишга туширилгач, у билан ишлаш бўйича кўрсатма ойнаси ҳосил бўлади. Кўрсатма билан танишиб бўлгач, талабалар танлаган кўрсатмалари бўйича бир неча ойналар бирин-кетин ҳосил бўлади. Дастур ойналаридан асосийларидан бири "Фан дастури" бўлими бўлиб, буни танлаш орқали "Мавзуни танлаш" ойнаси ҳосил қилинади. Талаба бу ойнадан факультет, кафедра, фан ва мавзу номларини танлаши, сўнг ойнадаги "Мавзуни ўқиш" бўлими устида сичқонча тугмасини босиши зарур. Натижада, талабадан исми, шарифи ва гуруҳ рақамини киритиш сўралади. Бу маълумотлар киритилгандан сўнг "Давом этамиз" кўрсатмаси танланади ҳамда талабадан "Керакли мавзуни танлаш" ва "Мавзу бўйича тест синови" бўлимларидан бирини танлашни талаб қилувчи навбатдаги ойна ҳосил бўлади. Талабалар хоҳишига кўра ушбу бўлимлардан бирини танлаши мумкин.

Дастурда талабанинг мавзуни ўзлаштириш даражасини ҳисобга олишда рейтинг тизими эътиборга олинган бўлиб, агар талаба 55% дан ортиқ ўзлаштиришга эришса, бошқа фанни танлаши ва ўз билим даражасини аниқлаши мумкин. Талабаларнинг мавзуни мустақил ўзлаштирганлик даражасини таҳлил қилиш учун "Мавзуни танлаш" ойнасидаги "Маълумотлар омбори" бўлими танланади. Натижада "Текширув ойнаси" ҳосил бўлади ва керакли паролни киритиш сўралади. Сўнгра, "Текширув" ойнасидаги "Янги парол киритиш", "Паролни тасдиқлаш", "Базани тозалаш", "Омборга кириш", "Ҳисоботлар" ва "Чиқиш" каби бўлимлар ишчи ҳолатда бўлади. Ойнанинг "Ҳисоботлар" бўлими орқали дастурдан мустақил шуғулланган талабалар ҳақидаги маълумотларни олиш мумкин.

Бу дастурнинг қулайлик томони шундаки, фан бўйича тайёрланадиган назарий маълумотлар ва тест саволлари Word дастурида тайёрланган бўлса, уни ўқиш имкониятига эга. Ушбу дастурдан ихтиёрий фанларни мустақил равишда ўзлаштиришда фойдаланиш мумкин. Бунинг учун фанлар бўйича тайёрланган дидактик материаллар ушбу дастур базасига киритилса ва дастурга боғланса, машғулот сифати янада яхшиланади, талабалар компьютер орқали мустақил тарзда билим олишга эришади.

Америкалик руҳшунослар Р.Ганье ва Л.Бриггслар аниқ ўқув мақсадларига эришишга йўналтирилган ва шу билан бирга маҳсулдор тафаккур даражаларига эришишга рағбатлантирувчи унсурларни ўз ичига олган қуйидаги ўқув машғулоти қурилмасини тузишни таклиф қилишган, ўқув машғулоти ўтишнинг бу усули хусусий ўқув мақсадларига эришишга ҳамда фикрлашнинг маҳсулдор даражасини **рағбатлантиришга қаратилган:** талабалар диққат-эътиборини бир жойга жамлаш; талабаларни ўқув машғулоти мақсадларидан хабардор қилиш; зарурий билимларни ёдда сақлаб қолиш кўникмаларини эгаллаш зарурлигини уқтириш; қизиқиш уйғотадиган ва уларни ҳаракат қилишга ундайдиган ўқув материалини тақдим қилиш; талабаларнинг ўқув материалидан таъсирланиб қиладиган акс-садо қабилидаги жавобларини юзага келтириш; фикрлаш фаолиятига таъсир қилиш, олинган билимлар ва маҳоратнинг мустаҳкам бўлишига эришиш; талабалар фаолиятини рағбатлантириш.



Инглиз олими А.Ромишевский **педагогик технология методининг қуйидаги вариантини тавсия этади:** талабаларни керакли билимлардан хабардор қилиш; эсда қолганларни тиклашга доир маҳоратни шакллантириш; талаба бажарадиган иш-ҳаракатни яхлит ҳолда ва қисмлари бўйича намойиш этиш; малака ҳосил қилишни соддалаштириш (берилган вазифани бўлакларга бўлиб бажартириш); талаба мустақил бажараётганидан хабардор бўлиб, уни рағбатлантириб бориш; маҳсулдор, изланувчан даврга ўтиш; турли муаммоли вазиятларни ташкил этиш ва янги ҳамда ўзига хос масалаларни ечиш; талабалар ўз фаолиятини таҳлил қилишлари, педагог ҳам ўз навбатида уларнинг вазифани қандай бажарганликларини гуруҳда муҳокама қилишлари.

Ҳар бир ўқитилаётган фандан талаба маълум йўл-йўриқ олади. Бунда бўлим ёки бобнинг мақсадлари кўрсатилиши, ўқув ишларининг маълум турлари тавсия қилиниши, талаба ўзини-ўзи текшириши ва назорат саволларининг рўйхати келтирилиши керак. Талабаларга ўқув фаолиятининг турлари ва ишлаш тартибини эркин танлаш имкони берилади. Ўзлаштирилган боб, бўлим бўйича имтиҳондан аввал ҳар бир талабани ёрдамчи ассистент педагог ишлаб чиққан аниқ талаб ва мезонларга мос ҳолда баҳоланади. Қониқарсиз баҳо олишганида ёрдамчи тавсиясига кўра талабаларга қўшимча материални ўзлаштирилиши юзасидан тавсиялар берилади. Синовдан ўтиш кейинги бўлимни ўрганиш учун ўзига хос рухсатнома бўлиб хизмат қилади. Маърузалар сони кўп бўлмайди (бир семестрда 6 тагача), уларга қатнашиш мажбурий эмас.

Ўқув машғулоти жараёнида педагогик технологиялардан ўз ўрнида фойдаланиш, талабаларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини орттиради, билиш фаолиятини фаоллаштиради, машғулоти жараёнининг самарадорлигини оширади.

Талаба билими, малака ва маҳоратини текшириш ҳамда баҳолаш бутун ўқув йили давомида изчиллик ва таълимнинг нуқталиги томойилларига мувофиқ олиб борилади. Шу билан билимни текшириш ва баҳолаш турлари мавжуд. Қандай ечилаётганига, яъни талаба қандай билимга, малака ва маҳоратга эга эканлигига эътибор қаратиш муҳим. Асл моҳияти яна талабани

ўқишга қандай муносабатда бўлиши, шуғулланиши кабиларга боғлик. Буларнинг барчаси билимни текшириш ва баҳолашнинг турли усулларини қўллашнинг зарурлигини кўрсатади.

Талабалар билимини жорий назорат қилишнинг турларини классификациясини кўриб чиқамиз: оғзаки сўроқ; уй иши; талабаларнинг ўқув фаолиятини кузатиш; лаборатория иши назоратининг ижодий шакли. Талабаларнинг билимини назоратнинг қизиқарли шакллари сифатида турли информатикадан реферат, кроссворд ва ребуслар таклиф қилиш мумкин.

Оралиқ назорат жорийга қараганида кўпрок мустақил назорат тури. Унда фан дастурларини ва аниқ ўқув фанининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш имконияти бор. Оралиқ, жорий ва якуний назоратнинг турли мақсадлари, уларнинг турли функцияларида ўз аксини топади. Оралиқ назоратнинг қуйидаги функциялари бор: ўқув фаолиятининг самара даражасини текширув, диагностик, ташкилий, тарбиявий-мотивацион. Оралиқ назоратнинг мақсади талабаларнинг ўқув соҳасида маълум бир мавзуларининг ўзлаштирилганлигини текшириш. Оралиқ назорат педагог томонидан оғзаки ва ёзма шаклда ўтказилиши мумкин. Бундан ташқари фаннинг йўналиши ҳамда талабалар даражасидан келиб чиққан ҳолда тест турлари, шакллари танланиши лозим. Тест турларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

**Эслаш, ёдда сақлаш, таниш** каби психик жараёнларнинг боришини таъминловчи тестлар. Бу тестлар мустаҳкамлаш ва текшириш вазифасини бажаради. **Ўзлаштиришнинг репродуктив даражасини ўлчовчи** тестлар. Бу тестда талаба ўз билимларини ўрганган ҳолатида қўллай олиши талаб этилади. Бу тестларни ишлашда талаба формулани эслаш, тенгликларни ва шунга ўхшаш мисолларни эслаш каби психологик операцияни бажариши лозим. Бундай тест талабаларда билим, малака ва кўникмаларини баҳолашга ёрдам беради. Аммо, бу тестда кўпроқ қўллай олиш назарда тутилади. Бундай тестлар ижодий фикрлаш даражасига таъсир этмайди ва уларни репродуктив тестлар деб аташ ўринли бўлади.

**Продуктив тест тури**. Бундай тестни ечишда талабадан ижодий ёндашув талаб этилади. Бунинг учун талаба 5-6 та операцияни бажариши лозим. Бу тест мантиқий фикр юритишни талаб этади. Бунинг учун ўқув машғулоти жараёнида ечилган машқлардан бир оз бошқачароқ вазифалар танлаб олиниши керак бўлади. **Изланувчан-ижодий тест тури**. Маълумки, ижод - бу қандайдир янги ечимни топишдир. Бунинг учун бу тестда стандарт бўлмаган вазифалар берилади. Бу мураккаб тест бўлиб, ижодни ривожлантиришда ва иқтидорли талабаларни танлаб олишда ишлатилади.

Тестларнинг шаклига кўра ҳам бир қанча гуруҳларга ажратиш мумкин.

**Ёпиқ тестлар**. Бу тест шарт, сўроқ ва бир қанча жавоблардан тузилган бўлиб, биттаси тўғри жавоб ҳисобланади. Унинг ёпиқ тест дейилишига сабаб, талаба ўзининг тўғри жавобини бера олмайди. У фақат мавжуд жавоблардан биттасини танлаши мумкин. Бундай тестларни тузишда юзакиликдан эҳтиёт бўлиш керак ва жавоблар тузаётганда мантиқийлик ҳамда таҳлилга асосланиши лозим. **Очиқ тестлар.** Бу тестда шарт ва сўроқ берилади. Жавоб эса мустақил талаба томондан топилади. Бунда муҳим сўз тушириб қолдирилиши мумкин, ана шу сўз топилиши лозим.

**Муносибликни танлашга қаратилган тестлар**. Бу тестлар ажратиш ва жой-жойига қўйиш каби операцияларни бажаришда ишлатилади. **Изчилликни ўрнатишга бағишланган тест.** Бунда тартибсиз берилган элементлар изчил кетма-кетликда жойлаштирилиб чиқиши керак.

Ўқув машғулоти жараёнини ташкил этиш, ўқитиш воситалари, усуллар, технологиялар - дидактик жараён бўлиб белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган. Педагогик тизимнинг бир элементи ўзгарса, масалан мақсади ўзгарса унинг бошқа қисмлари (шакл, мазмуни, жараёнлари) ҳам ўзгаради.

Билим ўзлаштириш даражалари ва ўзлаштириш коэффиценти репродуктив фаолият албатта бирламчи бўлиб, ундан маҳсулдор фаолият келиб чиқади. Талаба аввал репродуктив фаолиятни бажариши ва кўникма, малака ҳосил қилиш лозим, сўнгра маҳсулдор даражасига кўтарлиши лозим. Масала ёки вазиятни ечимини топишда тўртта даража ажратилади (11-жадвал).

*11-жадвал*

**Вазият ечимини топиш даражалари**

| Даражалар | Мазмуни |
|---|---|
| Биринчи | Агар мақсад, ҳаракат ва вазият аниқ кўрсатилган бўлса ҳамда талаба фақат шу ҳаракатни бажариши талаб этилса, бу биринчи даражали ўзлаштириш деб аталади. |
| Иккинчи | Агар мақсад ва вазият маълум, аммо ҳаракатни талаба ўзининг олдинги билимларини эслаш ҳисобига топиши лозим бўлса, бу иккинчи даражали ўзлаштириш хисобланади. Бу иккала ўзлаштириш усули репродуктив фаолията киради. |
| Учинчи | Агар вазифада мақсад аниқ, аммо вазият ноаниқ бўлса, талабадан вазиятни эслаш ва нотипик масалани ечиш талаб этилса, бу эвристик типдаги фаолият хисобланади. |
| Тўртинчи | Агар фаолиятнинг мақсади умумий тарзда берилган бўлса, вазиятни ҳам, ҳаракатни ҳам излаш талаб этилса, бу ижодий типдаги махсулдор фаолият ҳисобланади. |

Фаолиятни ўзлаштиришнинг бу тўрт даражаси билим, малака ва кўникмаларни шаклланиши босқичларидир. Ўқув машғулоти жараёнида репродуктив фаолиятдан маҳсулдор фаолиятга уйғунлик билан ўта олиш мазкур жараён самарадорлигин оширади.

Олий таълимда репродуктив таълим билан чегараланиб қолиш катта камчилик ҳисобланади, чунки касбий тайёргарлик талабаларда ижодий ёндашув, мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечимини тез топиш каби малака ва кўникмаларни шакллантиришни талаб этади. Бугунги кунда малакали кадрларни етиштириш масаласи долзарб муаммо. Биз талабаларни билимларни қайтариб айтиб беришга эмас, балки ана шу билимларга таянган ҳолда мустақил хулосалар чиқаришга ҳозирда мавжуд бўлган муаммоларни ечимини топшига ўргатишимиз лозим. Бунинг учун эса, ҳар бир мавзуни репродуктив ўзлаштириш жараёнидан маҳсулдор ўзлаштириш жараёнига қараб борувчи ҳаракатини таъминлаш керак. Маълум мавзу юзасидан олинган репродуктив билимлар аввал конструктив ёндашувга, сўнгра эса ижодий ёндашувга асос бўлсин.

Ўқув мотивлари талабада қизиқиш, эҳтиёж, интилиш уйғотишни ўз ичига олади. Талабада мотивларни шакллантириш индивиудал хусусиятларига, ташкилий шаклларга, педагогнинг маҳоратига боғлиқ. Мотивлар кучли ёки кучсиз бўлиши мум-



кин. Ўқиш мотивациясини пайдо бўлишига кўпгина омиллар таъсир кўрсатади. Булардан бири ташқи омил. Иш ўринларига ҳақиқий рақобатда ғолиб бўлган кадрларни танлов орқали қабул қилиши муҳим омиллардан бири. Ўзлаштириш фаолиятини ташкил этиш ўқув машғулоти мақсадларидан келиб чиқади. Агар ўзлаштиришни биринчи даражаси мақсад қилиб қўйилган бўлса, репродуктив ўзлаштириш даражаси билан кифояланиб қолинади.

Ўзлаштириш фаолияти ҳар бир даражада текширилиб ўзлаштириш коэффиценти аниқлангач кейинги ўзлаштириш даражасига ўтиш мумкин. Ўзлаштириш фаолиятини ташкил этишда, мавзунинг характерли хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маълум технологиялар танланади, улар белгиланган ўқув мақсадларига мос тушиши лозим. Мотивларни мавжудлиги ва ўқув фаолиятини тўғри танлаганлиги ҳали ўқув машғулоти жараёнини муваффақиятини таъминлай олмайди. Бундай натижага эришиш учун мазкур жараённи тўғри ташкил этиш ва бошқариш талаб этилади.

**Оралиқ назорат.** Ички Низомга мувофиқ 20 соат атрофидаги назарий ўқув машғулоти учун битта ОН ўтказиш режалаштириш туфайли 54 соатлик маъруза курси бўйича иккита ОН саволлари тузиш, улар бутун курсни мустақил таълим мавзулари билан биргаликда қамраб олиши лозим. ЯН вариантлари ҳам ушбу саволлардан тузилади ва бу тўғрида талабаларга дастлабки ўқув машғулотида маълум қилинади. Оралиқ назоратлар талабанинг хоҳишига кўра компьютерда ёки реферат шаклида олинади.

**Жорий назорат.** Фаннинг амалий машғулот қисмидан тўртта ЖН режалаштириш лозим. Улардан биттаси мустақил таълим мавзулари, қолган учтаси аудитория материаллари бўйича. Учта ЖН учун режалаштирилган мисол-масалалар рақамлари асосий адабиётдан олинади. Талаба гуруҳ журналидаги ўз рақамига мос вариантни бажаради. Маълумки, ЖН ҳар ўқув машғулотида амалга оширилиши керак. Шунинг учун ишлаб чиқилган қуйидаги ҳар бир вариант таркибига ҳар бир мавзудан бир ёки иккита мисол-масала рақамлари киритилади. Ҳар ўқув машғулотида уларнинг, шунингдек асосий адабиётдаги мустақил бажаришга

мўлжалланган мисол-масалаларнинг бажарилиши текширилиб борилади, бироқ баҳоланмайди.

Б.Блум таксономияси мавҳум тушунчаларни баҳолашда нималарга эътибор қаратиш лозим деган саволни ёритишга ёрдам беради. Агар таълим берувчи мавҳум тушунчаларни қўллаган бўлса, бу таксономиядан фойдаланиши мумкин. Таксономия тушунчаси ўзаро изчил алгоритмик боғланган тизимни билдиради. Ушбу таксономиядан ҳам баҳолаш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Ўзлаштиришни назорат қилиши жорий, оралиқ ва якуний назоратни ўз ичига олади. Жорий назорат узлуксиз тескари боғланишни таъминлайди, одатда баҳолашсиз ўтказилади, шундай килиб билимлар шаклланишида иштирок этади. Шуни эсламизки, педагогик технологияда тескари боғланиш нафақат ўқитишнинг боришини коррекциялаш учун, балки ўқув мақсадларини аниқлаш учун ҳам хизмат қилади. Якуний назоратда режалаштирилган ўқув мақсадларига эришиш баҳоланади.

Назорат оғзаки, ёзма ёки тест усулида бўлиши мумкин. Билимларни назорат қилишнинг бу турларини қўллашнинг хусусиятларини караб чиқайлик. Оғзаки назоратнинг афзалликларига шахсий контакт, таълим берувчининг таълим олувчи билан диалоги, уни айтадиганларини нутқ шаклида ифодалашга машқ қилдириш, билимларни янада чуқуррок текшириш учун таълим берувчи томонидан қўшимча саволлар бериш имконияти киради. У томонидан қўйилган саволга оғзаки жавоб беришга тайёрланиш доимо таълим олувчининг фаол фикрлаш фаолияти билан боғланган. Оғзаки жавоб яхши тайёрланган таълим олувчига ўзининг иқтидорини, қўшимча эгаллаган билимларини намойиш этишга имкон беради. Бевосита контакт туфайли таълим берувчи сўроқ вақтида таълим олувчининг билимлари тўғрисидаги барча гумонларни бартараф этиш ҳолатида бўлади.

Шу билан бир вақтда оғзаки назоратда таълим олувчилар билимларини баҳолаш маълум даражада таълим берувчи индивидуал-лигининг акс этиши бўлади. Ҳар бир таълим берувчида билимларни баҳолашда доимо объектив ва субъектив муносабат бир вақтда олдинга чиқади. Кўп сонли чет эл тадқиқотларида кўрсатилганки, қисқа вақт оралиғида бир-биридан мустакил ра-



вишда битта таълим олувчини битта билимлар соҳасида битта ўқув мақсадларида текшириш иккита имтиҳон олувчи баҳосининг мос келиши фақат 40-60 % ҳолларда мос келган (К.Ингенкамп, 1991). Бунда битта имтихон топширувчи бир имтихон олувчида энг юқори баҳони, бошқасида эса энг паст баҳони олган. Шунингдек, турли таълим берувчилар томонидан битта ёзма назорат ишига қўйилган баҳоларнинг анча фарк қилиши ҳам тасдиқланади.

Шундай килиб, таълим олувчининг ёзма ва оғзаки назоратда олган баҳоси баъзан субъектив бўлади. Унинг баҳоси, одатда, нафақат унинг билимлари даражасига боғлиқ бўлади. Билимларни баҳолаш амалиётида таълим берувчилар одатда, гуруҳнинг ўртача даражасига мўлжал олади. Шунинг учун кучсиз гуруҳларда баҳолар одатда кўтарилган, кучлиларда пасайтирилган бўлиб чиқади.

Ёзма назорат ўқув материалини ўзлаштириш даражасини қужжатли тарзда ўргатиш имконини беради, шунингдек, таълим олувчига ўз фикрларини қоғозда баён қилиш амалиётини беради. Икки-учта мустакил экспертларни ишларни текшириш учун жалб қилиш билан ўтказиладиган ташки ёзма назорат аниқ мезонлар бўлган тақдирда объектив баҳога яқин баҳолашга имкон беради. Аммо, билимларни оғзаки ва ёзма назорат қилишнинг анъанавий усули маълум камчиликларга ҳам эга: имтиҳонда таълим олувчи имтиҳон билетининг 3-4 саволига жавоб беради, баҳо эса ҳамма ўқув фанини билиш учун қўйилади, фарқ қилиш қобилияти кучсиз бўлган 5 баллик шкала ишлатилган, оғзаки ва ёзма назорат ҳар доим ҳам билимларни баҳолашнинг объективлигини, аниқлигини ва ишончлилигини таъминламайди, оғзаки сўров кўп ўқув вақти сарфланишини талаб қилади, ёзма ишлар таълим берувчиларнинг уларни текширишга кўп меҳнат сарфлашлари билан боғлиқ.

Барча ўрганилган ўқув материалини мунтазам назорат қилишга уринган таълим берувчиларнинг қандай қийинчиликларни бошдан кечириш-лари маълум. Билимларни оғзаки ва ёзма назорат қилишда компьютерларни кенг қўллаб бўлмайди. Бутунлай олганда, билимларни огзаки ва ёзма назорат қилиш етарлича технологик эмас, улар кўпинча таълим берувчилар

ўқув фаолиятининг маъкул бўлмаган кўринишлари сифатида намоён бўлади.

Сўнгги йилларда педагогика фанида билимларни оғзаки ва ёзма назорат қилиш объективлигини, ишончлилигини ва валидлигини етарлича ошириш усуллари ишлаб чиқилган.

**Талабалар билимини баҳолашнинг компьютер тизими ва ўзлаштириш** мониторингини ташкил этиш учун аввало, замонавий таълим тизимида ўқитишнинг сифатини ташхис қилишга, яъни унинг ҳолатини аниқламай туриб, ундаги жараёнларни самарали бошқаришга, таълимда маълум бир мақсадга эришишнинг иложи йўқлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Талабаларнинг якунловчи билим ва малакаларини таълим жараёнида турли мезонлар ва ёндашувларга таяниб аниқлаш, бу жараёнларга ахборот технологияларини қўллаш, уларнинг қўйилган дидактик талабларга мослиги ҳақиқийлигини назорат қилиш мумкин.

Бунда педагогик ташхис талабалар билим, малака ва кўникмаларини шаклланиш даражасини аниқлашни, назорат қилишни, баҳолашни, йиғиш ва статистик маълумотларнинг таҳлили ҳамда келгусида бу жараён ривожини башорат қилишни ўз ичига олади. Методик адабиётларда талабалар ўзлаштиришининг ташхиси, улар томонидан эришилган ўзлаштириш даражаси сифатида қайд этиш эканлигига эътиборни қаратсак, унда педагогик ташхиснинг мақсади, таълим жараёни боришини таҳлили ва уни баҳолашни ўз вақтида аниқланишидан иборат бўлади.

Маълумки, таълим жараёнини бундай баҳолаш, фақат талабанинг ўзлаштириш даражасини белгилаш билан чегараланиб қолмай, ўқиш жараёнини рағбатлантиришда муҳим педагогик восита ва ижобий мотив уйғотиш билан талаба шахсига кучли таъсир этади. Шу хилда талабани объектив баҳолаш асосида унда адекват равишда ўз-ўзини баҳолаш имкони туғилади ва ўз ютуқларига танқидий муносабат шаклланиши қайд этилади. Шу нуқтаи-назардан талаба билим, малака ва кўникмаларини баҳолаш, айниқса, билимларни назорат қилишнинг компьютерлаштирилган тизими, замонавий ахборот-педагогик тизимларида, уларда билимни назоратини ташхисий аҳамияти ва ҳаққонийлиги ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида тинимсиз



изланишлар ва такомиллаштириш ишларини олиб боришни тақозо қилади.

Мазкур масаланинг ечими ўқитишнинг мақсадига мувофиқ ва ҳаққоний бўлишида, иложи борича аниқ ва асосланган усул сифатида қайд қилинган. Бунда балларнинг кичик миқдори, билимларни ҳаққоний баҳолашни қийинлаштириши (масалан беш балли тизимни) аниқ бўлиши қийин ва шу боис уларнинг рағбатлантирувчи функциясини ҳам камайтиради. Лекин, катта интервалда (масалан, 100 балли тизимларда) олинган баҳолаш тартибида талабалар билимини баҳолашни самарали ташкил этиш мумкин. Шу боис компьютер технологиялари тизимида бажариладиган объектив ва субъектив томонларни баҳолашга таъсири билан боғлиқ факторларни аниқлаш лозим бўлади.

Таълимда ташхис ва унинг мониторингини режалаштиришда аниқланган устуворликларнинг барқарорлигини, турли жиҳатларнинг хусусиятларини, жумладан, талабанинг таълим тараққиётида шахс сифатида ижобий ёки салбий ривожланишини аниқлаш муҳим саналади.

Компьютер технологиялари асосидаги мониторинг фақат мутахассис педагоглар томонидангина эмас, балки педагогик жараён иштирокчилари-нинг ўзлари томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай технологияларда педагогик жараён ва ўқиш жараёни иштирокчиларида ўзларнинг ахборотга ва билимга бўлган эҳтиёж ва иштиёқларини фаоллаштириш хоҳишининг шаклланишига эришиш зарур. Бундай жиҳат ҳаққоний бўлиши учун Интернетнинг таълим ресурслари, талабгорларнинг сўровлари ва талабларига тўла жавоб бера оладиган даражада бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам экспертлар томонидан таълим веб-сайтларнинг сифатларини баҳолаш компьютер ташхисининг ҳаққонийлигида муҳим ўрин тутади.

Таълимда веб-сайтларнинг сифати таълим жараёнида ахборот фазасининг ривожланишига таъсир этувчи муҳим жиҳатлардан саналади. У мазкур базада таълим олишнинг сифатига ва мазкур тизимнинг маданиятли ташкил этилганлик даражасига бевосита таъсир этади.

Ташхисли таълимни маълумотли ва тўғри ташкиллаштириш ягона ҳуқуқий-меъёрий ва стандарт базасисиз яратишнинг им-

конияти йўқ. Республикамизда таълимнинг ягона ахборот базасида юқоридаги талабларга жавоб берадиган базани яратишга эҳтиёж мавжуд. Шу боис, бу масала бўйича олий таълим тизимида амалга оширилаётган тадқиқот ишларини биринчилардан деб қараш билан бирга, улар маълум камчиликлардан ҳоли бўлмаслигини ҳам таъкидлаймиз.

Ташхис ва мониторингни таълимда жорий этишда мавжуд методологияни қўллаш орқали ахборотли ўқитиш муҳитининг ташхисий вазифасини аниқлаш имконияти туғилади.

Айни пайтда талабалар эришган билимлар, малака ва кўникмаларни назорат қилишнинг кенг тарқалган йўли, тестлар ёрдамида текшириш бўлиб, компьютернинг тестдан фойдаланувчи билан ўтказадиган мулоқотига асосланган. Мазкур тизим педагогнинг техник қайта қуролланиши, унинг механизациялаштирилган меҳнати, ёхуд ўқитувчи машина деган шиорлар остида педагогнинг талаба билан индивидуал ишлари жараёнини мужассамлаштирувчи сифатида дунёга келди.

Баъзан ўқув жараёнида сунъий интеллект тизимини қўлланиши баҳолаш жараёнининг мураккаблиги, хусусан талабани баҳолаш учун унга катта миқдордаги ахборотни қайта ишлаши, баҳоловчи ва баҳоланувчи орасидаги мураккаб ўзаро таъсир жараёнининг мураккаблиги бу масалани осон ҳал қилиш имконини бермади. Хусусан, талаба билим ва малакасини компьютерлаштирилган ҳолда назорат қилиш, талаб қилинадиган билимлар мажмуасининг сифатини аниқлаш муаммосини ҳал қилиш лозимлигини, бусиз эришилган билимларни баҳолаш мезонларини ва уларнинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш қобилиятларни белгилаш мумкин эмаслиги ойдин бўлди.

Талабалар билими, малака ва кўникмаларини назорат қилишнинг асосий мақсади, улар эришган ютуқлар ва муваффақиятларини аниқлаш, уни такомиллаштириш йўлларини кўрсатиш ва шу асосда талабалар учун фаол ижодий фаолият кўрсатиш учун шароит яратишдан иборат. Бу мақсад, биринчи навбатда, талабалар томонидан ўқув материалларини ўзлаштириш сифати билан, яъни ўқув дастурида белгиланган билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш даражаси билан боғлик. Иккинчи томондан, назоратнинг асосий мақсадини аниқлаштириш, ўзаро ва



ўз-ўзини назорат қилиш бўйича ёндашувларни ўрганиш ҳамда ушбу назорат қилишга бўлган эҳтиёжнинг шаклланиши билан боғлик. Учинчидан эса, бу мақсад талабаларда бажарилган иш учун жавобгарликнинг намоён бўлиши каби шахснинг ижобий сифатларини тарбиялашга қаратилган бўлади.

Талабалар билимини назорат қилишнинг мақсадини амалга оширишда, назоратнинг бир қанча вазифалари мавжуд. Хусусан, булар ичида энг муҳими - назорат функцияси бўлиб, талабалар эришган билим, малака ва кўникмаларнинг ҳолатини, уларнинг билиш фаолияти бўйича ёндашувларни, ўзлаштирганлик даражасига кўра, уларнинг ақлий фаолиятларини ривожланиш даражасини намоён қилади. Унинг иккинчи муҳим вазифаси ўқитиш бўлиб, у талаба эришган билимлар, малака ва кўникмаларни такомиллаштириш ва тизимлаштирилганини назорат қилади. Бундай назорат жараёнида талабалар ўрганилаётган материални қайтариш ва мустаҳкамлаш билан шуғулланадилар. Билимларни текшириш, ўрганилаётган материалдан асосийсини ажратиб олиш, шунингдек, эришилаётган билим, малака ва кўникмаларнинг мазмунини аниқ ва равшан қилишга ёрдам қилади.

Назоратнинг учинчи - ташхис вазифаси, талабалар эришаётган билим, малака ва кўникмалардаги камчиликлар, етишмовчилик ва хатолар ҳақида, хатоларнинг сони ва характери ҳақида маълумот олишга ёрдам беради. Ўқитиш жараёнида ташхисий текширишлар учун маълум даражада самарали методикани танлашга ёрдам бериши билан муҳим саналади.

Билимларни назорат қилишда, унинг башорат этувчи вазифаси, таълим-тарбиявий жараён ҳақида, унинг келажаги, яъни олдиндан кўра билиш мумкин бўлган ҳолати тўғрисидаги ахборотни олиш учун хизмат қилади. У ўқув жараёнининг маълум босқичида ўқув материалининг маълум бўлаги бўйича мўлжалланган аниқ билим, малака ва кўникмалар етарлича шаклланганi ёхуд шаклланмаганлиги башоратини текшириш имконини беради. Маълум илмий башорат бўйича эришилган натижалар талабаларнинг келажакдаги фаолиятлари моделини яратиш учун қўлланилади. Бундай башорат, келажакда ўқитишни режалаштириш ва амалга ошириш учун аниқ хулосалар олишга кўмак беради.

## 3.6-§. Масофавий таълимни ташкил этишда интерфаол методларидан фойдаланиш технологияси

XXI аср иккинчи ўн йиллиги охири учинчи ўн йиллиги бошланишида кишилик жамиятининг турмуш тарзи унинг ўзига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган ички ва ташқи омиллар таъсирида шунчалик тез ўзгариб бораяптики буни келажакдаги қиёфасини гоҳида замонавий илм-фан ҳам олдиндан башорат қилиш имкониятидан чекланиб қолмоқда. Бу жараён барча соҳа фаолиятига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Баъзи соҳларда инқироз юз бераёган бўлса, баъзилари турғунлик комига чўкмоқда. Бу ҳолат ҳар бир жамиятнинг таназзулга юз тутишига олиб келиши эҳтимоллигини юзага келтириб, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда муқаррар инқирозни юзага келтиради. Бунинг оқибатларини бартараф этишдан кўра олдини олиш, ҳар бир соҳада замонавий инновацион методлардан мақсадли фойдаланиш, инсон омили ва ресурсларини тўғри йўналтириш, истиқболда кутилиши мумкин бўлган ҳар бир тасодифий таҳдидларни олдини олишга ёки у билан курашишга ҳар доим аниқ бир нечта муқобил вараиантларни яратиш ёки олдиндан захира тайёрлаб қўйиш, барча соҳаларда мобилизацион тизимни ишлаб чиқиш ва яратиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Албатта бу каби илмий -назарий ва амалий прогнозларни бериш ундан мақсадли фойдаланиш ҳар бир соҳа вакилларининг ўз касбига қандай ижодий ёндошаётганлигига боғлиқ бўлиб, хусусан таълим соҳасида фаолият олиб бораётган ўқитувчи –профессорлардан жуда катта масъулият, қолаверса ўз касбига нафақат фидойилик балки янгича ёндашиш, ноодатий, ноананавий таълимни ташкил этиш компетентлигини талаб этади. Таъкидлаш лозимки, талабаларга таълим ва тарбия беришда бир хилликдан қочиш, эскича ёндашув яъни маърузани (қўлига маҳкам ушлаб киприк қоқмасдан) ўқиб бериш, талаба “диққат билан ликторни эшитиб” ёзиш даври ўтганлигини барчамиз ўзимизга аниқ тасаввур қилишимиз вақти нафақат етиб келган балки ўтиб ҳам кетгандир. Жаҳон ҳамжамиятида инновацион таълим тизими ва ривожлантириувчи педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўқитиш борасида жуда



катта ютуқларга эришаётга бир даврда бизда ананаваий таълимда педтехнологиядан мақсадли ва самаралаи фойдаланиш борасида етарли малака ва тажрибамиз йўқлиги ачинарли ҳолатдир. Дунёда юз берган пондимия сабабли таълимни ташкил этишнинг янгича яъни масофавий таълим тизимга ўтилганлиги бизнинг таълим тизимдаги педагогик савиямиз, қобилиятимиз, педагогик маҳоратимиз кундек равшан бўлиб колди. Бу қанчалик аччиқ ҳақиқат бўлмасин тан олишимиз керак. Ахир биз давлат ва жамият таянчи ҳамда келажаги бўлган ёшларга таълим ва тарбия берадиган соҳа вакиллари эканмиз, бу борада ўзимизни янада бир бор жиддий ислоҳ этишимиз, фаолиятимизга танқидий кўз билан қарашимиз, ўзимизга ўзимиз ҳисоб беришимиз шарт. Инсоният тарихидан маълумки бирор бир муаммоли вазият ва шароит унинг очилмаган қобилият ва захирадаги имкониятларини юзага олиб чиқиши ҳақида кўп ўқиганмиз ва эшитганмиз аммо ўзимиз гувоҳи бўлмаганмиз. Буганги кундаги дунёда юз берган пондимия ҳолати барча соҳа вакиллари каби педагогларни ҳам фаолиятида туб бурилиш ясаб, янгича ўқув тизимига ўтишга (масофавий таълим беришга), ўзининг мавжуд қобилият ва салоҳиятини юқори даражада ташкил этишга ундади. Таъкидлаш жоизки бу ўқитувчилардан жуда катта педагогик қобилият ва маҳорати талаб этиши табиий ҳолдир.

Хуш масофавий таълим ўзи бу нима?. Масофавий таълим (лотинча “дистанция” – масофадан фойдаланиш) ўқитувчи ва талаба ўртасидаги тўғридан-тўғри, шахсий алоқасиз “масофадан ўқитиш” имконини яратиб берувчи замонавий ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланиш бўлиб, унга кўра таълим жараёни янги ахборот технологиялари, мултимедиа тизими ёрдамида ташкил этилади. У ўқув фанлари бўйича ўзлаштириш самарадорлигини таъминлаш; идрок этиш қобилиятини ривожлантириш каби имкониятларга эга. Компьютер таълими масофавий таълимнинг ўзига хос тури саналади.

Масофавий таълим бу фақат маъруза ўқишдан иборат эмаслигини инобатга оладиган бўлсак, (семинар ва амалий машғулот, курс иши ва битирув малакавий ишлари) талабалага сифатли билим бериш, касбий компетентлигини ошириш ва креатив билимларни бериш учун албатта замонавий педтехнологиялар-

да мақсадли ва самарали фойдаланиш биринчи ўринда туради. Чуник талабага бирор нарсани ўқтириш эмас балки мустақил изланиш ва ижодга йўналтириш таълимнинг асосий мақсадидир.Шу ўринда Г.Спенсер «***Таълимнинг буюк мақсади билим бериш эмас, балки хатти- ҳаракатларга ўргатишдир***»-деган ибораси нақадар ҳаётий аҳамият касб этишини яна бир марта англаб турибмиз ва бу ибора бугунги кунда ҳам ўз аҳамияти ва мазмундорлигини йўқотгани йўқ.

Ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Бу методларни ҳар бир (фан) дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ. Масофавий таълимда (анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда) таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган турли-туман методлар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаси ўсишига олиб келади.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи замонавий педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда. Интерфаол таълим методлари ҳозирда энг кўп тарқалган ва барча турдаги таълим муассасаларида кенг қўлланаётган методлардан ҳисобланади. Шу билан бирга, интерфаол таълим методларининг турлари кўп бўлиб, таълим-тарбия жараёнининг деярлик ҳамма вазифаларини амалга ошириш мақсадлари учун мослари ҳозирда мавжуд. Амалиётда улардан муайян мақсадлар учун мосларини ажратиб тегишлича қўллаш мумкин. Бу ҳолат ҳозирда интерфаол таълим методларини маълум мақсадларни амалга ошириш учун тўғри танлаш муаммосини келтириб чиқарган.

Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантириб турилиши, ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият,



йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Интерфаол метод бирор фаолият ёки муаммони ўзаро мулоқотда, ўзаро баҳс-мунозарада фикрлаш асносида, ҳамжиҳатлик билан ҳал этишдир. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, бутун фаолият талабани мустақил фикрлашга ўргатиб, мустақил ҳаётга тайёрлайди.

Ўқитишнинг интерфаол усулларини танлашда таълим мақсади, таълим олувчиларнинг сони ва имкониятлари, ўқув муассасасининг ўқув-моддий шароити, таълимнинг давомийлиги, ўқитувчининг педагогик маҳорати ва бошқалар эътиборга олинади.

***Интерфаол методлар деганда – таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади.*** Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим олувчи марказда бўлган ёндашувнинг фойдали жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- ✓ таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;
- ✓ таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- ✓ илгари орттирилган билимларнинг ҳам эътиборга олиниши;
- ✓ таълим жараёни таълим олувчининг мақсад ва эҳтиёжларига мувофиқлаштирилиши;
- ✓ таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-қувватланиши;
- ✓ амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- ✓ икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.

Шундай қилиб, фанларни ўқитиш жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш ўзига хос хусусиятга эга. Таълим амалиётида фойдаланилаётган ҳар бир интерфаол методни синчиклаб ўрганиш ва амалда қўллаш талабаларнинг фикрлашини кенгайтиради ҳамда муаммонинг тўғри ечимини топишларига ижобий таъсир кўрсатади. Талабаларнинг ижодкорлигини ва

фаоллигини оширади. Турли хил назарий ва амалий муаммолар интерфаол методлар орқали таҳлил этилганда талабаларнинг билим, кўникма, малакалари кенгайиши ва чуқурлашишига эришилади.

## Фанни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлар

### Вебинар методи

Вебинар методи ёки "Webinar" технология тушунчаси мулоқотга 1998 йилда кириб келган. Вебинар методи – замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (компьютер, монитор, мультимедиа ва шу каби воситалар) ёрдамида турли жойлардаги иштирокчилар билан масофадан туриб ўтказиладиган интерфаол машғулот тури.

Вебинар методида дарс масофавий семинар ёки конференция шаклида интернет орқали бир вақтда ҳозир бўлган талабалар билан масофавий таълим тизимида қўлланаётган кўплаб интерфаол аудио, видео алоқа воситалари ёрдамида жонли олиб борилади. Бу дарсларни келгусида керак даражада фойдаланиш учун ёзиб олиш мумкин. Бу методда олиб бориладиган бутун ўқув ёки курс жараёнидаги дарслар ягона ўқув дастуридаги изчилликда ўзаро узвий боғланмайди, улар алоҳида-алоҳида бир марталик дарслардан иборат бўлади.

### "SWOT-таҳлил" методи

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларини топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, ишлашга йўналтиради






***Амалиётда қўллаш учун намуна***

| | | |
|---|---|---|
| S | Муаммоли таълим ёндашувларининг кучли томонлари | |
| W | Муаммоли таълим ёндашувларининг кучсиз томонлари | |
| O | Муаммоли таълим ёндашувларининг имкониятлари (ички) | |
| O | Муаммоли таълим ёндашувларини амалда қўллашдаги тўсиқлар (ташқи) | |

### "Кейс-стади" методи (Амалий ҳолатларни қўллаш методи)

"Кейс-стади" – инглизча сўз бўлиб, ("case" – аниқ вазият, ҳодиса, "study" – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Бу метод инглизча "case – true life", яъни "кейс – ҳақиқий ҳаёт" иборасига мувофиқ келиб, кейс – реал ҳаётнинг «бир парчасидир». Шунга кўра бу методни ***"амалий ҳолатларни ўқитиш методи"*** деб ҳам аташади.

Кейс-стади методи бўйича ўрганилаётган ҳар бир муаммо ёки мавзу юзасидан амалга ошириладиган ишлар режаси, уларни бажариш тафсилоти, натижалар ва хулосалар йиғиндиси алоҳида кейсни ташкил қилади. Бу метод таълим жараёнида ҳаётий вазиятлардан фойдаланишга қаратилган. Бу эса, ҳозирги кунда таълим соҳасидаги долзарб бўлган муаммолардан ҳисобланади. Ушбу муаммони ҳал қилиш имконини бериши бу методнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Шу сабабли Ғарб мамлакатларидаги таълим муассасаларида кейс-стади методидан, яъни кейслардан фойдаланиш ўқув режасининг 25 % ини ташкил қилади.

✓ Кейс-стади -таълим методини турли ҳолатларни ўрганишда қўллаш – ҳаётдан олинган одатдаги вазиятларни ўрганишни ташкил этиш ёки сунъий яратилган вазиятларга асосланган ҳолда таълим олувчилардан тегишли муаммоларнинг мақсадга мувофиқ ечимларини излашни талаб қилишга қаратилган таълим жараёнидир;

✓ таълим олувчиларга мавзуга тегишли ҳаётий вазиятни ташхис қилиш, фаразларни ифодалаш, муаммоларни аниқлаш, қўшимча ахборотларни йиғиш, фаразларга аниқлик киритиш ва муаммоларни ечиш ҳамда уларни бажаришнинг аниқ босқичларини лойиҳалаш бўйича амалий фаолиятларини моделлаштириш имконини беради;

✓ муайян ҳаётий вазиятларни таълим жараёнига боғлайди. Шу жараёндаги ўзаро ҳаракатда уларнинг ҳақиқий фикр алмашиш ҳолатлари келиб чиқади. Кейс таълим олувчиларга таҳлил қилиш, қиёслаш йўлларини қидириш ва муаммони ечиш эркинлигини беради.

Мазкур метод муаммоли таълим методидан фарқли равишда реал вазиятларни ўрганиш асосида аниқ қарорлар қабул қилишга асосланади. Агар у ўқув жараёнида маълум бир мақсадга эришиш йўли сифатида қўлланилса, метод характерига эга бўлади, бирор бир жараённи тадқиқ этишда босқичма-босқич, маълум бир алгоритм (ҳисоб-китоб) асосида амалга оширилса, технологик жиҳатни ўзида акс эттиради.



### “Кейс-стади методи” ни амалга ошириш босқичлари

| Иш босқичлари | Фаолият шакли ва мазмуни |
|---|---|
| 1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш. | ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;<br>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);<br>✓ ахборотни умумлаштириш;<br>✓ ахборот таҳлили;<br>✓ муаммоларни аниқлаш. |
| 2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш. | ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;<br>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;<br>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш. |
| 3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш. | ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;<br>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;<br>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;<br>✓ муқобил ечимларни танлаш. |
| 4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот. | ✓ якка ва гуруҳда ишлаш;<br>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;<br>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;<br>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш. |

### Кейслар турларини таснифлаш жадвали

| Типологик белгилари | Кейс тури |
|---|---|
| Асосий манбалари | 1. Табиий шароитдаги<br>2. Аудиториядаги (Лаборатория)<br>3. Илмий-тадқиқотчиликдаги |
| Сюжет мавжудлиги | 1. Сюжетли<br>2. Сюжетсиз |
| Вазият баёнининг вақтдаги изчиллиги | 1. Ўтмишдан ҳозирги келиш режимидаги кейс<br>2. Вақт орқага қайтариладиган кейс-хотира<br>3. Башорат кейси |
| Кейс объекти | 1. Шахсий<br>2. Ташкилий-институционал<br>3. Кўп субъектли |
| Материални тақдим этиш усули | 1. Ҳикоя<br>2. Эссе<br>3. Таҳлилий ёзишма<br>4. Журналистик таҳлил<br>5. Ҳисобот<br>6. Очерк<br>7. Фактлар мажмуи<br>8. Статистик материаллар мажмуи<br>9. Ҳужжатлар ва ишлаб чиқариш намуналари мажмуи |

| | |
|---|---|
| Ҳажми | 1. Қисқа (лўнда)<br>2. Ўртача миқдордаги<br>3. Катта (узун) |
| Тузилмавий ўзига хос хусусиятлари | 1. Тузилмаланган<br>2. Тузилмаланмаган |
| Ўқув топшириғини тақдим этиш усули | 1. Саволли<br>2. Кейс-топшириқ |
| Дидактик мақсадлари | 1. Муаммо, ечим ёки концепцияни изоҳлаш<br>2. Тренингли, ўқув режасидаги фан бўйича малака ва кўникмалар орттиришга мўлжалланган<br>3. Таҳлил ва баҳолашга ўргатувчи<br>4. Муаммони ажратиш ва ечиш, бошқарувчилик қарорлари қабул қилишга ўргатувчи<br>5. Вазият субъекти ривожининг янги стратегиялари ва йўллари, янгича баҳолаш услублари ва шу кабиларни ишлаб чиқишга рағбатлантирувчи |
| Расмийлаштириш усули | 1. Босма<br>2. Электрон<br>3. Видео-кейс<br>4. Аудио-кейс<br>5. Мултимедиа-кейс |

**“Кейс-стади” методининг ўзига хос хусусиятлари:**

✓ изланишга доир фаолиятнинг мавжуд бўлиши;

✓ жамоавий ва гуруҳларда ўқитиш;

✓ индивидул, гуруҳли ва жамоавий иш шакллари интеграцияси;

✓ хилма-хил ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

✓ муваффақиятга эришиш учун талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини рағбатлантириш.

**“ФСМУ” методи**

**(Фикрлаш, сабаб, мисол, умумлаштириш методи)**

**Ф.С.М.У**-бу метод машғулотда ўрганилаётган мавзунинг муҳокамаси жараёнида унга доир масалалар бўйича талабалар ўз фикрларини баён қилишлари, шу фикрларни асословчи сабабларни кўрсатишлари, уларни тасдиқловчи мисолларни келтиришлари ва пировардида умумлаштирувчи хулосалар чиқаришларини ўргатиш ва машқ қилдириш методидир.

Бу метод талабаларни эркин фикрлашга, ўз фикрини ҳимоя қилишга ва бошқаларга ўз фикрини ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, баҳс-мунозара маданиятига, шу билан бир қаторда, талабалар томонидан ўқув жараёнида эгалланган билимларни таҳлил этишга ва ўзлаштириш даражасини аниқлашга, баҳолашга ўргатади.



**ФСМУ** методининг умумий схемаси:

**Ф** – фикрингизни баён этинг;

**С** – фикрингизни асословчи сабаб кўрсатинг;

**М** – кўрсатган сабабингизни тасдиқловчи мисол келтиринг;

**У** – фикрингизни умумлаштиринг.

***<u>Амалиётда қўллаш учун намуна</u>***

**Амалий машғулот № ...**

**Мавзу: Шахс ва унинг ўзига баҳо бериши ҳақида кўникма ва малакаларни шакллантириш**

**Ишнинг мақсади**: Тренинг машғулотлари орқали шахсни ўзига баҳо беришда тўғри ёндашув кўникма ва малакаларни шакллантиришни ўрганиш.

**Вазифалар:**

1.Шахс тушунчаси ва унинг ижтимоий жамиятда тутуган ўрнини пацентга англатишда мутахассис маҳоратини намоён бўлиши нималарда кўриниши

2. Шахсни ўзига баҳо беришдаги салбий ва ижобий жиҳатларининг психологик факторларини аниқлаш.

3. Шахсининг ўзига тўғри баҳо бериш кўникма ва малакаларни шакллантириш юзасидан мос психологик тренинг машғулотларини *<u>(номини келтирган ҳолда)</u>* саралаш

4. Танланган психологик тренингларни амалда қўллаш юзасидан дастур ишлаб чиқиш.

**Талабага кўрсатма:** Амалий машғулот вазифасида берилган 3-топшириқда танлаган треининг машғулотини асосли ва тўғри танлаганингизни F.S.M.U методикаси орқали асослаб беринг:

**F.S.M.U. методи орқали амалий топшириқни бажаринг:**

**FSMU методининг умумий схемаси:**

**F – фикрингизни баён этинг;**

**S – фикрингизни асословчи сабабни кўрсатинг;**

**М – кўрсатган сабабингизни тасдиқловчи мисол келтиринг;**

**U – фикрингизни умумлаштиринг.**

**1-вазифа. “____________________” юзасидан фикрингизни**

*(Тренинг машғулоти номи ёзилади)*

**FSMU методи бўйича баён этинг.**

**F-**________________________________________

**S-**________________________________________

**M-**________________________________________

**U-**________________________________________

**2-вазифа "________________" юзасидан фикрингизни**

*(Тренинг машғулоти номи ёзилади)*

**FSMU методи бўйича баён этинг.**

**F-**________________________________________

**S-**________________________________________

**M-**________________________________________

**U-**________________________________________

## "Тушунчалар таҳлили" методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунча (глоссарий) ларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

-иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;

-талабаларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўз (глоссарий), тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);

-талабалар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;

-белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;

-ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.



***Намуна учун:***

| Тушунчалар | Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади? | Қўшимча маълумот |
|---|---|---|
| Масофавий таълим | | |
| Педагог | | |
| Креативлик | | |

## "Венн диаграммаси" методи

Венн диаграммаси – график кўринишда бўлиб, олинган натижаларни умумлаштириб, улардан бир бутун хулоса чиқаришга, икки ва ундан ортиқ предметларни (кўриниш, факт, тушунча) таққослаш, таҳлил қилиш ва ўрганишда қўлланилади. Диаграмма икки ва ундан ортиқ айланани кесишмасидан ҳосил бўлади.

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасаввурларнинг анализ ва синтезини икки аспект (тушунча) орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликка ажратилади ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқни) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

## "Муаммоли таълим" методи

Таълим жараёнида талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ҳамда уларнинг интеллектуал имкониятларидан юқо-

ри даражада фойдаланиш қуйидаги умумий омилларга боғлиқ бўлади:

✓ ўрганилаётган мавзу юзасидан муаммоли саволлар тизимини тузиш;

✓ қўйилган муаммоли саволлар тизими асосида суҳбат методи орқали тушунтириладиган мавзу материалларини ўргатиш ва унинг туб моҳиятини очиб бериш;

✓ муаммоли савол асосида изланиш характеридаги ўқув вазифаларини қўйиш.

Юқоридаги босқичлар асосида ўқув материали тушунтирилганда талабалар ўзлари дарров тушуниб етмайдиган факт ва тушунчаларга дуч келадилар. Натижада ўрганилаётган мавзу материали билан талабалар орасида муаммоли вазият ҳосил бўлади.

Муаммоли вазиятнинг роли ва аҳамиятини аниқлаш талабаларнинг фаол фикрлашнинг психологик, педагогик қонуниятларини ҳисобга олиш асосида ўқув жараёнини қайта қуриш муаммоли таълимнинг асосий ғоясини белгилаб беради. Муаммоли вазиятларни ҳал қилиш асосида ҳосил қилинган дарс жараёни муаммоли таълим дейилади.

Муаммоли таълимда ўқитувчи фаолияти шундан иборатки, у зарур ҳолларда энг мураккаб тушунчалар мазмунини тушунтириб, ўрганилаётган мавзу материали юзасидан мунтазам равишда муаммоли вазиятларни вужудга келтиради, талабаларни фактлардан хабардор қилади, натижада талабалар бу фактларни анализ қилиш асосида мустақил равишда хулоса чиқаради ва умумлаштиради.

### “Ассесмент” методи

Ассесмент методи - бу тўрт даражадаги ўзлаштириш жараёнини ўз ичига олади. “Ассесмент” инглизча “ассессмент” сўзидан олинган бўлиб, “баҳо”, “баҳолаш” маъноларини билдиради. Ассесмент методи талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини ҳар томонлама, холис баҳолаш имкониятини таъминловчи топшириқлар тўплами бўлиб, у биографик анкета, таълим соҳасидаги ютуқлар баёни, ўқув индивидуал топши-



риғи, баҳс- мунозара, интервью, ижодий иш, тест, индивидул кейс, тақдимот, эксперт кузатиши, ролли ҳамда ишбилармонлик ўйинлари кабилардан ташкил топади. Бу метод асосан қуйидаги **уч мақсадга** хизмат қилади:

✓ талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳар томонлама, холис баҳолаш;

✓ талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш имкониятларини аниқлаш;

✓ талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган истиқбол режа (мақсадли дастур) ни шакллантириш.

Мазкур технологиянинг яратилиш тарихи ўтган асрнинг 30-40-йилларига бориб тақалади. Дастлаб технология мавжуд ҳарбий вазиятларни тўғри баҳолай оладиган, ҳарбий ҳаракатлар жараёнини самарали бошқарадиган, зарур ўринларда оқилона ҳаракатни ташкил эта оладиган инглиз ҳамда немис ҳарбийлари орасидан билимдон, тадбиркор, маҳоратли ҳарбийлар, шунингдек, офицерларни танлаш мақсадида қўлланилган.

Кейинчалик бу метод тадбиркорлик соҳасига ҳам самарали татбиқ этилди. Методни биринчи марта 1954-йилда “AT&T” компанияси томонидан тадқиқот дастурларини амалга ошириш доирасида қўлланилган.

Тўрт йилдан сўнг малакали менежерларни танлаш мақсадида қўлланила бошланган ушбу метод негизида тадбиркорлар ва психологлар билан ҳамкорликда мазкур технология ёрдамида ишлаб чиқариш, савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда ташкилотлар учун малакали мутахассисларни танлаш хизмати – “Ассесмент-марказ” (“The Assessment Centre”) фаолиятини йўлга қўйилди.

1960 йилда “IBM”, “Standart oyl of Ogayo”, “Sirs Robaks” каби йирик америка компаниялари ўз фаолиятларига бу технологияни самарали татбиқ этдилар. Агар 1980 йилда 2000 та фирма “Ассесмент-марказ” асосида малакали мутахассисларни танлашни маъқул кўрган бўлса, ҳозир бу технологиядан ўн минглаб корхона, ташкилот, фирма ва компанияларда самарали қўлланилмокда.

Айни вақтда ишлаб чиқарувчи ва савдо компаниялари малакали менежерларни танлаш мақсадида мазкур технологиядан муваффақиятли фойдаланмоқдалар. Сўнгги йилларда мазкур технология таълим тизимига ҳам самарали жорий этилди. Унинг ёрдамида талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражаси ҳар томонлама, холис баҳоланмоқда.

**Методнинг қўлланиши**. "Ассесмент" методи ўқув машғулотларининг барча турларида (дарс бошланиш ёки дарс охирида ёки ўқув предметнинг бирон-бир бўлими тугалланганида) ***ўтилган мавзуни ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш такрорлаш мустаҳкамлаш ёки оралиқ ва якуний*** назорат ўтказиш учун, шунингдек, янги мавзуни бошлашдан олдин таълим олувчиларнинг билимларини текшириб олиш, малака оширишга келган тингловчиларнинг дастлабки билимлари, кўникма, малакаларини аниқлаб олиш учун мўлжалланган.

*Амалиётда қўллаш учун намуна*

**1-кейс: : Шахслараро муносабатларда шахс агрессивлиги**

**Кейснинг асосий мақсади:** *Шахслараро муносабатларда учрайдиган низолар ва уларни келтириб чиқарувчи ижтимоий сабаб ва омилларни моҳиятини очиш.*

**Тест:**

**1. Шахслараро зиддият шахсни ўз устида муттасил ишлашга, ўз хулқини ўзи тузатишига сабаб бўлувчи муносабат нима деб аталади?**

А) Деструктив
Б)Конструктив
В)Конфликт
Г) Зиддият

**2. Ижтимоий муносабатларда низоларнинг келиб чиқиши қанақа тоифаланади?**

А) Горизонтал, конфликт, конструктив,
Б)Конструктив, вертикал, зиддият
в) Горизонтал, вертикал, аралаш
г) Зиддият, вертикал, аралаш

**Симптом (гипотизик таҳлил)**:



*Х.Корнелиус* ва *Ш.Фейер*лар низони ҳал қилиш учун **низо харитасини** тузишни таклиф этади. Унга кўра, низоли вазиятни аниқлаш учун нималрни инобатга олиш лозимлиги эътироф этилгани ёритиб беринг:

1.............
2.............
3..................
....................................

**Муаммоли вазият:**

Конфликт ёки низолар ўзаро муносабатлардаги одамларнинг субъектив хатолари сабабли ҳам келиб чиқади. Аммо аксарият одамлар ўз камчилиги англамайди ва ҳар доим бошқаларни айблайди. Одамлар низоли вазиятни келиб чиққанлигига шахсий масъулиятни англашлари учун қанақа психологик ёндашув лозим бўлади.

**Амалий кўникма:**

1. Конфликтни келтириб чиқарувчи *информацион-ахборот омилларини қанақа қилиб бартараф этиш ёки таъсирини камайтириш мумкин аниқ фактлар билан изоҳланг.*

2. *Қадриятларга амал қилмасдан яшаш жамиятни қай даражада инқирозга олиб келиши мумкин: кеча, бугун ва эрта мисолида солиштиринг*

3. *Хулқ-атвор билан боғлиқ муаммолар бугунги кунда жамиятимизда қандай дастур ёки ёндашувларни асосида тартибга келтирилиши мумкин, асосли фикр келтиринг*

**"Ақлий ҳужум" методи**

**Ақлий ҳужум** – тингловчиларни бир хил фикрлардан ҳолис қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган муаммоларга ечим топишдир.

Босқичлари:
- муаммоли вазиятни келтириб чиқариш;
- унинг ечимини топиш учун талабаларни жалб қилиш;
- турли ечимлар тақдимотини эшитиш;
- ечимларни солиштириш ва танлаш, хулосалаш.

## “Мустақил ишлаш” методи

**Мустақил ишлаш** – вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган, талабаларнинг мустақил ўрганиш, қўшимча адабиёт билан ишлаш ва мустақил амалий фаолият билан шуғулланиш кўникмаларини шакллантирадиган, ҳар бир талабага алоҳида ёки умумий тарзда ташкил қилинадиган топшириқни бажартириш; талабаларнинг амалий фаолиятига аралашмай, ташқаридан алоқа-мулоқот ёрдамида йўналтириб бошқариш ва назорат қилиш.

## “Кундалик дафтар” методи

**Кундалик дафтар юритиш методи.** Гуруҳнинг ҳар бир аъзосига ён чўнтак дафтарчаси тарқатилади. Унга, айтайлик, бир ҳафта давомида муҳокама қилинадиган муаммо бўйича туғилган фикрлар қайд қилиб борилади. Барча иштирокчиларнинг ёзиб борган фикрлари пешқадамлар томонидан таҳлил қилиниб, тайёрланган материал охирги муҳокамага олиб чиқилади. Бу метод қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради: биринчидан, туғилган ғоя, аниқ рационал таклиф ўша гуруҳнинг фикри даражасига кўтарилади, иккинчидан, турли хилдаги тортишувлар, нуқтаи назарлар гуруҳ мажлисигача ҳал қилинади, кескинлашган нуқтаи назарлар атрофлича кўриб чиқилади ва аниқ ечимга эга бўлади.

## “Баҳс-мунозара” методи

Метод қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- ўқитувчи мунозара мавзусини танлайди ва талабаларни мунозарага таклиф этади;
- ўқитувчи талабаларга муаммо бўйича “Баҳс-мунозара” ўтказишга чорлайди ва уни ўтказиш тартибини белгилайди;
- ўқитувчи “Баҳс-мунозара” вақтида билдирилган турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу ишни бажариш учун талабалардан бирини котиб этиб тайинлайди ҳамда бу босқичда ўқитувчи талабаларга ўз фикрларини билдиришларига шароит яратиб беради;



- ўқитувчи талабалар билан биргаликда, иккинчи босқичда “Баҳс-мунозара” давомида билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва уларни таҳлил қилади. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

### Кундалик дафтар методикаси




## “Тадқиқот” методи

Тадқиқот методи ўзлаштириш даражасининг энг юқори чўққиси ҳисобланади. Бу усул билан дарс ўтилганда талабалар олган билимлари асосида ҳали ўрганилмаган кичик бир масала устида якка ёки биргалашиб изланиш олиб боришади, масала ечимига доир келтирилган тахминни излаб топилган далиллар асосида тўғри ёки нотўғрилигини текширишади ва исботлашади.

Босқичлари:

- дарсда ҳаммага қизиқиш уйғотадиган бирор объектнинг ўзига хос хусуиятини аниқлаш ёки у ҳақидаги масалани қўйиш;
- уни ўрганиш, тадқиқ қилиш учун маълумотлар тўплаш;
- муаммо ёки масалани ечишга оид тахминлар, башоратлар қилиш;
- ҳар бир башоратнинг қанчалик тўғрилигини тўпланган маълумотлар асосида таҳлил қилиш;
- башоратнинг истиқболи ва ҳаётийлигини илмий - амалий асослаш;
- умумий хулосалар асосида рационал тавсия ва таклифларни бераолиш;
- аудиторияда тақдимот ўтказиш ва ўз фикрини ҳимоя қилиш.

**“Кластер” методи**

Кластер методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у таълим олувчиларга ихтиёрий муаммолар (мавзу) хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. Ушбу метод муайян мавзунинг таълим олувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга йўналтирилган.

“Кластер” методидан фойдаланиш:






**“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда

талабаларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.




## “6х6х6” методи

Ушбу метод ёрдамида бир вақтнинг ўзида 36 нафар талабани муайян фаолиятга жалб этиш орқали маълум топшириқ ёки масалани ҳал этиш, шунингдек, гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси имкониятларини аниқлаш, уларнинг қарашларини билиб олиш мумкин. «6х6х6» методи асосида ташкил этилаётган машғулотда ҳар бирида 6 нафардан иштирокчи бўлган 6 та гуруҳ ўқитувчи томонидан ўртага ташланган муаммо (масала)ни муҳокама қилади. Белгиланган вақт ниҳоясига етгач ўқитувчи 6 та гуруҳни қайта тузади. Қайтадан шаклланган гуруҳларнинг ҳар бирида аввалги 6 та гуруҳлар биттадан вакил бўлади. Янги



шаклланган гуруҳ аъзолари ўз жамоадошларига аввалги гуруҳи томонидан муаммо (масала) ечими сифатида тақдим этилган хулосани баён этиб берадилар ва мазкур ечимларни биргаликда муҳокама қиладилар.

**«6х6х6» методининг афзаллик жиҳатлари қуйидагилардир:**

✓ *гуруҳларнинг ҳар бир аъзосини фаол бўлишга ундайди;*

✓ *улар томонидан шахсий қарашларнинг ифода этилишини таъминлайди;*

✓ *гуруҳнинг бошқа аъзоларининг фикрларини тинглай олиш кўникмаларини ҳосил қилади;*

✓ *илгари сурилаётган бир неча фикрни умумлаштира олиш, шунингдек, ўз фикрини ҳимоя қилишга ўргатади*

*Энг муҳими, машғулот иштирокчиларининг ҳар бири қисқа вақт (20 дақиқа) мобайнида ҳам мунозара қатнашчиси, ҳам тингловчи, ҳам маърузачи сифатида фаолият олиб боради.*

Ушбу методни 5, 6, 7 ва ҳатто 8 нафар талабадан иборат бўлган бир неча гуруҳларда ҳам қўллаш мумкин. Бироқ йирик гуруҳлар ўртасида «6х6х6» методи қўлланилганда вақтни кўпайтиришга тўғри келади. Чунки бундай машғулотларда мунозара учун ҳам, ахборот бериш учун ҳам бирмунча кўп вақт талаб этилади. Сўз юритилаётган метод қўлланилаётган машғулотларда гуруҳлар томонидан бир ёки бир неча мавзу (муаммо)ни муҳокама қилиш имконияти мавжуд.

«6х6х6» методидан таълим жараёнида фойдаланиш ўқитувчидан фаоллик, педагогик маҳорат, шунингдек, гуруҳларни мақсадга мувофиқ шакллантира олиш лаёқатига эга бўлишни талаб этади. Гуруҳларнинг тўғри шакллантирилмаслиги топшириқ ёки вазифаларнинг тўғри ҳал этилмаслигига сабаб бўлиши мумкин. «6х6х6» методи ёрдамида машғулотлар қуйидаги тартибда ташкил этилади:

Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин 6 та стол атрофига 6 тадан стул қўйиб чиқади.

Талабалар ўқитувчи томонидан 6 та гуруҳга бўлинадилар. Талабаларни гуруҳларга бўлишда ўқитувчи қуйидагича йўл тутиши мумкин: 6 та столнинг ҳар бирига муайян объект (масалан, кема, тўлқин, балиқ, делфин, кит, акула) сурати чизилган лавҳа-

ни қўйиб чиқади. Машғулот иштирокчиларига кема, тўлқин, балиқ, делфин, кит ҳамда акула сурати тасвирланган (жами 36 та) варақчалардан бирини олиш таклиф этилади. Ҳар бир талаба ўзи танлаган варақчада тасвирланган сурат билан номланувчи стол атрофига қўйилган стулдан жой эгаллайди.

Талабалар жойлашиб олганларидан сўнг ўқитувчи машғулот мавзусини эълон қилади ҳамда гуруҳларга муайян топшириқни беради. Маълум вақт белгиланиб, мунозара жараёни ташкил этилади.

Ўқитувчи гуруҳларнинг фаолиятини кузатиб боради, керакли ўринларда гуруҳ аъзоларига маслаҳатлар беради, йўл-йўриқлар кўрсатади ҳамда гуруҳлар томонидан берилган топшириқларнинг тўғри ҳал этилганлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг гуруҳлардан мунозараларни якунлашларини сўрайди.

Мунозара учун белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи гуруҳларни қайтадан шакллантиради. Янгидан шаклланган ҳар бир гуруҳда аввалги 6 та гуруҳнинг ҳар биридан бир нафар вакил бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Талабалар ўз ўринларини алмаштириб олганларидан сўнг белгиланган вақт ичида гуруҳ аъзолари аввалги гуруҳларига топширилган вазифа ва унинг ечими хусусида гуруҳдошларига сўзлаб берадилар. Шу тартибда янгидан шаклланган гуруҳ аввалги гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулосалар (топшириқ ечимлари)ни муҳокама қиладилар ва якуний хулосага келадилар.

### «Қалин» ва «ингичка» саволлар методи

Бу метод «Қалин» ва «ингичка» саволлар методи деб аталишининг сабаби қуйидагича. Таълим жараёнида саволлардан фойдаланишда уларни икки турга: оддий ва мураккаб саволларга ажратиш қабул қилинган. Бунда оддий саволлар "ҳа" ёки "йўқ" ёхуд бошқа бирорта сўзлар билан жавоб бериш мумкин бўлган саволлардан иборат. Уларни бошқачасига қисқа ёки ихчам образли қилиб эса, ингичка саволлар деб ҳам аташ мумкин. Мураккаб саволлар уларга бир нечта сўзлар, иборалар, гаплар ёки тегишлича баён қилиш, тушунтириш билан жавоб бериш лозим бўлган саволлардан иборат. Уларни бошқачасига



тўлиқ ёки ёйиқ образли қилиб эса, қалин саволлар деб аташ ҳам мумкин.

Шунга кўра ушбу «Қалин» ва «ингичка» саволлар методининг номини бошқачасига «Тўлиқ» ва «қисқа» ёки «Ёйиқ» ва «ихчам» саволлар методи деб ҳам аташ мумкин. Бу методдан ўқувчи- талабаларнинг ўзлаштиришини тезкор назорат қилиш ҳамда фаолликларини ошириш мақсадларида машғулотнинг турли босқичларида фойдаланиш мумкин. Бунинг учун ўқитувчи дарснинг мавзусига тегишли «Қалин» ва «ингичка» саволлар жадвалини олдиндан тузиб олиши керак.

**«ҚАЛИН» ВА «ИНГИЧКА» САВОЛЛАР ЖАДВАЛИ НАМУНАСИ**

| «Ингичка" саволлар | «Қалин" саволлар |
|---|---|
| Битта сўздан иборат жавоб бериш мумкин бўлган саволлар, режа саволлари. Масалан: Ким? сўроғи бўлган савол: «Жиноятчи» ҳикоясининг муаллифи ким? Шунингдек, қуйидагиларга ўхшаган сўроқлар иштирок этган саволлар: Нима? Қачон? ... қандай аталади? содир бўлдими? ва бошқалар. | Фикрлашни, қўшимча билимларни жалб қилишни, таҳлил қила билишни талаб этадиган саволлар. Масалан: Учта тушунча беринг, нима учун ...? Тушунтириб беринг, нима учун ...? Нима деб ўйлайсиз...? Нима деб ҳисоблайсиз...? ... ўртасидаги фарқ нимада? Фараз қилинг, агар ... нима содир бўлади? Агар ... ? ... қандай қилиш мумкин? ... нима қилса бўлади? ... мумкин эдими? ... нима учун? ... сабаби нимада? ... қандай рўй беради? ва бошқалар |

Бундай жадвалдаги саволлардан дарснинг учта босқичларидан бошланиш (чақирув) босқичида – мавзуни ўрганилгунича саволлар; англаб етиш босқичида — ўқиш, эшитиш жараёнидаги ўрганилаётган маълумотларни фаол қайд этишга, фикрлашга

ёрдам берувчи саволлар; ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш босқичида — дарсдаги маълумотларнинг тўғри ва тўлиқ ўзлаштирилганлигини назорат қилиш ҳамда уларни такрорлашга йўналтирилган саволлардан фойдаланиш мумкин.

**Таълим методларини самарали қўллаш меъзонлари**

| Методлар | Қайси вазифаларни ечишда бу метод самаралироқ? | Қандай ўқув материали мазмуни учун бу метод қулай? | Талабаларнинг қандай хусусиятлари учун бу методни қўллаш фойдали? | Бу методни қўллаш учун ўқитувчи қандай хислатларга эга бўлиши керак? |
|---|---|---|---|---|
| **Оғзаки баён методи** | Назарий билимларни шакллантириш учун | Ўқув материали асосан назарий ва ахборот кўринишида бўлган ҳолда | Талабалар ўқув материалининг оғзаки баёнини ўзлаштиришга тайёр бўлганда | Ўқитувчи бу методни бошқа методлардан кўра яхшироқ эгаллаган ҳолатда |
| **Кўргазмали метод** | Талабаларда кузатувчанликни ривожлантириш ва ўрганиладиган масалаларга бўлган диққатни ошириш учун | Ўқув материали мазмунини кўзгазмали воситалар билан гавдалантириш мумкин бўлган ҳолатларда | Талабалар учун кўргазмали воситалар етарли бўлганда | Ўқитувчи қўл остида барча кўргазмали воситалар етарли бўлганда ёки уларни ўзи мустақил тайёрлай олганида |
| **Репродуктив (ўзлаштирилган билимларни қайта баён қилиш)** | Билим ва кўникмаларни шакллантириш учун | Ўқув материали мазмуни ёки ўта мураккаб ёки жуда содда бўлган ҳолда | Талабалар бу мавзуни муаммоли қилиб ўрганишга ҳали тайёр эмас | Ўқитувчининг бу мавзуни муаммоли қилиб ўргатишга вақти йўқ бўлган ҳолда |
| **Тадқиқот изланиш** | Мустақил фикрлаш, тадқиқот олиб бориш ва масалага ижодий ёндашув кўникмаларини ривожлантириш учун | Ўқув материали мазмуни ўртача мураккабликда бўлганда | Талабалар мазкур мавзуни муаммоли тарзда ўрганишга тайёр бўлган ҳолларда | Ўқитувчи изланиш методини яхши эгаллаган ва мавзуни муаммоли ўрганиш учун етарли вақтга эга бўлганда |



| Методлар | Қайси вазифаларни ечишда бу метод самаралироқ? | Қандай ўқув материали мазмуни учун бу метод қулай? | Талабаларнинг қандай хусусиятлари учун бу методни қўллаш фойдали? | Бу методни қўллаш учун ўқитувчи қандай хислатларга эга бўлиши керак? |
|---|---|---|---|---|
| **Амалий** | Амалий кўникма ва малакаларни ривожлантириш учун | Ўқув материали мазмуни амалий машқлар, тажриба ўтказиш ва турли амалий фаолиятли топшириқларни бажаришни талаб қилса | Талабалар мазкур мавзу бўйича амалий топшириқларни бажаришга тайёр бўлса | Ўқитувчи амалий машғулотларни ўтказиш учун етарлича ўқув ва дидактик материаллар, машқлар тўплами ва ўқув қўлланмаларига эга бўлса |
| **Мустақил ишлаш методлари** | Ўқув фаолиятида мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш ва уларни ривожлантириш учун | Ўқув материали мустақил ўрганиш учун имкониятини берса | Талабалар мазкур мавзу бўйича мустақил ишлашга тайёр бўлса | Ўқитувчи мустақил ишларни ташкил қилиш бўйича етарлича ўқув ва дидактик материаллар эга бўлса |
| **Индуктив** | Умумлаштириш ва индуктив хулоса чиқариш кўникмаларини ривожлантириш учун | Ўқув материали дарсликда индуктив тарзда берилган ёки уни индуктив тарзда баён қилиш самарали бўлган ҳолда | Талабалар индуктив хулоса чиқаришни яхши билиб, дедуктив хулоса чиқаришга қийналаётган бўлсалар | Ўқитувчи таълимнинг индуктив методларидан яхши хабардор бўлса |
| **Дедуктив** | Таҳлил қилиш ва дедуктив хулоса чиқариш кўникмаларини ривожлантириш учун | Ўқув материали дарсликда дедуктив тарзда берилгвн ёки уни дедуктив тарзда баён қилиш самарали бўлган ҳолда | Талабалар дедуктив фикр юритиш ва хулоса чиқаришга тайёр бўлсалар | Ўқитувчи таълимнинг дедуктив методларидан яхши хабардор бўлса |

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

**1. Дарслик ўқув қўлланмасидан қандай фарқланади?**

а) фан дастурида кўрсатилган мавзуларнинг барчаси қамраб олади;

б) фан дастуридаги айрим мавзулар батафсил ёритилади;

в) фан дастури мавзулари тўлиқ қамраб олинмайди;

г) фан тарихига алоҳида эътибор берилади;

**2. Ўқув адабиётларининг турларини белгиланг**

а) дарслик, ўқув қўлланма, луғат, маърузалар курси, маърузалар тўплами, услубий кўрсатма, услубий қўлланма, дайжест, шарҳ, электрон дарслик;

б) ўқув қўлланмалари ва дарсликлар;

в) ўқув қўлланмалари ва дарсликлар, маъруза матнлари;

г) дарсликлар, маъруза матнлари, шарҳ;

**3. Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари “Асосий қоидалари” тасдиқланган...**

а) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

в) Ўз тасарруфида олий таълим муассасаси бўлган вазирлик ва идоралар томонидан;

г) Олий таълим муассасаси томонидан.

**4. Бакалавриат йўналишлари бўйича Давлат таълим стандартлари тасдиқланган...**

а) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан;

б) Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамаси томонидан;

в) Ўз тасарруфида олий таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар томонидан;

г) Олий таълим муассасаси томонидан.

**5. Магистратура мутахассисликлари бўйича Давлат таълим стандарлари тасдиқланаган...**

а) Олий ва ўрта махсус таълим варлиги томонидан;

б) Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамаси томонидан;

в) Ўз тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар томонидан;

г) Олий таълим муассасаси томонидан.



**6. Бакалавриат йўналиши ёки магистратура мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандартлари олий таълим муассасаси томонидан. . . . асосида ишлаб чиқилади:**

а) Намунавий ўқув режа;

б) Давлат таълим стандартлари “Асосий қоидалар” ва меҳнат бозори талаблари;

в) Меҳнат бозори талаблари;

г) Таълим дастури.

**7. Магистратура мутахассисликлари умумий тавсифи ... келтирилган:**

а) Давлат таълим стандарти “Асосий қоидалар”да;

б) Давлат таълим стандарти “Йўналишнинг мутахссисликлари бўйича магистр тайёргарлигининг зарурий мазмуни ва даражасига умумий талаблар”да;

в) Давлат таълим стандарти “Мутахассисликлар бўйича магистр тайёргарлигининг зарурий мазмуни ва даражасига умумий талаблар”да;

г) Ўқув фани дастури;

**8. Магистрлар тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талаблари .....келтирилган:**

а) Давлат таълим стандарти “ Асосий қоидалар”да;

б) Давлат таълим стандарти “Йўналишнинг мутахассисликлари бўйича магистр тайёргарлигининг зарурий мазмуни ва даражасига умумий талаблар”да;

в) Давлат таълим стандарти “Мутахассисликлар бўйича магистр тайёргарлигининг зарурий мазмуни ва даражасига умумий талаблар”да;

г) Ўқув фани дастурида.

**9. Магистратура мутахассислиги тавсифи..... келтирилган:**

а) Давлат таълим стандарти “Асосий қоидалар”да;

б) Давлат таълим стандарти “Йўналишнинг мутахассислилкари бўйича магистр тайёргарлигининг зарурий мазмуни ва даражасига умумий талаблар”да;

в) Давлат таълим стандарти “Мутахассисликлар бўйича магистр тайёргарлигининг зарурий мазмуни ва даражасига умумий талаблар”да;

г) Ўқув фани дастурида.

**10. Магистратура мутахассислик фанлар блоки зарурий мазмуни ..... келтирилган:**

а) Давлат таълим стандарти “Асосий қоидалар”да;

б) Давлат таълим стандарти “Йўналишнинг мутахассисликлари бўйича магистр тайёргарлигининг зарурий мазмуни ва даражасига умумий талаблар”да;

в) Давлат таълим стандарти “Мутахассисликлар бўйича магистр тайёргарлигининг зарурий мазмуни ва даражасига умумий талаблар”да;

г) Ўқув фани дастурида.

**11. Магистр тайёрлаш сифатини назорат структураси... келтирилган:**

а) Давлат таълим стандарти “Асосий қоидалар”да;

б) Давлат таълим стандарти “Йўналишнинг мутахассисликлари бўйича магистр тайёргарлигининг зарурий мазмуни ва даражасига умумий талаблар”да;

в) Давлат таълим стандарти “Мутахассисликлар бўйича магистр тайёргарлигининг зарурий мазмуни ва даражасига умумий талаблар”да;

г) Ўқув фани дастурида.

**12. Ўқув режа нима?**

а) Олий таълимнинг муайян йўналиши ёки мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлар ҳажмини, малакавий амалиёт ва Давлат аттестацияларини белгилайдиган меъёрий ҳужжат.

б) Олий таълимнинг муайян йўналиши ёки мутахассислиги бўйича ўқув фанларининг семестрлар бўйича тақсимоти ва ҳажми тўғрисидаги меъёрий ҳужжат.

в) Олий таълимнинг муайян йўналиши ёки мутахассислиги бўйича ўқув жараёнини ташкил қилишни ифодаловчи меъёрий ҳужжат.

г) Олий таълимнинг муайян йўналиш ёки мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган норматив ҳужжат.



**13. Ўқув фани дастури нима?**

а) Таълим мазмуни, унинг талабалар томонидан ўзлаштиришининг энг мақбул усуллари, ахборот манбаалари кўрсатилган меъёрий ҳужжат.

б) Ўқув жараёнида Фан бўйича ўтилиши лозим бўлган маъруза, семинар, амалий, лаборатория машғулотларни ташкил қилиш бўйича ўқитиш фаолиятини белгиловчи меъёрий ҳужжат.

в) Ўқув фаолиятининг турлари, таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлар ҳажмини белгилайдиган меъёрий ҳужжат.

г) Б ва В жавоблар тўғри.

**14. Якунловчи давлат аттестацияси нима?**

а) Бакалавр ёки магистр даражасига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ ҳолда маълум талаб ва тартиботлар воситасида (фанлар бўйича давлат аттестацияси, битирув иши ёки магистрлик диссертацияси ҳимояси) битирувчи томонидан олий таълим дастурини бажарилиши сифатини баҳолаш.

б) Бакалавр (магистр) даражасига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ ҳолда маълум талаб ва тартиботлар воситасида фан дастурлари тўла ўтиб бўлингандан кейин давлат ҳайъати томонидан талабалар билимини баҳолаш.

в) Бакалавр (магистр) даражасига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ ҳолда маълум талаб ва тартиботлар воситасида (битирув иши ёки магистрлик диссертацияси ҳимояси) битирувчи томонидан олий таълим дастурини бажарилиши сифатини баҳолаш.

г) Бакалавр (магистр) даражасига қўйиладиган умумий малака талабларига мувофиқ ҳолда маълум талаб ва тартиботлар воситасида (битирув иши ёки магистрлик диссертацияси ҳимояси) битирувчи томонидан олий таълим дастурини бажарилиши сифатини баҳолаш.

**15. Олий таълим муассасаси аттестацияси?**

а) Олий таълим муассасасида кадрлар тайёрлашнинг ўқув режалар ва фан дастурларига мослигини аниқловчи тадбир.

б) Олий таълим муассасаси фаолияти даражасининг ОТ ДТС мезон ва талабларига жавоб беришининг давлат томонидан эътироф этилиши.

в) Олий таълим муассасасида кадрлар тайёрлашнинг ўқув режаларига мослигини аниқловчи тадбир.

г) Олий таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш мазмуни даражаси ва сифатининг ОТ ДТС талабларига мувофиқлигини аниқловчи тадбир.

**16. Олий таълим муассасаси аккредитацияси?**

а) Олий таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг ОТ ДТС талабларига мувофиқлигини аниқлаш.

б) Олий таълим муассасаси фаолияти даражасининг ОТ ДТС мезон ва талабларига жавоб беришининг давлат томонидан эътироф этилиши.

в) Олий таълим муассасаси фаолияти даражасининг бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) ДТСлари талабларига жавоб беришининг давлат томонидан эътироф этилиши.

г) Б ва В жавоблар тўғри.

**17. Олий таълим муассасаси факультети декани қайси бошқарув органи томонидан лавозимига тайинланади?**

а) Олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи (ОЎМТВ)

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

в) Олий таълим муассасаси;

г) Олий Мажлис.

**18. Ўқув жараёнидаги меҳнат муносабатлари қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади?**

а) Меҳнат кодекси ва бошқа қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

б) Фуқоролик кодекси ва бошқа қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

в) Жиноят кодекси ва бошқа қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

г) Ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом ва бошқа қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

**19. Педагог кадрларни малакасини ошириш, бу-**

а) Касбий билимлар, малака ва кўникмаларни мунтазам янгилаб бориш;



б) Янги билимлар ва кўникмаларни ўзлаштириш;

в) Касбий соҳаси бўйича янги меъёрий ҳужжатларни ўзлаштириш;

г) Янги педагогик технологияларни ўзлаштириш.

**20. Қайта тайёрлашнинг турлари?**

а) "Уста-шогирд", стажировка мустақил;

б) Бевосита ва масофавий;

в) Педагогик ва касбий;

г) Диссертация ҳимоя қилиш.

**21. Малака ошириш шакллари?**

а) Тўғридан-тўғри (таълим дастурлари бўйича ўқитиш) ва билвосита (таълим дастурларисиз)

б) Масофавий, сиртқи, кундузги

в) Хорижий, ишлаб чиқаришда, илмий муассасада тажриба орттириш;

г) Диссертация химоя қилиш.

**22. Малака оширишнинг минимал муддати ва ҳажми?**

а) Ўн икки ҳафта, 432 соат;

б) Ўн олти ҳафта, 576 соат;

в) Тўрт ҳафта, 144 соат

г) Икки ҳафта, 72 соат.

**23. Қайта тайёрлашнинг минимал муддат ва ҳажми?**

а) Ўн ой, 1440 соат;

б) Икки ой, 288 соат;

в) Тўрт ой, 576 соат;

г) Бир ой, 144 соат.

**24. Педагогик қайта тайёрлаш бу,-**

а) Педагогик фаолиятни юритиш учун зарур ва етарли бўлган педагогик тайёргарлик талабларига мувофиқлаштириш мақсадида мутахассисларни қайта тайёрлаш;

б) Педагогик кадрларни янги педагогик технологияларга ўргатиш ва кўникмаларини шакллантириш;

в) Педагогик кадрларни давлат таълим стандартлари асосида машғулотлар ўтказишга қайта тайёрлаш;

г) Педагогларни ўз соҳалари бўйича илмий ишларини йўлга қўйиш ва якунлаш учун қайта тайёрлаш.

**25. Олий таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини қандай орган амалга оширади?**

а) Олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи (ОЎМТВ);

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

в) Олий таълим муассасаси;

г) Олий мажлис.

**26. Қайси орган талабини аккредетитацияланган бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини ўргатади?**

а) Олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи (ОЎМТВ);

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

в) Олий таълим муассасаси;

г) Олий Мажлис;

**27. Қайси орган олий таълим муассасаларида грантлар сонини ва қабул қилиш тартибини ўрнатади?**

а) Олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи (ОЎМТВ);

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

в) Олий тълим муассасаси;

г) Олий Мажлис.

**28. Қайси орган олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлайди ва услубий раҳбариятни амалга оширади?**

а) Олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи (ОЎМТВ);

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

в) Олий таълим муассасаси.

г) Олий Мажлис.

**29. Педагогик ва илмий кадрлар аттестациясини, олий таълим муассасалари аккредитация тартибини қайси бошқарув органи аниқлайди?**

а) Олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи (ОЎМТВ);

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

в) Олий таълим муассасаси;

г) Олий Мажлис.



**30. Кадрлар тайёрлаш сифати ва ва таълим даражасига бўлган талабларни, давлат таълим стандартлари бажарилишини қайси бошқарув органи таъминлайди?**

а) Олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи (ОЎМТВ);

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

в) Олий таълим муассасаси;

г) Олий Мажлис.

**31. Педагогик ва информацион технологиялар, прогрессив таълим шаклларини таълим жараёнига тадбиқ қилишни қайси бошқарув органи таъминлайди?**

а) Олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи (ОЎМТВ);

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

в) Олий таълим муасасаси;

г) Олий Мажлис.

**32. Олий таълим муассасалари ходимларининг лавозим маошларига қўшимча ва устамаларни қайси бошқарув органи белгилайди?**

а) Олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи (ОЎМТВ);

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

в) Олий таълим муассасаси;

г) Олий Мажлис;

**33. Олий таълим муассасалари битирувчиларининг тайёргарлик сифати ва даражасини, Давлат таълим стандартлари талаблари мазмунига мослигини белгиловчи жараён?**

а) аккредитация;

б) аттестация;

в) лицензиялаш;

г) ўз-ўзини аттестация қилиш.

**34. Давлат таълим муассасаси талабалари ва критерияларига жавоб берувчи олий таълим муассасасининг фаолият даражасини тан олиш?**

а) аккредитация;

б) аттестация;

в) лицензиялаш;

г) ўз-ўзини аттестация қилиш.

**35. Қайси назорат тури ўқитувчиларга мустақил фикрлаш ва ижодий тафаккур қобилияти, билимнинг мукаммаллигини аниқлаш, таълим олувчиларга эса ўз фикрларини аниқ баён этиш кўникмасини кўрсатиш имконини беради?**

а) ёзма назорат;

б) оғзаки назорат;

в) тест назорати;

г) ташқи назорат.



# ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

**Анъанавий ўқитиш:** педагогнинг иши аввало ўқувчиларга тайёр тарзда бериладиган ва ўзлаштирганларни қайта тиклаш учун мўлжалланган билимлар ва ҳаракат усулларини маълум қилишга қаратилган ўқитув; педагог ўқув жараёнида ташаббус кўрсатувчи ягона шахс ҳисобланади. Анъанавий ўқитиш нисбатан репродуктив тавсифга эга.

**Бакалавр** (лот. baccalaureus — вассал ер эгаси) — кўпгина хорижий мамлакатларда бошланғич илмий (Ўзбекистонда бошланғич академик) даража бўлиб, кўп босқичли олий таълим тизимида мавжуд, 1- босқичдаги тўрт йиллик таълим муваффақиятли тугаллангандан, яъни имтиҳонлар муваффақиятли топширилгандан ҳамда битирув ишлари ҳимоя қилингандан сўнг берилади (фан бакалаври, иқтисодиёт бакалаври); Францияда тўлиқ ўрта мактабни тугатганлар шундай даражани олади ва бу университетга кириш ҳуқуқини беради.

**Бакалавриат:** Ўзбекистонда ўқув муддати 4 йилдан кам бўлмаган, олий таълим йўналишларидан бири бўйича назарий билим берадиган таянч олий таълим.

**Билим:** амалиётда текширилган ҳақиқатни билиш натижаси; таассурот, тушунча, мулоҳаза, назария тарзида инсон онгидаги унга адекватнинг (ҳақиқатан) акс этиши. «Билим» тушунчасига икки жиҳатдан қаралади: ўқувчи ўзлаштириши лозим бўлган нарса ва у томонидан ўзлаштирилган, қўлланилган ёки вербал (сўзларда) ва предмети амалий фаолиятда тегишли тарзда фойдаланилган нарса, унинг шахсий хоссаси бўлиб қолади, яъни бу ўрганилган материални эсда сақлаш ва қайта тиклашдир. Касбий педагогикада қуйидаги тарифлардан фойдаланилади: билим, бу — фактлар, тушунчалар, қонунлар, қонуниятлар, назариялар тизимини ўқувчининг ўзлаштириши натижаси; бу — ходимнинг материаллар, машиналар тузилиши ва бошқаларнинг хоссалари, меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг усуллари, муайян касб, ихтисосликка, шунингдек жамиятнинг умумий маданий-техникавий ривожланиши ҳақида тўплаган ахбороти.

**Ижод, ижодий фаолият:** қандайдир янгиликни юзага келтирувчи, такрорланмас, ўзига хос ҳамда ижтимоий-тарихий

жиҳатдан ноёб фаолият. Баъзи олимларнинг нуқтаи назарича ижод, фан. техника, ишлаб чиқариш, санъат ёки умуман кишилар ҳаёт фаолиятининг у ёки бу соҳасидаги янги ахборотни жамлаш.

**Ижтимоий муҳит:** инсонни, унинг яшаши ва фаолиятини қуршаб олган ижтимоий, моддий ва маънавий шароитлар. Кенг маънодаги муҳит (макромуҳит) ижтимоий-иқтисодий тизимни, умуман ишлаб чиқариш кучлари, ижтимоий муносабатлар ва институтлар, ижтимоий онг ва маданиятни қамраб олади. Тор маънодаги муҳит (микромуҳит) бевосита инсонни ўраб турган — оила, меҳнат, ўқиш ва бошқа жамоа ҳамда гуруҳларни ўз ичига олади. Муҳит шахснинг шаклланиши ва ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади; шу билан бир вақтда инсон фаолияти таъсири остида у ўзгаради, шу ўзгаришлар жараёнида инсоннинг ўзи ҳам ўзгаради.

**Индивидуал ёндашиш:** мамлакат педагогикасидаги тамойил, унга мувофиқ машғулотлардаги ўқув-тарбия ишларида ўқувчиларнинг ҳар бирига оиласининг ва яқинларининг таъсири, уларнинг хусусияти, манфаатлари, қобилиятларини билишга асосланган ўқувчилар билан ҳамкорликка эришилади. Ўз тарбияланувчиларини мунтазам равишда ўрганиш натижасида педагог уларнинг у ёки бу нарсага, умуман таълимга муносабатларинигина аниқлаб қолмайди, балки салбий жиҳатларни бартараф этиш ва индивидда ижобий сифатларни ривожлантиришга қаратилган масалаларни ҳам ўз олдига қўяди.

**Инновация** (инг. innovatio — янгилик киритиш) — 1) фан ва илғор тажриба ютуқларидан фойдаланишга асосланган техника, технология, меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги янгиликларни жорий этиш, шунингдек, бу янгиликлардан турли соҳалар ва фаолият соҳаларида фойдаланиш; 2) таълимдаги инновация — таълим ва тарбиянинг мақсади, мазмуни, усуллари ва шаклига, ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, ўқувчилар биргаликдаги фаолиятини ташкил этишда янгиликни жорий қилиш; тафаккур услубидаги ўзгариш.

**Ишчи ўқув дастури:** ДТС минтақавий компонентларини ҳисобга олган ҳолда муайян таълим муассасасига тадбиқан намунавийси асосида ишлаб чиқилган ўқув программа; муайян ўқув



фанини ўрганиш натижалари ва тарбиявий жараён ташкилотчиси тавсиясига кўра талабаларни тайёрлаш учун талаблардан иборат бўлади.

**Ишчи ўқув режаси:** ДТС минтақавий компоненти талаблари ҳамда танланган ихтисосликни ҳисобга олиб муайян таълим муассасаси учун ишлаб чиқилган ўқув режаси. Ишчи ўқув режаси махсус курс тузилишини ва уни ўрганиш учун зарур бўлган вақт ҳажмини белгилайди; ўқув фанлари рўйхати ва уларнинг соатлар бўйича ҳажмига эга; ўқув жараёни жадвалини, курс ва семестрлар бўйича фанларни ўрганиш кетма-кетлигини, ўқув машғулотлари ва ишлаб чиқариш (касбий) амалиёт турлари оралиқ ва якуний давлат аттестацияси турларини белгилайди.

**Касбий маҳорат:** касбий фаолиятнинг муайян турини эгаллашнинг юқори даражаси ва уни мунтазам такомиллаштириш; бажарилган иш сифати, меҳнатнинг юқори самараси, касбий мустақиллик, меҳнат маданияти ва меҳнатга ижобий муносабат билан тавсифланади.

**Коммуникация** (лот. communicatio — алоқа) — 1) алоқа воситаси (транспорт коммуникациялари) ва алоқа, информацион контактлар. Ҳозирги пайтда ахборот коммуникацияларининг, хусусан алоқа тизими воситасидаги аҳамияти айниқса ошиб кетди, махсус телекоммуникация тизимлари орқали минтақалар миқёсидан то давлатлараро даражагача алоқалар амалга оширилмоқда; 2) ахборотлар айирбошлаш жараёни, алоқанинг туташ йўналиши; МСКО бўйича бу — икки ёки ундан ортиқ шахслар ўртасидаги ўзаро муносабат, бундай муносабат ахборотлар (хабар, ғоя, билим, стратегия ва ҳ.к.)лар айирбошлаш туфайли юзага чиқади. Коммуникация вербал (сўзлардан ташкил топган) ва вербал бўлмаган (сўзларсиз), тўғридан-тўғри (бевосита, шахсий) ёки билвосита (масофавий) бўлиши мумкин ва алоқанинг йўллари ва воситалари кўпдан-кўп хиллари туфайли амалга оширилади.

**Компетентлик** (лот. Competens: тегишли, лаёқатли), муайян ижтимоий касбий мавқега эга шахсларнинг улар бажараётган вазифа ва ҳал этаётган муаммолари мавжуд мураккаблик даражасига билимлари, лаёқатлари ва тажрибаларининг мос келганлик даражаси. «Малака» терминидан фарқли ўлароқ у малакани

тавсифловчи соф касбий билим ва лаёқатни ўз ичига олишдан ташқари, яна сифат, ташаббус, ҳамкорлик, гуруҳда ишлай билиш қобилияти, коммуникатив уқув, таълим олиш, баҳолаш уқуви, мантиқий фикрлаш, ахборотни танлаш ва фойдаланиш лаёқатлари каби сифатларни ҳам ўзида мужассамлаштиради; бошқарув органи, амалдор шахснинг ваколат соҳаси; улар қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган масалалар доираси. У ёки бу идора ҳамда шахснинг ваколат доираси қонунлар, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар, низомлар, йўриқномалар, уставлар билан белгиланади.

**Комплекс** (лот. complexus — алоқа, мослашиш), мажмуа - жипс боғланган ва ўзаро таъсир этувчи, яхлит бир бутунликни ташкил қилувчи объектлар, нарсалар, ҳаракатларнинг жамланмаси, мослашуви.

**Конференция** (лот. conferentia, conferre — бир жойга тўплашдан) — тадбир, илмий, методик ва ишлаб чиқариш масалаларини муҳокама қилиш ва унинг қарорлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилади (қ. *Семинар*). Ўқув конференцияси ўқувчиларнинг маънавий кучини бир ерга жамлайди ва сафарбар қилади, билишга бўлган қизиқишни ривожлантиради, ўқув материалини тўлақонли такрорлаш ва мустаҳкамлашни таъминлайди; ўқувчилар конференцияга тайёргарлик вақтида изланиш ва ижод билан бойиган мустақил ишга жалб этиладилар.

**Концепция** (лот. conceptio — идроклаш) — 1) табиат ва жамиятдаги жараён ва ҳодисаларга нисбатан бўлган нуқтаи назар тизими; 2) ислоҳотлар, программалар, лойиҳалар, режаларни амалга оширишда ҳаракат стратегиясини белгиловчи етакчи фикр.

**Лаборатория иши:** назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш, мустақил эксперимент ўтказиш малакасини ривожлантириш мақсадларида ўрта махсус, касбий ва олий таълим муассасаларида ўқувчилар томонидан олиб бориладиган мустақил амалий иш турларидан бири. Тажриба (эксперимент) учун приборларни, ускуналарни, реактивларни тайёрлаш, тажриба, уни ўтказиш ва тавсифлаш режа-тархини тузишни ўз ичига олади. Табиий ва техника фанларини ўқитиш жараёнида



кенг қўлланади.

**Магистр** (лот. Magister: бошлиқ, мураббий, ўқитувчи) - кўпгина хорижий мамлакатлар кўп босқичли олий таълим тизимидаги иккинчи, ўрта (бакалавр ва фан доктори оралиғидаги) илмий даража, университет ёки коллежни тугатган, бакалавр даражасига эга бўлган шахсларга бир-икки йиллик таълимдан сўнг ва ошкора диплом ҳимояси ёки магистрлик диссертациясини ёқлагандан сўнг берилади. Ўзбекистонда магистр — икки босқичли олий таълим тизимидаги иккинчи академик даража, бакалавр академик даражасига эга шахсларга икки йиллик таълимдан ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилгандан сўнг берилади.

**Магистратура:** кўпгина Ғарбий Европа мамлакатларида тугалланган олий таълимга эга (бакалавр даражасини олган) мутахассисларни тайёрлаш тизими ва шакли. Ўқув муддати 1-2 йил, диплом ёки магистрлик диссертацияси ҳимоя қилинади (қ. *ординатура, аспирантура, докторантура*). Ўзбекистонда магистратура — бакалавриат негизида 2 йилдан кам бўлмаган муддатли таълимдан иборат муайян ихтисослик бўйича назарий ва амалий олий таълим.

**Малака:** индивиднинг касбий фаолиятга тайёрланганлиги; ходимнинг муайян ишни бажариши учун зарур бўлган билими, малака ва кўникмалари. Ходимнинг малакаси улар тарификациясида акс этади (унинг малакасига, иш мураккаблигига, бажарувчининг аниқ ва масъулиятлилигига боғлиқ ҳолда ходимга тариф даражаси/синфини белгилаш).

**Малака даражаси:** малаканинг муайян босқичи доирасидаги касббий маҳорат даражаси. Малака даражаси индивиднинг ўқитилганлигига боғлиқ ва ҳажм, кўлам, билим ва уқув сифати каби меъёрлар билан тавсифланади. Малака даражаси — шахсий тавсиф ва меҳнатга ҳақ тўлаш дифференциацияси масаласини ҳал этиш, ходимларга даража ва тоифа беришда ҳисобга олинади.

**Маъруза:** етарли даражада академик тайёргарликка эга бўлган шахсларни ўқитишда фойдаланиладиган мустақил ишларнинг бир тури. Аналитик жанр сифатида маъруза таклиф этилаётган мавзуни чуқур тушунишни, турли мабалардан фойдалана

билишни, шунингдек, эмпирик материални таҳлил қила олишни талаб этади; маъруза тайёрлаш тадқиқий фаолият уқуви ва малакани шакллантиради.

**Медиа-таълим** (инг. media education) — педагогикадаги йўналиш, оммавий ахборот воситалари (матбуот, телевидение, радио, кино, видео ва ҳ.к.) қонуниятни ўрганади. Қуйидагилар медиа-таълимнинг асосий вазифалари ҳисобланади: янги авлодни замонавий ахборот шароитларида турмушга, турли ахборотларни қабул қилишга, инсонни уни тушунишга, унинг руҳиятга таъсири оқибатларини англашга ўргатиш, техника воситалари ёрдамида алоқанинг вербал бўлмаган шакллари асосида мулоқот қила билиш хусусиятини эгаллашга тайёрлаш.

**Мезон** (ар. вазн, ўлчов, торозу) — кўрсаткич, белги, бунинг асосида объект, жараён сифатини баҳолаш шаклланади, шундай баҳолаш ўлчови; билиш назариясида ҳолатнинг чин ёки сохталиги.

**Метод** (юн. methodos — тадқиқот йўли), **УСУЛ** — муайян мақсадга эришиш йўли, борлиқни амалий ёки назарий ўзлаштириш усуллари ёки операцияларининг мажмуи. Фан соҳасидаги усул билишнинг йўли бўлиб, бу йўлни тадқиқотчи ўз соҳасида очади; универсал усуллар бўлмайди, ҳар бир фан ва ҳар бир муаммо ўз-ўзига хос усулни талаб қилади

**Методик ишланма:** муайян курс бўйича ўқув материалини намунавий режалаштиришдан иборат ўқитувчига ёрдам тарзидаги методик нашр (ярим йиллик, йиллик), шунингдек, айрим дарслар конспекти.

**Методик ишлар:** ўқитувчилар, тарбиячиларнинг таълим муассасасидаги узлуксиз таълим тизимининг бир қисми. Қуйидагилар методик ишларнинг мақсади ҳисобланади: ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг энг самарали усул ва йўсинларини ўзлаштириш; педагогнинг ўқув-тарбия ишларини ташкил қилиш ва олиб боришга бўлган тайёргарлик даражасини ошириш; педагогик жамоа аъзолари ўртасида тажриба алмашиш, долзарб педагогик тажрибани аниқлаш ва тарғиб қилиш. Методик ишлар ўқув-тарбия жараёнини юқори даражада сифатли бўлишига эришиш учун йўналтирилади, педагогик таҳлил малакаси, назарий ва экперимент тадқиқотлар ривожланишига



кўмаклашади, педагогнинг кундалик амалий иши билан узвий боғланиб кетади.

**Методик тавсиялар:** таълим ва тарбиянинг самарали усулларини амалда тадбиқ этиш бўйича қисқа ва аниқ баён этилган таклифлар мажмуидан иборат методик нашр; таълим муассасалари, ўқитувчилар тажрибаларини, ўтказилган тадқиқотларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида ишлаб чиқилади.

**Модел** (лот. modulus — ўлчов, намуна): 1) *техника*да, ялпи ишлаб чиқариш учун бирор буюмнинг намунаси; 2) санъатда намоён этувчи предмет; рассомга қараб чизиши учун ўзини намуна тарзида тутувчи эркак (аёл); 3) *информатика*да, моддий объект, тадқиқ этилаётган объект функциясини ёки тузилишини акс эттирувчи математик боғлилик ёки программа тизими; 4) *педагогика*да, асл нусха-тизим баъзи муҳим хоссаларини акс эттирувчи объектлар ёки белгилар тизими; у ҳодисанинг умумлашган ифодаси, амалий тажрибанинг абстракт натижаси ҳисобланади, экспериментнинг натижаси бўлмайди. Психология ва педагогикада қўзғатувчи куч ва ҳис этиш интенсивлиги ўртасидаги боғлиликни тасвирлаш учун логорифмик функция модели, «унутиш эгри чизиғи» модели ва «машқлар (ёки такрорлашлар) сони билан билим ва малакаларнинг ўзлаштирилиш ҳажми (ёки миқдори) ўртасидаги миқдорий боғлилик» модели маълум. Матрица ва графлар назарияси восита ҳисобланади, булар ёрдамида ўқув материали тузилишини таҳлил қилиш, унинг турли унсурлари орасидаги ўзаро алоқаларни тасаввур этиш мумкин. Таълимнинг айрим томонларини математик моделлаштиришга, шунингдек, таълим мазмунини ижтимоий буюртманинг кўпбосқичли педагогик модели сифатида тасаввур этишга ҳаракат қилинмоқда.

**Модернизациялаш** (фр. Modern: энг янги): объектни такомиллаштириш, яхшилаш, янгилаш, уни янги талаб ва меъёрларга, техник шартларга сифат кўрсаткичларига мослаштириш.

**Модул** (лот. Modulus: ўлчов): 1) аниқ фанларда коэффициент (ёки сон), тегишли катталик кўрсаткичи ҳисобланади; 2) муайян тизимнинг қисми ва алмаштирилиш хоссасига эга функционал жиҳатдан якунланган бўғин (космик кеманинг модули ҳисоблаш техникасидаги оператив тизим модули).

**Модул асосида ўқитиш:** таълим технологияси, унинг моҳияти шундаки, таълим олувчи ўзига индивидуал тавсия этилган ўқув программаси билан мустақил ишлаши мумкин, бу программа ўз ичига маълумотлар жамғармасини ва методик кўрсатмаларни олади; ўз олдига шахснинг индивидуал талаблари ва унинг таянч тайёргарлик даражасига мослашиш мақсадини қўяди. Модул бўйича ўқитишда педагог ахборот бериш ва назорат қилиш вазифасидан ташқари маслаҳатчи ва уйғунлаштирувчи вазифасини ҳам бажаради. Модул асосида ўқитиш тамойилидан амалда фойдаланиш ўқув материалини унинг қисмлари бир-биридан узилиб қолмаган тарзда бўлишини таъминлайди, бу ўз навбатида ўқув материалини, унинг яхлит мазмунига путур етказмаган ҳолда ўзгартириш, қўшимчалар қилиш ва яратиш имконини беради.

**Мониторинг** (инг. Monitior: назорат қилмоқ, текширмоқ): 1) муайян жараён устидан унинг исталаётган натижага ёки бошланғич тахминларга мослигини аниқлаш мақсадларида мунтазам кузатиш; 2) *экологияда*, инсоннинг хўжалик фаолияти муносабати билан атроф муҳитдаги ҳолатни кузатиш, баҳолаш ва башоратлаш; 3) *педагогикада*, касбий таълим жараёнининг режа асосида диагностик кузатиш; мониторинг ўз ичига диагностикани, башоратлашни ва шахс касбий ривожланишини тўғрилашни ва таълим жараёнини олади; 4) оммавий алоқа воситаларида ахборот, маълумотлар йиғиш, радиотўлқинларини ушлашни жорий этиш; 5) *иқтисодда*, иқтисодиёт объектларини узлуксиз назорат қилиш, бошқарувнинг таркибий қисми сифатида улар фаолиятини таҳлил этиш.

**Монолог** (юн. monologos, monos: бирдан ва logos: нутқ): нутқ шакли, бир шахснинг кенг баён этилган фикри. Монологик нутқ анча давомий бўлади, бошқаларнинг луқмаси билан бўлинмайди ва олдиндан тайёргарликни талаб этади (масалан, маъруза, нутқ, ваъз ва б.); монологик нутқ тузилиши мураккаб, тугалланган фикрни, қатъий мантиқ ва тадрижийликни талаб қилади. У диологик нутқдан кенгроқ, унинг шаклланиши ўқувчилар учун махсус вазифа бўлади, буни бутун таълим йиллари мобайнида педагог ҳал қилишига тўғри келади.



**Мулоқот:** кишиларнинг мунтазам ўзаро жонли алоқа жараёни, инсоннинг ўз-ўзи билан ва олам билан алоқаси бор. Индивидлар кўп қиррали ҳаёт фаолияти, муносабати, ўз-ўзини намоён этиши ва ўзлигига эришишини таъминлайди; ахборотлар айирбошлаш, бир-бирини тушуниш, ишга оид ҳамкорлик, ижод, руҳиятни ривожлантиради, онгни бойитади. Мулоқот ҳаётда бир қатор муҳим вазифаларни бажаради, шулардан: коммуникатив мулоқот — кишилар ўртасидаги алоқани таъминлаш; информатив мулоқот — билимлар, уқувлар ва малакалар билан маънавий бойиш; педагогик мулоқот — онгни шакллантириш, ёшлар фаолияти ва муносабатини ташкил қилиш (қ. *Педагогик мулоқот*); маънавий – аҳлоқий мулоқот — инсон виждонидаги ташвишли ҳиссиётларни тинчлантириш, инсонпарварона хатти-ҳаракатлардан маънавий қониқиш, гўзаллик ҳиссиётини бошдан кечириш.

**Мулоҳаза:** 1) *мантиқда*, фикрнинг таклиф шаклидаги ифодаси. бунинг ёрдамида 2 тушунча (субъект ва предикат) боғланади. Мулоҳазага тушунчани предмет билан «дир» ёрдамида таалluқлаш киради; 2) ақлий ҳаракат, сўзловчининг ифода этилган фикр мазмунига алоқасини амалга оширади, унинг чинлиги ёки ёлғонлигига ишонч ёки шубҳа билан боғли бўлади.

**Мультимедиа** (лот. Multum: кўп ва инг. Media: восита): замонавий техникавий воситалар тизими, булар матнли информациялар, чизма тасвирлар, товуш (нутқ, мусиқа)лар, анимацион компьютер графикаси (чизма фильмлар, уч ўлчовли графика) билан бир бутунликда ишлаш имконини беради; жадал ривожланаётган ва истиқболли, айниқса, таълим соҳасидаги йўналишлардан бири.

**Мустақил иш:** 1) ўқувчилар фаолияти сезиларли даражада мустақил, устага боғли бўлмаган тавсифга эга бўлгандаги ишлаб чиқариш таълими даврига хос бўлган машқлар. Бунда асосий мақсад ўқувчиларда касбий мустақилликни шакллантириш ҳисобланади; 2) назарий ўқитишни ташкил қилиш шакли, унинг моҳияти мустақил билиш фаолиятидан иборатдир. Ўқувчиларни фаол мустақил ўқиш ишига тайёрлашнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади; ҳам дарс вақтида, ҳам дарсдан ташқари вақтда амалга оширилади. Касбий мактабларда дарсдан ташқа-

ри мустақил ишларнинг қуйидаги шакллари кенг ўрин эгаллайди: ўқув ва маълумотнома адабиётлари билан ишлаш; фан туркумлари бўйича машқлар бажариш; топшириқларни танлов асосида бажариш; таянч корхоналарда, лабораторияларда янги техника ва технологияларни ўрганиш.

**Мустақил таълим:** мутахассис ёрдамида ёки унинг ёрдамисиз вақти вақти билан консультация олиб бирор масала ёки муаммони мустақил ўрганиш асосига қуриладиган тадрижий ўқув фаолияти. Мустақил таълимнинг самараси интеллектуал ривожланганликка, шунингдек ўқув фаолияти кўрсатмаларига, билимга бўлган муносабатга, иродавий ва бошқа сифатларга боғлиқ. Мустақил таълим индивидуал ва гуруҳий шаклга эга, кейингиси биргаликдаги интеллектуал фаолиятга бўлган уқув ва малакаларни шакллантиради. Узлуксиз таълим тизимида мустақил таълим ташкиллаштирилган ўқув бўғинлари ва босқичлари ўртасида боғловчи вазифасини ўтайди, таълим жараёнига яхлитлик ва юқорига ҳаракатланиш тавсифини беради.

**Парадигма** (юн. Paradeigma: мисол, намуна): 1) *лингвистика*да, турланиш ёки тусланишнинг тури, намунаси; бир сўз, лексемаларнинг грамматик шаклларининг мажмуи; 2) асосий илмий муваффақиятлар (назариялар, усуллар) тизими, булар ёрдамида берилган вақт мобайнида билимнинг муайян соҳасида олимларнинг тадқиқий амалиёти ташкил этилади (таълим парадигмасининг алмашинуви — ўзгартириш, таълим тизимини қайта тузиш); 3) *фалсафа*да, таълим — муайян илмий тадқиқот (билим)ни белгиловчи ва мазкур босқичда тан олинган тахминлар мажмуи.

**Педагогик технология:** олдиндан лойиҳалаштирилган ўқув-тарбия жараёнини мунтазам ва тадрижий тарзда амалга оширишни таъминловчи технологик тартиблар йиғиндиси. Педагогик технология, бу — фақат таълимда техника воситаларидан фойдаланишигина эмас (педагогик технология илк бор шундай тушунилган эди), балки ўқув-тарбия жараёнини мазмундор техникавий амалга оширишдир, хусусан: конструкциялаш ва усуллар ҳамда материалларни қўллаш воситасида таълим самаралилигини оширувчи омилларни таҳлил этиш йўли билан таълим жараёнини оптималлаштириш тамойилларини



аниқлаш ва усулларини ишлаб чиқиш. Педагогик технологияни моддийлаштириш: дарсликлар, таълим методикаси, ўқитувчи, педагог-ўқитувчи фаолияти.

**Проректор** (лот. Pro: бирга ва rector: бошқариш): ректор ўринбосари; олий таълим муассасасидаги ишнинг муайян қисми бўйича масъул амалдор шахс.

**Профессор** (лот. Professor: мураббий): илмий унвон, олий таълим ва илмий тадқиқот муассасасининг мустақил курс олиб борувчи ҳамда илмий тадқиқот ишига раҳбарлик қилувчи юқори малакали ўқитувчиси ва илмий ходимига берилади.

**Семинар** (лот. Seminarium: кўчириб ўтказиш): 1) илмий ютуқлар ва илғор тажрибани ўрганиш, айирбошлаш ва тарқатиш ёки мутахассислар билим ва касбий малакасини ошириш мақсадларида ўтказадиган ўқув тадбири (қ. *Конференция*); 2) ўқувчиларни мустақил таълим олиш ва ижодий меҳнатга тайёрлаш учун мўлжалланган, ўқувчиларнинг билимларини чуқурлаштириш, кенгайтириш ва мунтазамлаштиришга қаратилган масалаларни мустақил олдиндан ишлаб чиқишлари ва муҳокама қилишларини, идроклаш уқувини ишлаб чиқиш ва ижодий фаолият тажрибасини шакллантиришни кўзда тутувчи таълимни ташкил этиш шакли.

**Сессия** (лот. Sessio: йиғилиш): 1) вакиллар органи, илмий муассасалар, жамиятлар йиғилиши, ишлаши даври; 2) олий, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида *семестр*лардан бирининг тугаши бўйича якуний аттестация даври.

**Сертификат** (фр. certificat, лот. Certum: ишончли ва facere: қилмоқ): 1) эгалик қилувчида муайян билим ва уқувлар мавжудлиги ҳақида далолат берувчи ҳужжат; 2) ёзма молиявий ҳужжат, эгаси муайян миқдордаги пул маблағини ўтказганлиги ҳолатини тасдиқловчи ва унга бундан келиб чиқадиган ҳуқуқларни берувчи гувоҳнома; 3) облигация тури; 4) товар сифатини тасдиқловчи ҳужжат (сифат сертификати, мувофиқлик сертификат); 5) умумий ҳолларда — у ёки бу далилни аниқлаштирувчи ҳужжат.

**Стандарт** (инг. Standard: меъёр, намуна): 1) ваколатли идоралар белгилаган ва тасдиқлаган тартибда ишлаб чиқилган муайян соҳаларда фаолиятни амалга ошириш учун мажбурий бўлган стандартлаштириш объектларига нисбатан меъёрлар,

қоидалар, талаблар мажмуини белгиловчи меъёрий-техникавий ҳужжат. Стандартлар моддий нарса (маҳсулот, эталон, моддалар намуналари)га ҳам, меъёр, қоида, турли тавсифдаги талабларга ҳам ишлаб чиқилиши мумкин; 2) бошқа худди шундай объектда таққосланадиган намуна, эталон.

**Классификатор** (лот. Classis: даража, синф ва facere: қилмоқ): объект (маҳсулот, товар, фан ва б.)ларнинг ҳар бири ўз ўрнини топишига имкон берувчи тизимлаштирилган рўйхат ва маълум (одатда рақамли) белги (шифр, код)лар; маҳсулотлар, товарлар, шунингдек, олий таълим йўналишлари ва ихтисосликларининг таснифловчилари маълум.

**Таълим:** Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунига мувофиқ бу, инсон, жамият, давлат манфаатлари йўлидаги аниқ мақсадга йўналтирилган таълим ва тарбия жараёни; фуқаролар (таълим олувчилар) давлат томонидан белгиланган таълим даражаси (таълим мезони)га эришувини таъминлайди. ЮНЕСКО ХТСТга мувофиқ «таълим» термини ўзида таълимга бўлган эхтиёжни қондириш мақсадларида амалга ошириладиган аниқ мақсадга йўналтирилган ва мунтазам фаолиятнинг барча турлари маъносини ўзида ифода этади. Таълим деганда ўқувни юзага келтирадиган ташкилий ва барқарор алоқа жараёни тушунилади. Хуллас, таълим, аввало, ўқувчиларда билимлар, уқувлар ва малакалар тизимлари шаклланишида ифодаланадиган таълим жараёнининг нисбий натижасидир, шунингдек, тарбия, ўз-ўзини тарбия, таъсир жараёни, яъни инсон қиёфасини шакллантириш жараёни; бунда билимнинг ҳажми эмас, балки уни шахсий сифатлар, ўз билимларини мустақил тасарруф этиш уқуви билан бирлаштириш асосий ҳисобланади.

**Узлуксиз таълим:** инсон бутун ҳаёти мобайнида олиши мумкин бўлган таълим. Узлуксиз таълим деганда, унинг ривожланиши тугамаслиги, тадрижий боғли бўлган бир неча босқичларга бўлиниши, ҳар бир босқич янги, анча юқори даражадаги босқичга ўтиш учун имкон яратиши тушунилади.

**Университет** (нем. Universitat, лот. Universitas: мажмуа): олий таълим ўқув муассасаси, назарий-илмий тадқиқотлар олиб бориш йўли билан таълимни, фан ва маданиятни ривожлантиришга ҳамда олий, ОТМдан кейинги, қўшимча таълим барча



даражаларида табиийилмий, гуманитар ва фан, техника ҳамда маданиятнинг бошқа йўналишларида кенг соҳа бўйича ўқитишга йўналтирилган. Университет таълимни ривожлантиришнинг етакчи маркази ҳисобланади, илмий билимларни тарқатишга кўмаклашади, аҳоли ўртасида маданий-маърифий фаолиятни амалга оширади. ХТСТ (Халқаро таълим стандарти таснифи) доирасида университет терминининг аниқ ифодаси учрамайди, чунки таълим муассасаларининг диверсификацияси бўйича университет ва университет бўлмаган таълим ўртасидаги чегара тобора йўқолиб бормоқда.

**Услуб:** 1) муайян қонуниятларга асосланган усул, ҳаёт ва ҳаракат тарзи. Шу маънода ижодий услублар ҳақида (Алишер Навоий даври услуби), маданият услуби ҳақида, айрим буюк шахсларнинг яшаш услуби ҳақида сўз боради; 2) ёзувчининг индивидуал ифодаси.

**Факультет** (нем. fakultat, лот. facultas): талабалар ва аспирантлар тайёрлашни амалга оширадиган олий таълим муассасасининг ўқув-илмий ва маъмурий бўлинмаси, декан бошчилигидаги билимнинг муайян соҳасига оид илмий фанлар бўйича кафедралар раҳбарияти мажмуи.

**Фан:** инсон фаолияти соҳаси, унинг вазифаси борлиқ ҳақидаги объектив билимларни ишлаб чиқиш ва назарий жиҳатдан тартибга келтиришдан иборатдир; ижтимоий онг шаклларидан бири; янги билимлар олиш бўйича ҳам фаолият, ҳам унинг натижалари, яъни оламнинг илмий манзараси асосида ётувчи билимлар йиғиндисини ўз ичига олади; илмий билим айрим соҳаларининг номланиши. Фаннинг бевосита мақсади бўлиб, тасвирлаш, борлиқдаги жараёнлар ва ҳодисаларни тушунтириш, башоратлашдан иборат, булар у очиб берадиган қонунлар асосида унинг ўрганиш объектини ташкил этади. Фан тизими шартли равишда табиий, ижтимоий ва техникавийга ажратилади. Фаннинг тараққиёти шундан иборатки, у ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, жамиятдаги муносабатларни такомиллаштиришда, жамият маънавий ривожланишида тобора ошиб бораётган аҳамиятга эга.

**Халқаро стандарт:** халқаро стандартлаштириш ташкилоти ва бошқа маҳсулотлар айрим турларини стандартлаштириш бўй-

ича ваколатли халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ва тавсия этилган стандарт.

**Шахс:** ижтимоий вазифани бажарувчи ва ҳаёт йўлини танлаш имкониятига эга тарихий-эволюцион жараён қатнашчиси бўлмиш инсон, мазкур жараён мобайнида улар табиатни, жамиятни ва ўз-ўзини ўзгартиришни амалга оширади. Фақат инсон ижтимоий муносабатлар онгли яратувчи фаолият субъекти сифатида шахс бўлиб етишади, яъни муайян (ижтимоий, тажрибавий, интеллектуал, генетик) сифат ва хусусиятларни намоён этади. Булар муайян ижтимоий жамоада ўз ҳаёт фаолиятини амалга оширишга имкон беради, уни ҳар томонлама, гармоник ривожланган шахсга айлантиради.

**Шахсий ёндашув:** ўз-ўзини ривожлантиришга онгли равишда масъул ва тарбиявий ўзаро таъсир субъекти бўлган шахс сифатида тарбияланувчига педагогнинг тадрижий муносабати. Шахсий ёндашув — педагогнинг ҳар бир ўқувчи ва жамоа билан ўзаро ҳаракат қилиш позициясини белгилайдиган таянч қадриятлар йўналиши; тарбияланувчига ўзини шахс сифатида ҳис этишга, имкониятларини аниқлаш ва очишга ёрдамлашишни назарда тутади.

**Шахсий-йўналтирилган таълим:** таълим тизими, ўқитилаётганларда мустақил таълим олишларини, ўз йўналишларини ўзлари белгилашларини, ўз имкониятларини мустақил кўрсата олишларини ривожлантириш учун самарали шароитлар яратилганда ўқувчилар ва педагогларнинг биргаликда фаолият кўрсатишини ташкил этишга асосланади. Шахсий йўналтирилган таълим белгиланган хоссаларни шахсда шакллантириш билан шуғулланмайди, балки тўлақонли намоён этиш учун, шунга мувофиқ тарзда, таълим жараёни субъектлари шахсий функциясини ривожлантириш учун шароит яратади.

**Эксперт баҳолаш усули:** *педагогика*да, мутахассисларда ахборот олишга йўналтирилган мантиқий ва математик тартиблар мажмуи, уни самарали ечим тайёрлаш ва танлаш мақсадида таҳлил қилиш, умумлаштириш. Усулнинг моҳияти шундан иборатки, бунда экспертлар сифат ёки миқдорий баҳолаш ва индивидуал фикр натижаларини расмий ишлаб чиқишни амалга оширадилар (қ. *«Дельфи» усули*). Эксперт усули ёрдамида



асосан сифат, расмийлашмаган белгилар асосида тавсифланувчи мураккаб педагогик жараёнлар таҳлилини ўтказиш мумкин; билим соҳаси ривожланишини, таълим ва тарбия жараёнларини ҳамда уларнинг ташқи муҳит билан ўзаро таъсирини башоратлаш мумкин; ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг энг мақбул кўринишларини ажратиш ва муқобил ечимларни баҳолаш мумкин. Ўқувчилар билим ва ўқувларини баҳолашда субъективликни истисно этмаслиги, баҳолаш натижаларини экспертнинг шахсий касбий ва маънавий сифатларига боғли қилиб қўйиши усулнинг жиддий камчилиги ҳисобланади (кўпинча ўқитувчи ёки имтиҳон комиссияси эксперт вазифасини ўтайди); нисбатан соддалиги, қиммат тушмаслиги ва оммавий амалиёт учун қулайлиги усулнинг афзалликлари ҳисобланади.

**Ўзлаштириш:** индивиднинг ижтимоий-тарихий тажрибага эга бўлишининг асосий усули. Ўзлаштириш жараёнида инсонлар предметлар ўзига хос аҳамиятларини ва улар билан муомала қилиш усулларини ўрганадилар, шунингдек, бошқа кишилар билан муомала қилиш шакллари ва хулқ-атворнинг ахлоқий асосларини эгаллайдилар. Ўзлаштириш — бирор янгини ўзи учун хос, одатдагига айлантириш уқуви, бирор нарсани тушуниб ва англаб етиб ёдлаш, эслаб қолиш. Ўзлаштириш — ўқувчиларнинг ўқув фаолиятида муҳим компонент ҳамда натижа; у ўз навбатида қуйидаги компонентларни ўз ичига олади: ўқув материалини тасаввур этиш, уни англаш ва идроклаш, эслаб қолиш, умумлаштириш, тизимлаштириш ва қўллаш. Ўзлаштиришнинг барча компонентлари ўзаро жипс боғли, бир-бирига қўшилиб кетади ва биргаликда муайян ўқув жараёнига кириб боради.

**Ўқитувчининг инновацион фаолияти:** ўқитиш ва ўқувчиларни тарбиялаш амалиётида педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва фойдаланиш фаолиятига ўқитувчининг жалб бўлиши, таълим муассасасида муайян инновация муҳитини яратиш. Замонавий касбий мактабда бой педагогик тажриба тўпланган, у муайян ўқитувчилик фаолиятида амалга оширилиши лозим.

**Ўқув модели:** табиий объектларни сунъий тарзда қайта тикловчи ва уларнинг тузилиши, хусусиятли томонлари, алоқалари

ва муносабатларини берувчи ўқув-кўргазмали тасвирий қўлланма, объект қурилишининг тархи, шартли қиёфаси ва ҳ.к.

**Ўқув фанининг мазмуни:** муайян касб учун хос бўлган фаолият усуллари ёки объектлар, ҳодисалар (жараёнлар) ҳақидаги маълум ахборот. Ўқув фанлари объектлар, ҳодисалар ва фаолият усуллари таркибига кўра фарқланади, гарчи ўқув фанлари умумий объектлар ёки ҳодисаларга эга бўлса-да, шунингдек, фаолият усуллари ҳам умумий ҳисобланса-да; бундай ҳолда улар ўртасида фанлараро алоқа мавжуд бўлади.

**Ўқув-услубий мажмуа:** ўқув-тарбия жараёнини тизимли тавсифлаш лойиҳасидан иборат барча ўқув-услубий ҳужжатлар (режалар, программалар, методика, ўқув қўлланмалар ва ҳ.к.). Булар кейинчалик амалда жорий этилади; мутахассислар тайёрлашни *бошқаришнинг дидактик воситаси* ҳисобланади. Ўқув жараёнини тизимли-услубий таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилади. ЎУМ педагогик тизим ва унинг унсурларини муайян тарзда акс эттирувчи, педагогик тизим тузилишини белгиловчи педагогик тизимларнинг ахборот моделлари мажмуи ҳисобланади. ЎУМга киритиладиган ҳужжатлар рўйхати: фанлар бўйича ўқув программалари; ишчи ўқув программаси, кафедрада ўтказиладиган ўқув машғулотларининг асосий турлари бўйича методик кўрсатмалар; талабалар мустақил иш жадвали; ихтисослаштирилган аудитория рўйхати (агар шундайи бўлса) ва фанлар бўйича талабаларнинг ўқув адабиётлари билан таъминланганлик картаси.

**Ҳамкорликдаги таълим:** усуллар, ўқувчиларнинг назарий ва амалий тайёргарлиги турли-туманлигига асосланувчи гуруҳ таълими усули, у ўрганилаётган асосий ва қўшимча ахборотларнинг айирбошланиши, укув ва малакаларнинг биргаликда сайқалланиши, ўзлаштириш мустаҳкамлигини ўзаро текширишдан иборатдир. Ҳамкорликдага таълим ҳар бир ўқувчига навбатма-навбат ўқитувчи ва ўқувчи вазифасини бажариш имконини беради, биргаликда ҳаракат қилаётган шериклар билимининг мустаҳкамланишига кўмаклашади, уларнинг фикрлаши, тасаввури, нутқи ва ички ўз-ўзини рағбатлантиришини фаоллаштиради.



**Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки,** ўзини ўзи ривожлантириш – бу мураккаб ва кўп босқичли жараён бўлиб, у бўлажак мутахассиснинг келгусидаги касбий фаолиятида намоён этадиган шахсий потенциал имкониятларини билиш жараёни ҳисобланади. Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси шахснинг мустақил таълим олишга эҳтиёжи ва қобилиятидан иборат бўлиб, бу унинг аниқ мақсад қўйиш зарурлигини ва ўзининг имкониятлари ва қобилиятларини фаоллаштириш худди ана шу билан боғлиқ эканини англаганини билдиради.

Талабаларнинг анъанавий ва масофавий таълим шароитида шахсий-касбий ўзини ўзи ривожлантиришишга таълим муассасасининг ижтимоий-маданий муҳитининг барча ташкил этувчилари (табиий, предмет, ижтимоий, маданий) таъсир кўрсатади ва жараённи таълим кластери субъектлари фаолиятининг узвийлигига устуворлик бериш асосида такомиллаштириш лозим.

Шундай қилиб, ўқув-билиш фаолияти шароитларида талабаларни ўзини ўзи ривожлантириш фаолиятига йўналтириш, уларнинг мутахассис сифатида ўзини ўзи шакллантиришга имкон беради. Бу талабаларнинг педагогик фаолиятнинг моҳияти ҳамда таълим жараёнидаги педагог функциялари тўғрисидаги тасаввурларни бойитибгина қолмасдан, балки ўзининг ўзига хослигини намоён этишга, ўзини ўзи фаоллаштиришга кўмаклашади.

## ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

### I. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

4. Мирзиёев Ш.М. Мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур. https://uza.uz/uz/posts/maktab-talimini-rivozhlantirish-umumkhal-arakatiga-aylanishi-23-08-2019

5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018,

6. "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2016 йил 14 сентябрь, ЎРҚ-406-сон.

7. Таълим тўғрисидаги Қонун 2020 йил

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947- сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида" Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4210-сонли Қарори.



11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги "Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги ПҚ-4391-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабр "Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли қарори // https://lex.uz/docs/4676839.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябр "Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар" тўғрисидаги ПҚ-4884-сонли қарори // https://lex.uz/docs/5085887

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 феврал "Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари" тўғрисидаги ПҚ-4623-сонли қарори // https://lex.uz/docs/4749364

18. Абдалова С.Р. Мустақил таълимни ташкил этиш технологияси. Ўқув қўлланма. - Тошкент, 2009, - 100 б.

19. Авлиёқулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари.- Бухоро: Матбаа, 2001. - 68 б.

20. Алихонов С. Дарс жараёнида муаммоли таълим масалалари // Касб- ҳунар таълими, 2006.-№5. - Б.8-9.

21. Андреев, А.Л. Компетентностная парадигма в образовании: опыт философско-методологического анализа // Педагоги-

ка. - 2005. - № 4. - С. 19-27.

22. Антоненко Е.Р. Формирование интеллектуально-познавательной компетентности как фактора развития культуры самостоятельной учебной деятельности обучающихся : дис. ... канд. пед. наук / Е.Р. Антоненко. - Владикавказ, 2010. -176 с.

23. Бабина Светлана Валерьевна “Формирование компетенции профессионального саморазвития студентов вуза” // Автореферат диссертации кандидата педагогических наук. – Москва, 2008.

24. Бермус, А.Г. Проблемы и перспективы реализации компетентностного подхода в образовании [Электронный ресурс]. - Режим доступа: http://www.eidos.ru/journal/2005/0910-12.htm, свободный.

25. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. -М.: ИТПИМИО, 1995.-169 б.

26. Болотов, В. А. Компетентностная модель: от идеи к образовательной программе [Текст] / В.А. Болотов, В.В. Сериков // Педагогика. - 2003. - № 10. - С.8-14.

27. Волчегорская, Е.Ю. Модель формирования познавательно--аналитической компетенции младших школьников средствами исследовательской деятельности [Текст] / Е.Ю. Волчегорская, О.В. Рябова. // Вестник Челябинского государственного педагогического университета. 2016. - № 7. - С. 19-24.

28. Востриков, А.А. Основы теории и технологии компетентностного подхода в элитной школе. Авторская модель. [Текст] / А.А. Востриков. - Томск: Продуктивная педагогика, 2006. - 218 с.

29. Дахин, А.Н. Компетенция и компетентность: сколько их у российского школьника? [Текст] / А.Н. Дахин, М.Е. Бершадский // Народное образование. - 2004. -№ 4. - С. 136 -138.

30. Ермаков Д.С.. Компетентный подход в образовании // Ж. Педагогика. № 4.-М.,2011.- С. 8-15.

31. Жалолова Л. Интерфаол методлар асосида талабаларнинг нутқий фаоллигини ошириш. Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: инновация ва истиқболлар. Халқаро илмий конференция. – Тошкент:. – 2018. – Б.267.

32. Зеер, Э.Ф. Ключевые компетенции, определяющие качество образования / Э.Ф. Зеер // Образование в Уральском реги-



оне: научные основы развития: тез. докл. II науч.-практ. конф. - Екатеринбург: Изд-во Рос. гос. проф.- пед. ун-та. - 2002. - Ч.2. - С. 23 - 25.

33. Зиёмухаммадов Б. Илғор педагогик технологиялар: назария ва амалиёт. -Т.: Абу Али Ибн Сино, 2001. - 80 б.

34. Мавлянов А., ва б.қ. Педагогик технология тамойиллари асосида дарс машғулотларини олиб бориш технологияси. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент, 2010 . -117 б.

35. Мавлянов А., ва б.қ. Ўқув машғулотларини ташкил этишда таълим технологиялари. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2013. -142 б.

36. Нишонова З. Мустакил фикр ривожланганлигининг психологик мезонлари // Халк таълими. - Тошкет, 2001.- №1.- Б. 38 - 40.

37. Олимов Т. Таълим технологиялари. Монография УМКХТТКМО ва КТИ. -Т.: 2007. -102 б.

38. Оплетин А.А. Педагогическая система по формированию компетентности саморазвития у студентов вуза / Педагогико-психологические и медико-биологические проблемы физической культуры и спорта, №2(31) 2014

39. Сайдахмедов Н. Янги педагогик технология мохияти ва замонавий лойихаси. -Т.: 1999. - Б.7-8.

40. Таълимда илғор хорижий тажрибалар. Ўқув-услубий мажмуа. – Т:. – 2017. -190 б.

41. Тожиев М., Зиёмухаммадов Б., Ўралова М. Педагогик технология ва педагогик маҳорат фанининг ўқув машғулотларини лойиҳалаш (Педагогик технология миллий моделининг амалиётга татбиғи)./Ўқув қўлланма. Т.: «TAFAKKUR-BO'STONI», 2012. -196 б.

42. Турдиев Н.Ш., Асадов Ю.М., Акбарова С.Н., Темиров Д.Ш. Умумий ўрта таълим тизимида талабаларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари. Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадкикот институти, Т.: 2015.-160 б.

43. Усаров Ж.Э. Физика ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг компетенцияларни ривожлантиришнинг дидактик жиҳатлари. “Mashhur-press” Тошкент-2019. 192 бет.

44. Халилов Н. Мустақил таълим шакллари // Халк таълими. - Тошкент, 2002.- № 5.- Б. 88 - 89.

45. Хуторской, А.В. Ключевые компетенции как компонент личностно-образовательной парадигмы образования [Текст] / А.В. Хуторской // Народное образование. - 2003. - № 5.- С. 58-64.

46. Юнусова Ш. Талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятини шакллантириш // Халк таълими. - Тошкент, 1997. - №5. - Б. 53 - 55.

**Усаров Жаббор Эшбекович**
**Бабаходжаева Лобар Гафурджановна**
**Шарипова Гулрухсор Нурқабиловна**
**Эшнаев Нортожи Жумаевич**

Муҳаррир: Х. Тахиров
Техник муҳаррир: Т. Рахматуллаев
Мусаҳҳиҳ: Н. Исматова
Саҳифаловчи: А. Мухаммад

Нашр. лиц № 2244. 25.08.2020 й.
Босишга рухсат этилди 24.12.2021 й.
Бичими 60x84 $^1/_{16}$. Офсет қоғози. "Times New Roman" гарнитураси. Ҳисоб-нашр табоғи. 12,0.
Адади 100 дона. Буюртма № 73.

«MALIK PRINT CO» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси.

- 12181 -
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI